

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ВОҲИДЖОН ТОПИЛДИЕВ

РИМ ҲУҚУҚИ

*5380100-Юриспруденция бакалавриат таълим
йўналиши талабаларига мўлжалланган*

МАЖБУРИЙ
НУСХА

Тошкент
«Янги аср авлоди»
2013

Классификация	100
УДК	342.01
Описание	

УЎК: 348.1(075)

КБК: 67.412.2

Т - 67

- *Калмаро Омидовий хуш.*

Топилдиев, Воҳиджон Раҳимжонович

Рим ҳуқуқи: юриспруденция бакалаврият таълим йўналиши талабалари учун дарслик / В.Р.Топилдиев; Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги. -Тошкент: Янги аср авлоди, 2013. 260 б.

ISBN 978-9943-27-066-4

Ушбу дарсликда Рим ҳуқуқи тушунчаси, предмети, тизими ва манбалари, ҳуқуқни ҳимоя қилиш шакллари, шахслар тушунчаси, оилавий ҳуқуқий муносабатлар, ашёвий ва мулкый ҳуқуқлар, мажбурият ҳуқуқи тушунчаси ва мажбуриятларнинг алоҳида турлари, ворислик ҳуқуқи масалалари ёритиб берилган.

Дарслик олий ўқув юртларининг ҳуқуқшунослик мутахассислиги талабаларига, тадқиқотчилар ва докторантларга мўлжалланган.

УЎК: 348.1(075)

КБК: 67.412.2

Тақризчилар:

И.ЭГАМБЕРДИЕВ,

юридик фанлар доктори, профессор

Б.ТОШЕВ,

юридик фанлар доктори, профессор

Масъул муҳаррир:

Р.ЎЗИЕВ,

юридик фанлар доктори, профессор

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан 5240100 - Юриспруденция бакалаврият таълим йўналиши талабалари учун дарслик сифатида тавсия этилган

*НО 41432
281*

ISBN 978-9943-27-066-4

© В.Топилдиев, «Рим ҳуқуқи». «Янги аср авлоди», 2013 йил

2013/00
A7832

Alisher Navoiy

nomidagi

O'zbekiston MK

КИРИШ

Ўз касбини яхши эгаллаган, чуқур билимли мутахассис кадрлар тайёрлаш, уларнинг замонавий билимлар асосида таълим олиши мустақил давлатимиз олдида турган долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Чунки мамлакатнинг иқтисодий тараққиёти омиллари, ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий соҳаларидаги ислоҳотларнинг жадаллашуви умуман бозор муносабатларини янада ривожлантириш кўп жиҳатдан юксак малакали, маънавий-ахлоқий пок кадрларга боғлиқ.

Юридик таълим тизимида Рим ҳуқуқи фани алоҳида ўрин тутди. Рим ҳуқуқи фани бўйича ҳозирги кун талаблари асосида Ўзбек тилида фундаментал дарслик яратиш долзарб вазифалардан биридир.

Рим ҳуқуқи бундан XXV аср муқаддам Рим қулдорчилик давлатининг маҳсули бўлган, ҳозирда мавжуд бўлган барча ҳуқуқ соҳаларининг негизини белгилаб берган, жаҳон тарихи ва ҳуқуқий маданиятида алоҳида из қолдирган фуқаролик ва савдо ҳуқуқларининг вужудга келишида асос сифатида хизмат қилган ҳуқуқий хазиналардан ҳисобланади.

Бу соҳа «Рим ҳуқуқи», «Рим фуқаролик ҳуқуқи» ёки «Рим хусусий ҳуқуқи» деб аталишидан қатъий назар, унинг мазмун ва моҳияти ўзгариб қолмайди. Чунки қадимги Рим қулдорчилик давлатининг бирдан-бир ҳуқуқи фуқаролик ҳуқуқи бўлиб, ҳатто дастлабки пайтларда жиноий жазо билан боғлиқ бўлган хатти-ҳаракатлар ҳам бевосита фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар билан тартибга солинган.

Ушбу дарсликда Рим ҳуқуқи тушунчаси, тизими ва манбалари, ҳуқуқни ҳимоя қилиш шакллари, шахслар тушунчаси, оилавий ҳуқуқий муносабатлар, ашёвий ва мулкый ҳуқуқлар тўғрисидаги таълимотлар, мажбурият ҳуқуқи, шартнома ҳуқуқи ҳамда уларнинг алоҳида турлари, ворислик ҳуқуқи масалалари ёритиб берилган.

Албатта мамлакатимизда бу фаннинг ўқитилишини такомиллаштириш ва биринчи ўқув адабиётларини ёзиш борасида ўзбек олимларидан Ш.З.Уразаев, О.Э.Эрназаров, Л.М.Бурханова, З.Шомухамедова, Х.Муҳамедов, Р.Ж. Рўзиев ва бошқалар¹ бир қатор ишларни амалга оширганлар.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида таъкидланганидек, «Инсон, унинг ҳар томонлама уйғун камол топиши ва фаровонлиги, шахс манфаатларини рўёбга чиқаришнинг шароитларини ва таъсирчан механизмларини яратиш, эскирган тафаккур ва ижтимоий хулқ атворнинг андозаларини ўзгартириш Республикада амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг асосий мақсади ва ҳаракатлантирувчи кучидир. Халқнинг бой интеллектуал мероси умумбашарий қадриятлар асосида замонавий маданият, иқтисодиёт, фан-техника ва технологияларнинг ютуқлари асосида кадрлар тайёрлашнинг мукамал тизимини шакллантириш Ўзбекистон тараққиётининг муҳим шартидир»¹

XXI асрда Ўзбекистон таълим тизимини ислоҳ қилиш ва такомиллаштириш устувор вазифалардан биридир. Бу эса ҳуқуқшунос олимларимиз зиммасига тегишли ўқув фанлари бўйича ўқув адабиётларни ҳозирги давр талаби ва илм-фаннинг сўнгги ютуқларини ҳисобга олган ҳолда янгилаб бориш, ўзбек тилида ўқув адабиётларини яратиш вазифасини юклайди.

Рим ҳуқуқи инсоният тарихида ҳуқуқ соҳаларини ва умуман ҳуқуқ тизимини шаклланиши ва ривожланишининг асосини ўзида акс эттириб ҳуқуқий маданиятнинг муҳим жиҳатларидан бирини, яъни Рим юриспруденциясини ташкил этган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, «Ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади ... Тарих сабоқлари инсонни ҳушёрликка ўргатади, иродасини

¹ Ш.З.Уразаев. Римское право. Учебное пособие –Т., Академия 2000.

О.Э.Эрназаров. Рим ҳуқуқи. Дарслик. –Н., 2005.

Л.М.Бурханова. Римское право –Т., Университет. 2002.

З.Шомухамедова. Рим хусусий ҳуқуқи. Дарслик. –Т., 2002.

Х.Муҳамедов. Хорижий мамлакатлар давлати ва ҳуқуқи тарихи. Дарслик. –Т., «Адолат» 1999.

Р.Ж.Рўзиев В.Р.Топилдиев. Рим фуқаролик ҳуқуқи. –Т., «Фалсафа ва ҳуқуқ институти» Ўқув қўлланма. –Т., 2005.

мустаҳкамлайди... Инсон учун тарихдан жудо бўлиш – ҳаётдан жудо бўлиш демакдир».²

Шу маънода Рим ҳуқуқи тўғрисида тасаввурга эга бўлиш, уни билиш ва ўрганиш тарихимизни, хусусан ҳуқуқий маданиятимиз тарихи ҳамда ҳозирда мавжуд бўлган ҳуқуқ тизимимиз ва ҳуқуқ соҳалари негизларини чуқур англашимизда муҳим аҳамият касб этади.

Ушбу дарсликни ёзиш жараёнида муаллиф етук ҳуқуқшунос олимларнинг жумладан, А.И Косарев, М. Бартошек, И.Б Новицкий, З.М.Черниловский, Л.В.Кружалова, Д.В.Дождёв ва бошқа олимларнинг ўқув адабиётларидан кенг фойдаланган.

Ушбу дарслик муаллифнинг 2001–2010 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ҳуқуқшунослик факультети талабаларига ўқиган маърузалари асосида ёзилган бўлиб, у олий ўқув юртлари ҳуқуқшунослик факультети талабалари, магистрантлари, аспирантлари, тадқиқотчилари ва суд амалиёти ходимлари ва шу соҳа билан қизиқувчиларга мўлжалланган.

Б.Б.САМАРХЎЖАЕВ,
юримдик фанлар доктори,
профессор

² Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқи. –Т., «Шарқ», 1998.

1-БОБ. РИМ ҲУҚУҚИ ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ

- 1-§. Рим ҳуқуқи тушунчаси ва унинг предмети.
- 2-§. Рим ҳуқуқини тарихий даврларга бўлиниши.
- 3-§. Рим ҳуқуқини эксплуатацияга асосланган давлатлар ҳуқуқи ривожланишидаги роли.
- 4-§. Рим ҳуқуқини ўрганишнинг юристлар учун аҳамияти.

1-§. Рим ҳуқуқи тушунчаси ва унинг предмети

Рим ҳуқуқи Рим қулдорчилик давлатининг, алоҳида шахсларни, фуқароларнинг мулкий муносабатларини ва мулк билан боғлиқ бўлган шахсий номулкий тусдаги ҳамда умуман мулк билан боғлиқ бўлмаган бошқа шахсларга ўтказиб бериб бўлмайдиган шахсий номулкий муносабатларини ҳамда оилавий ҳуқуқий муносабатларини тартибга солади.

Қадимги Рим жамиятида дастлаб ҳуқуқ соҳаларидан биринчи бўлиб, фундаментал ҳуқуқ соҳаси сифатида фуқаролик ҳуқуқи вужудга келди. Дастлаб барча содир этилган ҳаракатлар, муносабатлар, одат нормалари, анъаналар, ота-боболар томонидан қолдирилган маросимлар, диний муносабатлар, орқали тартибга солинган бўлса ҳам, лекин бу нормалар жамият ривожланишининг такомиллашиб бориши натижасида аста-секинлик билан ёзма равишдаги муносабатларга ўта бошлади.

Ана шундай асосда вужудга келган ёзма равишдаги муносабатлар дастлаб фуқаролик ҳуқуқий муносабатларини келтириб чиқарди ва уларнинг ҳаракат доирасини нихоятда кенг қилиб белгилади. Дарҳақиқат, вужудга келган барча ҳаракатлар, ҳатто жиноят элементлари билан боғлиқ ҳаракатлар ҳам дастлаб фуқаролик ҳуқуқий нормалари билан тартибга солиниб, фуқаролик ҳуқуқининг ривожланиши учун катта асос ва замин яратган.

Бундан икки минг беш юз йил илгари қулдорчилик тизими асосида Рим қулдорчилик жамиятида буюк Рим фуқаролик ҳуқуқи вужудга келган бўлиб, у икки қисмга яъни оммавий (публичное) ва хусусий (частное) ҳуқуқларга бўлинган.

Қадимги Римнинг машҳур тарихчиси Тит Ливий (янги эрамининг I асри) Римдаги мавжуд бўлган одат нормаларидан келиб чиққан ёзма қонун «XII Жадвал» қонунига оммавий ва

хусусий ҳуқуқнинг ҳам манбасидир деб ҳақиқий таъриф берган эди.

Ҳақиқатан ҳам **XII Жадвал қонунлари** янги эрамиздан илгари 451-450 йилларда вужудга келиб, барча мавжуд бўлган оғзаки равишдаги одат нормаларини ёзма ҳолатга келтириб, мужассамлаштириб қонунга айлантирган. Ана шу қонун Рим фуқаролик ҳуқуқининг ривожланишида дастлабки асослардан бўлиб ҳисобланади.

Рим давлатида **оммавий (ius publicum)** ҳуқуқ деганда давлат манфаатларини, эркини, унинг ҳуқуқий ҳолатини ҳимоя қиладиган, унинг статуси билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий нормалардан ташкил топган муносабатларга айтилган.

Рим қулдорчилиқ давлатининг машҳур юристларидан бири Ульпиан оммавий ва хусусий ҳуқуқнинг бир-биридан фарқини кўрсатиб таърифлайди:

Оммавий ҳуқуқ – бу давлатнинг ҳуқуқий ҳолати (статуси) билан белгиланадиган, хусусий ҳуқуқ эса алоҳида шахсларнинг манфаати, фойдаси билан боғлиқ бўлган ҳаракатлардан ташкил топган. Бу таърифдан кўриниб турибдики, оммавий ҳуқуқ ҳақиқатан ҳам давлат манфаатини кўзловчи, уни ҳимоя қилувчи ҳуқуқий нормалар мажмуасидан иборатдир.

Рим ҳуқуқида **ius** (юс) сўзи ҳар хил яъни «ҳуқуқ», «ҳуқуқдорлик», «ваколат», «ҳуқуқ нормалари» деган тушунчаларда, мазмунда ишлатиб келинган.

Оммавий ҳуқуқда эса «ҳуқуқ нормалари» сифатида қўлланилиб, у давлатни идора этиш, давлат органлари тизими, уларнинг ваколати, компетенцияси, мансабдор шахслар тушунчаси, муассасалар, давлатни иродасини, эркини амалга оширувчи ҳужжатлар ва барча фуқаролар учун мажбурий ва бажариши шарт бўлган ҳамда шахсларнинг келишиши асосида ўзгартирилиши мумкин бўлмаган йиғиндиси тушунилган. Шу боисдан оммавий ҳуқуқ давлат статуси билан боғлиқлигини, хусусий ҳуқуқ эса алоҳида фуқароларнинг эрки, иродаси ва манфаатига доир ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишини эътиборга олиб, ушбу қўлланмада Рим давлатининг хусусий ҳуқуқи **ius civile** ни (юс сивилени) кўриб чиқамиз.

Хусусий ҳуқуқ алоҳида шахсларнинг эрки, иродаси ва манфаатларини кўзлар экан, у энг аввало ҳуқуқ субъектларининг ихтиёрий равишда мустақил ўз хоҳиш-иродаларининг, автономия, эркин рақобат, фуқаронинг ўз ҳуқуқини ҳимоя қилиш ёки қилмаслигини ўзи ҳал этишини, даъво қилиш ёки рад этиш, меросни қабул қилиш ёки ундан воз кечиш каби ва бошқа бир қатор муносабатларга киришиш ёки киришмаслигини ўз ихтиёри, эрки асосида амалга оширишини таъминлайди.

Рим қулдорчилиқ давлатида, хусусан унинг фуқаролик ҳуқуқида *ius civile* (фуқаролик ҳуқуқи) кенг қамровли тушунчалардан иборат бўлган.

«*ius civile*», баъзан преторлар ҳуқуқига қарама-қарши қўйилган, кўпчилиқ ҳолатларда эса шу давлатдаги барча ҳуқуқий нормаларнинг йиғиндиси ёки давлат қонуни деб ҳам тушунилган. Иқтисодда ҳукмрон бўлган синф ўз эрки, манфаатини, амалга оширишда бу тушунчалардан ўз мақсадлари йўлида фойдаланганлар.

Латин тилида фуқаролик «*civilis*» деган тушунчани берган. Лекин «*ius civile*» қадимги Рим қулдорчилиқ давлатида асосан фуқаролик ҳуқуқини англатган бўлса ҳам, лекин ҳозирги замон фуқаролик ҳуқуқида тўлиқ бу тушунчанинг маъносини бермайди.

Рим қулдорчилиқ давлатида «*ius civile*» асосида, биринчидан, қадимги Рим давлатининг миллий ҳуқуқи тушунилиб, улар фақат квинитларга қўлланилган. Шунинг учун баъзан уни «квинитлар ҳуқуқи» деб ҳам аташади. Худди шу ҳолатда бу ҳуқуқ, яъни квинитлар ҳуқуқи сифатида халқлар ҳуқуқи «*ius gentium*» (юс генциум)га қарама-қарши қўйилади. Чунки халқлар ҳуқуқлари бутун Рим давлатидаги истиқомат қилиб турган барча инсонларга қўлланилган.

Халқлар ҳуқуқи – перегринлар ва Рим фуқаролари ҳамда бошқа фуқароларга, фуқаролиги бўлмаган шахсларга ҳам қўлланилганлиги учун уни фуқаролик ҳуқуқининг маълум бир тури сифатида тан олинган.

Дарҳақиқат, ушбу муносабатлардан келиб чиқиб, Рим давлатида учта ҳуқуқий тизим вужудга келган, яъни цивил ҳуқуқлари, халқлар ҳуқуқлари ва преторлар ҳуқуқлари. Ҳозирги замон

тушунчасига ва талабларига асосан бу учта тизимнинг йиғиндиси «*ius privatum*» (юс приватум), яъни хусусий ҳуқуқни келтириб чиқарган.

Рим хусусий ҳуқуқининг асосий мақсади қулдорларнинг эрки, манфаатларини кўзлаб, қулларнинг объект эканлигини ва уларни аёвсиз эксплуатация қилиш учун қонунларни истаган тарзда талқин қилиш орқали мулкдорларнинг манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат бўлган. Лекин Рим давлатида яшаб турган барча фуқаролар ҳам озод бўлиб Рим фуқароси сифатида тан олинмаганлар. Рим жамоасига киритилмаган шахсларнинг барчаси душман сифатида кўрилган ва уларни «*hostis*» (хостис) душман деб аташган.

Ҳақиқатан ҳам Рим ҳуқуқи яхшилик, эзгулик, адолат ва қонунийлик тамойилларига асосланар экан, улар учун қулдорлар, қуллар ва шу ҳудудда яшаб турган барча инсонлар ҳамда аҳоли тенг ҳуқуқ ва бурчларга эга бўлганлар. Масалан, император Юстинианнинг Дигестида «**Тўғри яшамоқ, бошқа одамга зарар келтирмаслик, ҳар кимга ўзига тегишли бўлган нарса-ни бермоқ**» деган сўзлардан шу мазмун келиб чиқадики, Рим ҳуқуқининг асосини яхшилик, адолат ва қонунийлик ташкил этган. Лекин эксплуатацияга асосланган ҳар бир жамият ўзининг иқтисодда ҳукмрон бўлган синфларининг эркини, манфаатини кўзлайди ва бу манфаатларни қонунлар асосида мустаҳкамлайди. Айтиш жоизки, Рим давлати ҳам бундан мустасно бўлмаган.

Юқорида қайд қилинганидек, Рим ҳуқуқи асослари хусусий муносабатларни ўрганар экан, шундан келиб чиқиб унинг қандай муносабатларни ўрганишини аниқлаш лозим.

Рим хусусий ҳуқуқи асосан қуйидаги институтларни мулк ҳуқуқи, бошқа шахсларнинг мулкига бўлган ҳуқуқ, ашёларга бўлган ҳуқуқ, шартномалар ва мажбуриятлар ҳақидаги таълимотларни, оилавий-ҳуқуқий ва ворислик ҳуқуқи муносабатларини ўрганади.

Булардан ташқари фуқаролик ҳуқуқи хусусий ҳуқуқларни ҳимоя қилиш институтини, яъни даъволар ҳақидаги таълимотларни ҳам ўз предмети сифатида қараган.

2-§. Рим ҳуқуқининг тарихий даврларга бўлиниши

Рим давлати тарихининг минг йилдан ортиқ даврига қараганда кўпроқ унинг ҳуқуқида чуқур ўзгаришлар юз берган. Рим ҳуқуқи тарихи табиийки, Рим давлати тузумидаги ўзгаришларни ўзида акс эттирган. Бироқ у Рим жамиятининг анча чуқур қатламлари билан ҳам боғлиқ бўлгани ҳолда ўз ривожланиш жараёнида барча мураккаблашиб келган иқтисодий ва бошқа ижтимоий муносабатларнинг, жумладан, қулдорлик билан боғлиқ бўлган муносабатларнинг таъсирини ўзида синаб кўрган. Бундан ташқари, Ғарбий Рим империясида тарихан вужудга келган ва ривожланишнинг энг юқори чўққисига чиққан қулдорлик давлатчилигини бошидан кечирган. Шу сабабли Рим ҳуқуқи тарихининг даврларга бўлиниши борасида турлича қарашлар мавжуд.

Ҳуқуқшунос олим Ҳ.Муҳамедовнинг фикрича Рим ҳуқуқи тарихини қуйидагича даврларга бўлиниши энг қулай ва мақсадга мувофиқдир:

1. Энг қадимги даври (милоддан аввалги VI аср - III асрнинг ўртаси). Рим ҳуқуқи бу даврда асосий институтларининг полисча маҳдудлиги (ўзгалар учун ёпиқлиги), қадимийлиги ва эскириб қолганлиги, ривожланмаганлиги ва диний характерда бўлганлиги билан тавсифланади.

2. Классик даври (милоддан аввалги III аср ўртаси милоднинг III аср охири). Айнан мазкур давр мобайнида Рим ҳуқуқи патриархаллик ва диний қолдиқлардан халос бўлади ва дунёвий юридик тизимга айланади.

3. Постклассик, янги классик даври (IV-VI асрлар). Бу даврда қулдорлик жамияти ва давлатнинг емирилиши муносабати билан Рим ҳуқуқи амалда ривожланишдан тўхтайтиди, ўзида умумий иқтисодий ва сиёсий инқироз изларини кўтариб юради. Ушбу даврда Рим ҳуқуқидаги ўзгаришлар асосан унинг тизимлаштирилиши ва вужудга келаётган янги феодал муносабатларига аста-секин мослаштирилиши билан боғлиқ бўлган.³

³ Ҳ.Муҳамедов. Хорижий мамлакатлар давлати ва ҳуқуқи тарихи. -Т., «Адолат» 1999. 290-291 бетлар.

Ҳуқуқшунос олима З.Шомуҳамедованинг фикрича ҳозирги замон романистика илми Рим ҳуқуқи тарихини қуйидаги беш даврга бўлади.⁴

Яъни:

1. Қадимги (архаик) давр – милоддан аввалги 753-367 йиллар;
2. Классик даврдан олдинги давр – милоддан аввалги 367-17 йиллар;
3. Классик давр – милоддан аввалги 17 йилдан милодий 235 йилгача;
4. Классик даврдан кейинги давр – милодий IV-V асрлар;
5. Юстиниан даври – 527-565 йиллар.

Цивилист олима Л.В.Кружалова⁵ Рим ҳуқуқи тарихини қуйидаги даврларга бўлади:

1. Қадимги давр ёки квинтит ҳуқуқи даври – эрамиздан аввалги 753-130 йиллар;
2. Классик ҳуқуқ даври – эрамиздан аввалги 130 йилдан эрамизнинг 230 йиллари;
3. Постклассик давр ҳуқуқи – эрамизнинг 230-527 йиллари;
4. Юстиниан даври ҳуқуқи – эрамизнинг 525-565 йиллари.

Фикримизча Рим ҳуқуқини цивилист олима Л. В. Кружалова таклиф этган даврларга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

3-§. Рим ҳуқуқининг эксплуатацияга асосланган давлатлар ҳуқуқи ривожланишидаги роли

Қадимги Рим ҳуқуқи инсоният ҳуқуқи тарихида ноёб ўринни эгаллаган. У антик жамиятда ва умуман бутун қадимги дунё тарихида ҳуқуқ ривожланишининг энг қадимги ва ўша даврга нисбатан энг юқори даражасини акс эттиради. Қачонлардир Рим ҳуқуқи «ёзма ақл» деб аталган. Биз учун илгаридан ўрнатилган ёзма ақл мавжуд эмас ёки Рим ҳуқуқи ва бошқа ҳуқуқлар ҳам ёзма ақл бўла олмайди.

⁴ З.Шомуҳамедова. Рим хусусий ҳуқуқи. –Т., «Консаудитинформ» 2002., -Б. 18.

⁵ Л.В.Кружалова. Римское право – Питер. 2006. – С. 8.

Рим ҳуқуқи аввало жуда хилма-хил ижтимоий муносабатларни ва ҳодисаларни ғоят даражада кенг қамраб олганлиги билан ажралиб туради.

У жуда катта билим ва юксак тажрибалар, яъни ҳаётӣ тажрибалар асосида ана шу даврнинг машҳур олимлари, юристлари томонидан яратилган.

Ҳақиқатан ҳам Римликлар биринчи бўлиб чекланмаган хусусий мулкчилик ҳуқуқини, яъни Рим ҳуқуқшунослари хусусий мулкка асосланган энг мукамал ҳуқуқ тизимини шакллантирганлар ва ривожлантирганлар. Бу ҳуқуқ товар ишлаб чиқарувчилар жамиятининг биринчи жаҳоншумул ҳуқуқи ҳисобланади, оддий товар эгалари ўртасидаги ҳуқуқий муносабатларнинг ҳаммаси (харидор ва сотувчи, кредитор ва қарздор, шартнома, мажбурият ва ҳоказонинг) тафсили билан жуда аниқ қилиб ишлаб чиқилган. Шу маънода Рим ҳуқуқини фуқаролик ҳуқуқини ўрганишда асос қилиб олиш ҳам мумкин.

Бу ҳуқуқий тизимнинг мукамаллиги дунёни чуқур ҳуқуқий таҳлил этиш ва нафис (нозик) юридик техника намуналарини берувчи юриспруденцияда ҳам ўз ифодасини топган.⁶

Рим хусусий ҳуқуқида хусусий мулк эгаларининг мулкни эгаллаш, фойдаланиш ва уни тасарруф этиш билан боғлиқ муносабатларнинг ҳамда иштирокчиларининг манфаатларини ҳимоя қилишнинг хилма-хил услубларини моҳирона ва усталик билан ишлаб чиқилганлигини эътироф этиш лозим. Айнан римликлар жаҳон мамлакатлари тарихи, хусусан, Шарқ мамлакатлари тажрибасига таяниб, биринчи марта хусусий мулкни, шунингдек, бошқа мулкӣ ҳуқуқ ва манфаатларни мукамал тарзда ҳуқуқий тартибга келтирганлар. Ўзининг шаклан миллийлиги билан ажралиб турувчи Рим ҳуқуқи ўз замирида жуда бой ҳуқуқий маданиятни яратиш билан инсоният тарақиётининг кейинги босқичларида унинг энг улуғ ва муқаддас умумий бойлигининг таркибий қисми сифатида жой олди.

Рим қулдорчилики давлатида, айниқса юксак обрўга, иззат-икромга эга бўлган юристлар жаҳонда ҳуқуқшунослик (ёки ҳуқуқ) рецептларини ишлаб чиқдилар, яъни барча ҳуқуқлар-

⁶ Ҳ. Муҳамедов. Хорижий мамлакатлар давлати ва ҳуқуқи тарихи. –Т. «Адолат», 1999. –Б. 219.

нинг вужудга келишига, уларнинг такомиллашиб боришига ҳамда келажакда барча ҳуқуқий соҳаларнинг ривожланишига замин яратдилар.

Шу сабабли қадимги Рим қулдорчилиқ давлатининг ҳуқуқ-шуносларини «ҳуқуқ ижодкорлари» деб аташган. Уларнинг ўзига хос хусусияти шундан иборат бўлганки, қонунларни ҳар томонлама талқин қилишларида ҳамда ҳуқуқларнинг кафолатларини таъминлашга асосий эътиборни қаратганликларида ёрқин намоён бўлади.

Милоддан аввалги III асрнинг ўрталарига келиб, дастлаб квирит (фуқаролик) ҳуқуқий танҳо ҳукмрон ҳуқуқий тизим бўлиб ҳисобланган. У ўзининг муқаддас характери, кўп даражада анъанавийлиги, қадимги Рим ҳуқуқи (квирит-фуқаролик) одат нормалари ва маросимлари боғлиқлиги билан ажралиб турган. Бу хусусиятлар, айниқса XII жадвал қонунларида ҳам ўз ифодасини топганлиги яққол кўзга ташланади. Квиритлар, Римнинг туб фуқаролари ҳисобланиб, уруғдошлиқ тузумидан келиб чиққан ҳамда натурал хўжалиқ, яъни оддий деҳқончилик давлати-жамоа шароитлари белгиларини ўзида акс эттирганлар.

Бу ҳуқуқ ўз ривожининг дастлабки босқичларида фақат Рим фуқаролигига эга бўлган шахсларга нисбатан қўлланилган ва Рим фуқаросига барча имтиёзларни яратиб берганлиги билан ажралиб турган.

Дастлаб квиритлар ҳуқуқи Рим фуқароларига кўп ваколатлар, хусусан республика сиёсий ҳаётида иштирок этиш, давлат фондидан ер участкаси ажратиш олиш каби имкониятларни берган эди. Бундай ҳуқуқларга эга бўлмаган плебейлар илк республика даврида патрицийлар билан ҳуқуқларининг тенглаштирилиши учун кураш олиб борганлар. Натижада фуқаролик ҳуқуқида кўзда тутилган барча имтиёзлардан плебейлар ҳам фойдаланадиган бўлганлар.

Квирит (фуқаролик) ҳуқуқи илк синфий жамиятнинг оддий, натурал муносабатларини ўзида ифода этган. У узоқ вақт қоҳинлар, понтификлар фаолияти билан боғлиқ бўлган.

Рим ҳуқуқининг шаклланишида ва унинг тараққиётида қоҳинлар муҳим ўринни эгаллаганлар. Айниқса улар ичида Понтификлар ажралиб турган. Понтификлар маълум бир давр

мобайнида суд ишлари бўйича юридик фаолият билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиб турганлар.

Ижтимоий муносабатларнинг янада такомиллашиши натижасида Рим ҳуқуқида аста-секин дунёвий асослар кучайиб борса-да, у ўзида кўпгина дабдабани ва маросимийликни ҳамда дастлабки одат нормаларини сақлаб қолган. Шу билан бирга у талабчанлиги, ҳатто шафқатсизлиги, аниқ таъкидланганлиги билан ажралиб турган. Архайк Рим фуқаролик ҳуқуқининг ўзига хос хусусиятини мулкий муносабатларнинг, биринчи навбатда хусусий мулк ҳуқуқининг аниқ тартибга солганлиги билан изоҳланиши мумкин. Хусусий мулк ҳуқуқи мулк эгасининг ўз ашёси устидан тўла ҳукмронлигини англатган. Лекин фуқаролик жамоаси ерларини ва бошқа хўжалик ҳуқуқи учун муҳим ва оилавий характерга эга бўлган мулкларни тасарруф этишни олий назорат қилиш ҳуқуқини узоқ вақтгача ўзида сақлаб қолган. Квирит (фуқаролик) ҳуқуқида тантанали суд одатларига ёки суд процессини ўтказиш тартибларига қатъий амал қилиш катта аҳамиятга эга бўлган. Шу боис бу даврда шакл мазмундан, суд жараёни эса-моддий ҳуқуқдан устун турган. Расмиятчилик илк синфий жамиятда ҳаётнинг патриархал тизимини сақлаиб қолиши ва қайтадан тикланиши учун ёрдам берадиган мустаҳкам ҳуқуқий тартиботни ушлаб туриш шароитларидан бири бўлган эди. Лекин у объектив жиҳатдан фақат хусусий мулкчилик муносабатларининг ривожланишини тўхтатибгина қолмай, балки ижтимоий ва сиёсий ҳаётнинг демократик шаклларини ҳам тўхтатиб қўйган.

Рим қулдорчилиқ давлатининг фуқаролик ҳуқуқи ўзининг ижтимоий моҳиятига кўра консерватив характерга эга бўлган бўлса ҳам, аммо ташқи савдо ҳуқуқий муносабатларининг янада такомиллашиши, ўсиши натижасида қулдорчилик тизимининг эҳтиёжлари билан қарама-қаршиликка учрай бошлаган ва бу муносабатларда чет эл фуқароларига ёки Рим жамоаси фуқаролигига эга бўлмаган шахсларга ҳам бироз ҳуқуқлар берилган, яъни халқлар ҳуқуқлари (*ius gentium*)ни келтириб чиқарган. Шундай қилиб, бироз чегараланган ҳолда бўлса ҳам озод бўлган шахслар ва бошқа фуқаролар ўртасида тенглик вужудга

келган. Бу тенгликни милoddан аввалги 212 йилда император Каракалли ўзининг фармони билан мустаҳкамлаган.

Рим қулдорчилиқ давлатининг асосий ҳуқуқларидан бири бўлган Рим фуқаролик ҳуқуқи асослари ўзининг индивидуал характери, яъни хусусий мулк ҳуқуқи институтининг чегараланмаганлиги билан иқтисодда ҳукмрон бўлган синфларга-қулдорларга, савдогар-бойларга кенг ҳуқуқ ва имкониятларни яратиши билан ажралиб турган.

Унинг ўзига хос хусусиятларидан яна бири шартнома институтининг кенг асосда қўлланилишидир. Шартномаларнинг янги шакллари ишлаб чиқиш, амалиётга тадбиқ этиш, шартнома шартларини реал ва лозим даражада бажаришни таъминлаш, айниқса шартнома субъектларининг тенг ҳуқуқлилигини эътироф этиш, шартномани бажармаган шахсга, қарздорга энг оғир бўлган мулкий жавобгарликларни қўллаш асосидан келиб чиққан.

Рим фуқаролик ҳуқуқида айниқса индивидуализм (ҳатто ўзи томонидан ўрнатилган бўлиб), («ота ҳукмронлиги» институтига ҳам ўхшаб кетадиган) тамойили ниҳоятда мустаҳкам, ўз ҳуқуқларини ва ҳаракат доираларини мустақил белгилайдиган, ўз мулкига, оила мулкига, жамоаси мулкига оила бошлигининг ҳукмронлигини таъминлаш, фақат ўзи томонидан мулкни эгаллаш ва ундан фойдаланишни белгилаш, ҳатто тасарруф этиш ҳам ўзи билан ёки мулк ҳуқуқинининг мутлоқ эгаси билан боғлиқ бўлиб, ўз ҳукмронлиги ва ўзининг манфаати орқали амалга оширилган.

Индивидуаллик ҳатто уй бошқарувчилигида, мулк эгалигида, қулдор эканлигида ва бошқа шахслар билан тузилган шартномаларда ва ҳаракатларда ҳам яққол кўзга ташланган.

Рим ҳуқуқи муносабатларида аниқлик, сўзларни, тушунчаларни ўз жойида ва мақсадга мувофиқ ишлата билиш ҳуқуқининг аниқлилиги ва амалиёт билан боғлиқлилиги, булардан ташқари барча вужудга келган муносабатларнинг иқтисодда ҳукмрон бўлган синфнинг эрки, иродасини ва манфаатини кўзлаши билан бошқа ҳуқуқий соҳалардан фарқ қилган.

Қадимги Рим фуқаролик ҳуқуқи ҳозирги (Англия ва Америка қонунларидан ташқари) барча буржуа мамлакатлари

ҳуқуқларидан қонунларидан ўзининг қуйидаги хусусиятлари билан фарқ қилади:

а) Рим ҳуқуқида ҳуқуқ ижоркорлиги энг юқори чўққига кўтарилган. Преторлар ўз эдиктлари орқали янги қонунларни, ҳуқуқий нормаларни вужудга келтирганлар. Рим ҳуқуқшунослари ҳар бир масалани (казусни) ҳал қилаётган даврда аниқ (предмети аниқ бўлган) бир фикрга келиб ҳуқуқий нормаларни қабул қилганлар, яъни уларда «халқнинг тирик овози» жангларга турган. Тўғри, буржуа давлатларида ҳам Кодекслар, Институциялар, Новеллалар ёки шунга ўхшаш қонун тўпламлари мавжуд бўлган, аммо уларнинг кўпчилиги аниқ (конкрет) бўлган суд ишларини ёки бошқа ҳуқуқий муносабатларни кўриб чиқиш асосида вужудга келмаган.

Буржуа мамлакатларида, МДХ давлатларида, Шарқ мамлакатларида ҳам ҳар бир соҳалар бўйича конкрет қонунлар, Асослар, Кодекслар, Уложениялар ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, абстракт нормалар асосида вужудга келган. Амалиётдан узоқроқ асосда қабул қилинган бу қонун қоидалар бир-бирига буйсунадиган, бир-бирисиз амалиётга қўлланилиши мураккаб бўлган нормалардан иборат бўлган.

Рим юристлари преторларнинг зарурий ёрдамчилари бўлган. Улар преторлар томонидан қабул қилинган эдиктларнинг мазмунини, тузилишини, қонунлар талабларига мос ҳолга келтиришда ёрдам берганлар ва уларнинг обрўйининг доимо ўсиб боришини таъминлаганлар.

Қадимги Рим фуқаролик ҳуқуқи асосларида консерватизм тамойили мавжуд бўлса-да, аммо унинг тез орада илғор, етук муносабатларни, ижобий ҳаракатларни тезда қабул қилиш ва эски нормалар, бугунги вужудга келган муносабатларга тўлиқ жавоб бера олмай қолса юристлар эски қонунларни йўққа чиқармасдан, унинг ўрнига янги нормаларни ўйлаганлар. Баъзан преторлар орқали ўз эдиктларига ўзгартиришлар киритиш ёки қонунларни, одат нормаларининг моҳиятига таъсир этмасдан, ўзлари янги фикрларни, қонунларни тўлдирувчи, унга қўшимча киритувчи ёки ўзгартирувчи фикрларни, жумлаларни, таклифларни киритиб, ҳукмрон бўлган синфнинг манфаатини ҳимоясини таъминлаб берганлар.

Худди шундай қилиб цивил мулки қаторида бониторлар ёки преторлар мулки, фуқаролик асосда мерос қолдириш, ворислик муносабатларини ҳал этиш билан биргаликда мерос ҳуқуқий муносабатларини тартибга солишда претор тизими ҳам вужудга келди.

Рим фуқаролик ҳуқуқи хусусий ҳуқуқ сифатида доимо изчил асосда, эски нормаларнинг ўрнига янги қонун қоидаларни киритиб, амалиёт билан узвий боғланиб «халқнинг тирик овози»ни эътиборга олиб ривожланган ҳуқуқ тизими сифатида жаҳон ҳуқуқи тарихида ўз ўрнига эга бўлди.

Юқорида қайд қилинганидек, Рим ҳуқуқи қадимги қулдорчилик жамиятининг ривожланган ҳуқуқ тизимидир. Рим ҳуқуқи қулдорлик тузумининг иқтисодий асосини мустаҳкамлашда, қулларни эксплуатация қилишда, йирик хусусий мулкларнинг вужудга келишида ва товар-пул муносабатларининг ривожланишида муҳим ролни ўйнаган бўлса ҳамки унинг ҳуқуқ рецепцияси сифатидаги функцияси ҳозирги вақтга қадар давом этиб келмоқда.


Рим хусусий ҳуқуқининг ҳуқуқ рецепцияси шундан иборат бўлганки, қулдорчилик ҳамда феодализм ижтимоий-иқтисодий формациясининг вужудга келишида, феодал ва буржуа ҳуқуқий муносабатларининг ривожланишида асосий манба бўлиб ҳисобланган. Бу ҳуқуқ рецепциясини қўллашда жаҳон мамлакатлари қўйидаги асослардан келиб чиққан ва чиқмоқда.

Рим хусусий ҳуқуқининг ҳуқуқни ривожлантиришдаги ролининг икки ҳолат билан изоҳлаш мумкин:

1) Римликлар биринчи бўлиб чекланмаган хусусий мулкчилик ҳуқуқини ишлаб чиққанлар ва ривожлантирганлар.

2) Бу ҳуқуқда шартнома масалалари атрофлича ишлаб чиқилиб, турли хил шартнома (олди-сотди, қарз ва бошқа) муносабатлари тартибга солинган. Рим хусусий ҳуқуқи одатлар, анъаналар, қонунлар, сенатнинг қарорлари, сенатус-консултлар, магистратларнинг эдиктлари фармойишлари, фармонлари, императорларнинг конституциялари, Римнинг кўзга кўринган юристлари яратган асарлари, янгидан ижод этган нормалари ва қоидалари асосида вужудга келган.

Дастлаб Рим фуқароларининг ҳуқуқий ҳолати Рим халқининг, яъни квинитларнинг анъаналари, диний, урф-одат норма-



лари билан чамбарчас боғлиқлиги, ҳатто квиригларга берилган имтиёзлардан келиб чиққан ҳолда аниқланган ва плебейларнинг ўзига хос бўлган одат нормалари, турмуш анъаналари, қоидаларининг мавжудлигидан ва охирида халқлар ҳуқуқларининг вужудга келишини эътиборга олиб Рим ҳуқуқининг рецепциясидан фойдаланганлар.

Ҳақиқатдан ҳам XII асрлардан бошлаб Ғарбий Европа мамлакатлари ва бошқа мамлакатлар ўзининг савдо-сотиқ, саноат ва бошқа соҳаларининг янада ривожланиши натижасида ўзаро ҳамкорликни, шартномавий муносабатларни кўпроқ амалга ошириш имконияти заруриятга айланди ва бу ўз навбатида янги ҳуқуқий усқуртмага асосланишни талаб этарди.

Кўпчилик давлатларнинг муносабатлари давлатлараро ҳуқуқий муносабатларни талаб этиб, илгариги одат ҳуқуқий нормалари чегарасидан чиқишни, айнан бу одат нормалари ижтимоий ривожланиш учун тўсиқ бўлиб қолганлиги, улардан чиқиб янги ҳуқуқий нормаларга асосланишни тақозо этди ва бу ҳуқуқий нормалар Рим хусусий ҳуқуқи нормаларидан ташкил топди.

Рим хусусий ҳуқуқи Рим давлатининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши даврида ўзининг миллийлигини, ҳудудийлигини, одат нормаларидан холи бўлганлигини ва барча халқлар ўртасидаги хўжалик ҳуқуқий муносабатларини тартибга сола олиши билан фарқ қилиб бир неча давлатлар ўртасида қўллана олиши мумкин бўлган давлатлараро ёки давлатлар учун «умумий ҳуқуқ» асосида тан олина бошлади.

Рим давлатининг хусусий ҳуқуқи Рим давлатининг емирилиши оқибатида феодал ва буржуазия ҳуқуқий муносабатларининг айниқса Марказий ва Шарқий Европа мамлакатларининг ҳуқуқ соҳаларининг вужудга келиши учун фундамент бўлиб хизмат қилди.

Дарҳақиқат бу давлатларнинг ҳуқуқини ривожлантиришда асосан Рим хусусий ҳуқуқининг рецепцияси кучли бўлди, чунки Рим давлатининг емирлиши билан унинг оммавий ҳуқуқи ўз-ўзидан тугаб кетган эди. Айниқса ҳуқуқ рецепцияси Германияда тўлиқ ўз ифодасини топди, яъни Германия «Муқаддас Рим империяси» деган номни ўзига ўтказиб олди.

XVII-XIX асрларда Англия, Франция ва бошқа кўпгина Фарбий мамлакатларда кўп сонли қонунлар қабул қилинди. Булардан энг муҳими ва энг мукамал қонунлар деб XIX аср бошларида Наполжон даврида Францияда қабул қилинган фуқаролик ва жиноят кодексларини тилга олсак бўлади. Уларда Рим ҳуқуқининг таъсири катта эди.⁷

Наполжон Бонапарт эса давлат тепасига келишдан олдин Рим империясидан олдин Рим империясида қўлланилган консул биринчи консул мансабларига эришишни орзу ҳавас қилиб, бошқа давлатларда эса сенатнинг ташкил топиши, император титулининг кўп давлатларда қўлланилишининг барчаси, Рим қўлдорчилик давлатининг хусусий ҳуқуқи томонидан эришилган ютуқларининг бошқа мамлакатлар томонидан қабул қилиб олиниши эди.

Албатта феодал ва буржуа ҳуқуқларининг ривожланишида ва Рим хусусий ҳуқуқига асосланишида кўплаб тўсиқларга учраб, у ҳуқуқий нормаларни янги вужудга келган ижтимоий муносабатларга мослаштириб олиш учун катта ҳаракатлар амалга оширилди. Ҳатто Германияда XVI-XVII асрларда Пандект ҳуқуқи ва системаси вужудга келди. Рим ҳуқуқининг нормаларини мазмунан бузган ҳолда «Замонавий Рим ҳуқуқини» вужудга келтирди. Рим ҳуқуқининг манбаларига қайта шарҳлар, расмий бўлмаган қайта ишлашлар амалга оширилди.

Рим хусусий ҳуқуқи бутун жаҳонда Университетлар, институтларда Рим ҳуқуқининг тарихи, Рим хусусий ҳуқуқи, Рим фуқаролик ҳуқуқи деган номлар билан ўқитилаяпти. Ҳатто Бирлашган Германияда Пандект тизими билан Гай Институциялари алоҳида фан сифатида ўқитилади. Африка, Шарқий Осиё, Шимолий Америкада, айниқса Хитой халқ республикаси, Куба социалистик республикасида, Фарбий Европа мамлакатларида университетларнинг ўқув режаларига Рим хусусий ҳуқуқини киритганлар.

Фарбий Европа мамлакатларида Рим хусусий ҳуқуқини фуқаролик ва савдо ҳуқуқий соҳалари қонунларини ишлаб чиқишда, уларни такомиллаштиришда норматив асос сифатида ишлатиб келинмоқда.

⁷ Саидов А.Х. Сравнительное правоведение, юридическая география мира. – М. 1993.

Шарқий Африка мамлакатларида Рим хусусий ҳуқуқи ўзининг фуқаролик, савдо ва бошқа иқтисодий муносабатларни тартибга солишда ўзининг асосий манбалари билан қўшимча манба сифатида қўлланилмоқда.

Бу қайта ишлашлар, янгидан шарҳлашлар Рим хусусий ҳуқуқи нормаларини моҳиятини, мазмунини пастга тушириш эмас, балки ўша жамиятнинг ривожланиш жараёни тарихий зарурияти сифатида ва янги вужудга келган ишлаб чиқариш муносабатларига мослашишдан келиб чиққан эди.

Шундай қилиб, янги вужудга келган ижтимоий муносабатлар, ишлаб чиқариш муносабатлари янги ҳуқуқий нормаларга асосланишни тақозо этди ва XVII-XIX асрлардаги буржуа фуқаролик ҳуқуқининг ривожланишига Рим хусусий ҳуқуқи ҳам назарий ва амалий асосда фундамент бўлди.

4-§. Рим ҳуқуқини ўрганишнинг юристлар учун аҳамияти

Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек «Ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади... Тарих сабоқлари инсонни ҳушёрликка ўргатади, иродасини мустаҳкамлайди... Инсон учун тарихдан жудо бўлиш – ҳаётдан жудо бўлиш демакдир»⁸.

Ҳақиқатан ҳам тарих фан сифатида жамият тараққиётининг объектив қонунлари ҳақидаги билимлар тизимини ўзида мужассамлаштиради, уларни тушуниш жамиятнинг келажакдаги ривожланишини кўра билишга имкон яратади.

XXV аср муқаддам вужудга келган Рим қулдорчилик давлатининг фуқаролик хусусий ҳуқуқи тарихини ўрганиш ҳуқуқий ҳаётимизнинг зарурий масалаларидан биридир. Ўзбекистон Республикаси мустақил суверен ҳуқуқий давлат сифатида фуқаролик жамиятини шакллантирар экан, у иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва ҳуқуқий соҳаларда жаҳондаги барча давлатлар билан шартномалар тузиш, алоқалар ўрнатиш борасида қатор ишларни амалга оширмоқда.

Жаҳон маданиятининг ҳуқуқий ёдгорлиги сифатида ном

⁸ И.А. Каримов. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. –Т., «Шарқ» НМК, 1998. 9-10 бетлар.

қолдирган Рим ҳуқуқини ўрганмасдан, унинг илдиэларига етмасдан чуқур ҳуқуқий билимни эгаллаш ҳуқуқ тарихи дурдоналаридан баҳраманд бўлиш ниҳоятда мураккаб. Таъкидлаш лозимки 1804 йилги Наполюн фуқаролик кодексидан бошлаб, 1896 йилги Германия Фуқаролик Уложенияси ва бошқа Европа, Осиё ва Африка мамлакатлари кўпчилигининг фуқаролик ва савдо кодекслари Рим ҳуқуқининг нормаларига асосланиб қабул қилинган. Уларнинг энг асосий мақсади хусусий мулкни «муқаддаслаштириш», иқтисодда ҳукмрон бўлган синф вакилларининг эрки, иродаси ва манфаатини қонун даражасига кўтариб, уни мустаҳкамлашдан иборатдир.

Рим ҳуқуқшунослари хусусий мулк асосига эга бўлган энг мукамал ҳуқуқ шаклини ишлаб чиққанлар ҳамда бу ҳуқуқ товар ишлаб чиқарувчилар жамиятининг биринчи жаҳоншумул ҳуқуқи асосида эътироф этилган.

Рим ҳуқуқшунослари цивилистика (фуқаролик ҳуқуқи)га оид бўлган тушунчаларни, яъни шахслар тушунчаси, фуқаролик ҳуқуқ ва муомала лаёқати, даъво муддатлари, ашёлар, мулк ҳуқуқи, бошқа шахсларнинг мулкига бўлган ҳуқуқ, унинг турлари ва элементлари, эгалик тушунчаси, фойдаланиш ва тасарруф этиш, шартномалар, мажбурият ҳуқуқи, битимлар, оила-никоҳ муносабатлари, ворислик ва бошқа фуқаролик ҳуқуқида қўлланиладиган кўпчилик ибораларни, сўзларни ишлаб чиққанлар ва буларнинг барчаси Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик ҳуқуқида ва бошқа ҳуқуқ соҳаларида кучли ижтимоий сиёсатни қўллашдан, яъни кам таъминланган шахсларнинг моддий ҳуқуқларини ва шахсий ҳуқуқларини ҳимоя қилишдан келиб чиқиб, тўлиқ қўлланиб келинмоқда.

Албатта, бу тушунчалар XXV аср муқаддам вужудга келган Баъзи бирлари ўз моҳиятини йўқотган бўлиши мумкин. Лекин кўпчилик тушунчалар фуқаролик ҳуқуқида тўлиқ асосда фойдаланиб келинмоқда.

«**Ҳуқуқ ижодкорлари**» деб номланган Рим юристлари ҳар бир вужудга келган воқеаликни ҳаракатдаги бўлган қонунлар асосида ҳал қилар эканлар, унинг келажагини ҳам ўйлаганлар, натижада янги-янги тафаккурлар вужудга келиб, қонунларни ўйлаб чиқарганлар.

Буржуа ҳуқуқи Рим ҳуқуқининг шарбати билан суғорилган Рим ҳуқуқини билмасдан туриб буржуа ҳуқуқининг моҳиятини, мазмунини тушуниб етиш анча мураккаб.

Жаҳон давлатлари билан ўзаро юридик муносабатларга киришиш уларнинг ҳуқуқини билишни тақозо этади. Бунинг учун буржуа ҳуқуқининг асл манбасини ўрганиш, яъни Рим хусусий ҳуқуқини ўрганиш мақсадга мувофиқ.

Рим ҳуқуқини «юридик иборалар лабораторияси» деб ҳам атаганлар. Бу ибораларни, шунингдек юридик техникани ўрганиш юристлар томонидан қонунларни қабул қилишда, уларни такомиллаштиришда, пухта ва лўнда асосда аниқ ва тушунарли бўлган сўзларни ишлатишда ҳам катта ёрдам беради.

Рим ҳуқуқи юридик тафаккурнинг кучли таъсири остида вужудга келган нормалардан иборатдир. Уларни ўрганиш юридик тафаккурлаш қобилиятининг кучайишига олиб келиб, қисқа ва айнан халққа тушунарли ҳужжатларни қабул қилиш учун хизмат қилади.

Рим ҳуқуқи тарихининг янги босқичида унинг анча муҳим манбаи сифатида преторлар томонидан қабул қилинган эдиктлар алоҳида ўрин тутаяди. Эдиктлар преторларнинг ўзи учун мажбурий бўлиб, бир йиллик қонун деб ҳам аталган (Цицерон).

Уларнинг негизида цивил ҳуқуқи билан бир қаторда иккита янги ва мутлақо мустақил ҳуқуқий тизим «претор ҳуқуқи» (**ius praetorium**) ва «халқлар ҳуқуқи» (**ius gentium**) ҳуқуқлари ўсиб чиққан. Преторлар эдиктларининг гуркираб ўсган пайти, уларнинг қонун ижодқорлиги фаоллиги асосан эраиздан аввалги 250-80 йилларга тўғри келади.

Юстиниан Кодификациясининг муаллифларидан бири, VI асрда ижод қилган Византия юристи **Дорофей** преторлар ҳуқуқи ва цивил ҳуқуқларини бирлашишини қуйидагича таърифлайди:

«Инсонларга тааллуқли бўлган одат нормаларига янгиликлар киритилиши натижасида вақтлар ўтиши билан иккала ҳуқуқнинг ўзаро мувофиқлашуви оқибатида янги бир ҳуқуқни вужудга келтирди». Худди шундай асосда Рим синфий жамиятининг ҳуқуқи вужудга келиб илгариги бир-бирига қарама-қарши бўлган ҳуқуқлар ҳуқуқ сифатида қўшилиб кетди.

Мазкур иккала тизим преторларнинг ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятлари натижаси бўлган. Машҳур юристлардан бири **Марциан** Преторлар ҳуқуқи тўғрисида шундай деган эди: «Ҳақиқатан ҳам преторлар ҳуқуқи халқнинг тирик овозидир», чунки улар ўз эдиктлари орқали янги-янги қонунларни келтириб чиқариб, халқнинг талабларига тўлиқ жавоб бера оладиган самарали ҳуқуқий муносабатларни вужудга келтирди.

Рим магистратлари олий оммавий ва ҳарбий ҳокимиятга эга бўлиб, ўз фаолиятларини амалга ошириш жараёнида барча шахслар учун мўлжалланган тартиб қоидаларни ишлаб чиққанлар.

Шундай қилиб, Римда ҳуқуқ манбаларининг мураккаб (аслида уч қисмдан иборат бўлган) тизими вужудга келган.

Империя ўрнатилиши билан Римнинг сиёсий тизимида преторнинг мавқеи ҳам аста-секин ўзгариб борган. Преторлар эдиктлар чиқариш ҳуқуқини расман сақлаб қолганлар, лекин уларнинг фаол «ҳуқуқ ижодкорлиги» ўсиб бораётган бир пайтда император якка ҳокимлигининг қарама-қаршилигига дуч келган. Шу сабабли преторлар ўз ўтмишдошларининг эдиктларини тўлиқ нусха қилиб олишни қоида қилиб олганлар ва хоҳласалар қисман ўзгартиришлар киритганлар. Шу тариқа эдикт мазмуни ўзгаришсиз бўлиб қолган ва янги ҳуқуқ нормаларини келтириб чиқариш функциялари ўз кучини доимий равишда йўқотиб борган.

Шу муносабат билан император **Адриан** претор ҳуқуқини кодификация қилишга аҳд қилган ва бу ишни таниқли юрист Сальвия Юлианга эрамизнинг (125 ва 138 йиллари) топширган. Охириги тузилган эдикт (Юлиан эдикти сифатида машҳур) расман сенатус-консульт деб тасдиқланган ва «абадий эдикт» деган ном олган. У кейинги магистратларнинг ҳаммаси учун мажбурий бўлиб қолган. Шу вақтдан бошлаб претор эдикти аслида қотиб қолган ва янги ҳуқуқий меъёрлар манбаи сифатидаги ролини йўқотган.

Сенатус-консультлар аввалги даврда ҳуқуқий кучга эга эмас эдилар. Императорлар даврида уларнинг аҳамияти анча ўсган. Эрамизнинг I асри биринчи ярмида сенатус-консультлар одатда санкцияга эга эмас эдилар, лекин претор эдикти шаро-

фати билан улар мажбурий кучга эга бўлганлар. Аммо Адриан сенатга қонун чиқариш ҳоқимиятини яна қайтариб берган ва сенатус-консултлар қонун сифатида чиқа бошлаган. Уларнинг ҳуқуқ манбаи сифатидаги роли ўсган, чунки улар принципс номидан тузилиб, кўпинча уларнинг номи билан аталган.

Императорларнинг мустақил қонун чиқариш ҳоқимияти аста-секин мустақамланган ва кенгайган. Дастлаб императорларнинг қонунлари (конституциялари) оила мажлислари томонидан ҳоқимият вакиллиги натижаси сифатида кўрилган ва бунга кўра Рим халқи ўз қонун чиқариш ҳоқимиятини императорларга ўтказган. Шу вақтдан бошлаб императорларнинг қонунлари ҳуқуқнинг энг муҳим манбаига айланган. Императорларнинг қонунлари магистратларнинг кўпгина ҳужжатларидан фарқ қилиб, Рим давлатининг бутун ҳудудида ҳаракатда бўлган шаҳар ёки алоҳида провинциялар доирасида чекланиб қолмаган.

Император ҳоқимияти ҳужжатлари (конституция)лари қуйидагилардан иборат асосий кўринишларга эга бўлган:

1. **Эдиктлар** – «империум» ҳоқимиятига асосланган. Магистратлар эдиктларидан ўзининг барча фуқаролар учун мажбурий бўлганлиги нуқтаи назаридан фарқ қилиши билан ажралиб турган. Шунинг учун фақат мазкур император ҳаётлик чоғида юридик жиҳатдан мажбурий бўлган умумий ҳоқидалар. Бироқ эраизнинг II асридан бошлаб эдиктларга императорнинг ворислари томонидан ҳам амал қилиш ҳам мажбурий деб ҳисобланган.

2. **Рескриптлар** – императорнинг ҳуқуқий масалалар бўйича консультациялар сўраган алоҳида шахсларга ёки магистратларга берган жавоблари ёки маслаҳатлари.

3. **Декретлар** – император томонидан суд ишлари бўйича чиқарилган қарорлар. Улар асосида мустақил император юриспруденцияси ташкил топган.

4. **Мандатлар** – провинцияларнинг ҳоқимларига йўлланган инструкциялар (йўл-йўриқлар қўлланмалар). Уларнинг ичида баъзи ҳолларда перегринларга ва бошқа фуқароларга нисбатан қўлланиладиган фуқаролик ва жиноят ҳуқуқи меъёрлари ҳам мавжуд бўлган.

Императорларнинг конституциялари дастлаб фақат оммавий тартибдаги давлат тузилиши, унинг органлари (маъмуриятни ташкил этиш, жиноятларни ҳал этиш каби масалаларни) ҳал қилиш билан боғлиқ бўлган бўлса энди эса уларни ҳуқуқий тартибга солишнинг ҳамма соҳаларини тобора кўпроқ қамраб олган. Императорлик даврида ишлаб чиқилган кўпгина ҳуқуқий ҳужжатларнинг турлича шакллари оқибатда ўрта асрлар монархиясининг қонунчилик техникасига катта таъсир кўрсатган.

Мулоҳаза юритиш учун саволлар

1. Рим ҳуқуқининг предмети деб нимага айтилади?
2. Рим ҳуқуқи қандай муносабатларни тартибга солади?
3. Рим ҳуқуқшунослари оммавий ва хусусий ҳуқуқнинг фарқини қандай ифодалаганлар?
4. Рим давлатида қандай ҳуқуқ системалари мавжуд бўлган?
5. Рим ҳуқуқи қандай ҳуқуқ институтларини ўрганади?
6. Понтификлар тушунчасини изоҳланг.
7. Рим ҳуқуқининг ҳуқуқни ривожлантиришдаги роли қандай ҳолатлар билан изоҳланади?
8. Қайси давлат «Муқаддас Рим империяси» деган номни ўзига ўтказиб олган?
9. Император қандай ҳуқуқий ҳужжатлар чиқариш ҳуқуқига эга бўлган?
10. Рим давлатида қандай ҳуқуқ мактаблари фаолият кўрсатган?

II-БОБ РИМ ҲУҚУҚИНИНГ МАНБАЛАРИ

- 1-§. Рим ҳуқуқининг манбалари.
- 2-§. Рим юристларининг фаолияти.
- 3-§. Юстиниан кодификацияси.

1-§. Рим ҳуқуқининг манбалари тушунчаси

Рим давлатида ҳуқуқнинг энг қадимги манбаи (*mores majorum*) ҳуқуқий одатлар бўлган. Римнинг тарихий аънаси-га кўра ҳуқуқнинг бошқа манбаи Рим подшоларининг қонунлари (*Leges Regiae*) ҳисобланган.

Модомики Рим халқининг аънаалари ва дини билан чамбарчас боғлиқ бўлган ҳуқуқнинг ушбу манбалари дастлаб патрицийларники сифатида келиб чиққан экан, адабиётларда плейбейлар учун ҳуқуқий одатларнинг алоҳида махсус тизими мавжудлиги ҳақидаги тахминлар ҳам йўқ эмас. Плебейларнинг тенг ҳуқуқлар учун ҳаракати ҳуқуқ доирасида ҳам ўз ифодасини топган, чунки патрицийларнинг магистрлари ва понтификлари плебейларнинг манфаатларини эътиборга олмасдан ёзилмаган одатларни ўзбошимчалик билан шарҳлаганлар.

Милоддан аввалги 450 йиллар атрофида қабул қилинган биринчи Рим ёзма қонунлари – XII жадвал қонунида қасамлардан фойдаланиш ва бошқа диний маросимга оид ҳаракатларни қилиш кўзда тутилган бўлса-да, ҳуқуқ энди диний меъёрлардан ажратилган ва дунёвий характер касб этган эди.

XII жадвал қонунлари ўн иккита мис лавҳага ўйиб ёзилиб, Рим сиёсий ҳаётининг маркази – форумга ҳамма кўриши учун осиб қўйилган. Бу қонунларни билиш ҳамма учун мажбурий бўлган, унинг қабул қилиниши билан Рим фуқароларини дунёвий ҳуқуқий тарбиялаш зарурияти туғилган.

XII жадвал қонунларининг асл нусхаси сақланиб қолмаган, унинг мазмуни XVI-XVII асрларда Рим муаллифларининг асарларидаги парчалар асосида қайта тикланган. Бироқ ҳозирги кунгача ҳам XII жадвал қонунларининг матни тўлиқ бўлмай, баъзи ҳолларда аниқ бўлмасдан қолиб кетган.

Бундан ташқари квинит ҳуқуқининг муҳим манбалари жумласига:

- Қонунлар;
- Сенат қарорлари;
- Магистратларнинг қарорлари ҳам кирган.

Милоддан аввалги III аср – Милоднинг III асрида XII жадвал қонунлари расман ҳаракат қилишда давом этган. Рим ҳуқуқи тарихининг янги (классик) босқичида унинг муҳим манбаи преторларнинг эдиктлари бўлиб қолган. Шундай эдиктларнинг асосида «Цивил ҳуқуқи» билан бир қаторда «Претор ҳуқуқи» ва «Халқлар ҳуқуқи» вужудга келган.

Мазкур иккала тизим преторларнинг ҳуқуқ ижодкорлик фаолиятлари натижаси бўлган. Шундай қилиб, Римда ҳуқуқ манбаларининг мураккаб тизими вужудга келган.

Рим давлатида империя ўрнатилгандан кейин императорларнинг қонунлари (конституциялари) халқ мажлислари томонидан ҳокимият вакиллиги натижаси сифатида кўрилган ва бунга кўра Рим халқи ўз қонун чиқариш ҳокимиятини императорларга ўтказган. Шу вақтга келиб императорларнинг қонунлари ҳуқуқнинг энг муҳим манбаига айланган.

Постклассик даврда қулдорлик тузумининг чуқур инқирози муносабати билан Рим ҳуқуқида баъзи бир ўзгаришлар юз берган, лекин унинг асосий институтлари амалда илгариги кўринишда сақланиб қолган. Бу вақтда айнан ҳуқуқ манбаларида бир қатор ўзгаришлар бўлган. Уларнинг ичида императорлар қонунларининг аҳамияти тобора ортиб борган.

Рим ҳуқуқининг собиқ ҳаракатчанлигини йўқотилиши, цивил ва претор ҳуқуқи ўртасидаги чегараларнинг олиб ташланиши ва кодификация ишларини амалга ошириш учун қулай шароитлар яратган.

Айниқса Рим империясининг шарқий қисмида (Византияда) ҳуқуқни тизимлаштириш бўйича қизгин ишлар амалга оширилган. Бу ерда III аср охирида Рим ҳуқуқининг хусусий тўпламлари:

- **Грегориан кодекси**
- **Гермогениан кодекслари тузилган.**

Улар ўз ичига 196-йилдан 365-йилгача чиқарилган император қонунларининг асл матнларини киритган.

438-йилда эса императорлар конституцияларининг биринчи расмий кодификацияси (**Феодосия кодекси**) амалга оширил-

ди. Бу тўпламнинг ўзига хос хусусияти шундан иборат эдики, у фақат ҳаракатдаги императорлик қонунчилигини ўз ичига олган ва кодификация ишларининг анча юқори даражасини акс эттирган.

Рим ҳуқуқининг кенг қамровли кодификацияси Фарбий Рим империяси қулагандан сўнг Византия императори Юстинианнинг буйруғи билан 528-534-йилларда ўтказилди.

Юстиниан кодекси XII жадвал қонуни намунасида ўн иккита китобга бўлинган. Ҳар бир китоб, титулларга, титуллар эса парчаларга бўлинган.

Юстиниан кодификацияси Рим ҳуқуқининг бутун ўтган тарихини бир жойга тўпловчи яқуни бўлиб, унинг кўп асрлардан буён ривожланишига ўзига хос тарзда чегара қўйган. Шунинг учун Юстинианнинг қонунлар тўплами, гарчи баъзи постклассик ва соф Византия белгиларини ўзида акс эттирган бўлса ҳам ўз асоси билан Рим ҳуқуқининг манбаи ҳисобланади.

2-§. Рим юристларининг фаолияти

Рим юристларининг фаолияти янги эрамыздан илгариги 17 йилдан янги эрамызнинг 235-йилларини ўз ичига олади. I-III асрларда синфий (принципиат) даврида Рим ҳуқуқи ривожланишининг жуда муҳим ва ўзига хос манбаи юристларнинг фаолияти бўлиб қолган. Рим юристлари қадимги Римнинг бутун ҳуқуқий тизимини изчил ва яхлит ривожланишининг таъминланишига катта ҳисса қўшганлар. Рим юриспруденцияси плебейлар понтифики Тиберий Коруканиядан, у биринчи бўлиб консультация бера бошлаган (милоддан аввалги 254 йилдан) бошлаб соф дунёвий характер касб этган. Уларнинг берган ҳуқуқий маслаҳатлари биринчи марта оммавий ва очиқ характерга эга бўлган.

Синфий даврнинг аристократ оиласидан чиққан энг машҳур юристларидан бири Лабейондир. У ҳуқуқлар бўйича новатор ва Прокульянлар ҳуқуқ мактабининг асосчисидир.

Сабиньянлар ҳуқуқ мактабининг асосчиси Капитон ва Сабин фуқаролик ҳуқуқининг биринчи шарҳловчиси сифатида танилган. Сабиньянлар ҳуқуқ мактабининг ўқувчиси, маш-

хур Гай Институциясининг муаллифи Гай, III аср юристлари Эмилий Паниниан, Павел ва Ульпианлар ҳуқуқ ижодкорлари бўлиб етишиб чиққанлар. Ҳуқуқ мактабларининг ўқитувчилари Сабин, Юлиан, Прокул ва Цельза машҳур юридик фанини ривожлантирувчи, аҳолини ҳуқуқий маданият билан таништирувчи олимлардан, зиёлилардан бўлган. Айниқса Лабзон республикачилар тарафдори бўлиб, у ўз мактабига ҳамда ҳуқуқ соҳасига кўп янгиликларни киритди, у ўзининг сўнмас талантига ва фанларга, илмга бўлган ишончи билан Капитондан ажралиб турарди.

Айниқса цивил ҳуқуқининг ривожланиши император Август даври билан чамбарчас боғлиқдир.

Император Август даврида кўпчилик шартномалар ссуда шартномаси, гаров шартномалари (*ius civile*) фуқаролик ҳуқуқи тусини олди.

Император Август томонидан киритилган кўп ўзгартиришлар қонун тусига эга бўла бошлаб, айниқса шахслар ҳуқуқига, оила ва мерос ҳуқуқига ва шартномалар жавобгарлиги бўйича қатъий миллий ҳуқуқ бўлиб ҳисобланган фуқаролик ҳуқуқига беқиёс бўлган ўзгартиришлар, тўлдиришлар киритилди.

Император Август юристлар билан ўз муносабатларини яхшилаб, уларни давлат ишларига, претория префектларига (кўпроқ суд ишлари бўйича) шаҳар бошлиғлигига ўткази бошлади.

Машҳур юристлардан бири Сабин дидактик асар *ius civile* (фуқаролик ҳуқуқи) 3 китобдан иборат бўлган асарни яратди. Бу асар қуйидаги қисмлардан иборат эди:

1. Мерос ҳуқуқи;
2. Шахслар ҳуқуқи;
3. Мажбурият ҳуқуқи;

Ашэвий ҳуқуқлар тўғрисида ва ҳар бирида шу мавзуга тааллуқли бўлган саволлар жавоблар билан тўлдирилган. II асрнинг машҳур юристларидан Флорентин ўз Институциясини 12 та китобдан иборат асосда яратди.

Айниқса, диққатга сазовор бўлган юристлардан Цельзанинг 39 та китобдан иборат бўлган Дигестлари ва уларнинг шарҳлари, энг кучли ва машҳур юристлардан яна бири Юлиан, унинг

Дигестлари 90 та китобдан иборат эди. Бу асарлардан Рим синфий даврининг машҳур юристлари, **Гай, Павел, Ульпиан, Папинианлар** ҳамда **Юстиниан** кодификациясини ишловчи барча юристлар фойдаланганлар.

Марцелла, Сцевола томонидан биринчисидан 31 та китоб, иккинчисидан 40 китобдан иборат Дигестлар яратилган.

Жаҳон юриспруденциясида ўз ўрнини қолдирган энг машҳур бўлган юрист Папиниан иккита асар яратган. Биринчиси 37 та китобдан, иккинчиси *Responsa* деб аталиб, 19 та китобдан иборат бўлиб, бу асарлардан Юстиниан Кодификациясида тўлиқ фойдаланилган.

Ульпианнинг ўқувчиси бўлган **Модестин** ҳам *Responsa* деган асар яратган, у ҳам 19 та китобдан иборат бўлган.

Республика даврининг юристлари суд амалиётида муҳим ўрин тутган. Улар суд жараёни масалалари бўйича у билан боғлиқ бўлган ҳуқуқий жавобларни аниқ ифодалаб, юридик ҳужжатларни шарҳлаганлар ва тузганлар, қатор ҳолларда суд жараёнининг ўзида томонлардан бирига ёрдам кўрсатиб иштирок этганлар. Республика даврининг юристлари суворийлардан ҳам чиққан. Уларнинг ичида энг машҳурлари **Элия Пета Ката, Марк Манилий, Алфен Вар, Квинт Муций Сцевола, Публий Муций Сцевола, Сервий Сульпиций, Руф** ва бошқалар бўлганлар.

Қадимги Рим қулдорчилиқ давлатида юриспруденция ривожланиши энг юқори чўққига чиқди. Бу даврда хусусий мулкка бўлган ҳуқуқ ҳамда Рим хусусий ҳуқуқи ниҳоятда ижобий асосда такомиллашди.

Бу даврнинг юристлари ҳуқуқий назариянинг ва амалиётнинг ривожланишида катта ҳисса қўшдилар. II асрни «олтин аср» деб атаганлар. Чунки II аср машҳур бўлган жаҳон тарихида ўзларининг юридик хазиналари ва ёдгорликларини, ўчмас изларини қолдирдилар.

Цивил ҳуқуқи ва претор ҳуқуқининг шарҳлари, шунингдек цивил ва претор ҳуқуқини синтез қилишга уриниб, турли ҳуқуқий маслаҳатлар бўйича ёзилган асарлар – дигестлар катта шуҳрат қозонган. Дигестларда одатда айнан ўша ёки бошқа муаллифларнинг анча қадимий асарларидаги («Саволлар», «Жавоблар» ва

бошқалар) парчалардан (кўчирмалардан) фойдаланилган, шу билан бирга ҳуқуқий материал қатъиян аниқ тартибда жойлаштирилган (*digesta* – «системага солинган» деган мазмунни англатиши бежиз эмас). Рим юристларининг асарлари ичида Рим ҳуқуқини ўқув мақсадларида тизимли баён қилувчи институциялар муҳим ўрин эгаллаган. Айниқса 143 йилги Гай институциялари жуда машҳур бўлган. Уларда кенг ҳуқуқий материалларнинг қисқача, лўнда ва мантиқан изчил жойлаштирилган баёни берилган Гай институциялари асосан фуқаролик (цивил) ҳуқуқий муносабатларини ҳал қилишга бағишланган. Гай институциялари асосан фуқаролик (цивил) ҳуқуқий муносабатларини ҳал қилишга бағишланган. Гай институцияси бошқа Рим юристларининг институцияларидан анча тўла ва аниқ баён қилинганлиги билан фарқ қилади. Уларда фуқаролик ҳуқуқининг изчил ва мантиқий бўлиниши берилган: «Биз фойдаланадиган барча ҳуқуқ шахсларга ёки ашёларга ёхуд даъволарга тааллуқли». Гарчи, кўп олимлар Гай томонидан фойдаланилган тизимни оригинал (мустақил равишда ишланган, юзага келган) деб ҳисоблашмаса-да, у ҳуқуқни тушунишда олға ташланган муҳим қадам бўлган. Бу ерда илк бор моддий ҳуқуқ жараёнидан индивидуал (алоҳида) ҳуқуқлар – уларни ҳимоя қилиш воситаларидан ажратилган. Юрист Гай машҳур ҳуқуқ ўқитувчиларидан ва талантли ёзувчилардан, ўзининг Институцияси билан жаҳонга танилган, Рим, Константинополь, Бейрут университетларида унинг машҳур Институцияси асосида дарслар ўтилган ўзининг зийрак қобилияти билан ажралиб турган юристлардан бири бўлиб ҳисобланган.

Юриспруденциянинг энг юқори ривожланиш чўққисига етишишда юрист Гайнинг мислсиз хизмати борлигини, унинг ёрқин товушларининг ҳар томондан жаранглаб эшитилишини, унинг асарларини халқ севиб ўқишини Римликлар тан олганлар. Гай ҳақида, унинг фамилияси, қаерда туғилганлиги, ҳатто қайси провинцияда фаолият кўрсатганлиги ҳам номаълум.

Римда императорлик бошқарувининг ўрнатилиши билан юристларнинг амалий фаолияти – ҳуқуқий маслаҳатлар бериши фаоллашган «Жавоблар» деб ном олган бу консультациялар (маслаҳатлар) судьяларга катта таъсир ўтказган. Судьялар кўпинча обрўли юристларнинг фикрларига риоя қилар эдилар.

Император Август расмий аҳамиятга эга бўлган (*ius respondendi*) жавоблар беришни фақат маълум доирадаги юристларга рухсат этиб, уларнинг фаолиятини бирмунча ягона шаклга келтиришга ҳаракат қилган. Асарлари ва фикрлари илгаригидек ҳуқуқ манбаи сифатида кўриладиган классик юристларнинг сони қисқарган. 426 йилги «О цитировании юристов» деган қонунларга биноан фақат бешта юрист: **Папиниан, Павел, Ульпиан, Гай ва Мондестиннинг** асарлари юридик кучга эга эканлиги тан олинган.

Император Август сенатга кўпроқ чиновник-юристларни аъзо қилиб олиб, сенат, аъзолари сифатида уларга юқори маошлар бериб, уларни давлат хизматчилари билан тенглаштирган.

Энг масъулиятли мансабларга юристлар қўйилар экан, улар император номидан суд процессларида қарорлар қабул қилганлар, улар ёзма равишда берилиб, юристларнинг ўз тамгалари билан тасдиқланиб, ҳатто император девонхонасида сақланувчи журналларга ҳам ёзилиб қўйилган. Умуман император Август даврида юристлар (*ius respondendi*) консултациялар бериш билан ва суд процессларида ишларни олиб бориш билан, яъни кўпроқ амалиёт билан шуғулландилар.

Машҳур юрист Ульпиан томонидан бир неча қонунларга, одат нормаларига ва шу жамиятдаги мавжуд бўлган қоидаларга шарҳлар яратилди. Унинг ёрдамчиси **Юлий Павел** эса Рим қулдорчилиқ давлатининг олдинги ўтган юристларининг асарларига ўзининг танқидий қарашларини яратди.

Юрист Папинианни император **Септими Север** претория префекти, яъни суд ишлари бўйича ўзининг ўринбосари мансабига тайинлаган.

Машҳур юрист Ульпиан вояга етмаган император Александр Севернинг даврида претория префекти мансабига эришиб, чиновник, зодагонлар гуруҳига ўтказилди.

Судьялар бу юристларнинг умумий фикрини аниқлашлари лозим эди. Агар бу юристлар ўртасида турлича фикр мавжуд бўлса, кўпчиликнинг фикрига қаралган. Агар овозлар тенг бўлса, Папинианнинг фикри ҳал қилувчи деб тан олинган. Агар бундай ҳолда Папиниан фикр билдирмаса, судья мустақил ҳаракат қилиш мумкин бўлган.

Рим ҳуқуқининг собиқ ҳаракатчанлигининг йўқотилиши, цивил ва преторлар ҳуқуқи ўртасидаги чегараларнинг олиб ташланиши (чунки бундай бўлиниш ягона императорлик қонунчилигида ўз мазмунини йўқотган эди) кодификация ишларини амалга ошириш учун қулай шароитлар яратган. Айниқса Рим империясининг шарқий қисмида (Византияда) ҳуқуқни туркумлаштириш (кодификация қилиш) бўйича қизғин ишлар қилинган. Бу ерда III аср охирида Рим ҳуқуқининг хусусий тўпламлари – **Грегориан кодекси** ва **Гермогениан кодекси** тузилган. Улар ўз ичига 196 йилдан 365 йилгача чиқарилган императорлар Конституцияларининг асл матнларини киритган. 438 йилда эса императорлар конституцияларининг биринчи расмий кодификацияси амалга оширилган (**Феодосия кодекси**). Феодосия тўпламининг ўзига хос хусусияти шундан иборат эдики, у фақат ҳаракатдаги императорлик қонунчилигини ўз ичига олган ва кодификация ишларининг анча юқори даражаси натижаси бўлган.

Юстиниан кодификацияси янги эраизининг IV асрларининг охирларига келиб қадимги Рим қулдорчилиқ давлатида чуқур ўзгаришлар юз берди, яъни шу вақтга қадар бўлган тизимнинг инқирози муносабати билан Рим ҳуқуқининг жонланиши вужудга келиб, кодификация масаласи кун тартибига кўйилди. Ўзгаришлар юз берса-да ҳам лекин унинг асосий институтлари мазмунини, моҳиятини ўзгартирмади, амалда илгариги кўринишда сақланиб қолди. Бу вақтда айнан ҳуқуқ манбаларида бир мунча ўзгаришлар бўлган. Уларнинг ичида императорлар қонунларининг аҳамияти тобора ортиб борганлигидадир.

Императорлар тўла ҳокимиятчилигининг ўрнатилиши муносабати билан янги юристлар авлодларининг мажбурий характердаги маслаҳатлар, яъни консултациялар бериш ҳуқуқлари заифлашиб, вужудга келган янги ҳуқуқий меъёрларни таърифлаб бериш (шарҳлаш) имкониятлари камайиб борган. Юристлар асарлари ва фикрлари илгаридек, ҳуқуқ манбаи сифатида кўриладиган, классик юристларнинг сони тобора қисқариб борган. Юқоридаги қайд қилинганидек фақат буюк юристларнинг яъни Папиниан, Павел, Ульпиан, Гай ва Модестиннинг асарлари ва берган маслаҳатлари юридик кучга эга эканлиги тан олинган.

Судьялар бу юристларнинг умумий фикрини аниқлашлари лозим бўлган. Агар бу юристлар ўртасида турлича фикр мавжуд бўлса, кўпчиликнинг фикрига қаралган. Агар овозлар тенг бўлса, Папинианнинг фикри ҳал қилувчи деб тан олинган.

Машҳур бўлган юристлар – **Сцевола, Сабин, Юлиан** – (консул) **Помпоний, Марциан, ота-ўғил Цельзаларнинг** қарашлари ва кўрсатмалари ҳам эътиборга олинган бўлиб, уларнинг фикрлари юқорида кўрсатилган улуғ ва машҳур юристларнинг фикрларига зид келмаслиги лозим бўлган.

Рим ҳуқуқи ўзининг дастлабки (собик) ҳаракатчанлигини йўқотилиши, цивил ва преторлар ҳуқуқлари ўртасидаги чеғаларнинг олиб ташланиши, кодификация ишларини амалга ошириш учун қулай шароитларни яратиб берди.

3-§. Юстиниан кодификацияси

Манбаларда таъкидланишича Рим ҳуқуқининг кенг қамровли кодификацияси Ғарбий Рим империяси қулагандан сўнг Византия императори Юстинианнинг буйруғи билан 528-534 йилларда ўтказилган. Кодификация ишларига раҳбарликни таниқли юрист, профессор Трибониан амалга оширган. Рим ҳуқуқининг қатор йирик тўпламларини тузиш комиссия ишларининг натижаси бўлган. Бироқ бу тўпламлар интерполяцияга – анча кечки намуналарнинг, жумладан, юнон ва шарқ ҳуқуқи меъёрларининг киритилишига учраган. Ҳуқуқ тарихининг анча кечки босқичида, яъни ўрта асрларда бу тўпламлар Юстинианнинг ягона қонунлар тўплами – **Corpus juris civilis** сифатида майдонга чиққан.

Императорнинг бевосита раҳбарлигидаги кенг кодификация ишлари Юстиниан Кодексини тузишдан бошланган. 528 йил 13 февралда 10 та олий мансабдор шахслар ва ҳуқуқшунослар таркибида комиссия тузилиб, унга Кодексни тайёрлаш вазифаси юклатилган. Комиссия аъзолари таркибидаги профессор Трибониан ва Константинопол ҳуқуқ мактабининг профессори Теофиллар ҳам раҳбарликда ҳам иш фаолиятида ўзларининг фаоллиги билан ажралиб турган. Комиссияга илгари қабул қилинган ва чиқарилган хусусий ва расмий тўпламлардан, хусусан,

Грегориан ва Гермогениан кодексларидан Феодосия кодексларидан фойдаланиб, императорлик конституцияларини бир бутун қилиб тўплаш, улардаги мавжуд қарама-қаршиликларни бартараф этиш, эскириб қолган қонунларни чиқариб ташлаш ваколатлари берилган Юстиниан кодексининг биринчи таҳрири ҳайратланарли даражада ниҳоятда тезлик билан тузилган ва 529 йил 7 апрелда нашр этилган. Лекин бу нашр бизгача етиб келмаган.

Кодекс тузишдаги шошма-шошарликлар, ундаги бир қанча камчиликларга – унда бир-бирига қарама-қарши меъёрларнинг, эскирган қоидаларининг сақланиб қолишига сабаб бўлган. Булар айниқса Юстиниан кодификациясининг бошқа қисмлари тузилаётганда маълум бўлиб қолган. Юстиниан қонунчилигидаги «Элликта қарор» тўпламининг ва 200 дан ортиқ эски қабул қилинган қонунларни ўзгартириш ёки ислоҳотлар қилиш тўғрисида қонунлар қабул қилиниши, айниқса янги киритилган бир қатор тартиб...қоидалар (фуқаролик ҳуқуқи ва «халқлар ҳуқуқи» ўртасидаги, квинит мулки ва бонитор мулки ўртасидаги фарқларнинг бекор қилиниши ва бошқалар) Юстиниан кодексининг янги таҳририда ишлаб чиқишни тақозо қилган. Император Юстиниан деҳқон оиласидан чиққан ақлли саркарда бўлиб, ўз олдида қонунларни тартибга келтиришни мақсад қилиб қўяр экан, у ўзининг қўл остидаги фаолият кўрсатаётган чиновникларнинг ҳам барчасининг қонунга бўйсунини, интизомли бўлишини таъминлаш, судларга иш кўришда, қарорлар чиқаришда қатъий тартиб ўрнатиш ва ўз империясининг ҳуқуқий асосларга таяниб иш кўришини таъминлашни амалга оширишни кўзлаган эди.

Юридик адабиётларни ва қонунларни кодификация қилиш учун яна профессор **Трибониан**, **Теофил** ва Берит ҳуқуқ мактабининг профессори **Дорофейлар** бошчилигида 530 йил 15 декабрда 17 аъзодан иборат кодификацияни амалга оширувчи комиссия тузилди. Комиссияга 17 кишидан ташқари истаган юристларни, олимлар ва ишлаб турган юрист-мутахассисларни, амалиётчиларни жалб этиш ҳуқуқи берилди ҳамда «Закон о цитировании юристов» 426 йилдаги қабул қилинган ва бунда 5 та юристларнинг фикрлари инобатга олинishi лозим деган кўрсатма бор эди.

Император Юстиниан комиссия олдига қуйидаги вазифаларни қўйди:

1. Рим ва Византия фуқаролик ҳуқуқини, яъни Институцияларни бир тўпламга келтириш;

2. Императорлар Конституцияларини, яъни 117 йилдан Андриан императорлик қилган даврдан бошлаб то шу кунга қадар бўлган ҳуқуқий нормаларни, қоидаларни ва бошқа ҳужжатларни бир тизимга келтириш;

3. Шу кунга қадар бўлган Рим юристлари томонидан ёзилган ва қолдирилган Дигестларни, яъни юридик фикрларни, асарларни бир тўпламга келтиришни амалга оширишни талаб этди.

Кодификация ишларини тез ва пухта асосда амалга ошириш учун тузилган комиссияни уч қисмга (кичкина комиссияларга) бўлиб юборди.

а) Фуқаролик (цивил) ҳуқуқларига тааллуқли бўлган Рим юристларининг асарларини йиғиш. Бу кичик комиссияга раҳбар этиб юрист Сабин тайинланди.

б) Преторлар ҳуқуқларига тааллуқли бўлган эдиктларни йиғиш кичик комиссияси.

в) Папиниан асарларини йиғиш ва кичик комиссияси бу кичик комиссиялар қонунларни, юристлар асарларини бир тизимга келтириш учун катта имкониятларни вужудга келтирди.

530 йилга келиб яна комиссия тузилиб унинг олдига синфий юристларнинг асарларини кодификация қилиш вазифаси юклатилди.

533 йилга келиб Рим давлатининг синфий даврдаги юристларининг асарларидан олинган Дигестлар ёки Пандектлар тузилди ва улар янгиланиб турмушга татбиқ этила бошланди.

Дигестлар милoddан аввалги I асрдан эрамининг IV асригача яшаб, ижод этган машҳур Рим ҳуқуқшуносларининг 3 йил давомида 2 мингдан кўпроқ асарларини ўқиб чиқиб, уларнинг асарларидан олинган 3000000 дан ортиқ матнларни ўз ичига қамраб олган, 150 мингга яқин мисрали ноёб ҳуқуқий ёдгорлик ҳисобланган Дигестлар ёки Пандектларда Ульпиан, Павел Папиниан, Юлиан, Помпоний, Модестин ва бошқа машҳур бўлган юристлар асарларидан бошқаларга қараганда кўпроқ

фойдаланилиб, парчалар келтирилган. Жами бўлиб 39 та атоқли ва машҳур бўлган юристларнинг асарлари Дигестлар ёки Пандектларда ўз ифодасини топган.

Айниқса Ульпиан матнлари 1/3, Павел асарлари 1/6, Папиниан асарлари 1/18 қисмини ташкил этган. Дигестларда фойдаланилган асарларнинг муаллифлари Муций Сцевола миллоддан илгариги II асрда фаолият кўрсатган бўлса, энг кичик юрист Гермогениан миллоднинг III асрларида яшаб, ўз асарларини, фикр ва мулоҳазаларини қолдирганлар. Бундан кўриниб турибдики Дигестларни тузиш ва бир тўпламга келтириш ниҳоятда катта даврни ва кенг қамровли босқични ўз ичига олган.

Дигестлар 50 та китобдан, титуллар ва параграфлардан иборат бўлган. Дигестлар ниҳоятда кенг даврни қамраб олса-да, лекин эскириб, замон талабларига жавоб бера олмаган ҳуқуқий нормалар чиқариб ташланган. Дигестларга киритилган барча қоидалар, нормалар қонун кучига эга бўлганлар.

Дигестлар латин тилида ёзилган, лекин кўп иборалар, баъзан эса бутун-бутун парчалар (Марциандан, Папиниандан ва Модестиндан) олинган император Юстиниан Дигестларга қонун кучини бериб, уларни шарҳлашни, шунингдек эски қонунларга ва ҳуқуқшуносларнинг асарларига ҳавола қилишни тақиқлаган. Чунки шарҳлаш кодекс моддаларига бошқача маъно беради, моҳиятини ўзгартириб юборади деган фикрга боради. Ҳатто 1804 йилдаги Наполеон Франция фуқаролик кодексига шарҳлар ишлаб чиқилгандан кейин бунини Наполеон билиб қолиб «Менинг кодексим йўқ, йўқ бўлди, йўқолди (ҳатто «ўлди») деган маънода ҳам афсус қилган. Юстиниан кодификациясининг ўзига хос қисми Институциялар – «ёшлигида қонунларни севадиган» императорга қаратилган ҳуқуқнинг содда дарслиги бўлган. Юстиниан Институцияларининг асосига Гай асарлари (Институциялари ва «Кундалик ишлар»), шунингдек Флорентин, Марциан, Ульпиан ва Павел институциялари қўйилган эди. Юстиниан Институциялари Дигестларга қараганда камроқ бўлса-да, постклассик (кечки Рим, Византия) ҳуқуқ белгиларини акс эттирган эди.

533 йил 16 декабрда Дигестлар тўлиқ асосда ишлаб чиқилди ва Юстиниан Дигестлари ёки Пандектлари деб эълон қилинди

ва қонун тусини олди. Ўша кундан бошлаб эски манбалардан фойдаланишлар ҳамда янги қонун нормаларига шарҳлар бериш таъқиқланди. Агар қонунлар бўйича тушунмовчиликлар келиб чиққан бўлса, Император Юстинианнинг ўзига учрашиш лозимлиги тўғрисидаги қоидалар ўрин олди.

Юқорида таъкидлаганимиздек Дигестлар 50 та китобдан иборат бўлиб, унинг асосий қисмларини (ҳатто кўпчилигини) ҳуқуқий муносабатлар эгаллаган.

Биринчи китоб (асар) ҳатто ҳуқуқ тарихига, манбалар тушунчасига, давлат муассасаларининг вазифаси, тузилишига қаратилган бўлса ҳам, аммо уларнинг бу ҳуқуқий муносабатларда субъект сифатида қатнашиши учун асос бўлган ҳуқуқий ва муомала лаёқатига кўпроқ эътиборни қаратган.

Иккинчи ва тўртинчи китобларда, яъни қонун тўпламларида суд процесси ва уни амалга ошириш ва даъволар ҳақидаги таълимотларнинг қўлланилишига тўхталган. Диққатга сазовор томони шундан иборатки, биринчи ва иккинчи китоблар (қонун тўпламлари муаллифи шу комиссиянинг аъзоси - Берит мактабининг профессори Дорофейга тааллуқлидир. Учинчи ва тўртинчи китоблар шу комиссиянинг фаол аъзоси Константинопол ҳуқуқ мактабининг профессори Теофилга тааллуқлидир.

Дигестларда мулкий муносабатларга, ворислик (мерос) муносабатларига катта ўрин ажратилган ва 6 та йирик-йирик тўпламлардан иборат бўлган. Айниқса Рим давлатининг асосий шартномаларидан бири бўлган олиш-сотиш шартномасига, уни амалга ошириш, шартномани фуқаролик ҳуқуқий муносабатларини вужудга келтирувчи, ўзгартирувчи ва бекор қилувчи асос сифатида қаралиб, ҳатто Рим фуқаролик ҳуқуқининг бошқа ҳуқуқий соҳалардан ўзининг ниҳоятда оддий, примитив асосда ишлаб чиқилганлигини ва барча муносабатлар шартномалар асосида амалга оширилиши таъкидланган..

Рим қулдорчилик давлатида мажбуриятларнинг бажарилиши таъминлаш усулларида бири гаров эканлигини эътироф этиб, унга катта бир тўпламни ажратганлар.

Рим ҳуқуқида оила кичкинагина давлат деб қаралган. У жамиятнинг асоси ва жамиятни ҳаракатлантирувчи субъекти деб қаралган. Якка никоҳлилик, ўзаро софдиллик, лекин ота ҳукм-

ронлиги институтининг мутлақ характерга эга эканлигини эътироф этиб унга, яъни оилавий ҳуқуқий муносабатларга учта тўпламни ажратиб, уни ҳуқуқий тартибга солинишини энг юқори чўққига чиқарганлар. Худди шу оилавий ҳуқуқий муносабатлар билан боғлиқ бўлган васийлик ва ҳомийлик ҳамда уларни тартибга солиш бўйича 2 та тўплам мунтазир бўлган.

Жаҳон юристлари томонидан тан олинган ва эътироф этиб келинаётган Рим ҳуқуқшунослари томонидан яратилган ва Дигестларнинг бешдан бир қисмини ўз ичига қамраб олган мерос ҳуқуқлари, васиятнома, қонун бўйича ворислик, мерос олишдан воз кечиш, умуман Рим қулдорчилик давлатининг иқтисодда ҳукмрон бўлган синфларининг кўпроқ эрки, манфаати ва иродасини кўзлайдиган мерос ҳуқуқий муносабатларига бағишланган.

Рим ҳуқуқининг асосий курашларидан бирини ўзида мужасамлаштирган қуллик институти, ундан озод бўлиш ҳолатлари, усуллари ва тартибларига ҳам алоҳида 1 та қонунлар бағишланган.

Қадимги Рим ҳуқуқида шартномаларнинг турлари хилма-хил бўлган. Айниқса улар консенсуал, вербал, литтерал, реал ва бошқа хил шартномаларга бўлиниб кетган. Улардан айниқса вербал шартномалар кўп ишлатилган. Ана шуларни эътиборга олиб вербал шартномаларга иккита катта-катта қонунлар тўплами ажратилган.

Император Юстиниан қонунларни ва тартибни ниҳоятда ҳурмат қилган юристлардан ҳисобланса-да, лекин Дигестларга киритилган иккита катта-катта тўпламни «энг қўрқинчли» деб атаб, жиноят ва жазога бағишланганлигини янада бир бор таъкидлайди.

Энг охириги тўпламлардан бири ҳарбий масалалар, апелляция масалаларига ҳамда охириги тўпламда эса титуллар моҳияти, манфаати, уларни тартибга солиш ҳамда қўлланиладиган баъзи тушунчалар ҳақида ва умуман кодификация ҳамда ҳуқуқ ҳақида тасаввур ва таасуротларидан иборатдир.

Ишлаб чиқилган дигестларни компиляторлар томонидан текшириш вақтида император Юстиниан яна профессор Трибониан раҳбарлигида, Тафил ва Дорофейларга Гай

Институциясининг эскириб қолганлигини эътиборга олиб, янги Институциялар (дарсликлар) ишлаб чиқишни буюради. Институцияларни ишлаб чиқишни мақсади асосан ҳуқуқий соҳалар бўйича қонунларнинг ҳаракатдалигини ва кераклисини аниқлаш, қонунлар бўйича ҳамма фанларни ажратиб олиш, улардан мақсадга мувофиқ равишда фойдаланиш масалаларини ҳам қилиш ва аниқлик киритиш лозим эди.

Бу Институцияни ишлаб чиқишда яна асосан Гай Институциясидан фойдаланилди ва II асрда яшаб ижод этган Гай VI аср Гайи ёки «Ўзимизнинг Гай»имиз деб атадилар.

Янги ишлаб чиқилган, яъни 533 йил 21 ноябрдаги Институция Гай Институциясига ўхшаса-да, лекин у ҳаракатдаги қонунчилик, янги ҳуқуқий нормаларга асосланган ҳолда ишлаб чиқилиб, кириш қисмидан, шахслар, ашёлар ва ашёвий ҳуқуқларга, мерос ҳуқуқлари ва мажбурият ҳуқуқларига бўлиниб 4-қисмдан иборат бўлган ва 4-қисм охири оммавий ҳуқуқга бағишланган.

Дигестларни ишлаб чиқиш мобайнида бир нечта конституциялар, қонунлар қабул қилинган, бир нечта юристларнинг асарларини, таҳлил қилиш нуқтаи назаридан келиб чиқиб, ушбу янгилликларни Юстиниан кодификациясига киритиш лозим эди ва Юстиниан Кодексининг янги таҳририни ишлаб чиқиш учун яна профессор Трибониан раҳбарлигида беш кишидан иборат комиссия тузилди.

Бу комиссия Кодексни янги таҳрир асосида 534 йил 16 ноябрда иккинчи тузатилган нашрини эълон қилди. Бу Кодекс 12 та китобдан иборат, улар титулларга бўлинган ва титуллар асосида императорлар томонидан қабул қилинган Конституциялар хронологик тартибда жойлаштирилди. Бу Кодекс 534 йил 29 декабрдан кучга киритилди.

Булардан ташқари император Юстиниан томонидан 535-565 йилларда қабул қилинган Конституциялари ҳам кенг миқёсдаги қўшимчаларни киритишни тақозо этарди. Бу ўзгаришлар Новеллалар деб аталиб, кўпчилиги давлат қурилиши, черков муносабатлари, ворислик ҳуқуқи ва оила ҳуқуқи муносабатларини тартибга солишга қаратилган.

Қадимги Рим қулдорчилиқ давлатининг императори Юстиниан ўз кодификацияси билан Рим ҳуқуқининг ўтган та-

рихини, ҳуқуқий маданиятини бир жойга тўпловчи (системага келтирувчи) якун бўлиб, унинг кўп асрлардан буён ривожланишига ўзига хос тарзда чегара қўйди.

Шундай қилиб 534 йилнинг охирига келиб, Юстиниан кодификацияси ўз моҳиятига эга бўлди ва уни фуқаролик қонунлари тўплами деб атадилар.

Янги эрамининг XII асрига келиб у тўлиқ асосда **Corpus iuris civilis** деб аталади ва шу кунга қадар «фуқаролик қонунлари тўплами» деб тан олинади.

Бу тўплам қуйидаги қисмлардан иборат:

1. Institutiones – 4 та китобдан иборат;
2. Digesta (Pandectae) – 50 та китобдан, 7 қисмдан, 432 та титулдан ва 9123 фрагментлардан иборат;
3. Codex – 12 та китобдан иборат бўлиб, Император Андриандан бошлаб император Юстинианга қадар бўлган императорлар фармонлари тўплами.
4. Novellae (leges) 168 новеллалар, (Янги қонунлар), Юстиниан Кодексининг 2 чи қайтадан ишлаб янги таҳриридан кейин қабул қилинган қонунлар;

Corpus iuris civilis (Фуқаролик қонунлари тўплами) нинг қадимги қўл ёзмалари

а) Турин Институцияси (дарсликлари) IX аср;

б) VI – VII асрлардаги Флорентия Дигестлари ва *Vulgata* (XI аср);

в) VIII асрдаги Верон Кодексларидир.

Шундай қилиб, Рим ҳуқуқшунослари томонидан яратилган фуқаролик ҳуқуқи ўзининг асл моҳияти эътиборига кўра жаҳон ҳуқуқшунослик фанида алоҳида аҳамият касб этади. Рим ҳуқуқини ўрганиш ва уни тадбиқ этиш истиқболли бўлиб қолаверди.

Мулоҳаза юригиш учун саволлар

1. Ҳуқуқ манбаси тушунчасига таъриф беринг.
2. Рим ҳуқуқи манбаларини санаб беринг.
3. Юстиниан кодификацияси қандай ном билан аталган?
4. Рим юристларининг фаолияти нечанчи йилларни ўз ичига олади?

5. Кодекс қандай маънони билдиради?
6. Феодосия кодекси неча китобдан иборат бўлган?
7. Кодификация ишларини тез ва пухта асосда амалга ошириш учун тузилган комиссияни император Юстиниан неча қисмга бўлган?
8. Юридик адабиётларни ва қонунларни кодификация қилиш учун кимлар бошчилигида ва қачон кодификация ишларини амалга оширувчи комиссия тузилди?
9. Қайси қонунга асосан бешта юристнинг асарлари юридик кучга эга эканлиги тан олинган?
10. Квирит ҳуқуқининг муҳим манбаларини санаб беринг.

III -БОБ. СУД ТИЗИМИ ВА ДАЪВОЛАР ҲАҚИДА ТАЪЛИМОТ

- 1-§. Ҳуқуқни ҳимоя қилиш ва ўзини ўзи ҳимоя қилиш тушунчаси.
- 2-§. Ҳуқуқни давлат томонидан ҳимоя қиливиши.
- 3-§. Легисакцион процесс.
- 4-§. Формуляр процесс.
- 5-§. Экстраординар процесс.
- 6-§. Интердикт ишларни олиб бориш.
- 7-§. Суд жараёнида суд нотиқлиги.
- 8-§. Ҳуқуқни ҳимоя қилиш ва амалга оширишда вақтнинг таъсири.
- 9-§. Даъво муддати тушунчаси ва турлари.

1-§. Ҳуқуқни ҳимоя қилиш ва ўзини ўзи ҳимоя қилиш тушунчаси

Қадимги Рим давлатини ҳуқуқий нормалари бошқа шахслар томонидан бузилган ҳуқуқларни тиклаш, яъни ҳуқуқ бузилишидан олдинги бўлган дастлабки ҳолатига қайтаришга катта эътиборни қаратган.

Рим халқи бошқа халқлар каби бузилган ҳуқуқларни давлат органлари орқали, айниқса давлат судининг вужудга келишига қадар, ҳуқуқ бузилишларидан ўзини-ўзи ҳимоя қилиш институти орқали ҳимоя қилганлар. Улар ўз ҳуқуқларининг бузилганлигини билишгандан сўнг, энг аввало, ҳуқуқий муносабат иштирокчиси ўз кучига, илмига, ақлига суянган ҳолда ва бошқа хусусиятларидан фойдаланиб, ўзини-ўзи ҳимоя қилишга киришган. Агар унинг бир ўзи бузилган ҳуқуқни тиклай олмаса ёки унинг қайтадан содир этилишини тўхтата олмаса, ҳамда содир этилиши ҳолатларини йўққа чиқариш муносабатларини таъминлай олмаса бундай ҳолатда ўзининг оила аъзоларини ҳам кўмакка чақирганлар.

Жамият тараққиётининг юқори босқичга қадам қўйиши билан ўзини-ўзи ҳимоя қилиш институти, яъни индивидуал асосида, ёввойилик, варварлик усулидаги курашлар, қаршилик кўрсатишлар ўз моҳиятини йўқотиб борди. Уни ўрнига интизо-

млилик асосида, давлат томонидан бузилган ҳуқуқларни ҳимоя қилиш муносабатлари келиб чиқди, лекин бу муносабатларнинг тўлиқ кучга киришига қадар, барибир ривожланган Рим ҳуқуқи асосида ҳам ўзини-ўзи ҳимоя қилиш институти мавжуд бўлиб қолди. Бу институт асосидаги ҳаракат фақат манфаатдор бўлган шахслар томонидан ўз фойдаларига фавқулодда ҳолатлардагина қўлланиши лозим бўлган ҳаракатларни англатса, ўзини-ўзи томонидан ҳимоя қилиш бирданига тортиб олинган мулкни эгасига қайтарилишидек, тез орада бажариладиган муносабатлардан иборат бўлган. Бу муносабатлар бузилган ҳуқуқни тиклаш, унинг бошқа содир этилмаслигини таъминлаш ва содир этилган ҳолатларни йўққа чиқариш, уни содир этадиган ҳаракатларни олдини олиш масалаларидан иборат бўлган.

Рим ҳуқуқида ўзини-ўзи бошқариш институти деганда, жисмоний кучига ёки маънавий ақлига таянган ҳолда ҳуқуқбузарликни тўхтатишга айтилган.

Ўзини-ўзи ҳимоя қилиш – мажбурлаб куч ишлатиш орқали ифода этилишига руҳсатсиз ноқонуний асосдаги ҳаракатларнинг вужудга келиши натижасида пайдо бўлган.

Ҳуқуқ бузилган тақдирда уни тиклаш учун куч ишлатиш, ўзбошимчалик асосида бузилган ҳуқуқни тиклаш Рим давлатида асосан 389 йиллардан бошлаб ман этилган.

Қарздор қарзини тўламасдан кредиторлардан қочмоқчи бўлса, кредитор уни орқасидан қувиб, куч билан қарзни тўлашга мажбур қилган, ҳатто қарз тўланмаган тақдирда қарздорга илгари қўлланилган жавобгарликни қўллаши лозим бўлган.

Агар зудлик билан тегишли чора кўрилмаса, оқибатда маълум зарар етказиладиган бўлса ёки ўзбошимчаликни бу кўриниши ноқулай бўлган ҳолатларни келтириб чиқарган.

Айниқса, Император **Марк Аврелий** қонунларига асосан «кредитор ўзининг ҳуқуқий талабини қондириш» учун қарздорнинг мулкни тортиб олишни, яъни ўзининг бузилган ҳуқуқини ўзбошимчалик асосида тиклашни афзал кўрган бўлса, у мулкни қайта талаб қилиб олиш ҳуқуқини тўлиқ асосда йўқотган. Кредитор энг аввал қарздор томонидан тўланиши ёки қайтарилиши лозим бўлган мулкни, ашёни аниқлаб судга мурожаат қилиши лозим бўлган. Ўзбошимчалик асосида бо-

шқа шахсларнинг мулкини эгаллаб олиш ёки талаб қилиб олиш ҳуқуқига йўл қўйилмаган.

Шундай қилиб ҳуқуқни ҳимоя қилиш ўзини-ўзи ҳимоя қилиш институти орқали давлат ва унинг органлари томонидан ҳимоя қилиш муносабатларига айланди.

2-§. Ҳуқуқни давлат томонидан ҳимоя қилиниши

Рим давлатида ҳуқуқни ҳимоя қилиш давлат суд магистратлари томонидан амалга оширилган. Суд магистратлари низони кўриб чиқиш учун судларни ташкил қилиши мумкин эди.

Рим давлатида кўриладиган ишларнинг тааллуқлилиги масаласига ҳам катта эътибор қаратилган бўлиб, асосий ва кўпроқ ишлар Рим шаҳрининг магистрлари томонидан, баъзи ҳолатларда эса фуқароларнинг фуқаролиги бўлган жойда ва истиқомат қилиб турган жойларида кўрилиши мумкин эди.

Рим ҳуқуқида ҳуқуқнинг икки тури – оммавий ва хусусий ҳуқуқ мавжуд бўлганлиги учун кўриладиган ишлар ҳам иккига бўлинган.

1. Давлат манфаатларини бузилиши билан боғлиқ бўлган ишларни кўриш;

2. Алоҳида шахсларнинг манфаатлари билан боғлиқ бўлган яъни, ҳуқуқни бузиш асосида вужудга келган ишларни кўриш.

Қадимги даврда Римда шахслар, яъни фуқаролар ўртасидаги низолар хусусий тартибда тарафлар томонидан тайинланган ҳакамлик судлари томонидан кўриб чиқилган.

Республика ва принципат даврига келиб, фуқаролик жараёни босқичлари иккига бўлинган.

Биринчи босқич «*In iure*» (ин юре)

Иккинчи босқич «*In iudicio*» (ин юдицио) деб аталган.

Биринчи босқичда магистрат бузилган ҳуқуқни суд орқали ҳимоя қилиш ёки ҳимоя қилиш мумкин эмаслигини аниқлайди, судьяни тайинлайди. Ушбу ишни мазмунан кўриш билан боғлиқ бўлган ташкилий ишларни амалга оширади.

Иккинчи босқичда судья низони мазмунан кўриб чиқади ва қарор қабул қилади. Бу босқичда далилларга баҳо берилади ва иш мазмунан ҳал қилинади.

Республика даврининг бошларида «*In iure*» (ин юре) босқичидаги ишларни консуллар, кейинчалик регринлар ўртасидаги ишларни коллегиял тартибда кўрувчи рекуператор суди пайдо бўлган.

3-§. Легисакцион процесс

Қадимги Рим жамиятининг ўзига хос хусусиятларидан бири легисакцион жараённинг ҳаётга татбиқ этилиши бўлди. Легисакцион жараён энг кўп қўлланилган универсал характерга эга бўлган суд процессидир.

Легисакцион процесс қадимги фуқаролик процессларидан бири бўлиб бу процесс икки босқич *in iure* (ин юре) ва *in iudicio* (ин юдицио) босқичларидан иборат бўлган.

Биринчи босқичда ҳуқуқи бузилган шахс судда иш қўзғатиш ҳақида магистратга арз қилади. Шикоят қилган шахснинг аризасини, даъвосини судда кўрилиши мумкинлигини кўриб чиқилади.

Легисакцион жараён ариза талабларни кўриб чиқилишини турли шакллари бўлиб, улар қуйидагилардан ташкил топган:

а) процессда иштирок этувчи даъвогар ва жавобгарларни аниқлаш.

б) судья тайинлашни талаб қилиш.

в) маълум пул миқдори ва нарсаларни талаб қилиш, гаровга қўйиш ёки магистратга топшириб қўйиш;

Бу процессда асосан даъвогар жавобгарни даъво қилинаётган низо ва унинг предмети билан таништирган. Претор томонидан тайёрланиши лозим бўлган формулалар учун асос яратилиши, айтиқса даъвонинг объекти, унинг жинсий белгиларини кўрсатиш ва бошқа далилларнинг ҳозир бўлиши лозим бўлган.

Даъвогар ўз даъвосини амалга ошириш учун претордан даъво формулаларини беришни талаб этган ва бу формулалар претор томонидан берилган.

Жавобгар келиб даъво билан танишиш учун даъвогар билан келиш, претор томонидан тузилган формулаларни кўриб чиқиш, судьяни танлаш низога тасдиқлаш каби ҳаракатларни амалга ошириши лозим эди.

Агар даъводаги зарарни пул миқдори қатъий белгиланган бўлса, жавобгар уни тўлаш ёки ишни судда кўрмаслик имкониятларини вужудга келтириш йўлларини ўйларди. Агар магистрат томонидан аниқланган ёки даъво аризаси орқали аниқланган сумма маълум бўлса, уни тўлаш – қоплаш учун жавобгарга мурожаат этиларди, ваҳоланки жавобгар уни ўз розилиги асосида қопласа, бу низо суд процессида кўрилмасдан қолдириларди ва низо ҳал қилинган деб ҳисобланарди.

Претор даъвони предмети ва суммасини аниқлаб ёзма равишда даъвогарга беради даъвогар эса жавобгарга олган формуланинг нусхасини ўқиб эшиттиради. Жавобгар бу формулани эшитиб, ҳеч нарса демаса у ўзини суд процессига ёки ишни судда кўриб чиқиш учун топширган деб ҳисобланарди.

Гай Институцияларида кўрсатилганидек, суд томонидан ишни мазмунан кўриб чиқиш учун муддат белгилангандан кейин улар учинчи кун судьяга келишлари лозим бўлган.

Суд процесси озод, эркинлик ва оғзаки асосда амалга оширилиб, далилларни баҳолаш муносабатлари амалга оширилган. Далиллар бўлиб, гувоҳлар кўрсатмалари, воқеа жойини кўздан кечириш, ҳужжатлар ва қасамёд қабул қилиниши (ёки қасамёд) лар ҳисобланган. Даъвогар ўз даъвосини асослаш ва далиллар тақдим этиш мажбуриятини, жавобгар томонидан эса ўзининг эътирозини асослайдиган фактлар бўлиши ва уларни тақдим этилиши талаб этилган.

Судья бу процесс юзасидан ўртоқлари, машҳур юристлар билан маслаҳат қилиши мумкин эди, аммо ҳал қилув қарорини, вердиктни чиқаришда ўзи мустақил жавобгар бўларди.

Претор суд қарорларининг ижроси учун ҳам масъул бўлиб, суд қарорининг айнан Рим шаҳрида ёки жавобгарнинг турар жойида бажарилишини мажбурий бўлган нормалар билан бириктириб қўйиши мумкин эди.

Қадимги Рим давлати суд томонидан қабул қилинган қарорлар бўйича имконият қилишни билмаган, аммо суд қарорларидан норози бўлган тараф преторга мурожаат қилиб, суд қарори асосида келиб чиққан юридик оқибатларни йўққа чиқариш ва ҳаракатни дастлабки ҳолатига келтириш ёки қайтадан тиклаш каби илтимоснома ёки мурожаат қилган. Бу эса преторга

катта имкониятларни яратиб, ҳатто бу воқеаликка ҳуқуқий нормаларни қўллаш мумкин эмас деб иқтисодда ҳукмрон бўлган синфнинг эркини, иродасини ва манфаатини кўзлаган.

Рим хусусий ҳуқуқида воқеаликни дастлабки ҳолатига келтириш, уни қайтадан тиклаш реституция деб аталган. Реституцияни қўллаш қуйидаги ҳолларда амалга оширилган:

биринчидан, воқеалик ёки содир этилган ҳаракат натижасида ёки вақтни ўтказиб юбориш асосида мулкӣ ёки мулкӣ характерга эга бўлмаган шахсий зарарнинг етказилиши натижасида;

иккинчидан, реституцияни талаб қилаётган шахсинг асослари бўлса (яъни, шартномани қўрқитиш, алдаш ёки янгилишиш ва бошқа усулларда тузилганлигини исботласа);

учинчидан, ўз вақтида (кечиктирмасдан) қилинган илтимослар асосида.

Юқоридаги кўрсатилган асослар мавжуд бўлган ҳолда, претор уларни асосли деб топса содир этилган ҳаракат бўйича юридик оқибатлар тўхтатилади ва дастлабки ҳолатига ҳамма ҳаракат қайтарилади ёки қайтадан тикланади.

Рим фуқаролик процессида дастлабки вақтларда вакиллик институти қўлланмаган. Лекин алоҳида ҳолларда, яъни «озодлик учун, халқ учун, васийлик ва ҳомийлик» билан боғлиқ муносабатларда вакилликка йўл қўйилган. Вакилнинг ҳаракатини ваколат берган шахс қўллаб-қувватлаши лозим бўлган. Судьялар ўз қарорларини вакилга қаратиб қабул қилганлар. Вакил эса ваколат берган шахсга тушунтириб, тўланиши лозим бўлган суммаларни тўлаш, ашёларни қайтариш каби масалаларни амалга оширган.

Кейинчалик эса вакиллик всяга етмаган шахслар ўртасидаги муносабатлар, хотин-қизлар билан боғлиқ ҳаракатлар, давлат ишларини бажариш учун сафарга кетган шахсларнинг ўрнига касаллик асосида ўз ҳуқуқларини ҳимоя қила олмаслик ёки судда қатнаша олмаслик асосида ҳам ишларда вакилнинг қатнашишига руҳсат берилган.

Рим фуқаролик процессида **Прокуратура** институти, яъни жавобгар номидан вакиллик қилиш расмий равишда, баъзан эса норасмий асосда амалга оширилган.

Улардан ташқари вакил қилиб олинмасдан, тарафларга ёки процесс иштирокчиларига оғзаки равишда юридик ёрдам берувчи (*advocati*) адвокатлар ҳам қатнашган.

4-§. Формуляр процесс

Эрамиздан аввалги II асрнинг ўрталарига келиб, легисакцион жараён ўрнига формуляр жараён кириб келган, чунки претор ҳуқуқи янада ривожланиб, такомиллашиб борган. Бу жараёнда претор энг асосий ўринни эгаллаган. Ушбу жараёни бошланишига даъвогарнинг жавобгар устидан ўз аризасини ёзма равишда бериши сабаб бўлган. Бу «қоғоз» судья учун шартли белги ёки «формула» деб аталади. Мана шу жараёндан бошлаб формуляр суд жараёнлар вужудга келган.

Бу вақтга келиб, айниқса биринчи босқичдаги иш юритиш (ин юре)нинг аҳамияти кучайиб, айнан шу ерда низонинг ҳуқуқий моҳияти ўрнатилган.

Формуляр жараён ҳам икки босқичдан иборат бўлган. Магистратга жавобгарни даъвогар томонидан чақирилиши, жавобгар эса узрли, сабабсиз келмаган тақдирда, унга жарима солиниши ўзига хос хусусиятлардан ҳисобланган.

Магистратга келишдан аввал даъвогар ўз даъвосини асосини ва талабини ёзма равишда ифодалаган. Бу ҳақида жавобгарга хабар қилган. Буларни ёзишда даъвогарга юристлар ёрдам беришган. Агар жавобгар даъвони тан олса, даъвогар ўз талабини қаноатлантириш ҳуқуқини қўлга киритган, мабодо тан олмаса магистрат қўйидагиларни амалга оширган.

1. Даъвогарнинг даъвосини тасдиқлаган.
2. Жавобгарнинг эътирозини формулага киритган.
3. Судьяни тайин қилган.
4. Ишни кўриш учун судьяга йўлланма берган.

Ёзма формулаларни машҳур юрист Гай асосан 3 қисмга бўлади:

1. Интенция
2. Эксцепция
3. Кондемпнация.

Интенция қисмида – даъвогарни шикоятини айбини аниқлаш ва талаб қисми ҳуқуқий ва даъво предмети ва ҳуқуқий

асосини аниқлаш. Ҳуқуқий асос цивил ҳуқуқи, XII жадвал қонуналари ёки Рим давлатининг бошқа қонунлари ёки претор ва ёки бониторлар ҳуқуқи асосида бўлишини аниқлаш лозим бўлган.

Иккинчи қисми эксцепция бўлиб, эътироз билдириш, алоҳида шарт қўйиш, шикоят, бирон-бир воқеликни вужудга келиши ёки шахснинг бирон ҳаракатнинг содир этганидан кейин бу низонинг ҳал қилиниши каби муносабатлардан ташкил топган.

Фуқаролик ҳуқуқи процессининг иштирокчиси бўлган жавобгар низо предмети ҳал қилинаётган пайтда у бу низога эътироз билдириши ёки шикоят келтириши, ҳатто бу низони ҳал қилиш учун бирон-бир шартни қўйиши баъзан эса унинг томонидан қилинадиган ҳаракат бошқа шахслар томонидан бажарилишини талаб этади.

Формулада кўрсатилиши лозим бўлган ҳаракат албатта далилларга асосланган бўлиши шарт.

Эксцепция – даъвони бутунлай йўқ қилиб юборадиган, ўчириб ташлайдиган ёки унинг бажариш муддатини чўза оладиган муносабатларни амалга оширган.

Кондемпнация – бу хулоса қисми бўлиб, ҳукм чиқариш ёки қарор қабул қилиш билан боғлиқ бўлиб, низонинг ҳал бўлишининг претор томонидан судьяга берилган кўрсатмасидир. Бу қисмда жавобгар даъвонинг талабига рози бўлса, даъво баҳоси аниқланган бўлса, процесс дарров тугайди. Агар бу муносабатларнинг аниқланиши бу иш суд томонидан кўриб чиқилади. Бу иш бўйича суднинг қарори қатъий бўлган ва унинг устидан шикоят қилиниши мумкин бўлмаган. Агарда жавобгар судни қарорини бажармаса ёки ўзини эътирозини исботлай олмаса, у икки баробар қилиб пул тўлаган. Қарздор қарзини тўлагунга қадар қамаб қўйилиши мумкин бўлган. Ўз ихтиёри билан қарзини тўламаса мажбурлаб тўлатилган, қарздорни мулки хатланган.

5-§. Экстраординар процесс

Эрамининг III асри бошларига келиб республиканинг демократик белгиларини кўрсатиш мақсадида, шунингдек император ҳокимияти судьяларга ишонмай қўйганлиги сабабли

ҳуқуқбузарлар билан ўзлари ёки ўзларини амалдорлари орқали курашадиган бўлди.

Экстраординар жараёнларни император амалдорлари амалга оширадди. Император шахсан ўзи ҳар қандай ишни ўзи кўриши ёки ўз амалдорларидан бирига топшириши мумкин эди.

Айниқса, бу жараёнда магистратнинг ўрни беқиёс бўлган. У ишни бошидан охиригача, яъни ишни судга ўтказмасдан ҳам ҳал қилган. Жавобгарни судга олиб келиш ҳам давлат органлари орқали амалга оширилган.

Бундай жараёнларни императордан ташқари шаҳар полицияси бошлиғи, магистрат, провинция ҳокими ва муниципал магистрат томонидан амалга оширилган. Даъвогар суд процессига келмаса иш ёпилган ёки аксинча жавобгар келмаган тақдирда уни иштирокисиз кўрилган. Тарафлардан фақат жавобгаргина судга отвод бера олган. Жараёнда иштирок этувчи тарафлар ва адвокатлар қасам ичишган. Ёзма ҳужжатлар ва гувоҳларни кўрсатмалари далил-исбот бўлган, битта гувоҳнинг гувоҳлиги инobatга олинмаган.

Суд қарорлари мазмунан турлича – пул қийматини тўлаш, ашёни, мулкни қайтариб бериш, бирор-бир ҳаракатни амалга оширишдан иборат бўлган. Судья жабрланувчи талабини камайтириш мумкин эди. Агар судья ишда ноаниқлик бор деган хулосага келса ишни юқори инстанцияга бериши мумкин эди.

Суд қарори даъвогарнинг талабига кўра давлат ташкилотлари томонидан ижро қилинган. Қайтариб берилиши лозим бўлган мулк бўлса, у ҳолда 2 ой мобайнида қайтарилиши лозим эди, акс ҳолда мажбурий олиб берилган. Белгиланган қийматдаги пулни қайтармаса, жавобгарни мулки рўйхатга олиниб қисмларга бўлиб сотилган, мол-мулки бўлмаса жавобгар қамаб қўйилган. Судни қарори устидан шикоят қилиниши мумкин бўлган, у ёзма ёки оғзаки тарзда қарор ўқиб эшиттирилгандан кейин 10 кун ичида келтирилиши мумкин бўлган. Шикоят ишни кўриб чиққан судьяга берилган ва императорга йўлланган. Шикоят император Кенгашида кўриб чиқилган ва унинг хулосаси қатъий бўлган.

6-§. Интердикт ишларни олиб бориш

Қадимги Рим хусусий ҳуқуқининг ўзига хос хусусияти шундан иборат бўлганки, суд ишларини кўришда бир нечта жараёнлар бўлса ҳам уларга қўшимча сифатида ёки Рим давлатининг амалдорларининг ҳуқуқларини манфаатларини мустаҳкамлаш нуқтаи назаридан Рим қулдорчилиқ жамиятида одат асосидаги хусусий даъво тартибида ишни кўриб чиқишдан ташқари интердикт асосда ҳам ишлар, низолар ҳал қилинганлигини кўрамыз.

Олдинги одат бўлиб қолган даъво аризасига асосан кўриладиган ишлардан фарқли ўлароқ, бунда суд магистрати мутлоқ олий ҳокимиятни амалга оширувчи ва барча фуқароларга мажбурий бўлган буйруқлар ва норматив актлар чиқарувчи уни қабул қилувчи олий мансабдор шахс эканлиги билан фарқ қилади. Интердиктлар преторлар томонидан буйруқ характерига эга бўлган қадимдан қабул қилиниб келган ҳужжатлардир. Шунинг учун интердиктлар, шартсиз, қатъий бўлган, гаровга олиш ва жаримали жазоларни қўллаш билан улар бошқа ҳаракатлардан, жараёнлардан ажралиб турган.

Интердиктларни қўллаш маъмурий, ҳуқуқий муносабатларни келтириб чиқарган. Уни машҳур юрист Гай бу преторларнинг шартли буйруғи ва бу буйруқ асосида алоҳида интердикт жараёнини қўллаш бошланган деб таърифлайди.

Интердиктларнинг вужудга келиши давлатни идора этиш органлари томонидан тартибга солинадиган маъмурий муносабатларнинг суд ишларига айланиб кетиши учун асос бўлиб хизмат қилган.

Интердиктларнинг асосий мақсади – ҳуқуқи бузилган шахсларнинг ҳуқуқларини бузилмасдан олдинги, яъни дастлабки ҳолатига мажбурий равишда тиклашдир. Ашё эгасининг манфаатларини ҳимоя қилиш мулк эгасининг ҳуқуқини ҳимоя қилиш учун хизмат қилувчи даъволар ёрдами билан эмас, балки претор интердиктлари билан амалга оширилган. Улар мулк ҳуқуқи эгалигининг бузилишини ёки бошқа тажовузларнинг амалга оширишнинг олдини олишни самарали йўли сифатида ва ҳуқуқий муносабатларда қатнашувчи тарафларнинг ҳуқуқларини тез орада ҳимоя қилиш усулидир.

Интердиктлар оддий ва икки томонлама, маълум ҳаракатларни таъқиқловчи ёки уларни қайтадан ташкил этувчи ёки бирор шахсни, ҳужжатни кўрсатишни талаб этувчи турларга бўлинган.

Интердиктнинг моҳияти шундан иборат бўлганки, ҳуқуқий муносабатларда қатнашувчи қарши томон ҳатто низолар ҳақида баҳслашмасдан ҳам претор ёки магистрат интердиктига сўзсиз бўйсунган. Рим қулдорчилиқ давлатининг синфий даврида интердиктларнинг моҳияти шундан иборат бўлганки, келиб чиқадиган низоларни судсиз, тез орада маъмурий асосда кўриб чиқиш ва ҳимоя қилиш учун айниқса қулдорларнинг, эксплуатация қилувчиларнинг манфаатларини тезда ҳимоя қилиш учун энг қулай ва оддий формадаги ҳаракатлардан бири бўлиб ҳисобланган.

Албатта улар даъволарга ўхшаш кучларни келтириб чиқармаган бўлса ҳам ўзининг соддалиги, осонлиги, қўлланиши қулайлиги билан ажралиб турган, чунки у ашё эгасининг ўз ашёсига эгалик қилиш титулини исботлашнинг мураккаб тартибига муурожаат қилиш заруриятидан озод қилган.

7-§. Суд жараёнида суд нотиқлиги

Ҳар қандай суд жараёни унинг иштирокчилари ўртасидаги баҳс-мунозаралар тарзида ўтади. Суд музокараларининг мазмуни моҳияти эса, авваламбор, тарафларнинг нутқлари орқали намоён бўлади. Бундай музокара нутқлари баҳслашаётган тарафларнинг процессуал манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтирилган бўлади. Бундай нутқларда баъзан мунозаранинг мавжуд эмаслиги тарафлар ўртасида баҳс йўқлигини билдирмайди, аксинча уларнинг жиддий тортишувга тайёргарлик кўраётганини билдиради.

Дарҳақиқат, Рим давлатида ҳам суд нотиқлигининг тараққиёти учун жуда катта имкониятлар мавжуд бўлиб, фуқаронинг ўзидан ташқари, судланувчининг ҳимоячилари ҳам нутқ сўзлаш ҳуқуқи жорий этилган эди. Бу эса Рим давлатидаги нотиқларга ҳимоячи вазифасида суд жараёнида сўзлашга имкон берарди.

Римда ҳам асосан, суд нотиқлиги – оқловчи ва қораловчи нутқи юзага келди. Римлик машҳур нотиқлардан бири эрамиздан олдинги III-I асрларда яшаб ўтган нотиқ ва давлат арбоби Марк Порциус **Катон** (эр. олдинги 234-145 йиллар)дир. У нутқ сўзлаганда кўтаринки руҳ ёки нафрат билан, кучли ҳис-ҳаяжон билан гапирар эди. Масалан, у суддаги бир нутқида давлат хазинасини ўғирлаган лашкарбошилар кирдикорларини қоралаб шундай дейди: «Шаҳсий мулкларни ғорат қилган ўғрилар авахтада, кишанларда кун кечиради. Жамият ўғрилари эса олтин ва ёқутлар ичида».

Катон нотиқ сифатида шу қадар кучли маҳорат эгаси эдики, бу борада Цицерон ҳам тан бериб ёзади: «Ҳаммасини янада чиройлироқ, янада нафисроқ қилиб айтиш мумкин эмас».

Катоннинг суд нотиқлиги маҳоратига қуйидаги тўрт хусусият хос эди:

1. Муҳим масалаларни мухтасар, ихчам, аммо катта эҳтирос ва таъсирчанлик билан баён этишда муайян муваффақиятга эришган.

2. Масалани ғоят кескин тарзда қўйиш унинг энг сеvimли услуби бўлиб, натижада, суддаги кўпдан-кўп баҳсларни ўз фойдасига ҳал қилган.

3. Фикрларни услубий жиҳатдан ғоят гўзал, ифодали ва таъсирчан шаклда баён этишни хуш кўрган.

4. У ҳар бир масала билан танишар экан, уни атрофлича ўрганиб чиқишга алоҳида эътибор берган ва ўз шогирдларига ҳам «кишни пухта ўргансанг, сўз қуйилиб келаверади» деб маслаҳат берган.

Рим давлатида суд нотиқлигининг ёрқин сиймоларидан яна бири Марк Туллий **Цицерон** (эрамиздан олдинги 106-43 йиллар) эди. У 25 ёшида биринчи маротаба халқ олдида нутқ сўзлашга журъат этади. У суд мажлисларидан аввал фуқаролик, сўнгра жиноий иш жараёнлари бўйича нутқ сўзлаб, ўз фаолиятининг илк даврларидаёқ нутқида услубнинг чиройлилиги, ибораларнинг жонлилиги, жумлаларнинг нафис бўлишига катта эътибор беради.

Цицерон суд нотиқлиги назариясини қуйидагича талқин этади:

1. Айбланиш нутқи

2. Ҳимоя нутқи

Цицерон суд нотиқлигининг манбаи ва мақсадини қуйидагича тавсифлайди:

Суд нотиқлигининг манбаи:

- табиий истеъдод;
- назарий билим;
- амалий машқлар.

Суд нотиқлигининг мақсади:

- ишонтириш;
- роҳатлантириш;
- ҳаяжонлантириш.

бу мақсадларга олиб борувчи усул эса суд нотиқлигининг назарий асослари ҳисобланган.

Суд нутқи матни устида ишлаш жараёни беш қисмга бўлинган:

- материални топиш;
- материални жойлаштириш;
- сўзда баён қилиш, ёзиш;
- эслаб қолиш;
- талқин этиш.

Суд нотиқлиги услублари икки муҳим мезонга бўлинган:

1. Аниқ ишлар
2. Умумий масалалар

Суд нутқининг асосий предмети – мунозара, яъни масаланинг бир томондан маъқулланиб, иккинчи томондан инкор этилишидир.

Суд фаолияти ана шу мунозарали масалани ҳал этиб беришга қаратилгандир. Мунозарали масаланинг қораловчи томонидан талқин этилишига асослаш, айбланувчиникига эса оқланиш дейилган. Улар келиша олмаган ўрин эса (суд предмети) ҳисобланган.

Мунозарада ўз фикрининг қатъийлигини исботлаш воситаси далиллар ҳисобланган.

Зотан Цицерон қолдирган бу суд нотиқлиги назарияси инсоният учун амалий қўлланма бўлиб ҳозирги кунгача хизмат қилмоқда ва кўпчилик нотиқлар Цицерон яратган қоидаларга таяниб ўзларининг суд нутқларини ёзишмоқда.

8-§. Ҳуқуқни ҳимоя қилиш ва амалга оширишда вақтнинг таъсири

Ҳуқуқни ҳимоя қилиш ва уни амалга оширишда вақтнинг аҳамияти шундан иборатки, у фактик ҳолатларни келтириб чиқаради, фактларни ҳуқуқга (талаб қилиш ҳуқуқига) айлантиради, ҳуқуқни вужудга келтиради, ўзгартиради ҳамда бекор қилади. Вақт шахсларга ҳуқуқ беради, баъзиларидан эса ҳуқуқни олиб қўяди ёки ҳуқуқнинг ҳаракатини тўхтатади.

Қадимги Рим қулдорчилиқ давлати ҳуқуқида вақт ўтиши билан мулкка бўлган эгалик ҳуқуқи вужудга келган. Мулк ҳуқуқининг эгаси, субъекти бўлиши учун 25 йил талаб қилинган. Иморатларни сотган вақтда олти ой давомида унинг камчиликлари, дефектлари кўриниб қолса, олиш-сотиш шартномаси бекор қилинган ёки уй-жойни қиммат баҳога сотган бўлса 2 йил давомида баҳосини яна қайтадан кўриб чиқиш лозим бўлган.

Рим ҳуқуқида эслай олмайдиган, эслаш қийин бўлган, лекин эҳтимолдан холи бўлмаган вақт (давр) муддатлари ҳам қўлланилган. Масалан: Помпоний томонидан қурилган кўприк бўлса керак. Кўприкка бўлган мулк эгалиги ўрнатилмаган бўлса ҳам эҳтимол қилиниб, унга мулк ҳуқуқининг эгалигига ўхшаш эгалланилади, қўриқланади ва бузилиб кетишига йўл қўйилмайди.

Вақтларни ҳисоблаш календар вақти, йиллар, ойлар, вояга етганликни тан олувчи муддатлар, турилган кунлар каби вақтлар ва даврлар билан белгиланган.

Суткалар, ярим кечалар, йилнинг охириги куни, баҳорнинг келиши, диний байрамлар куни кабиларга бўлинган.

Вақтнинг тамом бўлиши – шартномаларда кўрсатилган шартларнинг бажарилишини талаб этади. Шартнома бажарилмаган тақдирда келтирилган зарарларни ундириш муносабатларини келтириб чиқаради.

9-§. Даъво муддати тушунчаси ва турларга бўлиниши

Даъво муддати деб Рим хусусий ҳуқуқида бузилган ҳуқуқни тиклаш учун кетган вақт мобайнига айтилган.

Рим ҳуқуқшунослари ҳар бир шахснинг ҳуқуқи ноқонуний ҳаракатлар натижасида бузилар экан, ўзининг тасарруфида даъ-

во қилиш ҳуқуқига эга бўлган, аммо даъвони жорий этиш ва қўллаш мулк эгалиги билан боғлиқ бўлганлигини эътироф этганлар. Улар даъво қилиш чегарасини истаганча чўзавериши мумкин эди. Аммо давлат бу даъволарнинг ҳаракатда бўлиши ва даъво муддатининг қўлланишининг тарафдори эди.

Қадимги Рим ҳуқуқига, айниқса синфий даврда даъвони қўллашда қонуний муддатларда қўллаш тушунчаси мавжуд бўлиб, унинг муддати V асрга келиб, Юстиниан томонидан 30 йил билан белгиланди.

Қонуний муддатнинг тугаши даъво қилишни, даъвога бўлган ҳуқуқни тугатарди, аммо қарздор томонидан қарзни ўз бўйнига олиб иқрор бўлса, унинг учун қўлланиладиган даъво муддати тўхтатилиб, янгидан даъво қилиш муддати бошланарди.

Даъво муддатини жорий этишда ҳуқуқнинг бузилган даврини аниқлаш лозим, чунки у даъво муддатининг ўтиши билан боғлиқ бўлган. Масалан: олиш-сотиш шартномаси бўйича сотиб олинган мулк, ҳақ тўлангандан кейин сотиб олувчига ўтиши лозим эди, аммо сотувчи сотиб олувчига мулкни етказиб бермайди. Демак, даъво қилиш муддати шу ҳуқуқнинг бузилганлигини билган пайтдан бошланади.

Қарз берган шахс ва қарз олувчи шахс ўртасидаги шартномада олинган қарзнинг қайтарилиши муддати кўрсатилади, мабодо шу муддатда қайтармаса, даъво қилиш муддати ушбу кундан бошлаб амалга оширилади, яъни қарзни қайтариб олувчига талаб қилиш ҳуқуқи вужудга келади.

Айниқса мажбурият ҳуқуқий муносабатларида баъзан бирон-бир ҳаракатни содир этишни тўхтатиб туриш тўғрисида келишилган бўлиши ҳам мумкин бўлган. Бундай пайтда ҳаракатни амалга оширган вақтдан даъво муддати бошланади.

Даъво муддати ўтишининг тўхтатилиши ҳам мумкин бўлган. Бу ҳолатлар кўпинча мажбуриятларни бажариш учун табиий тўсиқлар, ҳодисалар, ёки меросга бўлган ҳуқуқий муносабатда мулкни ҳисоблаб чиқиш даври билан боғлиқ бўлганлиги ва бошқа ҳодисалар даъво муддатининг ўтишини тўхтатиб у ҳаракатлар олиб ташлангандан кейин даъво муддати яна қайтадан тикланарди.

Мулоҳаза юритиш учун саволлар ва масалалар

1. Ҳуқуқни ҳимоя қилиш тушунчасига таъриф беринг.
2. Ўзини-ўзи ҳимоя қилиш институти қандай ҳолларда қўлланилган?
3. Рим давлатида судда кўриладиган ишлар нечта турга бўлинган?
4. Легисакцион процесс нечта босқичдан иборат бўлган?
5. Реституция қандай ҳолларда қўлланилади?
6. Рим фуқаролик процессида прокуратура институти қандай амалга оширилган?
7. Формуляр процесс қандай маънони билдиради?
8. Претор формулалари қандай элементлардан ташкил топган?
9. Машҳур юрист Гай ёзма формулаларни нечта қисмга бўлган?
10. Экстраординар процессларни қимлар амалга оширган?

IV – БОБ. РИМ ҲУҚУҚИДА ШАХСЛАР

- 1-§. Шахслар тушунчаси
- 2-§. Рим фуқароларининг ҳуқуқий ҳолати
- 3-§. Лотинлар ва перегринларнинг ҳуқуқий ҳолати
- 4-§. Қулларнинг ҳуқуқий ҳолати
- 5-§. Озодликка қўйиб юборилган шахсларнинг ҳуқуқий ҳолати
- 6-§. Колонларнинг ҳуқуқий ҳолати
- 7-§. Юридик шахслар
- 8-§. Муассасалар юридик шахсларни тури сифатида

1-§. Шахслар тушунчаси

Рим ҳуқуқида ва ҳозирги замон ҳуқуқ соҳаларида ҳам ҳуқуқий муносабатларни амалга оширувчи, уларни амалиётга тадбиқ этувчи субъектлар шахслар ҳисобланади.

Шахслар ҳуқуқий муносабатларнинг субъекти сифатида иккига бўлинган, яъни жисмоний шахслар ва юридик шахслар.

Қадимги Рим жамиятида жисмоний шахслар асосий ҳуқуқ субъектлари бўлиб, улар оммавий ва хусусий ҳуқуқ асосида берилган ваколатларни ва мажбуриятларни амалга оширувчи индивидлардан иборат бўлган.

Рим ҳуқуқида жисмоний шахсларни кенг маънода тушунишга катта эътибор берилган. Унга асосан жисмоний шахс деб, ҳар қандай индивиднинг қонунлар томонидан берилган ҳуқуқ бўйича ўз дахлсизлигини, яшаш ҳуқуқини, шаънини, ор-номусини, қадр-қимматини, уларда мустақамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини амалга ошира оладиган ва уни кафолатлайдиган ҳуқуқ ва бурчларга эга бўлган шахсларга айтилган.

Рим ҳуқуқида қатнашувчи шахс, ҳуқуқ субъекти бўлиши учун унинг мулкка эгалик қилиш ҳуқуқи бўлиши, шартномавий муносабатларга кириша олиши, ўзининг хатти-ҳаракатлари билан ўзи учун ҳуқуқ ва мажбуриятларни вужудга келтира олишига айтилган.

Юридик шахслар деганда – жисмоний шахсларнинг бирлашиб, уларга ўз ҳуқуқларини, ваколатларини ўтказилиши асосида тузилган бирлашмаларга, корпорацияларга, диний итти-

фоқларга, ҳунармандларнинг касаба уюшмаларига, ёзувчи ташкилотларга, нон ёпувчи ташкилотларга, судналарнинг йиғиндиси ни бошқарувчи ташкилий бирликлар тушунилган.

Жисмоний шахслар деганда конкрет айнан бир индивид ёки кўпчилик инсонлар, одамлар, яъни жисмоний шахслар ўртасидаги амалга ошириладиган муносабатларнинг субъектлари тушунилган.

Жисмоний шахслар барча ҳуқуқий муносабатларнинг субъекти бўлиши учун улар энг аввало ҳуқуқ лаёқатига (**caput**)га эга бўлишлари лозим. Ҳуқуқ лаёқати ҳар бир инсоннинг туғилиши билан вужудга келадиган ва унинг ўлими билан тугайдиган ҳуқуқ ва бурчларга эга бўлиш лаёқатидир.

Жисмоний шахслар ҳуқуқ лаёқатдан ташқари муомала лаёқатига, яъни ўз ҳаракати асосида ўзи учун ҳуқуқ ва бурчларни вужудга келтириш қобилиятига эга бўлиши лозим.

Қадимги Рим хусусий ҳуқуқининг ўзига хос хусусиятларидан бири фарзанд туғилмасдан олдин ҳам, яъни она қорнида шаклланиб қолишининг ўзи ва фарзанд туғилмасдан олдин отаси вафот этган тақдирда, у отасининг қолган меросидан ўз ҳиссасини, улушини олиш ҳуқуқига эга бўлган. Ҳатто туғилмаган фарзанднинг отаси озод бўлган Рим фуқароси ҳисобланган бўлса, ҳатто онаси қул бўлган тақдирда ҳам туғилиши лозим бўлган фарзанд «озод инсон» яъни, Рим давлатининг фуқароси сифатида тан олинган.

Жисмоний шахслар барча ҳуқуқий муносабатларнинг биринчи ва асосий иштирокчиси сифатида қатнашиб ўз ҳаракатларини амалга оширар экан, ўзлари учун ҳуқуқ ва мажбуриятларни вужудга келтиради, ўзгартиради ва бекор қилади.

Қадимги Рим қулдорчилик давлатида ҳамма инсонлар ҳам бир меъёрдаги ҳуқуқ лаёқатига эга бўлмаганлар. Ҳатто жамият ижтимоий муносабатларининг ҳамда ишлаб чиқариш муносабатларининг янада тараққий этиши натижасида, айниқса савдо муносабатларининг кучайиши, Рим давлати ҳудудидан чиқишни талаб қилиши Рим давлатида яшаб турган ва тўлиқ ҳуқуқ ва муомала лаёқатига эга бўлмаган шахсларнинг ҳам бу муносабатларда қатнашишини талаб этарди ва натижада аста-секинлик билан улар ҳам маълум лаёқатларга эришиб, барча фуқаролар каби ҳуқуқларга эга бўла бошлади.

Шуни қайд қилиш керакки, Рим ҳуқуқи Рим давлатининг қулдорчилик характери, экспулатацияга асосланганлиги, арзон бўлган меҳнатнинг мавжудлигидан келиб чиқиб Рим давлати ўзида истиқомат қилувчи барча инсонларнинг ҳуқуқ лаёқатини тенглаштириш тарафдори бўлган эмас.

Рим давлатининг иқтисодий ва сиёсий ривожланиши, республика давридан монархияга ўтиш, принципат ва доминат даврларида янги экспулатация қилиш шаклларининг вужудга келиши, қуллар институтининг сақлаб қолиниши, баъзи бир гуруҳларнинг ҳуқуқларини кенгайтирди, баъзи бирларининг ҳуқуқлари чегаралаб, умрбод ер билан боғлиқ қилиб, феодал муносабатларни келтириб чиқаришга ҳам сабаб бўлди.

Рим давлатининг фуқароси фуқаролик ҳуқуқининг ҳамда сиёсий, оилавий, мулкый муносабатларнинг тўлиқ ҳуқуқ лаёқатига эга бўлган субъекти бўлиши учун энг аввало учта талабга жавоб бериши лозим эди:

Озодлик ҳолатлари – **Status Libertatis**, озод бўлган шахслар бўлиши лозим эди.

Фуқаролик ҳолатлари – **Status Civitatis**, чет эл фуқаролари бўлмасдан Рим давлатининг фуқаролигига эга бўлган шахслар бўлиши.

Оилавий ҳолати – **Status familiael**, оила бошлиғига қарам (*patria potestas*) бўлмаган шахслар бўлиши лозим эди.

Рим хусусий ҳуқуқининг субъекти тўлиқ ҳуқуқ лаёқатига эга бўлиши учун эса икки элементнинг вужудга келиши тақозо этилган.

а) Рим ҳуқуқи бўйича никоҳга киришиш ва оила ҳуриш ҳуқуқига эга бўлиши;

б) барча мулкый муносабатларнинг субъекти бўлиши ва шартномавий муносабатларга кириша олиш ҳуқуқларига эга бўлиши керак эди.

Рим ҳуқуқи тўлиқ ҳуқуқий лаёқатга эга бўлган инсонлар қаторига озод бўлган, озод бўлиб туғилган шахсларни киритган. Қуллар ҳуқуқий муносабатларнинг субъекти эмас балки уларни объект сифатида «гапирувчи қурол» сифатида эътироф этилган. Қулларнинг ҳуқуқий ҳолати ашёларни ҳуқуқий ҳолати билан

тенглаштирилган. Ҳатто Рим юристлари қуллик бу қадимги Рим давлатининг ёки қулдорчилик тизимининг бошдан кечирган барча давлатларга тааллуқли бўлган институтидир, деб таъриф берганлар.

Албатта Рим давлатида ишлаб чиқариш муносабатларининг ўсиши, ривожланиши, айниқса, савдо муносабатларининг кенгайиши натижасида қулларнинг ҳуқуқларини, яъни ҳуқуқ лаёқатининг ўзгаришига олиб келган.

Рим давлатида озод бўлган шахсларнинг ҳаммаси ҳам тўлиқ ҳуқуқ лаёқатига эга бўлмаганлар. Баъзи озод бўлган шахслар ҳеч қандай ҳуқуқ лаёқатига эга бўлмаганлар.

Озод бўлган фуқаролар Рим давлатининг сиёсий, оилавий ва мулкӣ муносабатларида тўлиқ қатнашиши учун Рим давлатида яшаб турган, унинг фуқаролигига эга бўлган, **cives romani Quirites** ҳуқуқига эришган шахсларгина ҳисобланган.

Чет давлатлардан келиб қолган озод бўлган фуқаролар сиёсий, оилавий ёки мулкӣ муносабатларда қатнаша олмаган, балки уларни **hostis** (душман) деб ҳисоблаганлар. Аммо улар преторлик муносабатлари орқали ўзига патрон, яъни хўжайин излаб топиб, унга мижоз сифатида расмийлаштирилиб, ундан битимлар тузишда ва уларнинг ҳуқуқларини судда ҳимоя қилишда катта ҳуқуқий ёрдам олиб, хўжайини, яъни патрони орқали ҳуқуқий муносабатларга киришганлар. Бунда патрон чет эл фуқаросининг вакили сифатида эмас, балки унинг манфаатини ҳимоя қилувчи ва ўз номидан ҳаракат қилувчи шахс бўлиб танилган.

Рим давлатида яшовчи лотинлар эса (**latini**) сиёсий ҳуқуқлардан маҳрум қилинган шахслар бўлиб, уларга фуқаролик ҳуқуқи нормаларидан фойдаланишга тўлиқ руҳсат этилган ҳамда суд ишлари, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳам худди Рим фуқароларидек амалга оширилар эди. Айниқса 212 йилдаги император **Каракалли** томонидан империяда яшаб турган барча фуқароларга Рим давлатининг фуқаролиги берилиши ва улар барча муносабатларда Римликлар каби тенг ҳуқуқ ва бурчларга эга эканликлари уларнинг ҳуқуқларини янада кенгайтди. Рим давлатини халқаро муносабатларининг ривожланиши натижасида, фуқаролик ҳуқуқий муносабатларнинг такомиллашиши

лотинларга тааллуқли бўлмаган фуқароларнинг ҳам аста-секинлик билан ҳуқуқларини кенгайтириб перегринлар билан тенг бўлган ҳуқуқларга эга бўлишини таъминлади.

Перегринлар – сиёсий ҳуқуқлардан ҳамда «Рим никоҳи»га киришиш ҳуқуқларидан маҳрум бўлса ҳам улар ўзига хос бўлган оилавий ҳамда мулкый муносабатларга киришиш билан Рим фуқаросининг ҳуқуқий лаёқатига қараганда бир мунча чегараланган ҳуқуқ лаёқатига эга бўлганлар.

Император Юстиниан қонунлари, халқаро савдо муносабатларининг гуркираб ўсиши натижасида товар эгаларининг миллати, яшаши ва бошқа хусусиятларидан қатъий назар улар мулкдорлар синфига яқин бўлганлигини эътиборга олиб уларни ҳам Рим фуқаролари деб таниб тенг ҳуқуқ ва бурчларга эга бўлиш имкониятини яратиб берди.

Фуқароларнинг тўлиқ ҳуқуқ лаёқатига эга бўлишида оилавий ҳолатнинг катта таъсири бўлган.

Римда тўлиқ ҳуқуқ лаёқатига эга бўлган оила деб, оила аъзоларининг «ота ҳукмронлиги» институтига бўйсунмайдиган, мустақил ҳаётни, фаолиятни амалга оширувчи иттифоқига айтилган.

Ота ҳукмронлиги институтида яшовчи барча шахслар уй бошқарувчисига, яъни отага бўйсунган ва шартномавий муносабатларга киришганда ўзлари учун ҳуқуқ ва мажбуриятлар вужудга келтирмасдан ота учун вужудга келтирган, лекин ота мажбуриятларни бажаришдан холис бўлган.

Ота ҳукмронлиги остидаги шахсларнинг шартнома муносабатларига киришишини шароит тақозо этиб, уларни бу муносабатларда қатнашишини таъминлаган, чунки улар ҳарбий урушлар натижасида маълум бойликларга эга бўлиш, фуқаролик ҳуқуқий муносабатлардан фойдалар олиш каби мулкый ҳуқуқларга эга бўлганлигининг ўзи уларни маълум бир ҳуқуқлар билан таъминлашни юзага келтирди. Лекин Юстиниан кодификацияси отани, яъни «ота ҳукмронлигини» тўлиқ асосда ҳуқуқий лаёқатга эга деб фуқаролик ҳуқуқининг субъекти деб тан олиб уни янада мустақкамлади.

2-§. Рим фуқароларининг ҳуқуқий ҳолати

Қадимги Рим қулдорчилик давлатида Рим фуқаролигига эга бўлиш қуйидаги асосларнинг вужудга келишини тақозо этарди:

биринчидан, Рим никоҳи асосида туғилган фарзанд отанинг ҳуқуқий ҳолати билан белгиланиши, никоҳда турмаган хотиндан туғилган фарзанд онанинг ҳуқуқий ҳолати билан боғлиқ бўлишини;

Рим фуқаролигига эга бўлган ота ва онадан туғилган фарзанд Рим фуқароси деб танилган, аммо отаси Рим фуқароси бўлган, лекин онаси никоҳсиз, Рим давлатига мансуб бўлмаган шахсдан туғилган бўлиб ҳисобланса унда фарзанд Рим фуқароси деб ҳисобланмаган.

Рим фуқаролик ҳуқуқи ҳали туғилмаган, лекин она ҳомиладор бўлган ҳолатида отаси Рим фуқароси бўлиб ҳисобланган бўлса, у вафот этгандан кейин туғилган чақалоқ озод бўлган, Рим фуқароси сифатида эътироф этилган.

Никоҳда турмасдан фарзанд кўрган бўлса ва онаси фарзанднинг туғилиш даврида Рим фуқаролигига эга бўлса, бундай ҳолатда фарзанд фуқаролиги онанинг ҳуқуқий ҳолати билан белгиланган;

иккинчидан, Рим давлатида қулнинг ўз хўжайини томонидан озод этилиши;

учинчидан, фуқароликка эга бўлмаган шахснинг Рим фуқароси томонидан фарзандликка олиниши оқибатида;

тўртинчидан, давлат томонидан қабул қилинган ҳужжатлар, норматив актлар асосида ҳамда провинция ва обшиналар (жамоалар) қарорлари асосида фуқаролар озод бўлиб, уларга Рим фуқаролик ҳуқуқи лаёқати ёки ҳуқуқий ҳолатни берилганлиги асосида.

Рим фуқароларининг хусусий ҳуқуқ ва оилавий ҳуқуқларга эга бўлишида уларнинг ҳуқуқлари бир-биридан бироз фарқ қилган ёки уларнинг қисман ҳуқуқлари чегараланган.

Рим фуқаролари ўзининг ҳуқуқий ҳолати нуқтаи назаридан икки гуруҳга бўлинганлар:

а) озод бўлиб туғилганлар;

б) қулликдан озод бўлган фуқароларга, яъни ўз эрки билан қўйиб юборилган либертинларга (libertini).

Озод бўлиб туғилган Рим фуқаролари сиёсий, оилавий, мулкӣ ҳуқуқларга эга бўлиб, улар Рим доимий армияси сафида хизмат қилиш, халқ мажлисларида овоз бериш ҳуқуқига ҳамда магистрат бўлиб сайланиш ҳуқуқларига, яъни сиёсий ҳуқуқларга эга бўлганлар.

Хотин-қизлар сиёсий ҳуқуқларга эга бўлмаганликлари учун расмий исмга ҳам эга бўлмаганлар, уларга ҳаёт асосида, турмушдан келиб чиққан ҳолда исм қўйганлар, яъни Помпонийнинг қизи ёки Модестиннинг хотини деб атаганлар.

Мулкӣ муносабатлар, яъни фуқаролик хусусий ҳуқуқи бўйича мулкка эга бўлиш, шартномаларни тузиш, мажбуриятларда қатнашиш, ўзи учун ҳуқуқ ва бурчларни келтириб чиқариш, васиятнома тузишда гувоҳ сифатида қатнашиш каби ҳуқуқларга эга бўлган.

Либертинларнинг ҳуқуқлари биров чегараланган, яъни улар Рим легионларида хизмат қилишини мумкин эмаслиги, сенаторлар таркибига сайланиш ёки киритилиши тақиқланганлиги билан хусусий ва оила ҳуқуқи соҳасида айниқса сенаторлар билан никоҳ тузиш каби ҳуқуқлари чегараланган.

Ўз ихтиёри асосида озодликка қўйиб юборилган шахслар, ўзининг олдинги хўжайинига (**патронига**) ишлаб бериш, ёрдам кўрсатиш алимент олишга бўлган ҳуқуқ, мерос ҳуқуқи муносабатларида, яъни фуқаролик ҳаёти билан тўлиқ асосда боғлиқ эди. Ҳатто ўғил отасига қандай мажбурий ёки бурчли бўлса худди шу каби ёки унга ўхшаш, яқинлик асосида кўрилган.

Қадимги Рим хусусий ҳуқуқида Рим фуқаролигини йўқотиш энг оғир бўлган муносабатлардан иборат бўлиб, ҳатто оғир жазоли жиноятларни ҳам келтириб чиқарган.

Фуқароликни йўқотиш асослари қуйидагилардан иборат бўлган:

- а) озодликни йўқотиш, яъни асрга тушиш;
- б) қулликка сотиш;
- в) оғир жиноятларни содир қилганлиги учун муддатсиз сургун қилиш;
- г) фуқаронинг ўзи томонидан ихтиёрий асосда ер олиш учун лотинлар ҳолатига ўтиш.

Император фармойишига асосан Рим давлатининг мустамлакаларида яшовчи лотинлар учун ер ажратиб берилган. Бу ерда ерни олиш учун фуқаро ўз фуқаролигидан воз кечиб, ер олганлар ва лотинлар ҳолатига ўтганлар.

3-§. Лотинлар ва перегринларнинг ҳуқуқий ҳолати

Лотинларнинг ҳуқуқий ҳолати икки қисмга бўлинган, яъни қулдорларнинг ўзлари томонидан қулликдан лотинларнинг озод қилиниши билан боғлиқ бўлган ва Рим фуқароси томонидан алоҳида шартлар асосида озод қилинган лотинларга бўлинган.

Лотинларнинг ҳуқуқий ҳолатига эга бўлиш асослари қуйидагилардан иборат бўлган:

- Туғилиши билан отаси лотин бўлса отанинг ҳуқуқий ҳолати билан белгиланган. Никоҳсиз онадан туғилган шахс онанинг ҳуқуқи билан боғлиқ бўлган;

- Давлат ҳужжатлари асосида лотинлик ҳуқуқий ҳолатига тақдим этилган бўлса;

- Рим фуқаролигидан ихтиёрий асосда ер олиш нуқтаи назардан келиб чиқиб, лотинликка ўтиш;

- Давлат қонунларида кўрсатилган асосда лотин-қулдор ёки Рим фуқаролигига эга бўлган шахслар томонидан қулликдан озод қилиниши асосида;

- Лотинларнинг оммавий ҳуқуқ ва хусусий ҳуқуқлар асосида ҳуқуқларга эга бўлиши бироз фарқланган.

Оммавий ҳуқуқ асосида барча лотинлар Рим армияси сафида хизмат қилишлари ман этилган, аммо Рим шаҳрига келган пайтда Рим халқ мажлисларида овоз бериш ҳуқуқларига эга бўлган.

Фуқаролик ҳуқуқи асосида эса савдо, ашёвий, шартномавий ҳуқуқларга эга бўлган, ўзлари учун ҳуқуқ ва мажбуриятларни келтириб чиқарган ва жавобгарликни ҳам ўтаганлар.

Аммо лотинлар таркибида *libani* лотинлари бўлиб, уларнинг ҳуқуқлари чегараланиб, уларга васиятнома тузиш, қонун бўйича мерос олиш ҳуқуқининг ман қилинганлиги ва унинг ўлими билан барча мулкларининг ўз хўжайинига тўлиқ ўтказилиши билан чегараланган.

Аммо император Юстиниан даврига келиб «лотинлар ли-ниани» деган алоҳида халқлар гуруҳи тўлиқ асосда лотинлар миллатига қўшилиб кетди.

Булардан ташқари лотинлар қадимги лотинларга ва колони-яларнинг лотинларига бўлинган.

Қадимги лотинларнинг мулкӣ ҳуқуқлари, судда сўзлаш, никоҳга киришиш ҳуқуқлари бўлган.

Колониялар лотинлари эса Рим фуқаролари билан никоҳга кириш ҳуқуқига эга бўлмаганлар. Бошқа ҳолларда эса қадимги лотинлар билан тенг ҳуқуқга эга бўлганлар.

Перегринлар – Рим давлати томонидан босиб олинган мустамлакаларнинг аҳолиси бўлиб, булар Греция, Египет, Галлия (Франция), Иберия (Испания) ва бошқа мамлакатлар-дан келган шахслардир.

Перегринларни кўпинча Рим давлати томонидан тайинлан-ган маҳаллий органлар, проконсуллар, пропреторлар, проку-раторлар ва легатлар уларни иқтисодий, сиёсий, ҳарбий ва суд муносабатлари билан боғлиқ бўлган фаолиятларини тартибга солган ва бошқарган.

Перегринларнинг ҳуқуқий ҳолати Рим давлати томонидан ишғол қилинган, босиб олинган ерлар Рим давлати ҳудудига киритилган бўлса-да, лекин халқларини қулликка ўтказмасдан ҳамда Рим фуқаролигини бермасдан қолиб кетган фуқаролар перегринлар деб аталган.

Перегринларнинг вужудга келиши, отаси перегрин бўлиб фарзанд туғилган бўлса отанинг ҳуқуқий ҳолати билан белги-ланган. Никоҳда турмасдан фарзанд кўрган перегринка она-нинг боласи ҳам перегрин бўлиб ҳисобланган.

Республика даврида суднинг қарори асосида жиноят содир этганлиги учун перегринликка ўтказиш, империя даврида уни бадарға қилиш асосида перегринлик ҳуқуқий ҳолати келиб чиққан.

Перегринлар сиёсий ҳуқуқларга эга бўлмаган, улар сайлаш ва сайланиш ҳуқуқидан маҳрум бўлиб, уларга душман (*hostis*) деб қаралган.

Фуқаролик ҳуқуқида перегринлар ва Рим фуқаролари ўр-тасидаги муносабатларни ҳал қиладиган ҳуқуқий нормалар

мавжуд бўлмаган. Айниқса савдо муносабатлари чегараланган. Буларнинг ҳаммаси ва бу қийинчиликларни бартараф этиш нуқтаи назаридан (**ius gentium**) халқлар ҳуқуқи вужудга келди.

Рим фуқаролигига эга бўлишнинг ҳам ўзига хос хусусиятлари мавжуд бўлиб, Айниқса Рим давлати олдида кўрсатган хизматлари, мукофотларга сазовор бўлганлиги учун Рим давлатининг қонунлари асосида фуқароликка эга бўлиши, давлат ҳужжатлари ва қарорлари асосида алоҳида peregrinlar гуруҳига фуқароликни бериш, фискал мақсадлари (яъни, меросдан солиқ олиш) асосида ва бошқа усулларда peregrinlar Рим фуқаролигига эга бўлганлар.

4-§. Қулларнинг ҳуқуқий ҳолати

Қулларнинг ҳуқуқий ҳолатига келганимизда Рим давлати қадимдан қулдорчилик давлати бўлиб, қуллар институтининг мавжудлиги ва бу қулларнинг эгалари ҳар хил шахслар баъзи ҳолатларда давлатга оид бўлган қулларнинг ҳам бўлганлигини бутун Рим тарихи ўзида акс эттириб берган.

Қулларнинг ҳуқуқий ҳолати асосан улар ҳуқуқий муносабатларни амалга оширувчи субъектлар бўлиб қолмасдан, балки улар шу муносабатларнинг объектлари бўлиб ҳисобланган.

Қуллар ашё сифатида, уларнинг ҳеч қандай ҳуқуқларга эга эмаслигини, уни хўжайини эса уларга нисбатан истаган ҳаракатларни амалга ошириш, чегарасиз, мутлоқ бўлган ҳуқуқларни амалга оширувчи шахс бўлиб ҳисобланган.

Рим давлатининг бошланғич даврларида қулларнинг аҳволи бир мунча яхшироқ бўлган. Қулни асир қилиб олган шахс, эртага ўша қулнинг отаси, укалари ёки болалари томонидан унинг ҳам асир қилиб олинishi эҳтимолидан келиб чиқиб, чуқур ўйлаб ўзининг ҳам худди шундай қулга айлантирилишини сезган ҳолда қуллар билан бўлган муносабатларни бир мунча юмшоқроқ характерда олиб борганлар.

Қулдорлар қулларнинг оиласи билан алоқада бўлганлар ва қуллардан кўпроқ ёрдамчи куч сифатида фойдаланиш мумкинлигини эътиборга олганлар.

Рим давлатининг сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий қудратининг янада кучайинishi натижасида қулларнинг сони ниҳоятда

кўпайди. Уларни Осиё, Африка мамлакатларидан сотиб олиб келиш кучайиб, қуллар институти мутлақ институтга айланди. Эксплуатация қилиш усуллари ўзгарди ва кучайди.

Қулликнинг ўрнатилиш усуллари кўпчилик ҳолларда урушлар оқибатида асир олиш, чет эл фуқаросини эгаллаш каби асосларда, қул бўлган она ва отадан туғилиши натижасида, никоҳсиз она қул бўлса ундан туғилган фарзанд ҳам қул бўлиб ҳисобланиши асосида қуллик ўрнатилади.

Претор эдиктлари асосида озод бўлган фуқаронинг ўзини қулликка сотиши ва кейинчалик ўзини сотган пулга ўзи ва қулнинг эгаси томонидан озодликка чиқараман деган ваъда берилганлиги асосида ҳаракат содир этилганлигини билиб қолса, у умрбод қулга айлантирилади.

Империя даврига келиб қулликка айлантириш тартиби ва асослари йўқолиб унинг ўрнига янги асослар қўлланилган.

Суд томонидан белгиланган жазолар асосида ўлим жазосига маҳкум этилган шахслар ва озод бўлган хотиннинг қул билан жинсий алоқада доимий бўлиши ҳам қулликни келтириб чиқарган.

Қулларнинг шахсий ҳуқуқий ҳолати – қуллар ашёлардир. Уларни Рим армияси сафида хизмат қилиши ман этилган ҳамда давлат хазинасига солиқ тўламаганлар яъни, уларни инсон ёки фуқаро сифатида тан олмаганлар.

Оилавий ҳуқуқий ҳолати, оила қура олмаган ва қулнинг хотин киши билан алоқаси никоҳ деб ҳисобланмаган.

Мулкий муносабатлар бўйича қуллар индивидуал, умумий, ашёвий объект, узуфрукт, гаров яъни мажбуриятларнинг бажарилишини таъминловчи усул олиш – сотиш, қарз, мулк ижараси шартномаларининг объекти бўлиб ҳисобланган.

Қулларнинг ўзларига таллуқли бўлган ашёлари бўлмаган. Қуллардаги бўлган барча мулкларнинг эгаси қулнинг хўжайини ҳисобланган.

Рим қулдорчилиқ жамиятининг ривожланиши, айниқса ишлаб чиқариш муносабатларининг тараққий этиши, халқаро савдо муносабатларининг вужудга келиши қулларнинг бироз бўлса-да ҳуқуқларининг кенгайишига олиб келди. Чунки қулнинг хўжайини бир ўзи ҳамма муносабатларда қатнашиш учун жисмоний имконияти етишмай қолди.

Кулдорлар кулларнинг ақли борлигидан онгли асосда ўз хўжайинига хизмат қилишини ва уларнинг тадбиркор эканлигидан фойдаланиб ўз номидан шартномавий муносабатларга киришиш учун ваколатлар берганлар ҳамда улардан савдо кемаси капитанлари, корхона раҳбарлари сифатида фойдаланганлар. Вужудга келган ҳуқуқ ва мажбуриятлар юзасидан кулнинг хўжайини кредиторлар олдида масъул бўлган.

Кулнинг хўжайини кулни ўз оиласида яшаганлигини эътиборга олиб, унга ер, чорва моллари, хўжалик товарлари, ҳатто ўз ерини, ҳовлисини ишлаш учун баъзан (*Servi vicarii*) бошқа кулларни ҳам берган. Кул эса мустақил асосда ўз хўжалик фаолиятини амалга оширган. Айниқса ўзига тааллуқли бўлган мулклардан озод ҳолатда фойдаланган ва қисман бўлса-да тасарруф этган, яъни пекулий институти вужудга келган. Пекулий – хўжайиннинг ўз кулларига мустақил хўжалик юритиш учун бериб қўйган мулкининг бир қисми (ер участкаси, ҳунармандчилик устахонаси, қорамоллари ва бошқалар)га айтилган.

Фуқаролик ҳуқуқий муносабатларнинг янада ривожланиши натижасида куллар ҳуқуқий ҳолатининг ўзгариши пекулий асосида ҳуқуқий муносабатларда қатнашиши ва мулкий жавобгарликни белгилаш учун муҳим бўлган.

Куллар томонидан тузилган ишлаб чиқариш процесси характери билан боғлиқ бўлган битимлар юзасидан келиб чиққан моддий жавобгарлик учинчи шахслар олдида, дастлабки пайтларда хўжайин жавоб бермаган бўлса кейинчалик эса ҳуқуқий муносабатларнинг янада такомиллашиши натижасида кулнинг хўжайини тўлиқ асосда жавоб берган. Бу мулкларнинг барчаси кулнинг хўжайинига тааллуқли бўлса ҳам ундан куллар ҳам фойдаланган.

Кулликдан озод бўлиш доимо кулнинг хўжайинини эрки билан боғлиқ бўлган. Айниқса васиятномаларда кўрсатилган, қайси вақтда, қандай ҳолатда ёки кулни ўзини-ўзи сотиб олиш учун қанча сумма тўлаши лозимлиги ва кимга каби масалаларни ҳал қилган.

Кулларни озод қилишнинг қадимдан 3 та шакли, усули мавжуд бўлган.

Биринчидан, мерос қолдирувчи томонидан васиятномада қайси вақтдан бошлаб қулни озодликка чиқиши мумкинлиги кўрсатилган ҳолатда;

Иккинчидан, мерос қолдирувчи ўз меросхўрларига қачондан қайси пайтдан бошлаб, қулни озод қилиши тўғрисида кўрсатмани ёзиб қолдирган.

Учинчидан, қулни озод қилиш учун бирон-бир шарт ёки озод қилишни тўхтатиб турувчи ҳаракатни содир этиш билан боғлиқ бўлган.

Масалан: Менинг ворисим Манилийга сен 200 динар берганингдан кейин сен қулликдан озод бўласан деган асослар қулчиликдан озод қилувчи далиллар бўлиб ҳисобланган.

Республика даврида қулларни қулликдан озод қилиш учун қулдор гувоҳлар иштирокида қулни қўйиб юбориш, яъни озод қилиш тўғрисидаги хатни тузиш асосида ҳам амалга оширилган.

Принципиат даврида қул томонидан ўз хўжайинини ким томонидан ўлдирилганлиги аниқланса ҳамда 20 йил давомида озод бўлиб яшаб келган бўлса, қул ушбу муддат ўтиши билан қулликдан озод бўлган.

Қулдорчилик давлатининг ўзига хос хусусиятларидан бири, қулларни озод қилмаслик тамойилини амалга ошириш, яъни унга моњелик қилиш йўлларини излаб топиш билан боғлиқ бўлган. Янги эрамининг I асрларига келиб, давлат томонидан бир нечта қонунлар қабул қилинди ва бу қонунларнинг мақсади қулларни озодликка чиқаришга қарши бўлган меъёрларни ўрнатишдан иборат бўлди.

Бу меъёрлардан бири 20 ёшли хўжайин томонидан 30 ёшли қулни озод қилиш тўғрисидаги ҳаракатларни алоҳида комиссия текшириб кўриши лозимлиги;

Қулларнинг ноқулай бўлган хислатларини борлиги ва уни чет элга чиқариб юбориш лозимлиги;

Қулларга белгилар, номерлар қўйилган бўлса, уларнинг ўз хўжайинига тааллуқлигини мустаҳкамлаган ҳамда гладиаторларни озодликка чиқармаслик, васиятномада қандай усулларда озод қилишнинг чегараланган усуллари ҳам кўрсатилиши мумкин эди.

Айниқса, қулдор 3 та қулга эга бўлса, фақат иккитасини озод қилиши, 10 та қулга эга бўлса, унинг ярмини озод қилиши каби усуллар васиятноманинг ўзида ҳам кўрсатилишига рухсат берилган.

5-§. Озодликка қўйиб юборилган шахсларнинг ҳуқуқий ҳолати

Рим қулдорчилиқ давлатининг синфий даврида озодликка қўйиб юборилган шахсларнинг ҳуқуқий ҳолатлари ким ва қайси мулкдор томонидан рухсат этилганлигига қараб белгиланган.

Квиритлар ҳуқуқи бўйича квирит мулкининг эгаси томонидан бу шахс озод этилган бўлса, Рим фуқаролигига эга бўларди, аммо преторлар эдикти билан ҳам боғлиқ бўлган ва император Юстиниан томонидан бу фарқлар йўқотилиб, тўлиқ асосда Рим давлатининг фуқароси деган ҳуқуқий ҳолат бериладиган бўлди.

Озодликка қўйиб юборилганлар ва либертинлар ҳуқуқий ҳолати бўйича барча шахслар билан тенг бўлиб ҳисобланса ҳам улар озод бўлиб туғилган шахслар билан тенглаша олмас эди.

Айниқса озодликка қўйиб юборилган шахсларнинг фуқаролик ҳуқуқий муносабатларига киришишида чекланишлар мавжуд эди, яъни улар озод бўлиб туғилган шахслар билан никоҳга кириша олмас эди, ҳатто сенаторлар билан никоҳга киришишни тақиқланиши Император Юстиниан давригача сақланиб қолган.

Булардан ташқари либертин илгариги патронига (хўжайинига) қарам бўлган, уй, хўжалиқ ишларини бажариш, унга ҳурмат билан қараш, ҳатто патронни судга бера олмаслик каби чегараланган ҳуқуқларга эга эди.

Озодликка қўйиб юборилганлар гарчи Рим фуқаролигига тўлиқ эга бўлса-да эксплуатация характеридан келиб чиқиб, ҳатто Рим қулдорлари арзон меҳнат билан боғлиқ бўлган қулчиликни ҳеч қачон йўқотишни кўзламаганлар. Улар ҳатто озодликка чиқса ҳам, патроннинг ўзига, патрон ўлгандан кейин хизмат қилиш унинг меросхўрларига ҳам бу ҳуқуқлар ўтказилган.

6-§. Колонларнинг ҳуқуқий ҳолати

Колонлар – Рим давлатининг империя даврида вужудга келган шахслардир. Рим давлатида императорларнинг конституцияларини, юристлар асарларини, магистратлар эдиктларини, умумий мажлис қарорларини кодификация қилишни юристлар олдига вазифа қилиб қўйилар экан, энг аввало Юстиниан кодекси, дигести, новелласи ва институцияси вужудга келишидан олдин ҳам қонунларни кодификация қилиб, Феодосия кодексини вужудга келтирган ва биринчи мартаба бу кодексда колонларнинг ҳуқуқий ҳолати ҳақида фикрлар юритилганди. Лекин колонларнинг пайдо бўлиши, уларнинг жамиятни ривожлантиришдаги таъсири ҳақида ҳеч нарса маълум эмас.

Колонлар – ижарачилар, яъни ерни ижарага берувчи қулдорлар маълум ҳақ тўлаб туриш эвазига, шартномаларни тузиш асосида, ижарага олувчиларга, колонларга ерни топширади. Колонлар қулдорлардан ерни олиб мустақил ҳаракат қилади, ҳатто улардан ерни ишлаш, уруғлар сотиб олиш мақсадида пул ҳам қарз олади ва хўжайинига иқтисодий томондан қарам бўлиб қолади.

Колонларни ерга боғлаб қўйиш мақсадида 322 йилда қабул қилинган конституция бўйича колонлар томонидан ер ўзбошимчалик билан ташлаб кетилган бўлса, уларни ўз ерига мажбурий қайтаришни тиклади.

Юқорида кўрсатилган қоидаларни мустаҳкамлаш нуқтаи назаридан 357 йилда яна бир қонун қабул қилиниб, унга асосан ер колонларсиз, яъни ижарага олган, шахсларсиз сотилиши мумкин эмас, деган қатъий норма қабул қилинди.

Бу қоидаларнинг барчаси фуқаролик ҳуқуқий лаёқатга тўлиқ эга бўлган колонларни ерга боғлаб қўйди ва шу ерда яшасин ва ўз фаолиятини амалга оширсин деган тамойилни Рим қулдорчилиги давлати янада мустаҳкамлади.

Колонат (колонлар ҳуқуқига эга бўлиш) асосан ота-онаси колон бўлган шахслардан туғилган фарзандлар, озод бўлган шахсларнинг колон бўлиши ва ер билан боғлиқ бўлишини эътиборга олиб ўзаро келишувларни тузиш асосида ва 30 йил давомида колонлар яшаган турмуш тарзида истиқомат қилган

шахслар колонлар ҳуқуқига ёки унинг ҳуқуқий ҳолатига эга бўлардилар.

Колонликдан озод бўлиш, асосан колон томонидан ижарага берилган ерни сотиб олиш ҳамда диний муносабатларга ўзини тўлиқ бағишлаш асосида амалга оширилган ва улар озод бўлганлар.

Колонлар институтининг вужудга келиши, колонни ер, маблағ, суғориш, қайта ишлаш билан боғлаб қўйиш қулдорчилик жамиятининг ривожланиб ва тараққий этиб бораётган ва ўзининг тизимида феодал муносабатларини (крепостной ҳуқуқ) вужудга келтираётган ва феодал жамиятига ўтиш учун асос пайдо бўлаётганлигидан дарак берарди.

7-§. Юридик шахслар

Юридик шахс тушунчасининг шаклланишида Рим хусусий ҳуқуқи сезиларли ўрин тутади. Бироқ, бу Римнинг иқтисодий ҳаётида Рим ҳуқуқи юридик шахслар тушунчасини тўла ярата олмади, дегани эмас. Ҳатто Рим давлатида халқ хўжалигининг айна гуллаб-яшнаб, халқаро савдо-сотиқ анча жонланган даврда ҳам юридик шахслар у қадар аҳамиятга эга эмасдилар. Рим давлатининг халқ хўжалигида фаолият кўрсатган хусусий хўжаликлар узоқ давр фаолият кўрсатувчи мустаҳкам, барқарор хўжаликка айланишга асосан ўзларида зарурат сезмаганлар. Рим ҳуқуқида «юридик шахслар» деган иборанинг ўзи бўлмаган. Шунга қарамай, Рим ҳуқуқида юридик шахслар тўғрисидаги асосий фикрни, мулк шаклини оборотга (айлантиришга) киритганда алоҳида жисмоний шахсга тегишли бўлган мулк шакли ўз-ўзидан ажралиб қолишининг ифодаланганлигида яққол кўриш мумкин.

Азалдан мулкий муносабатларда жисмоний шахслар билан бир қаторда маълум даражадаги машҳур мулк маблағига эга бўлган айрим бирлашмалар ҳам иштирок этганлар.

Қадим замонларданоқ Римда хусусий корпорациялар мавжуд бўлиб, улар диний мақсаддаги уюшмалар (*sodalitates, collegia sodalicia*), моҳир дурадгорлар уюшмаси (*fabrorum, pistorum*)дан иборат эди. Рим юристларидан Гайнинг гувоҳлик

беришича, XII-жадвал қонунлари диний мақсаддаги уюшмага ўзлари учун қонунга хилоф бўлмаган ҳолда низом яратишлари учун ҳуқуқ берганлар. Рим республика даврида кўплаб корпорациялар, жумладан: **collegia apparitorum**, яъни магистрлар хизматчилари корпорацияси, турли ўзаро ёрдам кўрсатувчи бирлашмалар, шунингдек **collegia funeraticia** дафн этиш маросимини ўтказиш билан шуғулланувчи корпорациялар ҳамда **collegia publicanorum** Римнинг сиёсий ва хўжалик ҳаётида муҳим ўрин тутган давлат билан шартнома тузиб, давлат ҳисобидан сармоя ундириб, давлат именияларида давлат учун йирик қурилиш ишларини олиб боровчи тадбиркорлар бирлашмаси ва бошқалар мавжуд эди.

Дарҳақиқат, мазкур бирлашмаларининг барчаси етарлича мулкий маблағга эга эдилар, **collegia publicanorum** эса анчагина йирик маблағга эга эди. Ўз навбатида улар ички ҳаётларида учинчи шахслар билан ҳам айрим маълум қоидалар асосида ўзаро келишув асосида ҳаракат қилишларига тўғри келарди.

Бироқ, Рим ҳуқуқидан ҳикоя қилувчи айрим тарихчилар (масалан, Жирар)нинг мазкур бирлашмалар ҳақидаги тавсифидан фарқли равишда, ўша даврда уларни юридик шахслар деган ибора билан аташ унчалик тўғри бўлмасди. Тарихчи И.А.Покровский маълумотига кўра, бизгача етиб келган қадимий **ius civile** ҳолати бирлашмаларга эмас, балки алоҳида шахсларгагина тааллуқлидир. Корпорациянинг умумий мулки хусусида сўз юритилганда, у қадимий ҳуқуқ **societas** томонидан ширкат асосида кўриб чиқилиб, улар бирлашманинг барча аъзосига тегишли бўлган мулкни бирмунча қўпол тарзда, гарчи бирлашма қатнашчиларнинг барчаси маълум миқдордаги ўз улушига эга бўлишига қарамай, умумий мулкни қатнашчилардан бирининг ёки хазиначининг мулки деб ҳисоблаб, бирлашма ишини ўша шахс бошқариб, қолган барча қатнашчилар олдида жавобгарлик масъулиятини ўз зиммасига олиши керак деб белгилаб берганлар.

Рим давлатининг ҳуқуқий ҳолатини ақс эттирувчи тарихчилар Рим ҳуқуқи масаласида турли хил маълумот берганлар. Айрим тарихчилар (Моммзен фикрига таянган Жирар каби) Рим давлати азалдан ҳуқуққа асосланган давлат дейдилар.

Рим ҳуқуқи бўйича юқорида номи зикр этилган рус тарихчиси И.А.Покровскийнинг тахминига кўра, Рим давлати республиканинг иккинчи ярмига қадар қатор юришларда қатнашиб, катта миқдордаги турли мол-мулкни қўлга киритган бўлиб, (**ex iure Quiritium**) ўзининг мулкий муносабатига нисбатан ва бошқа хусусий ҳуқуқни қўлламаган ҳолда алоҳида ҳуқуқий меъёрлардан фойдаланди. Ҳақиқатан ҳам давлат мулки тўғрисидаги магистратлар томонидан тузилган битимлар қадимги давр қондаларига, шу жумладан хусусий ҳуқуқ талабларига жавоб берганлиги номатълум. Лекин шу нарса маълумки, бундай битимлар тўғрисидаги тортишувлар одатдаги суд ҳукми билан эмас, балки алоҳида маъмурий тартибда ҳал қилинган.

Бироқ, шуни эътироф этиш жоизки иқтисодий ҳаёт мураккаблашган шароитда давлатнинг хўжалик фаолияти ва корпорацияларда юридик шахсларга эҳтиёж ва зарурат вужудга келиши табиий ҳол деган ғоя пайдо бўлади.

Корпорация мулкига ўз улушини қўшган унинг аъзоларидан ҳар бири корпорация мулкий муносабатларга дош бера олмай қолганда нохуш вазият юзага келишини тан олиши лозим. Бундай вазиятда корпорация анчагина яхши ривожланган бўлиб, унинг хўжалик оборотида (айланмасида) иштирок этаётган аъзоларидан бирортаси корпорациядан зарур вазиятда ўз улушини ололмай ундан чиқмоқчи бўлганида корпорацияни мулкий тангликка юз тутмаслигини таъминлаш учун мулкий муносабатни изга солиш ва ҳоказолардан иборат бўлган. Айтилган пайтда давлат хўжаликлари билан хусусий хўжаликлар ўртасидаги алоқаларни кенгайтириш йўли билан маълум даражада уларнинг давлат ва хусусий хўжаликларнинг мулкий ҳуқуқлари ҳақидаги тасаввурга эга бўлишига эришилди.

Бироқ Рим давлати таркибига киритилган, претор таъсирида бўлган муниципиялар яъни, шаҳардаги жамоа кенгашлари ўз ҳуқуқий ҳолатига кўра фуқаролик ҳуқуқига эга бўлиб у ўзини-ўзи бошқариш ҳуқуқига ҳамда хўжалик мустақиллигига эга эдилар, афтидан улар юридик шахслар деган ғояни кўпроқ ифодалар эди.

Бундай хўжалик мустақиллигининг ҳуқуқий ифодаси сифатида муниципияларнинг ўз мулкий муносабатларида хусусий

ҳуқуққа бўйсунуши намоён бўлди: претор муниципиялар судда ўз ҳуқуқларини ўзларининг махсус вакиллари **actores**лар орқали ҳимоя қилишлари ва жавоб беришлари зарур, деб топиб, ҳар бир муниципал кенгаш декрет ишига шундай вакилларни белгилади. Шу сабабли, муниципиялар ҳам **privatae personal** сингари мулкӣ ҳуқуқлар субъекти сифатида тан олинди. Муниципиялардан ташқари, яна *ad exemplum rei publicae* хусусий корпорацияларнинг ҳам процессуал ҳуқуқга эга эканлиги тан олинди.

Бироқ, фуқаролик процессида бундай юридик шахслар ғоясининг тан олинishi уларни ўша заҳоти моддий-ҳуқуқӣ ривожланишини таъминлайди, дегани эмас.

Шунга қарамай, муниципиялар кейинчалик **actores**лар орқали нафақат фуқаролик процессида, балки бирорта битимни тузишда ҳам ҳаракат қилдиларки, бунинг натижасида битимларнинг ҳуқуқӣ ҳолати муаммоси узоқ пайт тушунарсиз бўлиб қолаверди.

Римдаги сиёсий вазият ҳам юридик шахслар ғоясининг мустаҳкамланишига йўл қўймади. Тўғри, империя ўрнатилгач, император ҳукумати кучайиб боргани сари императорнинг шахсий ғазнаси **fiscus** аста-секинлик билан Римнинг шаҳар ғазнаси ҳисобланган аввалги **aerarium** давлат ғазнасини емириб бора бошлади, шу тахлит **fiscus** хусусий ҳуқуққа бўйсунувчи, тобега айланди. Лекин давлатнинг барча мулкига эгалик қилиш ҳуқуқи императорга берилди. Хусусий мулк ҳуқуқига эга бўлиш ғояси билан ўзига кенг йўл очган давлат эса **princeps** шахсларнинг давлатга тўпланиши сабабли сиқиб чиқарилди.

Бундай ғоялар кўп сонли **privilegia fisci** азалдан қўлга киритилмаган давлат ғазнасининг мулки кучини унчалик мустаҳкамламади, давлат ғазнасининг мажбурий талаблари сифатида қарздорнинг барча мулкини гаров ҳуқуқи билан таъминланиши, қолган кредиторлар ва бошқаларнинг ҳам талаблари қондирилиши белгиланиб, бундай имтиёзлар император ва унинг рафиқасига тегишли бўлган шахсий мулкка нисбатан қўлланган ва ўз навбатида улар давлат мулкининг ҳуқуқӣ ҳолатига хилоф ҳисобланмаган.

Юридик шахслар деганда жисмоний шахсларнинг бирлашиб, уларга ўз ҳуқуқларини, ваколатларини ўтказиш асосида тузилган бирлашмаларга, корпорацияларга, диний иттифоқларга, ҳунармандларнинг касаба уюшмаларига, нон ёпувчи ташкилотларга, судналарнинг йиғиндисини бошқарувчи ташкилий бирликлар тушунилган.

8-§. Муассасалар юридик шахс сифатида

Муассасалар бундан икки ярим минг йил аввал қадимги Рим давлатида вужудга келган. Улар ўзининг вужудга келиш вақтидан бошлаб деярли беш аср ўтгунга қадар жудаям секинлик билан ривожланиб борган. Рим ҳуқуқига оид манбаларда юридик шахс мақомига эга бўлган купгина хайрия муассасалар ҳақида таъкидланади. Бундай муассасаларга черковлар, касалхоналар, мактаблар, меҳрибонлик уйлари, ҳарбийлар учун махсус касалхоналар каби ташкилотлар кирар эди. Милоддан аввалги II асрга келиб Рим императорларининг хайрихоҳлиги натижасида муассасаларнинг сони ҳам, турлари ҳам кўпайиб борди.

Қадимги Римда хайрия муассасалари орасида етим қолган болалар ва жудаям қашшоқ ҳаёт кечирувчи оилалардаги фарзандларни ўз бағрига олган ва уларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатган «*alimenta*» деб аталган муассасалар мавжуд бўлган. Алимент муассасалари м.а. I асрда Рим императори Нерва (м.а. 33 йил) ҳукмронлиги даврида вужудга келган. Бу муассасалар кейинчалик шахсан императорлар томонидан вужудга келтирила бошланган. Улар императорларнинг буйруғи билан шаҳарнинг мансабдор шахслари томонидан моддий жиҳатдан таъминлаб турилган. Бу жараёнда шахсан квестор (консулнинг судлов ва молиявий ишлар бўйича ёрдамчиси) ҳам қатнашган. Алимент муассасалари фақатгина инсонпарварлик мақсадида фаолият юритиб, кўрсатилган ёрдамларнинг барчаси беғараз ҳисобланган. Алиментдан нафақат етим болалар ва оғир шароитдаги оилаларнинг фарзандлари, балки вояга етган бўлса-да, сиёсий жараёнларда қатнаша олмайдиган болалар ҳам, етим қолган ва ёлғиз қизлар ҳам фойдаланганлар. Жумладан, 82-161 йилларда Римда етим қолган қизлар учун алоҳида стипендиялар

(**stipendium**) ажратилар эди. Алимент муассасаларининг кўпайишида ва ривожланишида Плиний, Антонин Пий, Септимий Север (222-235й.) каби императорларнинг фаолияти катта роль ўйнаган. Бу муассасаларнинг ҳуқуқий мақоми ҳақида шуни айтиш мумкинки, улар фуқаролик ҳуқуқий муносабатларда юридик шахс сифатида қатнаша оладиган, аниқ бир хайрия мақсадларида фаолият олиб борадиган ва ўзининг жамғармасига эга бўлган ташкилотлар эди.

Қадимги Римда вужудга келган муассасаларнинг яна бири тури бу дафн маросимларини ўтказувчи коллегиялар (**collegia tenuiorum, collegia funeraticia**) бўлиб, улар милодий I асрнинг иккинчи ярмида ташкил топган. Бундай муассасаларнинг вужудга келишига эҳтиёж шунда эдики, қадимги римликлар ўз таналарининг нафақат тириклик пайтидаги ҳолатига, балки унинг вафот этганларидан кейин қандай аҳволда бўлиши ҳақида ҳам қайғурганлар. Яъни, I-IV асрларга оид манбаларда кўрсатилишича, ўша даврдаги жамиятнинг бой одамлари шаҳар ташқарисидан ўзлари ва ўз яқинлари учун оилавий мазор учун ерлар сотиб олганлар. Бундан фарқли равишда аҳолининг қашшоқ қатлами бундай имкониятга эга бўлмаганлар ва дафн маросимини ўтказувчи коллегия – (**collegia teniorium**)га аъзо бўлганлар. Бу коллегиянинг аъзолари ҳар ойда унинг ҳисобига маълум миқдорда пул ўтказиб туришлари натижасида ўзлари учун дафн этиладиган жой сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлганлар. Лекин улар ўзларига тегишли ерга эга бўлганларидан кейин ҳам коллегия билан бўлган алоқаларини узиб қўймаганлар. **Collegia teniorium** ўзининг аъзоларига ер ажратиб бериш билан бирга улар вафот этганларидан сўнг тегишли диний расм-русумларнинг ўтказилишини ҳам таъминлаган. Шундай экан, бу коллегияга, асосан, жамиятнинг қуйи қатламга мансуб шахслар, озод қилинган шахслар (**libertini**), ўз хўжайинининг руҳсати билан қуллар ва шу каби шахслар аъзо бўлганлар (**tenuis** – латинча «камбағал» деган маънони билдиради).

Мазкур ташкилотнинг характерли жиҳати шунда эдики, улар ҳам жамоат муассасаларига ҳам муассасага хос хусусиятларга эга эди. Унинг жамоат ташкилотига хос хусусиятини қуйидагиларда кўриб ўтиш мумкин:

биринчидан, (collegia teniorium) нинг асосида жамоат ташкилотчилиги ётарди;

иккинчидан, унинг аъзолари **ҳуқуқ** ва мажбуриятларда тенг бўлганлар ва уни бошқарганлар, умумий келишув асосида унинг фаолиятини тўхтатиб қўйиш ҳуқуқига ҳам эга бўлганлар;

учинчидан, collegia teniorium нинг олдига қўйилган мақсад ва вазифалар унинг фаол аъзоларининг шахсий хоҳиш-истаги орқали амалга оширилган. Шу билан бирга **collegia teniorium** кўпгина Рим ҳуқуқига оид адабиётларда хайрия муассасаси сифатида талқин қилинади. Чунки илк коллегияларнинг ташкил топиш давридан бошлаб у билан мустаҳкам алоқалар ўрнатиб борган христиан черкови вақт ўтиши билан уни маблағ билан тўлиқ ёки қисман таъминлаб тура бошлади ва унинг бош асосчисига айланди. Энди мазкур муассасанинг асосий ишчи ва бошқарувчиларини христиан черкови вакиллари ташкил этиб, бу муассасанинг хайрия ва бошқа мақсадларни кўзловчи фаолияти улар томонидан бошқарилиб туриладиган бўлди.

Хуллас, **collegia teniorium** жамоат ташкилоти сифатида талқин қилинганда ҳам, муассаса сифатида талқин қилинганда ҳам шуни кўриш мумкинки, унинг бош мақсади ва вазифаси аҳолининг қашшоқ ва қийин аҳволда ҳаёт кечирувчи қатламига ёрдам бериш, уларни бир оила сифатида бирлаштириш ҳамда уларга ҳар томонлама мурувват кўрсатиш эди.

Қадимги Римда (**ad pia causa**) деб аталган хайрия муассасалари ҳам мавжуд бўлиб, улар император Константин (306 – 337 й.) ҳукмронлиги даврида вужудга келган. Умумий ном билан (**ad pia causa**) деб аталган мазкур хайрия муассасалари таркибига касалхоналар (**nosocomia**); қариялар уйлари (**gerontocomia**), янги туғилган чақалоқларни боқувчи уйлар (**brephotrophia**), етим қолганлар учун яшаш жойлари (**orphanotrophia**), қашшоқлар учун яшаш жойлари (**ptochotrophia**), уйсиз бечоралар ва мусофирлар учун яшаш жойлари (**xenodochia** ёки **xenones**) ҳамда бева аёллар учун яшаш жойлари кирган. Хайрия муассасаларидаги бундай хилма-хиллик уларнинг турли хил йўналишларда ривож топганидан далолат беради. **Ad pia causalar**нинг ўзига хос жиҳати

шундаки, уларнинг фаолияти маълум бир белгилаб қўйилган мақсадни амалга ошириш билангина чегаралаб қўйилмаган. Яъни, аниқ бир хайрия мақсадини кўзлаб вужудга келтирилган муассаса бошқа бир хайрия мақсадидаги фаолиятни ҳам амалга оширган. Масалан, беморларни даволаш мақсадида қурилган касалхоналардан беморлардан ташқари яшаш жойга муҳтож, ночор аҳволда бўлган бошқа шахслар ҳам ўзларига бошпана топганлар. Лотин манбаларида *xenodochia*, *xenones* тарзида тилга олинган уйсиз бечоралар ва дарвешона ҳаёт кечирувчиларни ўз бағрига олган хайрия муассасаларининг орқасидан эрамизнинг IV асри ўрталаридан бошлаб шунга ўхшаш бошқа турдаги муассасалар сони ва тури жиҳатдан ҳам кўпайиб борди. Жумладан, ушбу даврда биргина Константинопол шаҳрида уларнинг сони 35 тани ташкил этар эди. Кейинчалик бундай муассасалар Фарбий Европада ҳам ташкил топа бошлаган.

Қадимги Рим жамиятининг турли хил йўналишларида фаолият кўрсатган муассасаларнинг ҳуқуқий мақомини умумлаштирган ҳолда шуни айтиш мумкинки, уларга ўзининг илк ташкил топиш давларида император хазинасининг муруват ва хайр-эҳсон мақсадида сарф қилинадиган бир қисми сифатида қаралган. Лекин христиан динининг кенг ёйилиши ва давлат дини сифатида қабул қилиниши билан мустақил фаолият юритиш ҳуқуқига, яъни юридик шахс мақомига эга бўлган муассасалар вужудга кела бошлаган. Бу муассасалар (асосан, алоҳида черковлар) мулк сотиб олиш ёки васият бўйича унга эгалик қилиш, кредитор бўлиш, судда иштирок этиш каби ҳуқуқларга эга эди. Бундай ҳуқуқларга вақт ўтиши билан черков назорати остида бўлган бошқа муассасалар ҳам эга бўла бошлаган. Мустақил юридик шахс ҳисобланган мазкур хайрия муассасалари умумий ном билан «*riae causae*», «*riae corpora*», «*venerabiles domus*» деб аталган. Бу муассасаларнинг фаолиятини юритиб турувчи ва назорат қилиб турувчи шахслар «*oeconomus*» деб аталар эди. Лекин Рим ҳуқуқи барча юридик шахслар сингари жамиятда мавжуд бўлган мазкур муассасаларнинг ҳам ҳуқуқий мақоми тўғрисида муфассал бир таъриф қолдирмаган.

Муассасалар тарихини таҳлил қилар эканмиз, уларнинг вужудга келиши, турларининг кўпайиши ва ривожланиб бориши вақт ўтиши билан цивилизация алмашиб турганидек ўзгариб борган. Яъни, илк муассасалар (**alimenta, collegia tenuiorum**) Рим империясининг Ғарбий қисмида – Ғарбий Европада вужудга келган ва бир хил йўналишда ривожланиб борган бўлса, улар эрамизнинг IV асрига келиб Шарқий Рим империяси – Византияда сони ва тури жиҳатдан Ғарбга қараганда анча юқорилаб кетди. Чунки Ғарбий Рим империяси инқирозга юз тутаётган бир даврда Византия ҳар томонлама ривожланиб бораётган давлат эди.

Эрамизнинг VII асрдан бошлаб славян халқларининг ҳам ўз давлатларига асос сола бошлаши билан Византия империяси билан турли жабҳалардаги сиёсий, иқтисодий, ижтимоий алоқалар йўлга қўйилган ва бу алоқаларнинг ривожланиб бориши билан 10-12 аср олдин қадимги Рим давлатида ташкил топган муассасалар энди славян давлатларида ҳам вужудга кела бошлади. Айниқса X асрда (988 й.) славянларнинг Византиядан христианликни қабул қилиши бу жараённинг янада жадаллашувига асосий тўртки бўлди. Шу аснода турли хил муассасалар тўғрисидаги тушунчалар халқлар ўртасидаги маданий, савдо-иқтисодий, диний, сиёсий алоқалар орқали дунёнинг турли мамлакатларига тарқалган. Бу эса муассасаларнинг бошқа давлатларда ҳам ташкил топишига олиб келган.

Ҳозирги замон ҳуқуқ назариясида муассаса деб, фуқаролик муносабатларида ҳуқуқнинг мустақил субъекти сифатида қатнаша оладиган ва аниқ бир мақсад йўлида тижоратга оид бўлмаган фаолият юритадиган ташкилот тушунилади. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 1 мартдан амалга киритилган Фуқаролик кодексининг 76-моддасида: «Бошқарув, ижтимоий-маданий ёки тижоратчиликдан иборат бўлмаган вазифаларни амалга ошириш учун мулкдор томонидан ташкил этилган ва тўла ёки қисман таъминлаб туриладиган ташкилот муассаса ҳисобланади» деб таъкидланган. Муассасалар қаторига давлат ва маҳаллий ҳокимият органлари, таълим, фан, маданият, соғлиқни сақлаш, спортни бошқариб турувчи ташкилотлар – мактаблар, олий таълим муассасалари, институтлар, касалхо-

налар, музейлар, кутубхоналар, суд-прокуратура органлари ва бошқалар киради. Муассасалар уларни вужудга келтирувчи субъектларга қараб оммавий (давлат ва маҳаллий ҳоқимиятга тегишли) ва хусусий (жисмоний ва юридик шахслар томонидан асос солинган) бўлиши мумкин.

Деярли икки ярим минг йиллик тарихга эга бўлган муассасалар ҳақида хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, улар ҳозирги кунга қадар мавжуд бўлган давлатлар ва жамиятларнинг шаклланиши ва ривожланишида ўз таъсир кучига эга бўлган асосий омиллардан бири бўлиб келмоқда. Чунки муассасалар асосан айнан давлатнинг уларга бўлган эҳтиёжи натижасида вужудга келади. Давлатда мавжуд бўлган муассасаларнинг турлари, фаолияти, ҳуқуқий мақоми ва давлатнинг уларга бўлган муносабати орқали мазкур давлатнинг ижтимоий-сиёсий тузумини ва бу давлатда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари қанчалик даражада амалга оширилишини билиб олиш мумкин бўлади.

Мулоҳаза юритиш учун саволлар ва масалалар

1. Рим ҳуқуқида ҳуқуқий муносабат субъектлари қандай турларга бўлинган?
2. Шахс субъект бўлиши учун қандай ҳуқуқларга эга бўлиши керак деб ҳисобланган?
3. Рим ҳуқуқида юридик шахс дейилганда нималар тушунилган?
4. Рим ҳуқуқида ҳуқуқ лаёқати нима деб аталган?
5. Рим давлатида тўлиқ ҳуқуқ лаёқатига эга бўлиши учун қандай талаблар қўйилган?
6. Рим давлатида тўлиқ ҳуқуқ лаёқатига эга бўлган оила деб қандай оилага айтилган?
7. Рим фуқаролари ўзларининг ҳуқуқий ҳолати бўйича неча гуруҳга бўлинган?
8. Рим ҳуқуқида фуқаролик қандай йўқотилган?
9. Рим ҳуқуқида қуллар нима деб аталган?
10. Колонлар тушунчасини изоҳланг.
11. Рим фуқароси **Адриан** ўзига тегишли бўлган уй-жойни сотиш бўйича фуқаро **Манилий** билан олди-сотди шартнома-

сини тузди. Лекин фуқаро Адриан уй-жой учун шартномада келишилган суммани олишга улгурмасдан урушга кетди ва жангда асирга тушиб қолди. Тузилган ушбу уй жойнинг олди-сотди шартномасига биноан фуқаро Адрианнинг ўғли ёки хотини пулни талаб қилиб олиши мумкинми?

12. Рим юристи **Марциан** таъкидлаганидек озодликка чиқарилган қуллардан ташқари барча қулларнинг ҳолати бир хил бўлган. Лекин баъзилар **цивиль** ҳуқуқи бўйича, бошқалар эса **халқлар** ҳуқуқи бўйича қул бўлади. Бу ерда **Марциан** нимани назарда тутган?

V-БОБ. РИМ ҲУҚУҚИДА ОИЛАВИЙ ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАР

- 1-§. Рим оиласи тушунчаси.
- 2-§. Никоҳ тушунчаси.
- 3-§. Эр ва хотинлар ўртасидаги шахсий ва мулкый муносабатлар.
- 4-§. Ота ҳукмронлиги институти.
- 5-§. Васийлик ва ҳомийлик.

1-§. Рим оиласи тушунчаси

Қадимги Рим жамиятида оила давлат ячейкасидан иборат бўлган уй-хўжалигини бошқарувчиси, ота-она, ака-ука, опасингиллар, қуллар, васийлик ёки ҳомийликда бўлган шахсларнинг жамоаси бўлиб ҳисобланган.

Янги эра мизнинг II асри машҳур юристи Гай, Рим оила тизимини шундай типик хусусиятга эгаки у ҳеч қандай халқлар томонидан барпо қилинган оилаларга ўхшамайдиган «Рим халқининг эришган буюк ютуғидир» деб таърифлаган эди.

Рим давлатининг оиласи оила бошлиғи (**paterfamilias**)нинг чегараланмаган дастлабки даврда эса мутлақ ҳуқуқларга, ҳокимиятга (**manus**)га эга бўлганлиги асосида, яъни ўз болалари, неваралари, чеваралари, хотини устидан ва уйдаги (яъни хўжаликдаги) бўлган шахсларнинг барчаси устидан амалга оширувчи ҳукмронлигига тушунилган. Буларнинг ҳаммасини «ўзимники» (**sui**) деб тарифлаб, оиланинг отаси, яъни ўзини «ўзимга-ўзим хўжайинман» (**sui iuris**) ва «барча ҳуқуқларга эгаман» деб эътироф этган.

Рим оиласининг ўзига хос хусусиятларидан бири оила дастлаб агнат усулида вужудга келган, яъни улар қон-қариндошлик муносабатлари асосида эмас, балки буйсуниш ва ҳукмронлик, бошқарув муносабатларини биринчи ўринга қўйиб тузилган оилалардан иборат бўлган.

Агнатлар оиласи деб, оила бошлиғининг ўз оиласидаги болалари, хотини, хўжалиги, қуллари ва уларнинг оилалари ҳамда шу оила хўжалигида яшовчи барча шахсларнинг жамоасига айтилган.

Оила бошлиғининг қизи турмушга чиқиб бошқа оилага тушган бўлса ва унинг турмуш ўртоғи ота ҳукмронлиги остида бўлса, у ҳам шу ота ҳукмронлиги бошқарувига ўтарди ва агнатлар оиласига тушарди. Ўзининг ака-укалари ва ота-оналари учун фақат қавм-қариндошлик, байрам муносабатларида кўришиш, ҳол-аҳвол сўрашиш билан боғлиқ бўлган, яъни ота-оналари учун «бегона» деб ҳисобланган.

Қадимги Рим жамиятида оила бошлиғининг ҳуқуқи чегараланмаган. У ўзининг оила аъзоларини сотиш, қарзни тўлаш учун уни қарз олган шахсга, қарзни тўлаш учун ишлаб берип, хизмат кўрсатиш, ҳатто хотинини (хотини ўзининг қизи қандай ваколатларга эга бўлса, шундай ҳуқуқларга эга бўлган) мажбуриятни бажариш нуқтаи назаридан келиб чиқиб, уни маълум бир муддатга бошқа шахсга хизмат кўрсатиш учун бериб юбориш ҳуқуқига эга эди. У ўз болаларини ўлдириш, айниқса вояга етган ўғлини уч мартагача сотиш ва қизини ва кичик укаларини, невараларини бир марта сотиб юбориш ҳуқуқларига эга бўлган.

Ўвиллари ёки оилада яшовчи бошқа шахслар томонидан шартномалар тузилган бўлса, бу шартномалардан келиб чиқадиган фойдалар отага ва зарар етказиш билан боғлиқ бўлган муносабатлар бўлса, ота унинг учун жавобгарликни бўйнига олмаган.

Ота ёки уй бошқарувчиси ҳукмронлиги остидаги шахсларнинг ҳуқуқий ҳолати ота ёки оила бошлиғининг ўлиши ёки оила бошлиғининг эрки, розилиги асосида уларга озодлик бериш муносабатлари асосида ўзгарган. **Paterfamilias**нинг ўлими ота ҳукмронлиги институтининг барҳам топишига олиб келган.

Рим давлатидаги вужудга келган оилалар дастлаб ибтидоий жамоа тизимининг хусусиятларини ўзида ифодалаб, жамоа характерида мос келиб уруғчилик (уруғ) тизими билан боғлиқ бўлган.

Рим жамиятининг ривожланиши натижасида ишлаб чиқариш муносабатларининг тараққий этиши, ота ҳукмронлиги остида бўлган шахсларнинг хусусий ҳуқуқларини тан олиш заруриятлари келиб чиқа бошлади, натижада ота ҳукмронлиги институти дастлабки ҳокимият билан боғлиқ бўлган моҳиятини йўқота бошлайди ва агнатлар оиласининг ўрнига қон-қа-

риндошлик билан боғлиқ бўлган когнатлар уруғлари вужудга келадилар.

2-§. Никоҳ тушунчаси

Рим қулдорчилиқ жамиятида никоҳ орқалигина оила вужудга келган.

Машҳур Рим юристи Модестин никоҳга тушунча берар экан уни қуйидагича таърифлайди: «Никоҳ эр ва хотин ўрта-сида Худо ва инсоният ҳуқуқларига асосланиб бутун умр бўйи тузиладиган ҳамда ўзига тегишли бўлган муносабатларни муддатсиз амалга оширадиган иттифоқдир».

Албатта Модестин фикрларини **сипт тапи** (оилада эрнинг устунлигини тан оладиган) асосида тузилган никоҳларга тааллуқли деб айтишимиз мумкин, лекин ота ҳукмронлиги институти эр ва хотиннинг тенглигини ҳеч қачон эътироф этмаган, чунки турмушга чиққан хотин доимо оила бошқарувчиси ҳомийлигига ўтган.

Рим ҳуқуқи ўзининг ривожланиш тарихида икки хил никоҳни тан олган, биринчидан, қонуний никоҳни, иккинчидан, никоҳнинг **конкубинат** усулини (ноқонуний никоҳ).

Қонуний никоҳ деганда **ius conubii** (қонуний никоҳга кириш ҳуқуқи) асосида вужудга келган, туғилган фарзандлар Рим давлатининг фуқароси бўлиб ҳисобланадиган ва отасининг ўз болаларига бўлган ҳукмронлигини, ҳокимиятини таъминлаб бера оладиган муносабатларга тушунилган.

Конкубинат усули **ius conubii**га, яъни қонуний никоҳга кириш ҳуқуқига эга бўлмаган шахслар томонидан, лекин қонун томонидан рухсат этилган доимий равишдаги бирга яшаш фаолиятига тушунилган.

Конкубинат бу ҳақиқий никоҳ бўлмаса-да баъзи бир ҳуқуқларни вужудга келтириш билан улардан туғилган фарзандлар ота ҳукмронлигига, ҳокимиятига тааллуқли бўлмаган ҳолда ўз муносабатларини амалга оширганлар.

Император ҳокимияти республика даврида Рим оиласининг моногамия характерига эга эканлигини билсалар ҳам эркаклар учун ўз хотинларидан ташқари яна бир хотин билан конкубинат

усулида яшашга ижозат бердилар. Лекин эри бор хотин киши конкубинат усулида бошқа шахс билан яшаши маълум бўлиб қолса, эр киши ўз хотинини ўлдириш ҳуқуқига ҳам эга бўлган.

Рим ҳуқуқида конкубинат усулида бирга яшаш фаолиятига йўл қўйилганлиги сабабли баъзан қуллар перегринлар ва бошқа камбағал бўлган шахслар никоҳга кириша олмаганлар, чунки уларнинг никоҳ тузишлари учун маблағи, уй-жойи ҳам бўлмаган.

Рим давлати ўз ҳудудларини кенгайтириш ва ҳукмронликни кучайтириш нуқтаи назаридан жуда кўп урушлар олиб бориши натижасида эркаклар қирилиб кетган. Уларнинг ўрнини тўлдириш учун ҳам конкубинат усулига йўл қўйишган.

1941-1945 йиллардаги II жаҳон уруши – Улуғ Ватан уруши ҳам кўплаб эр кишиларнинг ўлимига сабаб бўлди. И.В.Сталин томонидан бу бўшлиқ ўринларни тўлдириш учун 1943 йил 8 сентябрь, 1944 йил 8 июль, 1944 йил 10 ноябрь, 1945 йил 14 март ойларида фарзандларнинг кўпроқ туғилишини, йўқотилган, ўлган шахсларнинг ўрнини тўлдириш мақсадида фармонлар қабул қилинган эди. Албатта бу фармонлар кўпроқ натижасиз бўлиб қолди.

Рим давлатида ҳам қонунлар қабул қилиниб, айниқса янги эрамизнинг I асрида иккита қонун қабул қилиниб, уларда эркаклар 25 ёшдан 60 ёшгача, хотин-қизлар 20 ёшдан 50 ёшгача турмуш қуришлари ёки эркаклар уйланишлари шарт қилиб қўйилган эди.

Никоҳда турмаган шахсларнинг мулкӣ ҳуқуқлари чегараланган, яъни бу қонунларга биноан васиятнома асосида мерос олиш ҳуқуқидан маҳрум қилинган. Агар фарзандларга эга бўлмаса, қолдирилган мероснинг ярмини олиши мумкин эди. Ҳатто эр кишига бир бола, хотин кишига уч боладан тўғри келмаса, озодликка чиққан, қўйиб юборилган хотинлар 4 болага эга бўлмаса, улар «фарзандлари йўқ» боласизлар, деб аталган ҳамда улар жамиятнинг ҳуқуқӣ нормалари ёки одат нормалари, яшаш қоидалари орқали уларнинг ҳуқуқлари чегараланган. Шунинг учун оиланинг асосини никоҳ ташкил этган.

Император Юстиниан даврига қалар Рим давлатида никоҳ шакллари икки хил тузилишда амалга оширилган.

Cum manu mariti – оилада эрнинг ҳукмронлиги таъминланган ва **sine manu** – озода бўлган никоҳ сифатида, яъни хотиннинг ҳукмронлигини таъминлаш асосида тузилган никоҳ шакллари мавжуд бўлган.

Cum manu mariti (кум ману марити) асосида тузилган никоҳда турмушга чиққан хотин эрининг ҳукмронлигига, қарамига, агар эри оила бошлиғига қарам бўлган бўлса, бундай ҳолатда хотин оила бошқарувчиси (**pater familias**) қарамлиги, ҳокимияти остига ўтади.

Sine manu (сине ману) – худди конкубинат, яъни никоҳдан ўтмасдан яшаш ҳуқуқига ўхшаса-да, лекин хотин киши Рим оиласини вужудга келтириши ҳамда болаларга эга бўлиб уларни тарбиялаш мақсади борлиги билан фарқ қилади.

Никоҳга киришиш учун бир қатор шартлар қўйилган ва булар қуйидагилардан иборатдир:

1. Никоҳга кирувчи, шахсларнинг умумий розилиги бўлиши лозим эди. Агар улар уй бошқарувчиси ҳокимияти асосида яшаб келаётган бўлсалар, уй бошқарувчисининг ҳам розилиги олинган бўлиши ҳамда у рози бўлмаган тақдирда унинг устидан магистратга арз қилиб, унинг розилик бериши учун мажбур қилиш мумкин эди.

2. Никоҳ ёшига етиш, яъни қизлар учун 12 ёш, йигитлар учун 14 ёш балоғатга етиш деб ҳисобланган. Жинсий балоғатга етиш деганда бола туғиш қобилятини ҳамда умр бўйи бирга яшайман, бизларнинг «тузган иттифоқимиз бу никоҳ, «муқаддас нарса» деган маъноларни ҳаёлидан ҳеч қачон чиқармаган ҳолда умрини давом эттиришга тушуниларди.

3. Эр ёки хотиндан бирининг никоҳи ҳали ажратилмаган бўлса яъни, бошқа шахс билан никоҳ муносабатлари ҳали ҳам давом этаётган бўлса;

4. Никоҳга киришувчи шахслар қонуний асосда никоҳга кириш ҳуқуқига, яъни **ius conubii** га эга бўлишлари шарт эди.

Рим давлатини Император Юстиниан бошқаруви даврига қадар чет эл фуқаролари Рим фуқаролари билан никоҳга кириша олмаганлар, чунки чет эл фуқаролари қонуний асосда никоҳга кириш ҳуқуқи (**ius conubii**)га эга бўлмаганлар. Ҳатто уларни никоҳдан ўтказмаслик масаласига сиёсий нуқтаи назар-

дан ёндошиб, чет эл фуқароларини Рим оиласига аралаштирма-слик ҳамда уларга Рим давлати фуқаролиги ҳуқуқини бермас-ликни кўзлаганлар.

Қадимги Рим тарихи никоҳга киришиш маросимларининг ҳар хил турларини қўллаган.

Биринчидан, келин-куёвга махсус тайёрланган нонни (ёки ширинликни) бирга ейиш, қолган қисмини эса Юпитерга са-дақа асосида олиб келиш тартибида тузилиб жрецлар ва бошқа шахслар билан бир қаторда 10 та гувоҳлар ҳам қатнашганлар.

Иккинчидан, плебейлар маросими, яъни тарозибон ва си-моб таёқчаси билан боғлиқ бўлиб, унда эр хотиннинг ота ва оналари ҳамда бешта гувоҳлар қатнашиб, илгаридан ўрнати-лган сўзларни луқмаларни такрорлаши мажбурий эди.

Куёв турмушга чиқаётган келиндан «Мен учун ҳақиқий хо-тин, яъни «матерфамилис» бўлишга қодирмисан» деб сўрарди. Бўлажак хотин эса «Сен қаерда бўлсанг, Гай, ўша жойдан мени ҳам топасан» деган ифодаларни қайтариши ҳамда куёв қизнинг отасига мисдан қилинган қуймани «қалин» деб топширар эди. Бу маросимлар синфий даврнинг охиригача сақланиб келди.

Учинчидан, ҳеч қандай маросимларсиз, XII жадвал қонун-ларида кўрсатилганидек, хотин киши ўз тақдирини эр киши би-лан боғлашни жазм қилган экан, улар никоҳдан ўтадилар ва у эр ҳоқимияти остида тўлиқ қолиб кетмасликни эътиборга олиб, уч кечаю кундуз 1 йилда бошқа жойда яшаб келиши лозим бўлган ва натижада эр ҳукмронлигининг мустаҳкамлигини бўшаштир-ган ёки бир йиллик хотинга эгалик қилиш ҳуқуқи узилган.

Бу маросимлардан ёки амалга оширилаётган ҳаракатлардан кўриниб турибдики, ҳамма ҳолатларда никоҳ муносабатлари-ни ўрнатишга қаратилмасдан эр кишига (манус) ҳоқимият ёки «мушт» беришни, яъни хотин киши устидан эрнинг ҳукмрон-лигини ўрнатиш мақсадидан келиб чиққан.

Император Канулей қонунларига (445 йиллар) асосан патри-ций ва плебейлар ўртасида никоҳ муносабатларига йўл қўйил-маган ҳамда шундай муносабат Рим фуқароси ва перегринлар ўртасида ҳам мавжуд бўлган.

Император Август қонунларига биноан озод тувилган шахс-лар билан озодликка қўйиб юборилган шахслар ўртасида, Рим

фуқаролари билан актрисалар, фоҳишалар ҳамда қўшмачилар билан никоҳ тузишга рухсат берилмаган, яъни никоҳ тузиш ман этилган.

Рим давлатида никоҳнинг тугатилиш асослари қуйидагилардан иборат бўлган:

- Эр-хотиндан бирининг вафот этиши билан;
- Эр-хотиннинг бирини озодлик ҳолатларини йўқотиши натижасида;
- Суд томонидан оғир жазога тортилиши;
- Руҳий ва жисмоний томондан «ақли норасо» деб топилиши;
- Ажрашиш муносабатларининг рўёбга чиқиши билан никоҳ тугатилган деб ҳисобланган.

Рим давлатининг синфий даврида никоҳдан ажратиш озод бўлиб, эр ва хотиннинг биргаликдаги розилиги, ўз хоҳишларига биноан ажратиларди. Ундан ташқари, бир тарафлардан бирининг истаги билан ҳам ажратилган.

Мутлоқ монархия даврига келиб никоҳдан ажратиш анча мураккабликка эга бўлди. Император Юстиниан томонидан қабул қилинган қонунларга асосан икки тарафнинг розилиги асосида тузилган никоҳдан ажратиш ман этилди. Лекин бир томонлама эркин изҳор қилиш натижасида никоҳдан ажралишга қатъий сабаблар, яъни эр ва хотиннинг бир-бирига хоинлиги, бевафолиги ёки эрининг ёки хотинининг ҳаётига суиқасд уюштириш ёки айб билан боғлиқ бўлган ҳаракатларни амалга оширган бўлсалар катта жаримани тўлаб, никоҳдан ажралишига розилик берилган.

Никоҳдан ажралиш усулларида яна бири эр ва хотин томонидан айб ҳаракатлари бўлмаган тақдирда ҳам бирининг жинсий алоқага лаёқатсизлиги ҳамда диний вакиллар билан бутунлай монастирга ўтиш ихтиёрини танлаган бўлса, бундай ҳолатларда ҳам никоҳдан ажратиш мумкин эди.

Гай Институциясида кўрсатилганидек, никоҳдан ҳеч қачон эр ва хотиннинг жаҳли чиққан пайтида ажратилиши мумкин эмаслигини таъкидлайди. Ўз эридан ажрашган хотин-бева «хафачилик» йилини (траур йили) ўтказиб, янги турмушга чиқиши мумкин бўлган, аммо ахлоқ, одат нормалари талаб этган ҳамда

олдинги эридан агар ҳомиладор бўлган бўлса, 6 ой ичида фарзанд кўриши лозим бўлган ва бу муносабатлар хотин кишининг софдид яъни бошқа шахслар билан алоқада бўлмаганлигини кўрсатган ҳамда у 18 ойдан кейин никоҳга чиқа олган. Эри ўлган аёл бўлса, икки йил ўтгандан кейин никоҳ қуриши мумкин бўлган. Янги эрга чиққан хотин, болаларининг манфаатини ўйлаган ҳолда янги оиллага олдинги эридан қолган мулкларини унга ўтказмаслиги ва бермаслиги лозим бўлган.

3-§. Эр-хотиннинг шахсий ва мулкӣ ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Қадимги Рим давлатидаги вужудга келган шахсий ва мулкӣ муносабатлар, ҳуқуқ ва мажбуриятлар **sim manii** ва **sine manii** асосида тузилган никоҳ муносабатларида бир-биридан анча фарқ қиларди.

Sim manii асосида тузилган никоҳ ҳуқуқӣ муносабатларида хотин киши ўз болалари билан **filiae loco** (филиае локо) га биноан эр кишининг ҳоқимиятига, яъни қўл остига ўтарди. Бутун ҳоқимият эрга берилган эди. Рим давлатининг дастлабки даврларида эрнинг ҳукмронлиги чексиз, мутлоқ монархиядагидек, лекин хўжалик ҳаётининг янада ривожланиши ва маданий турмушнинг такомиллашиши натижасида эр ҳукмронлиги, унинг ҳоқимияти анча чегараланиб, хотинини ўлдириш ёки уни ижарага бериб юбориш каби ҳуқуқлари тамоман йўқола бошлади.

Sine manii асосида тузилган никоҳ муносабатларида хотин киши ўзининг ҳақиқӣ отаси ҳукмронлигида қолиб, олдинги оиласига мансуб бўлиб, мустақил асосда ўзининг ҳуқуқӣ ҳолатини сақлаб қолган. Лекин хотин киши бошқа оиллага тушгандан кейин эри барибар устунлик, имтиёзли ҳолатларга эга бўлган ҳуқуқларини сақлаб қолган.

Турмушга чиққан хотин киши эрининг фамилиясига, унинг жамиятда тутган ўрни билан боғлиқ бўлган (масалан: претор бўлса, претор хотини, зодагон бўлса, зодагонлар оиласи келини) ҳуқуқларини ўзлаштириш ҳамда эрнинг доимий яшаб турган жойи хотинининг ҳам яшаш жойи деб ҳисобланган.

Эр киши даъво тартибида хотинини эгаллаб олган ҳар қандай кишидан талаб қилиб олиш ҳуқуқига эга эканлиги, эр-хотиннинг бир-бирига ҳурмат билан қарашлиги лозим эди. Фақатгина эр ва хотиннинг бир-бирига бевафолик ёки хоинлик қилиши, кимнинг айби билан бўлганлигига қараб никоҳдан ажратиш амалга ошириларди. Айбли бўлган томон уйдан олиб келган ва биргаликда яшаш давомида орттирган мол-мулклари айбсиз томонга қолдириларди, айниқса хотин кишига унинг ўз эрига хоинлиги жуда оғир ҳолда кечарди.

Рим давлатида **cum manu** асосида тузилган никоҳда барча хотин томонидан олиб келинган мулклар эрнинг ихтиёрига ўтказиларди ва никоҳдан олдинги мулклари билан тўлиқ асосда қўшилиб кетарди.

Хотин томонидан олиб келинган мулк, ҳатто эр-хотин ажралиб кетгандан сўнг ҳам хотинга қайтарилмасди, аксинча у эрининг вафот этганлиги муносабати билан мерос тартиби асосида ўзининг ҳиссасини ёки унга тегишли улушини оларди, холос.

Sine manu никоҳида эса эр-хотинлар алоҳида бўлиб, ҳатто оддийгина асосда мулкни бошқариш ҳам хотинининг розилигига биноан амалга оширилиб, эр-хотинлар ўртасидаги муносабат топшириқ бериш шартномаси орқали турмушга татбиқ этиларди.

Никоҳ муносабатлари асосида хотин ўз уйдан олиб келган ашёларини, уй бошқарувчиси ва бошқа шахслар томонидан берилган, ҳадея қилинган мулклар «тўй совғаси»дек эр-хотиннинг оилавий ҳаётидаги моддий қийинчиликларини енгиллаштириш мақсадида ишлатиларди.

Республиканинг илк даврида **cum manu** асосида тузилган никоҳларда «тўй совғаси»га ҳуқуқий ҳолат ўрнатилмаган бўлиб, у хотин томонидан олиб келинган мулклар қаторига, яъни эрнинг мулки таркибига киритилган.

Sine manu никоҳи асосида олинган ёки хотини ва бошқа шахслар томонидан берилган мулкларга бошқача ҳуқуқий режим ўрнатилиб, агар никоҳдан ажралиш ёки эрнинг вафоти билан боғлиқ муносабат келиб чиқса, барча олинган «тўй совғаларини» оғзаки келишиш асосида эр томонидан қайтариб беришни ўз зиммасига олган.

Агар асоссиз никоҳдан ажралишга хотин сабаб бўлган бўлса, претор томонидан даъво қўзғатилиб, мулкнинг маълум бир қисмини эрга қайтариб берган ва бунга асос хотин кишининг айби, яъни никоҳдан ажралиш сабаби кўрсатилган.

Рим давлатининг ривожланиш тарихининг I-III асрлари мобайнида «тўй совғалари» алоҳида ҳуқуқий тартибга солинган, яъни никоҳ давомида эр барча мулкларнинг эгаси бўлиб ҳисобланган ва мулкни тасарруф қилишни ҳам амалга оширган.

Лекин хотиннинг манфаатини эътиборга олган ҳолда император Август томонидан қонунлар қабул қилиниб, хотин кишининг розилиги бўлмаган тақдирда унга тааллуқли бўлган ерни (ер участкасини) тасарруф қилиш ҳуқуқи тақиқлаган.

Ҳатто «тўй совғалари»ни қайтариб олиш учун хотин-қизлар даъво аризасини берганлар ва бу ариза «тўй совғасини» қайтариб бериш тўғрисида деб аталган. Эр «тўй совғаси»дан болаларини ўйлаган ҳолда (чунки кўпинча болалар эр кишида қоларди) маълум бир қисмини оларди ҳамда ҳаракат қилинган суммаларни жарима асосидагидек ушлаб қоларди.

Император даврида «тўй совғасини» олган эр, ўзининг хотинининг ҳисобига (ўз оиласига) ҳадя сифатида маълум совғаларни, мулк ёки ашёларни берарди. Дастлабки пайтда бу ҳадялар никоҳга қадар амалга оширилган бўлса (чунки эр-хотин бири-бирига бирор-бир мулк ҳадя қилиши мумкин эмас эди) кейинчалик эса никоҳ тузиш ҳузурида ҳадя этишга рухсат этилиб, барибир бу мулклар эрнинг мулки ҳисобига ўтказиларди, аммо эрнинг айби билан никоҳ бекор бўлса бу мулк хотинига тўлиқ ўтказиларди.

4-§. Ота ҳукмронлиги институти

Рим қулдорчилик жамиятининг энг буюк ютуқларидан бири бу ота ҳукмронлиги институтининг вужудга келишидир.

«Олтин аср»да фаолият кўрсатган машҳур Рим юристи Гай шундай деган: «Ота ҳукмронлиги институти Рим фуқароларининг қатъий белгиланган миллий институтидир... яна шундай шахсларнинг бўлиши амри маҳолки, ўз болаларининг устидан шундай ҳукмронликка, ҳокимиятга эга бўлган Рим фуқарола-

ридек» деб таърифлайди. Ҳақиқатан ҳам, Рим давлати «ота ҳукмронлиги» институтини мустаҳкамлаб, дастлаб унга мутлоқ ҳуқуқлар бериб, Рим ҳуқуқини ривожлантиришга ўзининг мислсиз хизмати билан жаҳон давлатларига ўрнак бўлди.

Бу ҳуқуқий муносабатда мустақил шахс бўлиб (*persona sui iuris*) фақат ота ҳисобланган.

Ота барча ҳуқуқларга эга бўлган «ўзига-ўзи хўжайин» сифатида эътироф этилган, унинг ўғил-қизлари эса «ёт (бегона) бўлган шахсларнинг ҳуқуқи»га (*persona alieni iuris*) (персона алиени юрис) эга бўлганлар.

Ота ҳукмронлиги остидаги вояга етган ўғли, у юқори мансабга (сенатор бўлишдан ташқари) эришса ҳам озодлик ва фуқаролик ҳолатига эга бўлганлигидан қатъий назар оилада ўзининг оиласи, болалари бор бўлса ҳам барибир ота ҳукмронлигига бўйсунган. Ота ҳукмронлиги фақат бир одамда, яъни отада бўлган, отанинг хотинига ўз ўғиллари бўйсунмаган.

Ота ҳукмронлиги институти уч хил асосда вужудга келган:

1. Ўз ота ва онасидан туғилган фарзандлар, яъни никоҳ асосида туғилган фарзандларнинг отаси уларнинг ҳақиқий отасидир. Бу қонидани 1804 йилги Наполеон фуқаролик кодекси ҳам ўзига асосий қонда қилиб қабул қилиб олган.

2. Никоҳсиз туғилган фарзандни қонуний асосда расмийлаштириб, ўзининг фарзанди деб ҳисоблаш асосида.

3. Фарзандликка олиш асосида.

Конкубинат асосида никоҳсиз туғилган фарзандларни ота-оналар томонидан қонуний асосда туғилган фарзанд деб тан олиш асосида фарзанднинг ҳуқуқий ҳолати ўзгаради ва ота ҳукмронлиги институти ўрнатилади.

Ота ҳукмронлиги институти никоҳсиз туғилган фарзанднинг ота-оналарининг никоҳга киришишлари билан қонуний расмийлаштириш деб тушунилади ва фарзанд шу кундан бошлаб Рим фуқароси ҳуқуқига тўлиқ эга бўлади.

Ота ҳукмронлигининг вужудга келиши, фарзанднинг ҳуқуқий ҳолатини расмийлаштирилиши ёки қонунлаштирилиши император томонидан қабул қилинадиган рескриптлар асосида ҳам амалга оширилган. Баъзи ҳолларда никоҳсиз туғилган фарзанднинг муниципал сенатнинг аъзоси бўлиши, қизнинг

эса сенат аъзосига турмушга чиқиши сабабли уларнинг ҳуқуқий ҳолати ўзгарган ва қонунлаштирилган.

Фарзандликка олиш учун ота ҳукмронлиги остида бўлмаган шахслар император рескриптларини олишга мажбур бўлган.

Ота ҳукмронлиги остида бўлган шахсларни фарзандликка олиш учун ота-она фарзандликка олинаётган шахс ҳузурида унинг илгариги ота-оналарини чақирган ҳолда келишиб олишган ва бу келишув суд баённомасига киритилган.

Фарзандликка олишнинг ўзига хос шартлари ҳам бўлган. Бу шартларга қуйидагилар киритилган:

1. Фарзандликка олувчилар асосан эр кишилар ва истисно тариқасида хотин-қизлар бўлишига йўл қўйилган, лекин улар фарзандликка олишга қадар ўз фарзандлари бўлган ва уларни йўқотиб қўйган бўлишлари лозим бўлган.

2. Фарзандликка олувчи шахс ота ҳукмронлигига мансуб бўлмаган, барча ҳуқуқларга ҳамда «ўзига-ўзи хўжайин» бўлган шахс бўлиши талаб этилган.

3. Фарзандликка олувчи шахс фарзандликка олинаётган шахсдан 18 ёш катта бўлиши лозим бўлган ҳаракатлардан ташкил топган.

Рим жамиятининг тарихида ота-оналар ва болаларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари хилма-хил бўлган. Қадимги Римда отанинг ҳуқуқи ўз болаларига нисбатан чегараланмаган бўлиб, «Ҳаёт ва ўлим» ҳуқуқини ҳам ҳал қилган, фарзандларини сотиш ҳуқуқига эга бўлган.

Вақт ўтиши билан бу қаҳрли жазолар аста-секинлик билан заифлашиб, бўшашиб, ўз фарзандларига нисбатан уй жазоларини қўллашга олиб келди. Ота, она ва фарзандлар бир-бирларини ўзаро ҳурмат қилишлари, алимент билан таъминлашлари ва бошқа муносабатлар такомиллашиб бора бошлади.

Ота ҳукмронлиги остида бўлган фарзандларнинг мулкӣ ҳолати, шундан иборат бўлганки, улар шартномалар тузиш ҳуқуқига эга бўлганлар, эмо шартномалардан келиб чиқадиган барча ҳуқуқ ва мажбуриятлар отага тааллуқли бўлган.

Ота ҳукмронлиги остидаги вояга етган шахслар шартномалар тузиш оқибатида ёки бирор-бир ҳуқуқбузарлик асосида ёки бошқа шахсларга зарар етказиш муносабатлари келиб чиққан бўлса, худ-

ди қулларнинг даъвосига ўхшаш даъво асосида оила бошлиғига даъво жорий этиларди. Оила бошлиғи даъвони қабул қилиши ва келтирилган зарарларни тўлаши ёки зарар етказган шахсни зарарни қоплашни талаб этаётган шахсга топшириши мумкин эди. Агар зарар етказган шахс бошқа уй бошқарувчисига ўтиб кетган бўлса, қилинган айб ҳам шу шахс билан боғлиқ бўлиб бошқа, яъни ўтиб кетган оила бошлиғига даъвони қаратарди, яъни жавобгарлик доимо айб қилган шахснинг яшаши билан боғлиқ бўлган.

Рим давлатида ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг ва хўжалик муносабатларининг ривожланиши натижасида ота ҳукмронлиги остидаги шахслардан фойдаланмаслик оила бошлиғи учун самара бермай қолди.

Айниқса, ҳукмронлик остидаги шахслар билан бошқа ҳуқуқ субъектлари шартномали ҳуқуқий муносабатларга киришмай қўйди ва уй эгаси ўзининг қулларида, вояга етган фарзандларидан мақсадга мувофиқ фойдалана олмасди.

Юқорида кўрсатилган ҳолатлар уй бошқарувчисини ўзининг қўл остидаги қулларига, вояга етган шахсларига маълум ваколатлар беришни тақозо этарди. Натижада қуллар ва вояга етган шахсларнинг мулкий лаёқатлари кенгайди ва кўпроқ, кенг маънода муомала лаёқатига эга бўлдилар.

Қадимги Рим жамиятида қулларга қўлланилган пекулий муносабатлари, яъни қулларга ер, ер участкаси, моллар, ҳўкизлар, баъзи ҳолатларда эса қулларни бериш муносабатларини кенгайтиришнинг зарурияти келиб чиқди.

Пекулий институтининг моҳияти шундан иборат эдики, қул ўз томорқасида жон-жаҳди билан ишлаб, ўз болалари, хотинининг ҳам меҳнатларини қўллаб, самара олишга ҳаракат қилган ва ўз уйи асосида ёки ўз мулки асосида, ҳатто бу мулкнинг эгаси қулдор ёки оила бошлиғи ҳисобланса ҳам мустақил ҳаракатни амалга оширган, мулкдан фойдаланган ва уни бошқариш ёки яшириш асосида кам бўлса ҳам тасарруф этган.

Рим давлатида ҳуқуқий муносабатларнинг янада ривожланиши натижасида илгари пекулийга қараганда мустақил бўлган янги пекулий – **ҳарбий пекулий** вужудга келди. Бу пекулий илгаригига қараганда мулкий ҳуқуқ лаёқатини кенгайтирган ҳолда ва ҳақиқий фуқаролик ҳуқуқий муносабатларининг субъекти

бўлиши учун барча имкониятларни яратиб бера олган. Бунга яраша ҳарбий хизмат даврида сотиб олган мулклари, маоши, ҳарбий хизмат ёки урушлар натижасида қўлга киритган мол-мулклари, ҳарбий хизматга ўтаётган пайтда берилган совғалар, ҳадялар унинг ўзининг мулки бўлиб ҳисобланса ҳам, лекин ҳарбий пекулий олган шахснинг ўзи ота ҳукмронлиги остидаги мулк бўлиб ҳисобланган.

Ота ҳукмронлиги остидаги пекулий ўлим олдидан васиятно-ма қолдирмаган бўлса, барча мулклар, ашёлар оддий пекулийга ўхшаб ота ҳокимиятига, яъни унинг мулкига ўтказиларди.

Рим жамиятининг мутлоқ монархия даврига келиб, ҳарбий пекулийга она томонидан бирор-бир мулк ёки мерос ҳадя тариқасида қолдирилган бўлса, унинг ўзига бу мулк тегишли бўларди. Ота бу ерда мулкни умрбод бошқариш ва фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлиб, ҳукмронлик остидаги бўлган шахс билан тенг асосда фойдаланиши мумкин бўлган.

Айниқса бу қоида император Юстиниан томонидан янада мустаҳкамланди.

Рим ҳуқуқида ота ҳукмронлиги қуйидаги асослар бўйича тугатилиши мумкин эди:

1. Оила бошлиғининг, яъни отанинг вафот этиши билан;
2. Вояга етган, лекин ота ҳукмронлигидан озод бўлмаган шахснинг вафот этиш билан;
3. Уй бошқарувчисининг ёки унга қарашли бўлган шахсларнинг озодлик ва фуқаролик ҳолатларини йўқотиши асосида;
4. Уй бошқарувчисининг қарамоғидаги шахсларга ёрдам бермаганлиги асосида, уй бошқарувчиси лавозимидан озод қилиниши натижасида;
5. Уй бошқарувчиси қарамоғидаги шахснинг фахрий унво-ларга эга бўлиши ва бошқа ҳолларда ота ҳукмронлиги ўз кучини йўқотган.

Юқорида кўрсатилганлардан ташқари, ота ҳукмронлиги қарамоғидаги бўлган шахсга эмансипация усулини қўллаш, яъни отанинг ўз розилиги ва қарам бўлган шахснинг розилиги асосида амалга оширилган.

Император Юстиниан даврига келиб, эмансипация қуйидаги асосларда амалга оширилган:

– император рескриптига биноан ва бу рескрипт суд баённомасида ёзилиши лозим бўлган;

– уй бошқарувчисининг ўзининг аризасига мувофиқ асосда суд баённомасига ёзилиши мажбурий бўлган;

– уй бошқарувчисининг рухсати билан анча йиллар давомида фактик ҳолат асосида унга озодлик берганга ўхшаб юриши натижасида эмансипация қўлланилган.

5-§. Васийлик ва ҳомийлик

Рим давлатида (*sui iuris*) ўзига-ўзи хўжайин, яъни озод бўлган Рим фуқаролари ҳамда шу давлат ҳудудида истиқомат қилиб турган шахслар ўзининг касаллиги, ногиронлиги ёки бошқа ҳолатлар билан боғлиқ бўлган ҳолларда, ўзининг фуқаролик ҳуқуқ лаёқатларини амалга оширувчи шахсларнинг ёрдам беришига муҳтож бўлганлар. Муомалага лаёқатсиз фуқаро шахсинининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун, шунингдек қонунда назарда тутилган ҳолларда мулкий ҳуқуқларини қўриқлаш, вояга етмаган шахслар, енгил табиатли хотинлар, эри ўлаётган пайтда васиятномада хотинига ким васий ёки ҳомий бўлишини тайинлаб кетган ҳолда – бу хотинга, ақли заиф бўлган шахсларга васийлик ва ҳомийлик белгиланган.

Васийнинг ваколати ўзига-ўзи хўжайин бўлган шахснинг касаллиги ёки бошқа ҳолатлари туфайли, ўз мулкни қўриқлай олмаслиги, бошқариши ёки уни тасарруф эта олмаслиги, унинг жисмоний ёки маънавий томонидан қилинаётган ҳаракатларини тушуниб ета олмаётганлиги сабабли бу ҳаракатларни қонуний асосда амалга оширишдан иборат бўлган.

Ота ҳукмронлиги институтининг яхши ишламаганлиги, ўз қўли остидаги шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қила олмаслиги ҳам васийлик ва ҳомийликни келтириб чиқарган.

Васийлик Гай институцияси ва XII жадвал қонунларига асосан, хотинлар устидан 25 ёшгача, ҳатто васиятномада то турмушга чиқмагунча деган сўз ва муддат бўлса турмушга чиққунгача, айниқса хотинлар пул ва ашёларга ўч бўлганлигини, уларнинг табиати енгилроқ эканлигидан келиб чиқиб васийлик тайинланган.

Васийлик (тутела) ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган шахсларга ҳам тайинланган. Кўпинча у магистрат томонидан тайинланган, аммо васий ўзининг касаллиги, ёши, давлат хизмати ёки ҳарбий хизматларини важ қилиб ўз ваколатидан соқит бўлиши мумкин бўлган.

Васий фақат ўз васийлигида бўлган шахснинг манфаатини кўзлаб ҳаракатларни амалга ошириши лозим бўлган. Ўзининг манфаати учун бирор-бир ҳаракат қилинса ёки васийликда бўлган шахснинг мулкани, уйини ёки бирор ашёни сотиб, васийлигида бўлган шахсга зарар етказган бўлса, даъво қилиш лозим бўлиб, етказилган зарар тўлиқ васийдан тўлаттириб олинган.

Васийнинг бурчи васийлигида бўлган шахс томонидан тузилган шартнома ва мажбуриятларни тасдиқлаш, шартнома тузиш учун маслаҳатлар бериш ёки олдиндан келишиб олиш масалаларини ҳал қилишдан иборат бўлган.

Император Север (195 йил) даврига келиб васий ўз васийлигида бўлган шахснинг қишлоқ ерларини ёки шаҳардаги ерларини сотиш ёки гаровга қуйиши тўлиқ асосда ман этилган. Улардан ташқари васий ва унинг ҳомийлигидаги бўлган шахслар ўртасида никоҳ тузишларига ҳам йўл қўйилмаган.

Рим давлати ҳуқуқи тарихида васийликдан ташқари ҳомийлик ҳам мавжуд бўлган.

Ҳомий – (кура) вояга етган шахслар томонидан ўз мулкани бошқара олмаётган, ақли заиф, жисмоний томонидан камчилиги бор шахслар ёки қилган ҳаракатларини оқибатини тўлиқ тушуниб ета олмайдиган шахсларга тайинланарди.

Ҳомий кўпинча васий томонидан ўз ваколатини бажара олмаганлиги ёки васиятномада кўрсатилган шартларни, вазифаларни интизомсиз, ёмон ва лозим даражада бажармаганлиги сабабли васийнинг ўрнига тайинлаб қўйиларди.

Мулоҳаза юритиш учун саволлар ва масалалар

1. Рим давлатида оила нимадан иборат бўлган?
2. Машҳур Рим юристи Гай ота ҳукмронлигига қандай таъриф берган?
3. Агнатик оила деганда қандай оила тушунилган?

4. Когнатлар тушунчаси қандай маънони билдиради?
5. Машҳур юрист Модестин никоҳга қандай таъриф берган?
6. Рим давлатида никоҳнинг қандай турлари мавжуд бўган?
7. Рим ҳуқуқида никоҳга кириш учун қандай шартлар қўйилган?

8. Рим ҳуқуқида никоҳдан ажралишга қайси ҳолда йўл қўйилмаган?

9. Ота ҳукмронлиги институти қандай асосда вужудга келган?

10. Фарзандликка олишнинг қандай шартлари бўлган?

11. Отанинг розилиги билан унинг ўғли Рим армиясида хизмат қилиш учун ҳарбий хизматга кирди. Вақт ўтиши билан ўғил юқори мансабга эришди ва катта уй-жой сотиб олди. Лекин бу вақтга келиб унинг отаси контрагентлар билан шартномавий муносабатларга киришиб ўзининг бутун мол-мулкдан айрилди ва кредиторлари олдида қарздор бўлиб қолди. Ота кредиторларни талабини қондириш учун ўғлига тегишли бўлган мол-мулки билан ҳисоб-китоб қилиши мумкинми? Бу муаммо қандай ҳал қилинади?

12. Рим фуқароси Тиберийнинг учта невараси бўлиб, улардан биринчиси унинг ўзи билан яшайдиган ўғлидан, иккинчиси эманципация қилинган ўғлидан, учинчиси тўғри никоҳда турувчи қизидан туғилган. Невараларнинг қайси бири Тиберийнинг ҳокимияти остида бўлган? Бу муаммонинг ечими нималарга асосланади?

VI -БОБ. РИМ ҲУҚУҚИДА АШЁВИЙ ВА МУЛКИЙ ҲУҚУҚЛАР

- 1-§. Ашёлар тушунчаси ва турлари.
- 2-§. Эгаллаш тушунчаси ва турлари.
- 3-§. Эгалик қилиш ва унинг тугатилиши.
- 4-§. Мулк ҳуқуқи тушунчаси.
- 5-§. Мулк ҳуқуқининг турлари.
- 6-§. Хусусий мулк ҳуқуқи тушунчаси ва мазмуни.
- 7-§. Умумий мулк ҳуқуқи.
- 8-§. Шартномалар бўйича мулк ҳуқуқининг вужудга келиши.
- 9-§. Мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш.

1-§. Ашёлар тушунчаси ва турлари

Рим ҳуқуқининг асосий институтларидан бирини ташкил этадиган муносабатлар – бу ашёвий ҳуқуқий муносабатлардир. Ашёвий ҳуқуқий муносабатлар фуқаролик ҳуқуқининг асосий объектларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Қадимги Рим тарихида айниқса унинг синфий даврида ашёлар тушунчаси кенг маънода ишлатилган. Рим юристлари ашёлар – бу ташқи дунёнинг моддий муносабатларидан иборатдир, улар ўз ичига юридик муносабатларни ва ҳуқуқни ҳам қамраб олади деб таърифлаганлар.

Ашёвий ҳуқуқий муносабатлар – эрк, хоҳиш, ирода билан боғлиқ бўлган шахслар ёки гуруҳлар ўртасидаги ашёларнинг кимгадир тааллуқлилигини белгилайдиган ва мустаҳкамлайдиган, баъзи ҳолатларда ўзгартирадиган ҳолатлар ҳақидаги умумий таълимотдан иборат бўлиб, шахсларнинг ашёлар устидан ҳукмронлигини ва бошқаришни таъминловчи муносабатлардир.

Ашёлар кўчмас мулклар ва кўчирилиши мумкин бўлган, бўлинадиган ва бўлинмайдиган, истеъмол қилинадиган ва истеъмол қилинмайдиган, жинсий аломатларга эга бўлган ашёлар ва индивидуал ашёларга, оддий ва мураккаб ашёларга, асосий ва мансуб ашёларга фуқаролик муомаласидан чиқарилган ва фуқаролик муомаласидан чиқарилмаган ва бошқа ашёвий ҳуқуқий муносабатларга бўлинган.

Рим тарихчилари ва ҳуқуқшунослари умуман ашёларни икки қисмга бўлганлар, улар қуйидагилардир:

1. Худо Оллоҳ ҳуқуқи (табиий ҳуқуқ) томонидан яратилган ашёлар;

2. Худо Оллоҳнинг ердаги вакили бўлган инсонлар ҳуқуқи томонидан вужудга келган ашёлар.

Оллоҳ ҳуқуқи (табиий ҳуқуқ) томонидан яратилган ашёлар фақат Оллоҳнинг маълум, ниҳоятда кучли ва юқори бўлган шахслар унга бўйсунитиши асосида бўлган фуқаролик муносабатидан чиқарилган ва ҳуқуқий соҳалар билан тартибга солинмайдиган сакрал ҳуқуқларга айтилган.

Римликлар қадимдан ашёларни яна икки қисмга, яъни сакрал ашёлар ва диний ашёларга бўлганлар.

Сакрал ашёларга Худо Оллоҳ ҳуқуқи (табиий ҳуқуқ) томонидан берилган ашёлар киритилиб, улар оммавий қарорлар, яъни Оллоҳ томонидан қабул қилинган қарорлар асосида вужудга келган.

Диний ашёларга эса хусусий ҳуқуқ билан белгиланган ёки инсоннинг шахсий қарори билан вужудга келадиган муносабатлар киритилган. Масалан: инсоннинг дафн этилиши ва бу жойнинг муқаддас жойга айланиши, инсоннинг фақат ўз эрки билан боғлиқ бўлган ҳаракатларини амалга оширишга тушунилган.

Инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ муносабатлар ашёлар ёки ҳуқуқий соҳалар, яъни Рим давлатининг оммавий ҳуқуқи ва хусусий ҳуқуқлари билан тартибга солинган.

Рим ҳуқуқида шундай ашёлар бўлганки, уларнинг субъекти Рим халқи бўлиб ҳисобланган, (**Populus Romanus**) улар оммавий ҳуқуқ билан боғлиқ бўлган. Улар қуйидагилардан иборатдир:

1. Рим жамияти аъзоларининг барчаси томонидан умумий асосда фойдаланиладиган, яъни дарёлар, портлар, йўллар, театрлар, стадионлар ва бошқа оммавий характерга эга бўлган ашёлар;

2. Давлатга оид бўлган махсус фойдаланиладиган ашёлар, давлат хазинаси, ҳарбий объектлар, қурол аслаҳалар ва бошқа ашёлардан иборат бўлиб, улар махсус ҳуқуқий режим қўлланишини тақозо этади ҳамда фуқаро томонидан фойдаланиши чегараланган ҳуқуқ объектларидан иборатдир;

3. Давлатга хос бўлган савдо муносабатларининг объектлари, масалан давлат ер фондидан ташкил топган.

Рим ҳуқуқида ашёларни бўлинадиган ва бўлинмайдиган қисмларга бўлганлар.

Бўлинадиган ашёлар туб моҳиятини, хўжалик мақсадини йўқотмайдиган шундай ашёларки, уни қисмларга бўлганда ҳам ўз жинсини, баҳосини йўқотмасдан, қисмларга бўлинган ашёларнинг ўзи ҳам алоҳида ўз қийматини йўқотмайдиган, лекин кичик, оз бўлган товарлардан, аммо тўлиқ асосда мавжуд бўлган муносабатлардан ташкил топади. Масалан қанд, сариёғ, асад нон, гўшт, колбаса, ёнғоқ ва бошқалар.

Бўлинадиган ашёлар туркумида айниқса умумий мулк ҳуқуқи билан боғлиқ муносабатларда ҳуқуқга бўлган ҳисса ва объектга бўлган ҳиссалар мавжуд бўлган. Уларни реал ва идеал ҳиссаларга бўлганлар.

Бу муносабатларнинг асл кўриниши моддий муносабатларга ўхшамаслиги ҳам мумкин, лекин ўша ҳуқуқларнинг асосини моддий ашёлар ташкил этади.

Идеал ҳиссалар деб, ашёга қўшилган мол-мулк бошқа мулклар билан аралшиб, ўзининг жисмини объект сифатида йўқотиши ёки бошқа объектларга ўтиб кетиши мумкин. Ана шу ашёга бўлган ҳуқуқ ичида қайси шахс томонидан қўшилган ашё бўлса, унинг қиймати, баҳоси ётади ва ҳиссаларга бўлинади.

Мулк бўлинган пайтда қўшган ҳиссасига қараб ашёга ҳуқуқнинг маълум бир қисмини олади ва уни улусларга ажратиб. $1/2$, $1/3$, $1/4$ қисмларига қараб ўз мулкни шу ашёга қўшган шахс мулкнинг қийматини ёки шу қийматга асосан мулкдан ҳисса ажратиб олади.

Идеал ҳиссалар асосида вужудга келган объект умумий мулк ҳуқуқи асосида бўлса, уларнинг бўлиниш ва бўлинмаслиги муҳим аҳамиятга эга бўлиб, яъни барпо қилинган объект натура асосида бўлиниши ёки бу ашё умумий мулк ҳуқуқи субъектларининг бирига ўтказилган бўлса, қолганлари эса пул товонлари (ёки қўшган ҳақини) олади.

Бўлинмайдиган ашёлар туркумига маълум қисмларга ажралиши натижасида хўжалик моҳиятини, унга мансублигини

йўқотадиган ашёлар (машина, трактор, станок ва ҳоказолар) киради. Ашёларни бўлиш мажбуриятни бажаришда, жавобгарлик ўрнатишда ҳиссаларга қараб белгиланиши ёки ашёларни бўлмаслик ва биргаликдаги умумий жавобгарлик хусусиятлари билан боғлиқдир.

Истеъмол қилинадиган ва истеъмол қилинмайдиган ашёлар деганда, ашёнинг тайинланишига қараб белгиланади. Улар истеъмол қилингандан кейин ўз жинсини, жисмини, уруғини йўқотади. Булар озиқ-овқат маҳсулотларидир.

Истеъмол қилинмайдиган ашёлар – улардан фойдаланган вақтда ўз баҳосини, моҳиятини йўқотмасдан ёки умуман йўқ бўлиб кетмайдиган ашёларга тушунилган. Масалан: қимматбаҳо тошлар, ёқут ва зумрадлар, бриллиантлар, олтин тақинчоқлар ва бошқа қимматбаҳо ашёлар киритилади.

Жинсий белгилари ва хусусий аломатлари, яъни индивидуал хусусиятлари билан фарқ қиладиган ашёлар, уларни кўпчилик Рим юристлари алмаштириладиган ва алмаштирилиши мумкин бўлмайдиган ашёларга сифатида эътироф этганлар.

Жинсий белгилари билан фарқ қиладиган ашёлар - тайинланишига қараб, жинсига қараб, сони, ўлчов белгиси, оғирлиги, баҳоларига асосланиб, ҳар бирининг ҳуқуқий муносабатда қандай ҳолатда, яъни объект сифатидами ёки жинсий аломатга эга бўлган ашёми (она кўй ёки кўчқор) ёки сонининг кераклиги (100 та солдат), оғирлиги (10 тонна) ни етказиб бериш каби муносабатларга тушунилган.

Индивидуал ёки хусусий аломатга эга бўлган ашёлар – маълум шахслар, усталар, ҳунармандлар томонидан ишлаб чиқиладиган ашёлар, яъни индивидуал шахснинг иш фаолияти статуси билан, ҳатто обрўйи, меҳнатининг сифати, маҳсулотнинг жаҳон андозалари асосида ишлаб чиқилганлиги билан, умуман индивидуал шахснинг характерли хусусияти билан белгиланадиган ашёлардир. Уларнинг ўрнига бошқа ашёларни ишлатиб бўлмади.

Асосий ашёлар ва унга мансуб бўлган ашёлар деб, шундай ашёларга айтиладики, бу ашёлар асосий ашёсиз ўз ҳаракатини амалга ошира олмайдиган ҳамда унинг юридик ҳолатига бўйсунадиган ашёлар туркумидан иборат бўлган.

Мансуб ашёлар – асосий ашёларнинг қисми, унга тааллуқли ёки унинг ҳосилларидир. Улар юридик мустақил ҳаракатларни амалга ошира олмайди, яъни асосий ашёга бўйсунувчидир.

Ҳосил ва даромадларни ҳал қилишда асосий ашёга мурожаат қилганлар. Айниқса, қонуний, инсофли асосда эгалланган шахс томонидан жарбланувчи даъво қилгунга қадар, олинган фойда ва даромадларни тасарруф қилган бўлса, уни қайтариб олиши мумкин бўлмаган.

Табиий бўлган фойдалар ҳам мавжуд бўлиб, бу ерда ашёнинг мақсадга мувофиқ равишда тайинланиши бузилмасдан, табиат орқали ҳосил даромадлар олиш мумкин. Яна дарахтлардан олинган мевалар, боғдан олинган ҳосиллар ёки қорамол, қўй, эчки ва бошқа ҳосил берувчи ҳайвонлардан олинган ашёлар тушунилган. Уларнинг ҳуқуқий ҳолатлари шу ашёлар, яъни дарахтлар, боғлар, қўй-қўзилар, қорамоллар кимга тегишли бўлса, ўша шахснинг ҳукмронлигида бўлиб, шу шахс томонидан белгиланган.

Рим ҳуқуқида, айниқса, ашёвий ҳуқуқий муносабатларга киришаётган пайтда ашёнинг ҳуқуқий ҳолати, яъни фуқаролик муомаласидан чиқарилганми ёки чиқарилмаганлигини аниқлаб олиш лозим. Чунки шундай ашёвий объектлар борки, бу муносабатлар фуқаролик ҳуқуқий муносабатларида ёки айнан фуқаролар ўртасида шартномалар тузишга йўл қўйилмайди.

Фуқаролик ҳуқуқий муносабатларнинг объектлари хусусий мулк билан боғлиқ ашёлар бўлиб, кўпчилик ҳолатларда фуқароларнинг ўртасида ҳамда фуқаролар ва юридик шахслар ўртасида ҳам қўлланилади.

Ашёларнинг муомаладан чиқарилган ёки муомаладан чиқарилмаганлигига қараб ҳуқуқий режим қўлланилади. Муомаладан чиқарилган ашёларга давлатнинг ўзига хос мулклари, шаҳар мулклари, Рим давлатининг ҳудудлари ва бошқа мулклар киритиларди. Бу мулклар ёки ашёларнинг кўпроқ бошқа ашёлардан фарқи табиий асосда вужудга келган ҳамда махсус вазифаларни амалга оширувчи мулклардан иборат эди.

Император Юстиниан Институцияларида ҳам бу ашёларга катта эътибор қаратилган. Синфий юристлар ҳатто табиат томонидан яратилган ашёларнинг мавжудлигини, улардан барча

Рим фуқароларни тенг асосда фойдаланиши мумкинлигини эътироф этиб, уларни қуйидагилардан иборат деб ҳисоблаганлар:

- ҳаво қатлами;
- оқар сувлар;
- денгизлар ва уларнинг ичидаги жониворлар;
- бошқа бойликлар.

Оммавий ҳуқуқ асосида вужудга келган ашёларнинг эгаси бутун Рим халқи ҳисобланиб, буларга *civitas* (шаҳарлар мулки) дарёлар, йўллар, стадионлар, концерт заллари кирган ҳамда улардан бутун Рим халқи фойдаланган.

Булардан ташқари диний ёки Оллоҳ, Худо билан боғлиқ мулклар бўлган. Улар фуқаролик ҳуқуқий муносабатларнинг объекти бўлиб ҳисобланмаган. Худо ҳуқуқлари храмлар, масжидлар, диний муносабатларни амалга ошириш учун ишлатиладиган предметлар, ашёлар, қилхоналар, алоҳида шахсларни, яъни олий мансабли магистрларни, давлат раҳбарларини, дин бошлиқларини, пайғамбарларни, ҳурмат қозонган шахсларни дафн этадиган жойлар, яъни улар муқаддас деб танилиб, Худо томонидан, унинг ердаги вакиллари томонидан ҳимоя қилинган.

Рим давлатида ашёларга бўлган ҳуқуқ бир неча турларга бўлинган бўлиб уларни энг биринчиси эгалик қилиш ҳуқуқини ташкил этган ва у хусусий мулкий муносабатларнинг асосини ташкил этган. Рим синфий юристлари эгалик қилишни ашёларга бўлган тўғридан-тўғри ҳукмронлик қилиш, ҳеч кимнинг ёрдамисиз, мустақил асосда уларни эгаллаб олиш деб тушунганлар.

Ашёларга бўлган ҳуқуқ тўғридан-тўғри ўзида бўлмасдан, бошқа шахсга тааллуқли бўлган мулкдан фойдаланиш, бошқаларнинг мулкига бўлган ҳуқуқ деб аталган. Уни юристлар *iura in re aliena* (юра ин ре алиена) бошқаларнинг мулкига бўлган ҳуқуқ деб эътироф этганлар.

Ашёларга бўлган ҳуқуқ турлари қуйидаги:

1. Эгаллаш;
2. Мулк ҳуқуқи;

3. Бошқаларнинг мулкига бўлган ҳуқуқлардан ташкил топган.

2-§. Эгаллаш тушунчаси ва турлари

Қадимги Рим қулдорчилиқ давлатида «Эгалик қилиш» амалиётда кўпинча «мулк» терминлари ёки тушунчаси билан бир маънода қўлланилса ҳам Рим фуқаролик ҳуқуқи ва ҳозирги замон фуқаролик ҳуқуқида иккаласини бир маънода тушунмаслик лозим. Рим юристлари эгаликни «мен мулкка эгаман» сўзи орқали, мулкни эса «менинг мулкка эгалик ҳуқуқим бор» деган таърифлар билан ажратиб олганлар.

Эгалик қилиш – бу ашё устидан фактик ҳолатда ҳукмронлик қилиш демакдир. У мулк ҳуқуқининг келиб чиқиши учун асос бўлиб, бир жойга жойлашиш, ўтроқ бўлиб қолиш, эгасиз бўлган ашёни, предметни ёки ўтлоқ, яйловни эгаллаб олиш тушунилган.

Рим ҳуқуқида «**ager publucus**» деган тушунча бўлиб, «умумий жой», ҳамма учун тенг равишда фойдаланиши мумкин бўлган ер, бошқа шахслар томонидан эгалланиб олинмаган жойга тушунилган.

Қадимги Рус тарихчилари «Кие ҳақида»ги ёзма асарларида Киенинг ўз уруғлари билан Днєпр дарёсининг ёнбағирларида жойлашган тоғда ўтириб, (кўчиб келиб) жойлашиб қолганлигини ва Киев шаҳрини вужудга келтирганлигини мисол қилиб, эгалик тушунчасини «эгасиз жойни ўзлаштириш, ўша жойда ўтириб қолиш, ўтроқ бўлиш ёки жойлашиб олиш» деган маъно билан боғлайдилар.

Эгалик қилиш институтининг вужудга келишини машҳур юристлардан бири юриспруденциянинг атоқли олими **Лабзон** (ўтган эрамизнинг 45 йиллари ва янги эрамизнинг 10 йиллари) «Рим ҳуқуқида эгалик тушунчасини «ўтирмақ», «жойлашиб қолмоқ», «ўтроқ ҳаёт кечирмоқ» деган сўзлар билан «эгасиз бўлган жойни ишғол қилмоқ ёки эгаллаб олмоқ» асосида таърифлаган. Демак эгаллаш бу – ашёни реал равишда эгаллаб олиб, унинг устидан ҳукмронликни амалга ошириш деган маънони англатган.

Қадимги Рим ва унда яшаб турган жамоа учун доимо ер етишмасдан, танқис бўлиб келган. Улар доимо ўзлаштирилмаган жойларни ёки урушлар натижасида жойга, ҳудудга эга бўлишга кўп интилганлар.

Ҳатто машҳур юрист Цицероннинг таъкидлашича, XII жадвал қонунларида, эгасиз бўлган жойларни, ҳеч ким яшамайдиган қир-адирларни эгаллаб олишга даъват этиб, ҳатто икки йил давомида инсофли равишда ерни, жойни эгаллаб олган шахс цивил (фуқаролик) ҳуқуқига асосан, эгалик қилиш ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддат икки йил муддат асосида белгиланган ва муддатнинг ўтиши билан у шу мулкнинг эгаси яъни, мулк ҳуқуқининг субъекти бўлиб танилган ҳамда уни қонуний асосда мустаҳкамлаб берган.

Фуқаролик ҳуқуқига асосан эгаллаш деганда, аввало ашёни эгаллаган шахс, мустақил шахс бўлиши – **persona sui iuris** (персона суи юрис) талаб этиларди. Агар у шахс мулкий ҳуқуқий ва муомала лаёқатига тўлиқ эга бўлса ва уни эгаллаш ҳамда фактик ҳукмронликни амалга ошириш мақсадини ўз ҳаракатлари билан тасдиқласа, у эгаллаш интердиктлари ҳимоясига ва қўриқлаш муносабатларига эга бўлади. Фуқаролик эгаллаш, энг аввало ўзи учун ўзининг исмига, тўлиқ ишонч асосида, яъни мулк ҳуқуқининг субъекти бўлишини эътироф этишни ҳам ўз ичига олган.

Рим ҳуқуқшунослари ашёларни эгаллаш ва уларни ушлаб туришнинг бир-биридан фарқини тўлиқ англаб, уларга нисбатан ҳар хил ҳуқуқий ҳолатларни қўллаганлар.

Рим давлатининг фуқаролик ҳуқуқий муносабатларида эгаллаш тушунчаси икки қисмга бўлинган:

- а) мулкни жисмоний ҳолатда эгаллаш;
- б) мулкни маънавий асосда эгаллаш деб тушунилган.

Жисмоний асосда эгаллаш **corpus possessiones** (корпус поссессионес) ва маънавий асосда эгаллаш – **animus possessiones** (анимус поссессионес) деб аталган.

Жисмоний асосда эгаллаш деб, уни физик ҳолатда (гавдасини жисмини) ёки фактик ҳолатда эгаллашга айтилган.

Маънавий эгаллаш деганда, ашёни ўз эрки, истаги, хоҳиши асосида шу мулкка эгалик қилишга тушунилган. Лекин ҳамма эгаллашлар ҳам фуқаролик эгаллашга ўхшаб ҳуқуқий муносабатларни келтириб чиқармайди. Эгаллашга ўхшаб кетадиган, ammo эгаллаш каби ўхшаш ҳаракатлар содир этилса-да, лекин ҳуқуқни ҳимоя қилиш ва қўриқлаш муносабатларини интердиктларни қўллаш каби хусусиятларни келтириб чиқара олмай-

диган элемент – ушлаб туриш (держание) **naturalis possessio** (натуралис поссессия) деб аталади.

Унинг фуқаролик эгалик қилиш элементидан фарқи қуйидагилардан иборат:

1. Ашёни ушлаб туриш – ўзига ўтказиб, эгалик қилиб олиш хоҳишининг йўқлиги, яъни худди ўзининг мулкига бўлган муносабатнинг вужудга келмаслиги билан;

2. Рим фуқароларининг шахслар ўртасида шартномалар яъни, топшириқ шартномаси, депозит мулкни сақлаб туриш (ҳозирги фуқаролик ҳуқуқида тузилган шартномаларни ўз вақтида бажариш учун суд ёки нотариал идораларга маълум бир суммани, пулни ушлаб туриш учун депозит ҳисобига қўйилади) шартномасини, ссуда каби шартномаларни тузганлар ва вақтинча улар бу ашёларни ўз уйида, омборларида, сейфларида сақлаб турганлар ва улар оддий сақловчилар ёки ашёни ушлаб турувчилар деб аталган.

Рим давлатининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, айтиқса ҳуқуқий муносабатларнинг янада такомиллашиши илгари текинга тузиладиган шартномалар ўрнига, янги ҳақ бараварига тузиладиган, ерни ижарага олиш, уй-жойларни ижарага олиш, кўчирилиши мумкин бўлган объектларни сақлаб туриш, умрбод фойдаланиш асосида тузиладиган янги-янги шартномалар келиб чиқди. Кўпчилик ашёларни ушлаб туриш вакиллар орқали амалга оширилган бўлса ҳам, лекин уларга сақлаб ёки ушлаб турган ашёларнинг ҳосил ва даромадларидан мулк эгасининг розилиги асосида фойдаланишга рухсат этилган.

Ҳақ баравари асосида ашёларни, мулкни ушлаб туриш институти вужудга келишига қадар Рим ҳуқуқи вакиллик институти билмаган. Ҳатто тузилган шартномаларни шартномада кўрсатилган субъектнинг ўзи томонидан бажарилишини қатъий равишда талаб этилган.

Рим ҳуқуқида эгалик қилиш ва ушлаб туришнинг ҳимоя қилинишида ҳам бир-биридан фарқлари мавжуд бўлган.

Эгалик қилган шахслар эгалигида бўлган ашёлар бошқа шахслар томонидан ўзлаштирилган ноқонуний асосда ашёларни эгаллаб олган шахсларга даъво қилганлар ва улардан мулкни, ашёни қайтариб олганлар.

Ижарачилар (ушлаб турувчилар, сақлаб турувчилар) бошқа шахсларга ашёлар ноқонуний асосда ўтиб кетган бўлса, мулкни сақлаб туриш ва фойдаланиш учун берилган мулк эгаси орқали қонунсиз мулкни эгаллаб олган шахсларга даъво қилиб, мулкни, яъни бузилган ҳуқуқларни тиклаганлар. Рим қулдорчилиқ жамиятида эгаллаш турлари қонуний эгалловчига ёки қонунга хилоф асосда ноқонуний эгаллашга бўлинган.

Қонуний асосда эгаллаш деб, мулкдор томонидан ашёларни, мулкни эгаллаш ҳуқуқига тўлиқ эга (**ius possedendi**), (юс посседенди) эканлигини англатадиган муносабатларга айтилган.

Мулкни эгалловчи шахс мулкка худди ўзининг мулки каби муносабатда бўлса ҳам, лекин эгаллаш ҳуқуқига эга бўлмаганлиги сабабли уни қонунга хилоф асосда эгалловчи деб тушунилган.

Рим ҳуқуқида қонунсиз эгаллаш қонунсиз инсофли ёки қонунсиз инсофсиз эгаллашларга бўлинган.

Қонунсиз инсофли эгалловчи деб, Рим ҳуқуқида шундай муносабатларга тушунилганки, эгаллаб олган шахс ашёнинг, мулкнинг ёки бирон-бир объектнинг кимга тааллуқли эканлигини билмасдан ёки билиши ҳам лозим бўлмаган пайтда, у мулкни эгаллаб олишга бўлган ҳуқуқи йўқлигини билмасдан ёки мулк ҳуқуқининг эгаси бўлмаган шахсдан, мулк ҳуқуқининг эгаси деб тасаввур қилиб сотиб олишга тушунилган.

Инсофли эгалловчи мулкнинг ўғирланган эканлигини билмайди, у давлат ёки бозор томонидан ўрнатилган нарх асосида сотиб олади ва бирон-бир шахснинг ҳуқуқи бузилаётганлигини ҳам тасаввур қилмасдан одилона асосда ашёни ўзига ўтказиб олади.

Инсофсиз эгалловчи деганда, мулкнинг, ашёнинг ёки бирон-бир объектнинг кимларга тааллуқлилигини билатуриб, уларга ғараз сифатида ёки ҳуқуқларини бузиш асосида, балки бозор нархидан паст нархда сотиб олишга тушунилади. Демак, бу муносабатда инсофсиз эгалловчи инсофсизлик асосида, ўз манфаатини кўзлаб, бошқа шахсларнинг эркини, манфаатини, ҳуқуқларини чеклаб қилинган ҳаракатларни амалга оширади. Мулкни эгалловчиларни инсофли ёки инсофсиз эгалловчиларга бўлиш, уларга қўлланиладиган ҳуқуқий режим билан боғлиқ, яъни инсофсиз эгалловчидан эгаллаган мулкни тўлиқ асосда

қайтариб олиш ҳамда унинг ҳосил ва даромадларини ҳам ундириб олиш учун қатъий жавобгарлик шакллари ўрнатилса инсофли эгалловчи учун енгилроқ ҳуқуқий режим қўлланилади.

Дарҳақиқат, Рим ҳуқуқшунослари эгаллашнинг ўзига хос хусусиятлари ва бошқа элементлардан фарқи қуйидагилардан иборат деб ҳисоблаганлар:

1. Эгаллашнинг бирданига худди мулк ҳуқуқи каби ўз меросхўрларига ўтказилмаслиги;

2. Эгаллаш ҳуқуқини бузган шахсга яъни, инсофсиз асосда мулкни эгаллаб олган шахснинг айнан ўзига даъво қилиниши;

3. Эгаллаш ҳуқуқи асирдан қайтиб келган шахсга худди мулк ҳуқуқидек бирданига ўтказилмаслиги;

4. Мулк ҳуқуқи доимо даъволар орқали ҳимоя қилиниши, эгалик ҳуқуқи эса интердиктлар асосида ҳимоя қилиниши, яъни претор томонидан ҳуқуқни бузган шахсга, эгалловчини безовта қилмаслиги тўғрисида буйруқ берилиб, токи суд орқали бузилган ҳуқуқларини тиклашгача кетадиган вақтларни эътиборга олиб қилинган ҳаракатлардан иборатдир.

3-§. Эгалик қилиш ва унинг тугатилиши

Қадимги Рим юристлари эгалик қилишнинг вужудга келиш асосларини доимо **corpus** (корпус) ҳамда **animus** (анимус) билан боғлаганлар. Улар ҳақиқатан ҳам эгаллашни конкрет шахснинг ашёга бўлган ҳуқуқларининг, яъни жисмоний эгаллаш ва эгаллаш эркини худди ўз мулкига бўлган муносабатидек қараш асосида, хоҳиш ва истакнинг бирга вужудга келганлигига тушунишган ҳамда иккала элементнинг бир томони бўлмаса, у эгаллашни ташкил этмаслигини тушунганлар.

Мулкни жисмоний эгаллаш қийинчиликни ташкил этмаган, аммо мулкни эгаллаш эркининг ифодаланишини аниқлаш, мураккаб бўлган ва эркининг изҳор этилишининг келиб чиқиш асосларини **causa** (асослар) орқали аниқлаш лозим бўлган, айниқса асосларнинг ниҳоятда кўп бўлиши уларни конкрет воқеаликка қараб аниқлаш лозим бўлган.

Эгаллашнинг тугатилиш асослари, ашёга бўлган **corpus** (уни жисмоний эгаллаш)нинг ёки **animus** (эгаллаш тўғрисидаги

хоҳиш, истак ва эрк)нинг йўқотилиши асосида; эгаллаш объектининг шахс ҳукмронлигидан чиқиб кетиши, ашенинг бошқа шахсларга ўтиб кетиши асосида ҳамда эгаллаш объектининг ўлими ёки фуқаролик муомаласидан чиқарилиши натижасида ҳам вужудга келган.

Булардан ташқари Рим ҳуқуқида вакиллик институти, ҳомийлар ва васийлар орқали ҳам эгаллаш амалга оширилган.

Эгалик қилиш ашени эгаллаган шахснинг вафот этиши билан тугаган бўлиши лозим бўлган, аммо унинг меросхўри преторга мурожаат қилиб, эгаллаш муносабатининг яна давом этишини узайтириши мумкин эди. Эгалик қилишнинг ўтиши кўпинча одат нормалари, аънаналар (традиция) ва бошқа усуллар орқали ҳамда мулкни ўз эгалигида узоқ вақт мобайнида сақлаш усуллари орқали ҳам ўзига ёки бошқа шахсга ўтказилиши мумкин бўлган.

Эгалик ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг асосий мақсади иқтисодда ҳукмрон бўлган синфнинг қулдорлар, жрецлар, магистратлар, преторлар, бониторлар ва шунга ўхшаш моддий бойликларга эга бўлган шахсларнинг манфаатини қўриқлашдан иборат бўлган.

Эгалик ҳуқуқини ҳимоя қилиш интердиктлар яъни, кучли ҳокимиятнинг буйруқлари, претор кўрсатмалари асосида ҳимоя қилинган.

Эгалик ҳуқуқини ҳимоя қилиш интердиктлари уч асосда амалга оширилган яъни, илгари мавжуд бўлган эгалик ҳуқуқини сақлаб қолиш, бузилган эгалик ҳуқуқини қайтадан тиклаш ва дастлабки ҳолатда вужудга келган эгалик ҳуқуқини ҳимоя қилишни кучайтириш, мустаҳкамлашдан иборат бўлган.

1. Эгалик ҳуқуқининг ҳозирги даврдаги амалда бўлган муносабатларини қўриқлаш, яъни эгаллаб турган шахсни эгалловчи деб таниб, бошқа шахсларнинг тажовуз қилишига йўл қўймаслик;

2. Куч ишлатиш ёки билдирмасдан, қонунга хилоф равишда бошқа шахс томонидан эгалланган ашени, мулкни ўз эгалловчисига қайтариш;

3. Биринчи марта ёки дастлабки эгаллаш билан вужудга келаётган интердиктлар ва бошқа усулларда ҳимоя қилиш муносабатлари амалга оширилган.

Интердиктларнинг қўлланилиши судларда ишни ҳал қилишга қараганда қулай ва тез асосда ҳуқуқларни ҳимоя қилган, қўриқлаган ва уларнинг бузилишини маъмурий ҳуқуқлар билан таъқиқлаган. Бу йўл Рим ҳуқуқида энг катта самараларни берган.

4-§. Мулк ҳуқуқи тушунчаси

Рим фуқаролик ҳуқуқининг асосий институтларидан бирини мулк ҳуқуқи ташкил этади. Манбаларда таъкидланишича «Рим ҳуқуқини хусусий мулк ҳуқуқига асосланган ҳуқуқ тизимидир» деб атаганлар. Римликлар биринчи бўлиб чекланмаган хусусий мулкчилик ҳуқуқини яъни, хусусий мулк асосига эга бўлган энг мукамал ҳуқуқ формасини ишлаб чиққанлар ва ривожлантирганлар.

Рим ҳуқуқида мулк институти марказий институт ҳисобланиб, Рим фуқаролик ҳуқуқининг ривожланиш бошқичларидан бошлаб, уларга таянч ва ўз муносабатларини амалга оширишни аниқлаштириб, кўрсатиб берадиган, ҳатто уларнинг (шартнома, оила, мерос ва бошқа институтлари фаолиятининг) мулккий асосларини ташкил этадиган ҳуқуқий институтдир.

Рим давлатининг синфий давридаги мулкчилик муносабатлари ерларни ва қулларни идора этишда олий ҳукмронликнинг ифода этилиши билан боғлиқ бўлган.

Рим ҳуқуқшунослари қулдорчилик тузумининг синфий даврига қадар, мулкнинг умумий тушунчасини аниқлай олмаганлар ва уни эгалик қилиш элементидан ҳам ажрата олмаганлар.

Рим давлатининг вужудга келиши натижасида Рим давлатида истиқомат қилиб турган барча фуқароларга умрбод, мерос қолдириш асосида фойдаланишни кўзда тутиб ер (**икки югердан**)⁹ берганлар.

Айниқса Рим давлати ҳарбий қудратининг янада кучайиши натижасида бошқа давлатларнинг ерларини ишғол қилиб қўлга киритиб катта-катта ҳудудларга эга бўлганлар.

Рим давлатини бошқариб турган қулдорлар, магистрлар, жрецлар, бонитор ва преторлар ёки иқтисодни ўз қўлига олган

⁹ Ҳозирги 8 гектарга тўғри келади.

бойлар бу ерларнинг кўп қисмларини эгаллаб олганлар ва қабул қилинган аграр қонунларга асосан, ерга бўлган хусусий мулкчилик ҳуқуқини вужудга келтириб янада мустақкамланганлар.

Қадимги Рим давлатининг ҳуқуқларида мулкни ифодалайдиган махсус тушунча мавжуд бўлмаган. Мулк деганда, иқтисодий муносабатларни, кўпроқ истеъмол қилиш қобилияти билан боғлиқ бўлган ашёларга, табиат бойликларига ҳамда энг қадимги **dominium** (доминиум) «ҳукмронлик» деган маънони англатиб, умумий асосда, барча вужудга келган мулккий муносабатларга қўлланилган. Римликлар бу тушунчага квиритлар сўзини қўшиб «квиритлар мулки» деган маънони ифодалашга ҳаракат қилганлар.

Рим давлатида ҳуқуқий муносабатларининг янада такомиллашиши натижасида юристлар эрамининг II асрларига келиб, айниқса машҳур юрист Юлиан «доминиум» тушунчасини ашёларга бўлган ҳуқуқ деб исботлаб берган, лекин ашёларга бўлган мулккий ҳуқуқни **проприетас** (*proprietas*) деб эътироф этганлар.

Шу билан биргаликда Рим юристлари мулк ҳуқуқининг ўзига хос хусусиятларини, сифатларини тўлиқ аниқлаб бердилар.

Улар мулк ҳуқуқининг ўзига хос хусусияти ва сифати сўзсиз, ашёга бўлган ҳукмронликнинг мутлоқ амалга оширилиши ва уни тасарруф этиш ҳуқуқига эга бўлиш, яъни сотиш, алмаштириш, ижарага бериш, гаров сифатида, мулкни йўқ қилиш ва бошқа муносабатларини амалга оширишни таъминлаш деб тушунганлар ҳамда мулк ҳуқуқининг асосини нималар ташкил этишини ҳам белгилаб берганлар.

Мулк ҳуқуқининг таркибий қисмлари қуйидагилардан иборат бўлган ҳамда уни Рим юристлари қуйидагича талқин қилганлар:

1. Мулк ҳуқуқи – бу ашёлар устидан тўғридан-тўғри бевосита ҳукмронлик қилиш ва уни тасарруф этишдир;

2. Ашёларнинг бошқа шахсларга тааллуқлилигини йўқотадиган, ашёлар ҳақида низолар бўлмаслигини таъминлайдиган, ўзига хос бўлган ҳукмронликни амалга оширишдир;

3. Ашёларга бўлган бошқа муносабатлардан фарқ қиладиган мутлоқ ҳуқуқий ҳукмронликни таъминлайдиган муносабат;

4. Ашёларга бўлган чегараланишлар ва ҳуқуқбузарликларнинг тугатилиши билан тезда ҳукмронликни ўрната оладиган ҳамда шу ҳукмронликка мослаша оладиган ҳаракатларни амалга оширишдир;

5. Тўлиқ ҳуқуқий ашё сифатида, яъни ҳеч қандай мажбуриятлар билан боғлиқ бўлмаган фақат ашёни мутлоқ асосда эгаллаб олиш истагини ифодалайдиган муносабатдир;

6. Ашё устидан тўлиқ ва тўғридан-тўғри ҳукмронликни амалга ошириш уни тасарруф этиш, фойдаланиш, ҳосил ва даромадларини олишга бўлган ҳуқуқларни амалга ошириш муносабатлари мулк ҳуқуқининг таркибини ташкил этиб мулк ҳуқуқини келтириб чиқарган.

Рим ҳуқуқининг ривожланишида ерга бўлган мулкчилик муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ҳатто Рим давлатида ер асосан патрицийлар қўлида тўпланиб, плебейлар эса кам ерга эга бўлганлиги учун патриций ва плебейларнинг бутун курашининг асосий мақсади ҳам ерга бўлган мулкчилик билан боғлиқ бўлган.

Республика даврида ерга бўлган мулкчилик шакллари, жамоа, давлат мулки ва хусусий мулк бўлиб ҳисобланган. Ерга бўлган жамоа мулки, хусусий шахсларнинг хусусий мулкидан ажратилган.

Қулдорчилик муносабатларининг, айниқса савдо муносабатларининг янада ривожланиши натижасида Рим фуқаролик ҳуқуқининг институтларидан бири хусусий мулк ҳуқуқи янада такомиллашиб борди. Рим қуллари, давлат томонидан ёки ота ҳукмронлиги асосида ажратилган ерлардан унинг мулки, уруғликлари бўлмаганлиги сабабли ерларни ишлата олмас эди. Ҳатто ерларни яна бой қулдорларга сотишга мажбур бўлиб, пролетар ҳуқуқий ҳолатига, яъни мулксиз, ерсиз ва фақатгина оиласидан фарзандлар кўриш билан боғлиқ бойликка эга бўлганлар холос.

Рим шаҳри атрофидаги ерлар, давлатга қарашли бўлган ерлар, қуллар ва ҳайвонлар Рим давлатининг энг қимматбаҳо мулклари бўлиб ҳисобланган.

5-§. Мулк ҳуқуқининг турлари

Рим қулдорчилик давлатида энг биринчи маҳаллий мулклардан бири квинтитлар мулки бўлиб ҳисобланган. Улар фақат Рим фуқароларига тааллуқли бўлиб, улар фуқаролик ҳуқуқий муносабатларида қатнаша олиш ҳуқуқига эга бўлган ҳамда шу муносабатда қатнашувчи объектнинг ўзи яъни, ашё ҳам фуқаролик муомаласидан чиқарилмаган ёки муомилада қатнашиш имконига эга бўлган ҳолатда бўлиши тақозо этилган.

Бундай мулкларга **res mancipi** (рес манципи) асосида қатъий белгиланган ашёлар киритилган, яъни улар Италия тупроғи билан боғлиқ бўлган барча ерлар, ер участкалари, қишлоқдаги ер участкалари, ҳовлилари, шаҳар ерлари, қуллар, йўллар, тўрт оёқли ҳайвонлар ва бошқа мулклар киритилган ва бу ашёлар қадимдан энг юқори баҳоланган. Рим қадимги жамиятида дастлабки мулклардан бири квинтитлар мулки бўлиб ҳисобланиб, унга эга бўлиш шартномалар ва ҳуқуқни ўтказиш асосида ҳам амалга оширилган.

Рим давлатида яшовчи перегринлар мулки – уларнинг ўзлари объект сифатида тан олинганлар. Улар қайси давлатдан келиб қолган бўлса, ўша давлатнинг фуқароси бўлиб, ўз миллий режимида бўйсунган. Улар Рим давлатида эса Рим мулкига эга бўлиш учун республика даврида шартномаларни тузиш орқали фуқаролик ҳуқуқий муносабатларига киришиб ҳуқуқ ва бурчларга эга бўлганлар.

Қадимги Рим қулдорчилик давлатининг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий, айниқса ҳуқуқий муносабатларининг янада такомиллашиши, фуқаролик ҳуқуқий муносабатларнинг олдинги ҳолатда туриши иқтисодда ҳукмрон бўлган синф учун ҳеч қандай самарани бермай қолган. Айниқса, перегринларнинг савдо муносабатларида муомалада қатнашиш ҳуқуқларини кенгайтириш лозимлиги натижасида уларнинг ўзлари перегринлар билан, айниқса тирик инсонлар билан шартномаларга киришиш учун уларга бир қанча ваколатлар олиш – сотиш шартномасини тузиш, битимлар тузиш ва цивил ҳуқуқий муносабатларига киришиш учун имкониятлар яратилди.

Бониторлар, преторлар мулки ва квинтитлар мулки III асрлар охирида бирлашиб кетди. Уларнинг мулки муқаддас бўлиб,

Ўз манфаатларини кўзлаб, кўпинча ашёни сотувчи ўзи тузган шартномани ҳақиқий эмас ёки унинг тузилиш шакли нотўғри деб ҳисоблаш учун, тузилган шартномани ҳақиқий эмас деб топиш ва реституция орқали яъни, тузилган шартномани тузилмаган давридаги ҳолатга келтиришни (дастлабки ҳолатига келтириш) талаб этиб преторга мурожаат қиларди.

Претор эса формуляр процесс асосида ишни кўриш учун судьяга юборган ва судья шартнома тузилганлигини ҳақиқий деб топиб, тузилган пайтнинг ўзидаёқ пули берилганлигини ва сотилган ашё сотиб олган шахсга ўтказилганлигини аниқлаб бу шартномани ҳақиқий ва қонуний асосда тузилган деб топилгандан кейин сотувчининг даъвоси қаноатлантирилган, у ҳимоясиз бўлган факт деб аталган. Албатта бу ерда ашёни сотиб олган шахснинг ҳуқуқи қонуний бўлиб ҳисобланган. Мулк ҳуқуқи эгаллиги вужудга келган, бу ҳуқуқ фуқаролик ёки квирит ҳуқуқи бўлмасдан Преторлар ёки бониторлар мулки бўлиб ҳисобланган.

Рим қулдорчилиқ давлатидаги мулкларнинг энг юқориси, муқаддас деб ҳисобланган мулк, бу Рим давлатнинг Европа ва Осиё давлатларининг босиб олинган провинциялари ерлари, қимматбаҳо бойликлари ва қуллар ҳисобланган. Босиб олган провинциялардаги аҳолига ўз мулкларининг эгалари сифатида уларни қолдириб ерни эгаллаш, фойдаланиш ва унинг ҳосил даромадларини олишига рухсат этилган.

Рим давлати ўзини барча мулкларнинг бирдан-бир эгаси ва ваколатли шахс деб ҳисоблаб, провинциал мулклар бўйича қилинадиган ҳаракатлари учун катта имтиёзларга эга бўлди. Яъни, Рим шахридан чиқарилган колонистларига, ветеран-солдатларига ер ажратиб бериш ҳуқуқига эга бўлди.

Провинциал мулкка эга бўлган шахслар, (Испания, Осиё давлатлари) сенаторлар, чавандозлар, яъни Рим халқининг юқори табақалари бу ерларни ўзлаштириб, **поссессор** ҳуқуқига эга бўлиб, буларни ерни эгалловчилар деб аташса-да, лекин мулкдордан мулк ҳуқуқининг ваколатидан уларнинг ваколатлари ҳеч фарқ қилмаган. Провинциал мулкнинг ўзига хос хусусиятлари, **биригчида**, бу мулк учун солиқ тўлаганлар (Италия ерларини эгаллаган шахслар солиққа тортилмаган), **иккинчида**, про-

винциал мулкчилик муносабатлари цивил ҳуқуқлари билан бошқарилмасдан, улар регресслар ҳуқуқи билан бошқарилган.

6-§. Хусусий мулк ҳуқуқи тушунчаси мазмуни

Мулк ҳуқуқи тушунчаси бу – ашёга бўлган кенг маънодаги ҳуқуқий ваколатларга эга бўлиш демакдир. Рим ҳуқуқшунослари хусусий «Мулкни муқаддас» мулк деб тан олган бўлсалар ҳам лекин мулк ҳуқуқининг тушунчасини тўлиқ ёритиб бера олмаганлар. Айниқса, хусусий мулкнинг дахлсизлигини ҳамда уни таъминлаш ва кафолатлаш ҳуқуқларига қадимги Рим давлатида ниҳоятда катта эътибор берилган. Бу қондалар барча капиталистик тузумни амалга оширувчи давлатлар, ҳатто МДХ давлатлари, хусусан Ўзбекистон давлати ҳам ўзининг асосий қонунда, яъни Конституциясининг 36, 53-моддаларида ҳам ўз аксини топганлигини эътироф этиб ва юқори мақомли қоида даражасида мустақкам тасдиқлади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциянинг 53-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ «Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир. Мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкдан маҳрум этилиши мумкин»¹⁰. Хусусий мулк дахлсиздир.

Рим ҳуқуқшуносларининг мулк ҳақидаги фикр ва мулоҳазалари, айниқса «Мулкни муқаддас» деб атаган тамойиллари барча буржуа давлатларида, ҳатто ижтимоий кучли сиёсатни олиб бораётган давлатларда, хусусан Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодексининг 164-моддасида «Мулк ҳуқуқи муқаддасдир» деган ҳуқуқий норма ўз ифодасини топди. Мулкка нисбатан мусулмон ҳуқуқида ҳам шундай қоида назарда тутилган. Унда мулк муқаддас деб эълон қилиниб, уни бировларнинг ғайриқонуний эгаллаб туришидан талаб қилиб олиш учун даъво муддати назарда тутилган.¹¹

¹⁰ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Т.: «Адолат», 2009 йил

¹¹ Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг биринчи қисмига умумий тавсиф ва шарҳлар. 1 жилд. – Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 1997 йил 75-бет.

Аммо Рим юристлари мулк ҳуқуқининг мазмунини, ташкил этадиган элементларини англаб етганлар. Уларнинг фикрича, асосан, мулк ҳуқуқининг мазмунини ташкил этадиган элементлари қуйидагилардан иборат бўлган:

1. **ius utendi** – (ашёдан фойдаланиш ҳуқуқи);

2. **ius fruendi** – (ашёни фойдали хусусиятларини, ҳосил ва даромадларини олиш ҳуқуқи);

3. **ius abutendi** – (ашёни тасарруф қилиш ҳуқуқи);

4. **ius possidendi** – (ашёни эгаллаш ҳуқуқи);

5. **ius vindicandi** – (ашёни қонунсиз эгаллаб турган шахсдан қайтариб олиш ҳуқуқи).

Рим ҳуқуқшунослари бу бешта элемент тўлиқ асосда мулк ҳуқуқининг мазмунини очиб бермаслиги мумкин, чунки мулк ҳуқуқининг эгаси ўз мулкидан қонунларга зид бўлмаган ҳолатларда фойдаланиш ҳуқуқига эгадир деб эътироф этганлар. Аммо хусусий мулк субъекти қанча ваколатларга эга бўлмасин барибир бу ҳуқуқнинг чегараси бўлган.

Хусусий мулк ҳуқуқига эга бўлиш деганда, ҳуқуқнинг вужудга келишига сабаб бўлган фактик ҳолатларга ҳамда уларни мулк ҳуқуқининг вужудга келишини билдирадиган усуллар деб тушунилган. Улар қуйидагилардан иборат бўлган:

1. **Дастлабки усул** асосида, яъни мулкка нисбатан эгалик ҳуқуқи ҳеч кимга қарашли, тегишли бўлмаган асосда биринчи марта вужудга келиши;

2. **Ҳосила усули** – конкрет (аниқ бўлган) шахс томонидан мулк ҳуқуқини бошқа мулк эгасига ўтказиш ёки ҳуқуқни қабул қилиб олиш ҳуқуқи асосида вужудга келади. Бу усулда ашё дастлабки эгасидан розилик асосида иккинчи субъектга яъни, мулк ҳуқуқининг янги субъектига ўтиш жараёнидан иборат бўлган.

Айниқса, Рим ҳуқуқида дастлабки усул асосида мулкка эгалик қилиш махсус характерга эга. Эгасиз мулкни эгаллаш, мулкнинг қўшилиши ёки аралашиб кетиши натижасида, мулкка қайтадан ишлов бериш асосида ҳамда фойда ва ҳосилларни йиғиш асосида ва мулкка эгалик қилиш муддатининг ўтиб кетганлиги натижасида, мулк ҳуқуқи келиб чиқса, дастлабки усул асосида мулкка эгалик қилиш, деб эътироф этилган. Бу усулда

ҳуқуқни берувчи ноаниқ, ҳатто йўқ бўлиши ҳам мумкин деган хулосага ҳам борилган.

Ҳосила усулида ашё **traditio** (анъанавий асосда) асосида, яъни ашёни қўлдан-қўлга ўтказиш ёки ашёни беришга, бошқа шахсга ўтказилишига катта эътибор қаратилиб, ашёнинг сотиб олувчига ўтказилиши мулк ҳуқуқини келтириб чиқарган. Лекин ашёларни, бериш ёки ўтказиш ҳамма вақт ҳам мулк ҳуқуқининг эгалигини келтириб чиқармаган, баъзи ҳолатларда эса эгаллаб туриш ёки ушлаб туриш муносабатларидан иборат бўлган.

Мулк ҳуқуқининг вужудга келиши учун албатта ашёни мулк ҳуқуқининг эгаси бўласан, деган хоҳиш, истак билан бериш лозим бўлган.

Рим ҳуқуқшунослари «**Алпъанани**», яъни мулкка эга бўлиш усули сифатида жуда кўп қўллаб, уни қуйидагича таърифланганлар: яъни, мулк эгасидан (мулкдордан), иккинчи шахсга шартномалар асосида, ҳақ бараварига (баъзан текинга) мулк ҳуқуқини эгалигини ўзидан бошқа шахсга ўтказилишига тушунилади. Албатта, бу муносабатда ашёга бўлган мулк ҳуқуқини иккинчи шахсга ўз хоҳиш, истаги билан ўтказишга тушунилган ва унда хоҳиш, истак мулкни ўтказиш учун асос бўлиб ҳисобланган.

Дастлабки усулда ашёни, мулкни, ерни, табиат бойликларини эгаллаб олиш ёки эгасиз мулкни биринчи бўлиб, ўзига ўтказиб олишга катта эътибор қаратилган. Масалан: ёввойи ҳайвонларни, балиқларни ёки мулк эгасининг ўз розилиги билан унга кераксиз ашёларни эгаллаш каби муносабатлардир. Хусусий мулк ҳуқуқи объектларини эгаллаш чегараланмаган.

7-§. Умумий мулк ҳуқуқи

Қадимги Рим қулдорчилик жамиятида умумий мулк ҳам мавжуд бўлган. Рим юристлари умумий мулк ҳуқуқи бир объектга ёки бир ашёга тегишли бўлиши мумкин эмас деган дастлабки тушунчаларга эга бўлганлар. Лекин Рим давлати иқтисодий-ижтимоий муносабатларининг ривожланиши ва такомиллашиши натижасида ҳамда шартнома амалиётидан келиб чиққан ҳолда, айниқса ширкат бирлашмаларининг ва бошқа корпорацияларнинг шартномали муносабатлари, умумий асосда бир неча шахсларга тааллуқли бўлган мероснинг бўлинмас-

лиги тартиблари, ҳар бир шахснинг умумий мулкдаги ҳиссаларини аниқлаш, мулкнинг кимга тааллуқли эканлигини эътироф этиш муносабатлари умумий мулк ҳуқуқи институтининг вужудга келишини тақозо этган.

Қадимги Рим юристларидан **Квинт Муций Сцевола** бир мулкнинг, ашёнинг бир неча шахсларга тааллуқли бўлишини тан олиб, ҳар бирининг идеал ҳиссаларга эга эканлигини исботлаб берган.

Цельза юристнинг ўғли **Цельз** фикрича, иккала шахснинг ёки бир неча шахсларнинг бир мулкка нисбатан умумий мулк ҳуқуқи бўлиши мумкин эмас. Ҳеч қандай шахс бир предметнинг маълум қисмига мулкдор бўлиши мумкин бўлмаган, аммо шу ашёга, мулкка ҳар бир шахснинг идеал асосда ҳиссаси бўлиши ёки бўлинмайдиган мулкка нисбатан мулк ҳуқуқи бўлиши мумкин деб ҳисоблаган.

Умумий мулк ҳуқуқи деб Рим фуқаролик ҳуқуқида бир ашёнинг бир нечта субъектларга биргаликда тааллуқли эканлигига тушунилган. Умумий мулкнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд бўлган:

1. Фойдаланиш мақсадига муносиб бўлишини ўзгартирмайдиган ҳолда тақсимланиши мумкин бўлмаган ёки қонун бўйича тақсимланиши мумкин бўлмаган икки ёки ундан ортиқ шахсларнинг мулк ҳуқуқига ўтган мол-мулк биргаликдаги умумий мулк деб аталган.

2. Мулк ҳуқуқи эгаларидан ҳар бирининг, уларга тегишли бўлган умумий мол-мулкдаги улушлари аниқ белгилаб қўйилган бўлса, бундай мол-мулк улушли (ҳиссаларга бўлинадиган) бўлинадиган умумий мулк ҳуқуқи **деб** аталган.

Умумий мулк ҳуқуқи барча қатнашчилари ёки субъектлари билан биргаликда келишиш асосида бошқарилган. Ҳар бир шахснинг умумий мулкка қўшган ҳиссалари ҳар хил бўлган. Қўшган ҳиссаларига қараб олинадиган фойдаларни тақсимлаганлар ва зарарлар келиб чиқса, ҳар бир шахснинг қўшган ҳиссасига қараб мутаносиб асосда зарарни қоплаганлар.

Умумий мулк икки қисмга, яъни улушларга бўлинмайдиган, яъни биргаликдаги ҳамда улушларга бўлинадиган мулклардан иборат бўлган.

Умумий мулк ҳуқуқи муайян мол-мулкка нисбатан бир неча субъектларнинг мавжудлиги ҳамда тегишлилиги билан ифодаланган. Бу мулкнинг субъектлари бир неча шахслардан иборат бўлар экан, улар бошқа шериклари яъни, субъектларнинг розилигини олмасдан бирон-бир ҳаракатни амалга ошира олмас эди. Лекин ҳар бир субъект умумий мулкдаги бўлган улушидан келиб чиқиб ўз улушини қайтариб олиш ёки бошқа шахсларга ўтказиш, мулкни бўлиш каби муносабатларни амалга оширишни талаб қилиш ҳуқуқига эга эдилар. Умумий мулк ҳуқуқининг қатнашчилари умумий мулкдан ҳар бири ўзининг қўшган улушига қараб уларга эгалик қилар ҳамда фойдаланиш ҳуқуқига эга эдилар.

Рим қулдорчилиқ давлатининг синфий даврига келиб, умумий мулк ҳуқуқи субъектлари умумий мулк асосидаги мавжуд бўлган муносабатларни ўз қўшган ҳиссалари асосида ёки миқёсидаги бошқарувни амалга оширар ҳамда унга ўзгартиришлар киритиши лозим бўлса бошқа шерикларининг рухсатини розилигини олган ҳолда тартибга солинарди. Бу ҳолда озчилик кўпчиликка буйсунарди. Шу даврнинг машҳур юристи **Сабин** шундай деган эди: «Умумий мулк ҳуқуқига оид бўлган мулк, ашё бўйича тарафларнинг розилигисиз ҳеч қандай муносабатларни амалга ошириш мумкин эмас. Чунки бу мулккий ҳуқуқнинг бошқа субъектлари ўз розилигини бермасалар, улар тақиқлаш принципини амалга ошириш ҳуқуқига эгадирлар» деб ҳисобланган.

8-§. Шартномалар бўйича мулк ҳуқуқининг вужудга келиши

Қадимги Рим ҳуқуқида Римликлар мулк ҳуқуқининг вужудга келишини тарихий белгиларга асосланиб цивил ҳуқуқлари ва халқлар ҳуқуқларига тааллуқлилиги асосида ёндошганлар.

Бунга асосий далил сифатида бир шахсдан иккинчи шахсга мулкнинг ҳосила асосида ўтиши (**кўпчилик ҳолатларда шартномалар орқали**) ҳамда дастлабки, яъни эгаси бўлмаган, бирон-бир шахс томонидан эгалланмаган, ашёга нисбатан биринчи марта ҳуқуқнинг ёки эгаликнинг вужудга келиши кўрсатилган.

Рим ҳуқуқида ашёга, мол-мулкка эга бўлиш, дастлабки ва ҳосила асосда вужудга келадиган усулларга тушуниланган.

Рим императорларининг қонунларига, фармойишларига ва преторлар қарорларига ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларга риоя қилинган ҳолда шахслар томонидан ўзи учун яратилган, ўз меҳнати асосида ишланган объектга, ашёга, маҳсулотга нисбатан эгалик ҳуқуқи биринчи мартаба пайдо бўлади.

Рим фуқаролари ўз мулкига нисбатан ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолда эгалик ҳуқуқини йўқотган бўлса ёки ўз ашёларини, мулкни ташлаб юборган бўлса ва ўз ихтиёридан чиқиб кетган бўлса, қонуний асосда эгаллаш натижасида мулк ҳуқуқи вужудга келади. Бу вужудга келган эгалик ҳуқуқи бошқа шахсларнинг эгалик ҳуқуқи билан бутунлай боғлиқ эмас. Ана шундай ашёга, объектларга, мулкка бўлган эгалик ҳуқуқининг вужудга келиши дастлабки усул асосида мол-мулкка эгалик ҳуқуқининг вужудга келиши деб тушунилади.

Дастлабки усулдан ташқари мулкка бўлган эгалик ҳуқуқининг вужудга келиши ҳосила усулида ҳам амалга оширилган. Мулкка эгалик қилиш ҳуқуқининг ҳосила усули деганда-мол-мулк, ашё ёки бирор объект шахслардан-шахсларга келишув, шартномалар асосида қонун қоидаларга риоя қилинган ҳолда эгалик ҳуқуқи биринчи сотувчидан олувчига ихтиёрий асосда, белгиланган нархни тўлаш асосида ўтказилади. Бундай ҳолларда мол-мулк ўзининг дастлабки сифатини йўқотмайди, фақат субъектлар ўзгаради холос, яъни, сотувчи ушбу ашёга, мол-мулкка нисбатан мулк ҳуқуқи эгалигини йўқотади, сотиб олувчи эса янги мулк ҳуқуқининг субъекти бўлиб ҳисобланади. «Ҳуқуқ ва бурчларнинг бир шахсдан иккинчи шахсга ўтишига ҳуқуқ ворислиги дейилади. Мулк ҳуқуқининг ворислик бўйича бир шахсдан иккинчи шахсга ўтиши ҳосила усули дейилади».¹²

Рим ҳуқуқи мулк ҳуқуқининг вужудга келишини доимо янги нарсаларни яратиш, ўзлаштирилмаган табиат бойликларига эга бўлиш каби муносабатларни кўпроқ эътиборга олган. Айниқса, мулк ҳуқуқига эга бўлишнинг энг асосий, кўп қўлланиладиган

12 Раҳмонқулов Ҳ. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг биринчи қисмига умумий тавсиф ва шарҳлар. 1 жилд. —Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 1997 йил, 337-338 бетлар.

ва оддий усулда амалга ошириладиган турини, яъни шартномаларни тузиш асосида мулк ҳуқуқининг вужудга келишига катта эътиборни қаратган.

Мулк ҳуқуқини шартномалар асосида ўтказиш деб, Римликлар «шахслар ўртасида бирон-бир ашёни, мулкни бир-бирига шартномалар, битимлар асосида, мерос тариқасида, васиятномалар ва қонунга биноан меросхўрлик муносабатларини қўллаган ҳолда тирик шахслар билан биргаликда қилинган ҳаракатлар, яъни ўтказиш, бериш, ашёни топшириш ёки эга бўлиш лаёқатларига айтилган.

Булардан ташқари, мулк ҳуқуқига эга бўлишнинг қонунлар билан назарда тутилган юридик фактларнинг вужудга келиши, мулкка эгалик қилиш учун асос, мулк ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддатнинг ўтиб кетганлиги ва бошқа ҳуқуқий муносабатларни вужудга келтирувчи ҳаракатлар ҳам асос бўлган.

Рим синфий даврида шартномалар асосида мулкка эгалик қилиш ҳуқуқининг вужудга келиши учта усул асосида амалга оширилган. Бу усуллар мансипация, ин юре чессо ва традициоларга бўлиниб, ҳар бири ўзининг мазмунларига, мулкни ўтказиш усулларига эга бўлганлар.

Император Юстиниан даврига келиб, мулкка эгалик қилиш ҳуқуқининг вужудга келиш усулларидан *traditio* (анъанавий) усули кенг тарқалган. Бу усулнинг ўзига хос хусусияти, мулкни ўтказувчи шахс ёки сотувчи бўлса, ўтказувчи ёки сотувчининг ўзларига ўтказилаётган, сотиладиган мулк ҳуқуқига тегишли бўлиб, улар унинг субъектлари бўлишлари шарт бўлган. Агар улар мулк ҳуқуқининг эгаси бўлиб ҳисобланмаса, бундай ҳаракат мулк ҳуқуқининг янги эгалигини, субъектини келтириб чиқармаган.

Шартномалар асосида мулк ҳуқуқининг вужудга келиши учун томонларнинг ўзаро эрklarининг баён қилиниши, яъни розилиги бўлиши ҳамда мулкнинг мавжуд бўлиши унга нисбатан мулк ҳуқуқининг вужудга келишини амалга оширадиган муносабатларнинг юзага келиши шарт бўлган.

Рим ҳуқуқида синфий давр мобайнида мулк ҳуқуқига эга бўлиш усулларидан бири «*мансипация*» (традиция – *traditio*) ҳисобланиб, бу усул энг қулай, оддий ва норасмий характерга эга

бўлганлиги учун бошқа усуллардан фарқ қилиб энг асосий усул бўлиб қолган. Аяъана усулида мулк ҳуқуқи ашёнинг фақат «адолатли», яъни қонуний асослар *iusta causa* (юуста кауза) нинг мавжудлиги шароитида амалга оширилган.

Мансипацио (*Mancipatio*) усули бу – қадимги усуллардан ва квинитлар ҳуқуқига тааллуқли бўлиб, мулкни, ашёни бешта гувоҳ олдида, келишилган нарх асосида, тарозибон иштирокида бу жараён амалга оширилиб, худди олиш-соттиш шартномасига ўхшаш бўлган қоидалар асосида вужудга келган.

9-§. Мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш

Қадимги Рим қулдорчилиқ давлатида мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ўзининг келиб чиқиш манбаларига қараб яъни, одат ҳуқуқлари, цивил ва преторлар ҳуқуқлари, уларнинг йўналиши ва турларига асосланиб, ҳимоя қилиш усуллари ҳар хил бўлган. Мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш усуллари синфий даврда, доминат даврларида, Юстиниан қонунларига асосан улар ўзгариб, ҳар бир даврнинг қонун қоидаларига мослаштирилиб борилган.

Мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг энг асосий усули виндикацион даъво асосида ҳимоя қилиш бўлиб ҳисобланган.

Виндикацион даъво энг аввала процессуал ҳуқуқ нормалари бўлиб *rei vindicatio* (кучимни ишлатиш тўғрисида эълон қиламан-*vim dicere*-куч ишлатаман) деган қадимги тарихий маъноларни англатган. Рим ҳуқуқининг янада такомиллашиб бориши натижасида процессуал нормалар билан биргаликда моддий-ҳуқуқ нормалари ҳам ривожланиб, ўзгариб, охири моддий-ҳуқуқий нормалардан ташкил топган виндикацион даъвога айланган ва бу энг асосий даъво турларига киритилган.

Виндикацион даъво – мулк эгасининг розилигисиз бошқа шахслар томонидан ноқонуний асосда мулкни, ашёни эгаллаб олиш деб тушунилган.

Бу даъвонинг ўзига хос хусусиятлари қуйидагилардан иборат бўлган:

1. Даъво қилиш мулк ҳуқуқининг субъектидан – ким томонидан эгалланган бўлса, ушлаб турувчи ёки эгалик қилувчи шахсларга, ҳатто уларнинг инсофли ёки инсофсиз эгалловчилар

бўлишидан қатъий назар ашёни, мулкни эгаллаган шахсга даъво қаратиларди;

2. Даъво ашёвий характерга эга бўлиб, мулкни эгаллаган шахсга ёки эгаллаб оламан деган мақсадни, эркин изҳор этган шахсга қаратилган;

3. Даъвогар томонидан даъво предмети, унинг объекти, кўчмас ва кўчирилиши мумкин бўлган ёки мумкин бўлмаслигини аниқ ифодалаб, даъво аризасида кўрсатиши лозимлиги;

4. Рим давлати синфий даврнинг охирларидан бошлаб мулкни «ушлаб турувчи»дан ҳам талаб қилиб олишнинг бошланганлиги;

5. Жавобгарнинг даъво аризасини қаноатлантириши ҳамда кўчириш тўғрисида интердиктнинг қўлланилиши, агар даъво кўчар ва кўчмас мулк билан боғлиқ бўлган бўлса, претор буйруғи асосида ашёни топшириш ёки ашёни, мулкни олиб қўйиш ҳамда объектни олиб кетиш муносабатлари;

6. Даъвогарнинг процессни ютиб чиққандан кейин, даъво қилган пайтидан бошлаб, бўлган мулк ёки ашёларни шу пайтнинг ўзидаёқ ўзига ўтказиб олиши;

7. Инсофсиз эгалловчидан мулкдан олинган ҳосил ва даромадларини ҳам қайтариб олиш тўғрисида талаб қилиниши;

8. Жавобгарга нисбатан даъвони ютқизиб қўйгандан сўнг унинг ижросини кечиктираётганлиги учун жарима қўллаш ҳуқуқларини мавжудлиги;

9. Мулк ҳуқуқи эгасининг мулкни эгаллаш элементи ёки мулкнинг тўлиқ қонунсиз эгалловчига ўтиб кетганлиги натижасида ундан фойдалана олмаслик, тасарруф эга олмаслик муносабатларининг чегараланиши;

10. Рим давлатининг суд процессида, яъни формулаларга асосланган процессда ҳамда петитор даъволарига асосан, жавобгарни ашёни қайтариб бермасдан, унинг ўрнига маълум бир эквивалент ёки пул суммаси билан тўлашнинг ҳам эътиборга олинishi ва бундан даъвогарнинг қасамёд қилиши натижасида ашёнинг қийматини баҳоланиши.

Виндикацион даъвода мулкни ноқонуний эгаллаб олган шахс инсофли эгалловчи бўлса, унинг жавобгарлиги бироз юмшатирилган ҳолда амалга оширилган. Ундан фақат даъво талабла-

ри жорий этилган кундан бошлаб, инсофли эгалловчи ўз қўлида бўлган мулки учун у жавобгар бўлган.

Инсофли эгалловчи ўзи томонидан ҳазм қилинган мулклар, ашёлар бўйича жавоб бермаган. Аммо ҳосил ва даромадлари сақланиб қолган бўлса, (масалан: омборхонада икки яшик олма сақланиб қолган бўлса, уни инсофли эгалловчи қайтариши лозим бўлган) ўзини мулк ҳуқуқининг эгаси сифатида кўриб, келтирилган зарарни ҳис этиб, унинг оқибатини ўйлаб қайтариб бериши лозим бўлган.

Инсофли эгалловчи томонидан эгалланган мулкни яхшилаш учун харажатлар қилинган бўлса, бу харажатларни мулк эгаси қайтариб бериши ҳамда агар қилинган харажатларни ашёнинг ёки мулкнинг тайинланишини, моҳиятини бузмасдан, қўшилган ашёни олиб кетиш мумкин бўлса, уни алоҳида ажратиб олиб кетишга рухсат берилган.

Ноқонуний асосда эгалланган мулкни ноинсоф (инсофсиз) шахс бу мулкнинг кимга тааллуқлигини билиб, ўзининг манфатини кўзлаб, балки арзон нархда сотиб олиб, мулкдан, ашёдан фойдаланади. Унга даъво қаратилган пайтда, даъво предметида инсофсиз эгалловчи томондан мулк эгалланган кундан бошлаб, даъво талаблари жорий этилган кунга қадар бўлган мулкнинг ўзини, ҳосил даромадларини тўлиқ асосда тўлаттириб олиш ҳуқуқини амалга ошириш ҳамда жавобгар томонидан мулкни яхшилаш учун қилинган сарф-харажатларни ҳам қайтариб бермаслик муносабатларини амалга оширади.

Улардан ташқари агар ашёни сақлаш натижасида, ундан мақсадга номувофиқ асосда фойдаланган бўлса, ундан келадиган ёки олиниши мумкин бўлган даромадларни ёки мулкка етказилган зарарларни ҳам тўлиқ қоплаши лозим бўлган. Ўғриларга эса ҳеч қандай сарф-харажатлар берилмаган, улардан аксинча, барча олинган ҳосил ва даромадлар ҳамда мулкдан эҳтиётлилик, тежамлилик асосида фойдаланиши асосида олиниши лозим бўлган ашёларни, мулкни ҳам қайтариш талаб қилинган.

Рим давлатида мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишда виндикацион даъводан ташқари негатор прогибитор ва публиканлар даъво турлари ҳам мавжуд бўлган.

Негатор даъво – (actio negatoria – акция негаториа) мулк ҳуқуқининг субъекти ўз мулкидан фойдаланишни ўз истаги, хоҳиши ва ҳукмронлиги бўйича фойдалана олиш имкониятидан маҳрум бўлиш ёки унинг чегараланишига айтилади. Мулкдор ўз ҳуқуқининг элементларидан бири фойдаланиш элементини тўлиқ амалга ошира олмайди.

Негатор даъво бу мулкдорнинг эгалик қилишдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган ҳуқуқбузарликлардан ҳимоя қилиш муносабатлари бўлиб, бу даъво мулк ҳуқуқининг эгасидан, қонунсиз равишда бошқа шахс томонидан мулкдорга тегишли бўлган ўз мулкидан мақсадга мувофиқ фойдаланишини чегаралаб қўйилиши деб аталган. Бундай ҳолатда мулкдор бу чегараланишни бартараф этиш учун қонунсиз ҳаракат қилиб турган шахсга даъво талабларини жорий этган. Бу ерда мулкдор ўз мулкига бўлган ва мулк ҳуқуқининг мазмунини ташкил этадиган бешта элементни ҳам сақлаб қолади, аммо фойдаланиш элементини чегаралаганлиги учун бешинчи элемент мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш элементига асосан, чегараланган ҳуқуқини қўллаб уни дастлабки бузилмаган ҳолатига келтиради.

Мулк ҳуқуқининг эгаси фойдаланиш ҳуқуқининг чегараланганлиги натижасида келтирилган зарарларни чегаралаган шахсдан қайтариб, тўлаттириб олади ва келажакда яна фойдаланиш элементининг чегараланишига йўл қўймаслигини талаб этади.

Прогибатор даъво – негатор даъво билан биргаликда вужудга келиб, «тақиқлаш» деган маънони кўзлаб, ўз мулкнинг мустақиллигини таъминлашда, ўзининг «тақиқлаш», «рухсат бермаслик», «ман этиш» ҳуқуқларини, фақат ўзининг ёки ўзи томонидан амалга оширишини талаб этадиган, бошқа шахсларнинг бунга аралашини талаб қўймаслигидан иборат бўлган ҳуқуқий муносабатлардир.

Публиканлар даъвоси деганда, бу даъво янги эраמידан илгариги I асрда вужудга келган бўлиб мулкнинг, ашёнинг эгаси бўлмаган шахсдан инсофли асосда мулкнинг бошқа шахс томонидан эгалланилишига тушуниланган. Бу даъвони баъзан петитор даъволар деб ҳам аталган. Бу даъвонинг асл мақсади – «Ҳуқуқ ҳақида»ги даъводан иборатдир. Улар бониторлар мулкни ҳимоя қилишга қаратилган даъволар бўлиб танилган ва бу

даъво ниҳоятда кам қўлланилиб, ўз моҳиятини аста-секинлик билан йўқотиб борган.

Мулоҳаза юритиш учун саволлар ва масалалар

1. Ашёлар тушунчасини изоҳлаб бериинг?
2. Ашёлар қандай турларга бўлинади?
3. Ашёвий ҳуқуқий муносабатлар қандай таълимотдан иборат?
4. Рим ҳуқуқшунослари ашёларни неча қисмга бўлганлар?
5. Рим ҳуқуқида эгалик қилиш қандай маънони билдирган?
6. Рим давлатида эгаллаш неча қисмга бўлинган?
7. Мулк ҳуқуқини таркибий қисмлари нималардан иборат бўлган?
8. Мулк ҳуқуқи қандай турларга бўлинади?
9. Мулк ҳуқуқининг мазмуни қандай элементлардан иборат бўлган?
10. Мулк ҳуқуқи қандай усуллар орқали вужудга келади?
11. Фуқаро М. фуқаро Б.га олган 100 сестерций қарзини тўлаш тўғрисида бир неча марта мурожаат қилди. Фуқаро Б. эса ҳар доим қарзини тўлашдан бош тортиб келди. Лекин кунлардан бир кун фуқаро Б. фуқаро М.га «Мен қарзимни тўлайман, лекин сен менга бошқа қарзимни сўрамайман, деб қасам ичишинг керак» деган шартни қўйди. Фуқаро М. қасам ичди лекин фуқаро Б. қарзини тўламади. Натижада шундай муаммо вужудга келдики агар кредитор преторга мурожаат қилмаса қарзини ололмайди, агар преторга мурожаат қилса ичган қасамини бузган бўлади. Бу муаммо қандай ҳал қилинади? Бу масала бўйича претор қандай маслаҳат берган?
12. Фуқаро Нерва кўчадан тилла тақинчоқ топиб олди ва уни уйига олиб кетди. Орадан икки йил ўтгандан кейин фуқаро Юлиан топиб олинган ашёни қайтариб бериш тўғрисида фуқаро Нервага нисбатан виндикацион даъво қўзғатди. Бу масалани суд қандай ҳал қилади?

VII-БОБ. БОШҚАЛАРНИНГ МУЛКИГА БЎЛГАН ҲУҚУҚ

- 1-§. Бошқаларнинг мулкига бўлган ҳуқуқ тушунчаси ва турлари.
- 2-§. Сервитутлар тушунчаси ва турлари.
- 3-§. Эмфитевзис тушунчаси
- 4-§. Суперфиций тушунчаси.
- 5-§. Гаров ҳуқуқи.

1-§. Бошқаларнинг мулкига бўлган ҳуқуқ тушунчаси ва турлари

Қадимги Рим қулдорчилиқ давлатида ашёвий ҳуқуқий муносабатлар фақат мулк ҳуқуқи институтларидан ҳамда эгалладан ташкил топмасдан, алоҳида махсус ашёвий ҳуқуқлардан, яъни бошқаларнинг мулкига бўлган ҳуқуқлардан ҳам вужудга келган. Бу ҳуқуқларнинг мулк ҳуқуқидан фарқ қиладиган хусусиятлари, уларнинг предмети тўлиқ асосда ашё бўлиб ҳисобланмасдан, ашёнинг маълум функцияларини бошқариб тартибга солишдан иборат бўлган. Бу ҳуқуқларни бошқаларнинг ёки бегона шахсларнинг мулкларидан ёки уларнинг маълум бир хўжалиқ функцияларидан фойдаланиш деб ҳам эътироф этилган.

Рим ҳуқуқшунослари бошқаларнинг мулкига бўлган ҳуқуқларни дастлаб фақат ер билан боғлиқ бўлган сервитутларга қўллаганлар.

Бошқаларнинг мулкига бўлган ҳуқуқ ҳаёт тақозоси асосида, мулк ҳуқуқининг субъекти истамаган ҳолатида ҳам, ундан фойдаланиш учун ноилож асосда, рухсат беришга тушунилган бўлса ҳам, кўпроқ қулдорлар манфаатини кўзлаб, мулк ҳуқуқидан тўлиқ фойдаланишни чегаралашга айтилган.

Қадимги сервитутларга асосланиб, бошқаларнинг мулкига бўлган ҳуқуқ қуйидаги турларга бўлинган:

1. Сервитутлар;
2. Эмфитевзис;
3. Суперфиций;
4. Гаров ҳуқуқларидан иборат бўлган.

2-§. Сервитутлар тушунчаси ва турлари

Сервитутлар (*iura praediorum*) деганда дастлабки пайтларда фақат ер билан боғлиқ бўлган сервитутлар эътиборга олинган. Кейинчалик Рим шаҳрининг гуркираб ўсиши ва ривожланиши натижасида шаҳар сервитутлари, қурилган уй-жойларга, ҳовлиларга бўлган сервитут вужудга келган.

Ер сервитутлари асосан қўшнилар билан боғлиқ муносабатлардан иборат бўлиб, уларнинг деворларини (икки ҳовлининг ўрта девори) боғлиқлиги, улардан иккала субъектнинг ҳам ўзаро келишуви асосида фойдаланишидан келиб чиққан. Қўшнилар бу муносабатларни амалга ошириш учун шартнома тузиб ўзларининг манфаатини кўзлаган ҳолда фойдаланганлар.

Сервитутларни амалга ошираётган пайтда XII жадвал қонунларида кўрсатилганидек, ҳовлининг деворини олаётган вақтда қўшнининг участкасидан 1 фут (30 сантиметр) узоқроқдан деворни қуриш, уй-жой қурилаётган бўлса 2 фут (60 сантиметр) узоқроқдан фундамент ташлашга катта эътибор қаратганлар. Айниқса, қўшнининг ҳовлисига, участкасига ўтиб кетган дарахтнинг, шох-новдалари 6 футдан ошган бўлса (1 метр 80 сантиметрдан) уни кесиш лозим бўлган. Агар мулк ҳуқуқининг эгаси бундай ҳаракатларни амалга оширмаса, қўшни уни бундай кесиб ташлаш ҳуқуқига эга бўлган.

Сервитутлар умуман ер сервитутларига ва шахсий сервитутларга бўлинган. Ер сервитутлари қишлоқ ва шаҳар сервитутларига бўлинган. Бу сервитутлар гуруҳига йўлдан, сувдан фойдаланиш сервитутлари киритилган. **Қишлоқ сервитутларининг ўзи ҳам 4 қисмга бўлинган:**

1. *iter* – яёв (пиёда), от-уловда ёки носилкаларга солиб ўтказиш;

2. *actus* – ҳайвонларни ҳайдаб ўтиш;

3. *via* – араларда ҳосил, хашак ва бошқа ашёларни ташиб ўтиш;

4. *aquae ductus* – сувларни ўтказиш каби қисмларга бўлинган.

Булардан шаҳар сервитутлари анча фарқ қиларди ва шаҳарнинг ўзига мос бўлишидан келиб чиқарди.

1. Уйнинг олдида ёки дарвозаси устунига соябон қилиш ва ёпиш ҳуқуқи;

2. Қўшнининг деворига ёғочларни қўйиш, қўшнининг ҳудудидан фойдаланиш;

3. Қўшнининг ўрта деворидан ёки таянч устунларидан фойдаланиш, ёмғир сувларининг қўшни ҳовли орқали ўтиши, қўшнининг ҳовлисидаги жараёнларни кўриб ўтириш учун дераза қурмаслик ва шунга ўхшаш шаҳар сервитутлари келиб чиққан. Бу сервитутлардан фойдаланиш қўшнилариинг ўзаро келишуви ёки тузилган шартномалар асосида амалга ошириларди.

Рим ҳуқуқида сервитут бошқаларнинг – мулк ҳуқуқидан фойдаланиш имкониятини яратувчи ҳамда вужудга келтирувчи, таъминлаб берувчи ва мулк эгаси бўлмаган шахсга хизмат қилувчи, унинг манфаатини амалга оширувчи ҳуқуқ бўлиб, у қонун асосида ёки томонларнинг ўзаро келишуви асосида вужудга келади.

Қадимги сервитутлар асосан 4 қисмга бўлинган:

1. Бошқа шахсларнинг ер участкасидан катта йўлга чиқиш учун кесиб ўтиш ҳуқуқи;

2. Суғориш ёки ўтлоқларга молларни ҳайдаб ўтиш ҳуқуқи;

3. Араваларга юк ортиш асосида бошқаларнинг ҳовлисидан ўтиш ҳуқуқи;

4. Ер участкаларини суғориш учун ариқни қазиб, қўшни участкасидан сувни ўтказиш каби ҳуқуқлари мавжуд бўлган.

Сервитутлар легал қонунлар ёки нормалар деб аталган. Улар одатий нормалар асосида, интердиктлар ёки даъво талабларини жорий этиш асосида ҳимоя қилинган.

Юқорида кўрсатилган даъволардан ташқари, Преторлар томонидан қўлланиладиган эдиктларда кўрсатилгандек ер сервитутлари, яъни сув, йўл ҳамда шахсий сервитутлар билан боғлиқ ҳуқуқларни қўриқлашни эгаллаш интердиктларига ўхшаш ҳолда преторнинг қабул қилган махсус интердиктлари орқали амалга ошириларди.

Шахсий (предиал) – сервитутлар деб умр бўйи бошқаларнинг мулкидан фойдаланишга тўғунилган. Шахсий сервитутлар уч қисмга бўлинган:

1. Узурфрукт

2. Узус

3. Хабитацио.

Узуфрукт – шахсий сервитут ҳисобланиб, энг кенг миқёсда қўшниларнинг мулкидан фойдаланиш билан биргаликда, унинг берган ҳосил ва даромадларидан фойдаланишга ҳам тушуни- лган.

Узуфрукт асосида қўшниларнинг мулкидан фойдаланаётган давр мобайнида, қўшининг мулки ўз дахлсизлигини ва хў- жалик мақсадини, мулкдан мақсадга мувофиқ фойдаланиши- ни тўлиқ дастлабки ҳолатидагидек сақлаб қолиши лозим эди. Узуфрукт асосида фойдаланувчи шахс ўзига мажбуриятлар олиб, фойдаланилаётган мулкка бўлган муносабати, унга қараб туриш, ашёнинг доимий фойда бериб туришини таъминлаб бе- риш, ўз мулкига бўлган муносабатидек, бу мулкка ҳам худди шундай қараш, тежамкорлик, зарар етказилишидан ҳимоя қи- лиш ва мулк эгаси қайтиб келганида, бу мулкдан фойдаланиш учун мулкнинг, ашёнинг ўзи яроқли ва тайёр ҳолда бўлиши лозим бўлган. Узуфруктдан ташқари *usus* асосида ёки усулида фойдаланиш ҳам мавжуд бўлган.

Usus (узус) усули – бу ашё ёки мулкдан кераклигича (яъни, ўз истеъмолига керак бўлган қисми эътиборга олинапти), че- гараланган асосда фойдаланишга тушунилган. *Usus* усулида фойдаланишда ашёни бошқа шахсга бермаслик ёки ўтказма- слик, уларни қисмларга бўлиб ташламаслик ёки ҳаракатлари ман этилиб, фақат ўзининг ёки оиласининг манфаати эътиборга олинаши лозим бўлган.

Habitatio (хабитацио) – бутун умр бўйи ашёдан, мулкдан, айниқса уй-жой, дала ҳовлисидан фойдаланиш тушунилган. Фойдаланиш мақсадга мувофиқ равишда амалга оширилиши лозим эди.

Узуфруктлар кўп қисмларга бўлинган. Улар асосан фойдала- ниш элементини амалга оширганлар. Уларда бу мулкни, ашё- ни тасарруф қилиш ваколати бўлмаган. Узуфруктлар қуйидаги асосларда тугатилган;

биринчидан, фойдаланишни амалга оширишдан воз кечиш, рад этиш асосида;

иккинчидан, узуфруктни амалга ошираётган шахснинг ўли- ми натижасида ёки сервитут объекти бўлган ашёнинг, мулк- нинг, ҳовли жойнинг сотилиши ёки асосий бўлган жой билан

қўшилиб кетиши, мерос тариқасида бошқа шахсга ўтиши, ҳада этиш каби муносабатларнинг вужудга келиши билан тугатилган;

учинчидан, шахсий сервитутлар ашёнинг, мулкнинг ёниб кетиши, ҳес-нобуд бўлиши, сервитутни амалга ошираётган шахснинг ақли норосо бўлиб қолиши ёки жисмоний камчиликларга учраши асосида ҳам сервитут ҳуқуқининг кучи тўхтатилган.

Булардан ташқари сервитутга берилган мулкдан, ашёдан узоқ вақт давомида фойдаланилмаслик, кўчар мулклар учун 1 йил кўчмас мулклар учун 2 йил давомида мулкдан фойдаланилмас сервитутлар тугатилиши мумкин эди.

Сервитутларни ҳимоя қилиш муносабатлари худди мулк ҳуқуқидек, бошқа шахслар томонидан қонунсиз равишда эгаллаб олинган сервитутларни ҳамда келажақда эгаллаб олиш хавфининг олдини олиш мақсадида, дастлабки пайтларда, виндикацион сервитут даъвосини қўллаганлар, кейинчалик эса конфессор даъвоси келиб чиқиб ушбу даъво орқали бузилган ҳуқуқларни тикланганлар.

Император Юстиниан даврига келиб, ҳар қандай шахс томонидан эгаллаб олинган мулкни қайтариб олиш учун ҳатто сервитутдан фойдаланиш ҳуқуқи бор-йўқлигидан қатъий назар унга конфессор даъвосини қўллаганлар ва бу даъво мулк ҳуқуқи эгасига қўлланиладиган негатор даъвосига тенглаштирилган.

3-§. Эмфитевзис тушунчаси

Рим синфий ҳуқуқи даврида Шарқий Рим империясида қўлланилган узоқ муддатга мўлжалланган мерос ижараси ёки умрбод мерос тариқасида ерга ижара асосида эга бўлиш эмфитевзис деб аталган.

Эмфитевзис грек сўзидан олинган бўлиб, Рим давлати томонидан босиб олинган ерларни ишлаш, қайта ишлаш асосида келиб чиқиб, ерлари кам бўлган қулларга, перегринларга, лотинларга ва бошқа ер билан машғул бўлишни орзу қилган шахсларга ер бериб бу ердан умрбод мерос тариқасида фойдаланишни вужудга келтиришга тушунилган.

Эмфитевзис – узоқ муддатни кўзлаган, мерос тариқасида ерни фарзандларига ўтказиши мумкин бўлиб, доимий эгаллаш билан боғлиқ, хавф-хатардан холи бўлган, ижара ҳақини жуда оз бўлган миқдорда тўлайдиган энг асосийси ерга яхши қараб, кўпроқ ҳосил олиш имкониятини вужудга келтирадиган, ҳатто мулк ҳуқуқининг эгасидек, бўлган ваколатларга эга бўлишига яқинлашиб қоладиган муносабатлардан ташкил топарди.

Эмфитевзиснинг муддатли ижара шартномасидан фарқи, ҳар йилги ижара ҳақини тўлагандан кейин бунга катта мустақиллик имконияти туғиларди, яъни бошқаларнинг мулкига бўлган ҳуқуқни унинг меросхўрлари ва бошқа авлодлари мерос тариқасида улардан фойдаланиб авлоддан-авлодга ўтказардилар.

Эмфитевзисга эга бўлган шахслар ерни гаровга, кафолатга қўйиши ёки бу ҳуқуқни бошқа шахсга вақтинча ўтказиб туриш ҳуқуқига ҳам эга бўлган. Бу муносабатларни кўпинча мулк ҳуқуқининг эгалари амалга оширганлар. Ана шундан келиб чиқиб, Рим юристлари эмфитевзисга эга бўлган шахсларни мулк ҳуқуқининг эгасидек кўрганлар.

Буларнинг ҳуқуқлари преторлар томонидан ҳимоя қилиниб, ҳар қандай шахс ҳуқуқни бузган бўлса, ўша шахсга қарши даъво кўзғатилган ва ҳатто мулк ҳуқуқининг эгасига ҳам шундай ҳуқуқлар қўлланилган.

Эмфитевзиснинг сервитут ҳуқуқларидан фарқи эмфитевзис ерни узоқ муддатга ва меросхўрларига ўтказиш ҳуқуқига эга бўлган ҳолда олган ижара шартномаси, бунга ерни ишлаш, қайта ишлаш, ер участкасини ўзининг хоҳиши, истагига қараб ўзгартириш, ҳатто мулк ҳуқуқининг эгаси томонидан амалга оширилиши мумкин бўлган ҳаракатларини ҳам мулк ҳуқуқининг эгасидек ҳолатда ўзини сезиб бу муносабатларни амалга оширган.

4-§. Суперфиций тушунчаси

Қадимги Рим ҳуқуқида суперфиций ва эмфитевзислар доимо ер ҳуқуқи билан боғлиқ бўлган.

Суперфиций деганда «ер билан боғлиқ қурилишларни амалга ошириш» деб тушунилиб, кўпроқ бозор бўладиган ёки

ипбилармонлар йиғиладиган жойларга яқин бўлган жойларни ижарага олишга тушунилган. Бу ерлар ва қурилишлар кўпинча маҳаллий ҳокимиятга тааллуқли бўлиб, уларга кичкина-кичкина савдо дўконлари, маиший хизмат кўрсатувчи муассасалар, комбинатлар, мастерскойларни суперфиций билан шуғулланувчи шахслар қуриш натижасида ўша жойларни эгаллаб олганлар. Ана шундай асосда узоқ муддатли қурилиш билан боғлиқ бўлган ижара шартномалари вужудга келган. Уларнинг ижара қиймати бир йилда бир марта тўланган ва суммани тўлагандан сўнг суперфицийлар янги ҳуқуқларга эга бўлиб, бу мулк, ашёларни мерос тариқасида ўтказиш ҳуқуқига эга бўлганлар.

Суперфицийнинг сервитутдан фарқи, ерга қурилишлар қуриш мустақиллигига эга бўлганлиги, бу ҳуқуқни бошқа шахсларга ўтказиш ҳуқуқига ҳамда умрбод мерос тариқасида бу ҳуқуқларга эга бўлишга тушунилган. Суперфицийнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш ва ҳимоя қилиш претор томонидан амалга оширилган, интердиктлар ва даъволарни қўллаш асосида бу муносабатлар амалга оширилган.

5-§. Гаров ҳуқуқи

Бошқаларнинг мулкига бўлган ҳуқуқнинг турларидан бири гаров ҳуқуқидир. Гаров ҳуқуқи қадимги Рим ҳуқуқида энг кўп қўлланиладиган, турли хил шартномалар бўйича вужудга келадиган мажбуриятларнинг бажарилишини таъминловчи усуллардан бири бўлиб ҳисобланган. Гаров билан тартибга солинадиган муносабатлар асосан кўчмас мулкларга ва кўчирилиши мумкин бўлган мулкларга ҳамда баъзи ҳолларда объектга нисбатан мулкий ҳуқуқлар ёки талаблардан иборат бўлган.

Кўчмас мулклар билан боғлиқ бўлган гаров ҳуқуқига ипотека деб аталган. Энг аввалд ҳар қандай ҳуқуқлар гаров предмети бўлиб ҳисобланмаган. Гаровнинг предмети бўлиши учун албатта шартномада ёки қонунларда кўрсатилган бўлиши лозим бўлган.

Қадимги Рим ҳуқуқшунослари мулк ҳуқуқининг субъекти бўлмаган, лекин ушбу мулкка нисбатан қандайдир ашёвий ҳуқуқга эга бўлган шахс, мулк ҳуқуқи эгасининг розилигини

олмасдан, мулкни гаровга қўйишини қатъий ман қилганлар. Ҳатто мулк эгасининг розилигисиз, гаровга қўйилган объект бошқа шахсларнинг мулкига тааллуқли бўлса, бу ҳақда тузилган битим ҳақиқий ҳисобланмаган.

Рим ҳуқуқининг ўзига хос хусусиятларидан бири мулк ҳуқуқининг эгаси томонидан мажбуриятни бажаришни таъминлаш нуқтаи назаридан гаровга қўйилган мулк, мулк эгаллиги бошқа шахсга ўтган ҳолатда ҳам, гаров ҳуқуқининг предмети сифатида қолаверади. Ана шу хусусияти гаровга қўйилган эшённи, мулкни мутлоқ ҳуқуқий ҳимояга эга эканлигини билдиради.

Рим қулдорчилиқ давлатида гаровнинг дастлабки усули битимлар бўлиб ҳисобланган. Қарздор манципация орқали ўз қарзини тўлаш учун бошқа шахсга мулк ҳуқуқи эгаллигига маълум талабларни қўйган ҳолда, яъни мажбуриятнинг бажарилиши таъминлагандан сўнг гаровга қўйилган мулк қарздорга қайтарилиши лозим, деган асосда битимларни тузган. Бу қўйилган талаб қадимги Рим давлатида фақат маънавий характерга эга бўлиб яъни, мулкни қайтариб бериш ишончини синаб кўриш билан боғлиқ бўлган. Кейинчалик эса мажбурият бажарилгандан сўнг қарздор кредиторга гаров нарсани қайтариш тўғрисида даъво талабларини жорий этадиган ҳуқуқлар келиб чиқди.

Битимлардан ташқари гаровнинг усули сифатида **pignus** – пигнус («қўл билан гаров нарсасини қўйиш» ёки «қўлда ушлаб туриш») деган тушунча вужудга келиб, бунда гаров предмети гаровга олувчига фақат эгаллаш, фойдаланиш ва фойдали хусусиятларидан баҳраманд бўлиш учун топширилади, лекин мулк ҳуқуқи ўз эгаллигида қолдирилади ҳамда мажбуриятнинг бажарилиши билан дарров мулк ўз эгасига тезда қайтарилади.

Рим давлатининг синфий даврига келиб гаровнинг усули сифатида ипотека вужудга келди. Ипотека усули Греklar ва Египет давлатларининг ҳуқуқи таъсирида ривожланиб, такомиллашиб, гаров предмети гаровга қўювчи шахсда қолдирилиб, унга агар мажбурият бажарилмаган тақдирда, гаров нарсасини талаб қилиб олиб, уни сотиш ва гаров билан таъминланиши лозим бўлган суммани кредитор олиши лозим бўлган.

Ипотека усули кўчмас мулкка нисбатан қўлланилган. Рим ҳуқуқи ипотека (кўчирилиши мумкин бўлмаган объектлар)

деб белгиланган гаров мулки тўғрисида императив нормаларни қўллаган, яъни ипотека ҳеч қачон гаровга олувчига топширилмайди деган қондани мустаҳкамлаган. Лекин уларни асраш, қўриқлаш ва таъминлашни қандай усуллар асосида амалга ошириш учун маълум шартномалар тузилган ва бу шартномаларда маълум қондалар белгиланган.

Кўчмас мулкларни ипотека қилиш, уларни таъминлаш ва ижарага берилган қисмлари жойлашган ер участкасини ипотека қилиш бир вақтнинг ўзида битта асосий шартнома бўйича амалга оширилган. Айниқса, «Ер участкасини ипотекага қўйиш чоғида гаров ҳуқуқи, агар шартномада бошқача шарт назарда тутилмаган бўлса, гаровга қўювчининг ушбу участкада бўлган ёки қурилаётган бинолари ва иншоотларига жорий қилинмайди. Шартномада бундай шарт қўйилмаган бўлса, ундирув гаровга қўйилган ер участкасига қаратилган тақдирда гаровга қўювчи ер участкасидан, унинг бино ёки иншоотдан ўз ўрнида фойдаланиш учун зарур бўлган қисмидан чекланган тарзда фойдаланиш (сервитут) ҳуқуқини сақлаб қолади».

Юқорида кўрсатилган усуллардан ташқари қонуннинг ўзида ҳам гаров ҳуқуқлари кўрсатилиб бошқа усулларга қараганда, у устунроқ, афзалроқ, имтиёзли ҳуқуқга эга бўлган.

Мутлоқ монархия даврида император томонидан рескрипт қабул қилиниб, унда учта ишончли гувоҳнинг қатнашиши натижасида тузилган ёзма равишдаги ипотека бошқа усулларда тузилган гаров билан таъминлаш ҳуқуқларидан устун турган. Бу ипотека қонунлари асосида қабул қилинган муносабат бўлиб ҳисобланган.

Гаров қуйидаги ҳолларда бекор бўлган:

- гаровга қўйилган ашё ёки предмет нобуд бўлганида;
- гаровга қўйилган ҳуқуқнинг бекор бўлиши натижасида;
- гаровга қўйилган мулкнинг мулк ҳуқуқини эгалловчи шахс билан қўшилиши натижасида;
- гаров билан таъминланган мажбуриятнинг бажарилиши натижасида.

Мулоҳаза юритиш учун саволлар ва масалалар

1. Бошқаларнинг мулкига бўлган ҳуқуқ қандай турларга бўлинади?
2. Сервитут тушунчаси қандай маънони билдиради?
3. Эмфитевзис тушунчасини изоҳлаб беринг.
4. Сервитутлар қандай турларган бўлинади?
5. Қишлоқ сервитутлар неча қисмга бўлинган?
6. Қадимги сервитутлар неча қисмга бўлинган?
7. Шахсий сервитутлар деб нимага айтилади?
8. Шахсий сервитутлар неча қисмга бўлинади?
9. Суперфицийнинг сервитутдан фарқи нималардан иборат?
10. Пигнус тушунчаси қандай маънони билдиради?

VIII-БОБ. МАЖБУРИЯТ ҲУҚУҚИ

- 1-§. Мажбурият тушунчаси
- 2-§. Мажбуриятларнинг турлари
- 3-§. Мажбурият муносабатларининг вужудга келиш асослари
- 4-§. Мажбурият предмети
- 5-§. Мажбуриятларнинг вужудга келишида юридик фактлар
- 6-§. Мажбуриятни бажариш жойи тушунчаси ва аҳамияти
- 7-§. Мажбуриятни бажариш муддати ва уни кечиктириш
- 8-§. Мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш

1-§. Мажбурият тушунчаси

Рим қулдорчилик ҳуқуқида мажбурият ҳуқуқи институти марказий институт бўлиб ҳисобланган ва энг кўп тузиладиган шартномаларни тартибга солиши билан асосий ўринлардан бирини эгаллаган. Рим ҳуқуқида қулдорчилик давлатининг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ривожланиши босқичида, айниқса фуқаролик ҳуқуқий муносабатларнинг янада такомиллашиб бориши натижасида мажбурият тушунчасининг тўлиқ маъноси вужудга келди.

Рим юристлари томонидан ишлаб чиқилган Институциялар ва Дигестларда «мажбурият» деганда, кредитор ва қарздор ўртасидаги ҳуқуқий алоқалар тушунилиб, унга асосан бир шахс қарздор иккинчи шахс кредитор фойдасига муайян ҳаракатларни қилиш, бирор бир эквивалентни бериш ёки ундан фойдаланиш имкониятини яратиб беришга айтилган.

Дастлаб XII Жадвал қонунларида таъкидланган «ҳуқуқий алоқалар» тушунчаси кейинчалик «жисмоний алоқалар» ибораси билан ҳам бойитилган. Рим ҳуқуқшунослари мажбурият тушунчасини аниқлашда, мажбурият бу шахслар ўртасидаги ҳуқуқий алоқалардан иборатдир, деб тан олиб, унга асосан давлатимиз қонунларига биноан, бирон-бир ҳаракатларни бажаримиз мажбурийдир, деган тушунчадан ҳам келиб чиққанлар.

Ўзининг қолдирган ҳуқуқий мероси ва асарлари билан машҳур юрист сифатида жаҳонда из қолдирган Павел мажбуриятнинг моҳиятини қуйидагича таърифлайди: «Мажбуриятнинг

моҳияти бирон-бир ашёни (предметни) жисмоний нарсага ёки сервитутларга айлантириш билан боғлиқ эмас, балки шу муносабат асосида бошқа шахсни ҳуқуқий асосда боғлаб уни бизга бирон-бир нарсани (предметни) бериши ёки ҳаракат қилиши, тақдим этиши ва имконият яратиб беришига тушунилган». Бу ифодани қуйидагича таърифлаш мумкин бўлган: яъни биринчи ҳаракати «бирон-бир нарсани «бериш» деганда, мулкни, ашёни ёки мажбуриятда кўрсатилган предметни (объектни) мажбурият субъектига ўтказишига тушунилган ва бу қоида мажбурий бўлиб ҳисобланган. Иккинчи ҳаракати «қилиш» деб тушунилиб, бу сўз маъноси «ишни бажариш, хизматлар кўрсатиш, эквивалентни олиб келиб бериш ёки пулларни тўлаш» каби муносабатларни қамраб олган. Учинчи ҳаракати «имконият яратиб бериш» ёки «тақдим этиш» ифодаси бўлиб, мажбуриятда қатнашувчи шахснинг муайян ҳаракатни содир этишдан тўхтаб туриш ёки моддий база билан таъминлаш каби ҳаракатларни амалга ошириш ёки амалга ошириш учун бирор ашёни тақдим этишдир.

Албатта, бу тушунчалар Рим давлатининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши билан доимий равишда ўзгариб, мазмунан тўлдирилиб, такомиллашиб борган. Кейинчалик эса, Рим юристлари мажбурият ҳуқуқий муносабатлари бир тарафда «талаб қилиш ҳуқуқига» эга бўлган шахснинг ҳаракати, иккинчи тарафда эса уни «бажариш» мажбурияти ётганлигини эътирсиз этганлар ва шунга қараб мажбурият муносабатларида қатнашувчи ва уни амалга оширувчи шахсларни «қарздор» ва «кредитор» деб атаганлар. Улар мажбурият тушунчасини ҳар томонлама талқин қилиб, шу муносабатда қатнашувчи субъектларнинг бир-бири билан боғлиқлигини, ҳатто илгари «озод, мустақил» бўлиб юрган шахснинг мажбуриятга киришганидан кейин, унинг бўйнига занжир боғланганлигини билдириб, энди унинг «озод ва мустақил ҳолатда юришига йўл қўйилмайди» деган ифодани ёки тушунчани ҳам ишлатганлар.

«Талаб қилиш ҳуқуқи» бу қатъий шахсий характерга эга бўлиб, кўпинча ишончга асосланган ҳаракатларни ҳам ўз ичига олган, чунки «кредо» сўзининг ўзи ҳам «ишонаман» деган маънони англатган. Рим юристлари мажбурият тушунчасини

ифодалар экан, улар «қаерда кредитор ва қарздор бўлмаса, ҳеч қандай мажбуриятнинг бўлиши мумкин эмас» деган хулосага келганлар.

Қадимги Рим ҳуқуқи мажбуриятни доимо кредитор ва қарздор билан боғлаб улар ўртасидаги мавжуд бўлган бу ҳуқуқий муносабатларни ашёвий ва шахсий даъволар асосида ўрганганлар. Бу бўлинишлар, яъни ашёга бўлган ҳуқуқ ва талаб қилиш ҳуқуқи доимо ашёвий ҳуқуқий ҳамда мажбурият ҳуқуқий нормалари билан тартибга солиниб, ашёвий даъволарга ҳамда шахсий даъволарга бўлинган.

Ашёвий даъволар деганда, мутлоқ муносабатлар эътиборга олиниб, уларни мулк ҳуқуқининг субъектига тааллуқли бўлган ашёнинг ёки сервитутнинг бошқа шахсларга ўтиб кетганлигини талаб қилиб олиш учун берилган даъво деб тушунилган. Бу даъвонинг предмети ашёвий ҳуқуқлардан, объектлардан иборат бўлган.

Шахсий даъволар нисбий муносабатлар бўлиб, мулк ҳуқуқининг эгаси томонидан тузилган шартномага мувофиқ, иккинчи тарафдан мажбуриятни бажариш учун муайян ҳаракатни амалга оширишни ёки бирор бир эквивалентни беришни (ўтказишни) талаб қиладиган муносабатларга тушунилган ва бу даъво фақат қарздорга қўлланилган.

Машҳур юрист Павел мажбуриятларни таҳлил қилиши натижасида, у мажбуриятнинг мазмунини тўлиқ асосда ёритиб беришга муваффақ бўлган. Мажбурият тушунчасининг мазмунини аниқлашда, қарздор томонидан «бермоқ», «қилмоқ», «тақдим этмоқ» деган ҳаракатларни амалга оширилиши мажбурий бўлган. Мана шу учта тушунча ёки элементлар мажбурият тушунчасининг мазмунини очиб берган.

2-§. Мажбуриятларнинг турлари

Мажбурият ҳуқуқий муносабатларининг келиб чиқиш асосларига ҳамда аҳамиятига қараб рим юристлари уларни қуйидаги турларга бўлганлар:

1. XII Жадвал қонунларида ва бошқа қонунлар томонидан эътироф этилган фуқаролик мажбуриятларига (цивил мажбуриятлари);

2. Преторлар томонидан ҳимоя қилинадиган мажбуриятларга (претор мажбуриятлари);

3. Натурал мажбуриятларга.

Рим фуқаролик ҳуқуқида мажбуриятларни ўз вақтида ва лозим даражада бажармаслик салбий оқибатларни келтириб чиқариб, уни мажбурий асосда бажаришга ҳамда келтирилган зарарларни даъво асосида ундириб олишга қаратилган. Лекин даъво ҳимояси билан таъминланмаган муносабатлар ҳам мавжуд бўлган бўлса ҳам аммо уларни ҳеч қандай самара бермайди ёки ҳуқуқий томондан ҳимоя қилинмайди деган маънони келтириб чиқарилмаслиги лозим бўлган.

Мажбурият бўйича тўланган ашёлар ёки мулкларни қайтариб олиш биров мураккабликни келтириб чиқарган. Худди шундай ҳуқуқий ҳимоя билан таъминланмаган мажбуриятлар ҳамда мажбурият асосида тўланган ашёларни қайтариб олиши мумкин бўлмаган мажбуриятларга натурал мажбуриятлар деб тушунилган.

Натурал мажбуриятлар кўпчилик ҳолатларда ота ҳумронлиги институти ва унга бўйсунувчи қуллар, фарзандлар томонидан оила бошлиғининг розилигисиз тузилган битимларга айтилган. Чунки ота бутун оиласи таркиби ва ота ҳукмронлиги остидаги бўлган қуллар учун ҳам жавобгар бўлган ҳамда оила номидан ота шартномаларни тузган ва мулкый жавобгарликларни ўтаган.

Натурал мажбуриятлар, асли грек файласуфлари томонидан бутун оламда бўлган воқеаликларни икки қисмга, яъни табиат томонидан берилган табиий ҳуқуқларга ҳамда инсонлар, давлат томонидан қонунлар асосида бериладиган ҳукмронликка, ҳокимиятга бўлганлар. Юстиниан Дигестларида кўрсатилишича, натурал мажбуриятлар адолат тамойилларига асосланган ва у билан доимо боғлиқ бўлган.

Натурал мажбуриятлардан ташқари цивил (фуқаролик) мажбуриятлари ҳамда преторлар мажбуриятлари ҳам ҳаракатда бўлган.

Цивил мажбуриятларига доимо натурал мажбуриятларни қарама-қарши қўйиш Рим ҳуқуқини ўзига хос хусусиятидир. Рим ҳуқуқшунослари преторларнинг ҳуқуқий ҳолатини белги-

лаганда, уларнинг «фақат даъво қилиш ваколатлари бор» деган тушунчани илгари сурганлар. Аммо преторлар преторлик мажбуриятларини преторларнинг келишувлари ёки пактлари деб тушунмаслиги ва преторлар мажбуриятларининг кенг маънога эга эканлигини тасдиқлаб берганлар.

Мажбурият ҳуқуқий муносабатлари бўлинадиган ва бўлинмайдиган, альтернатив ва факультатив мажбуриятлардан ҳам иборат бўлган.

Бўлиниши мумкин бўлган мажбуриятларга ашёнинг моҳияти, мазмуни, қиймати бузилмасдан, зарар етказилмасдан бўлинадиган товарлар, ашёлар, эквивалентлар, валюталар ва қимматбаҳо қоғозлар ва шунга ўхшаш моддий қийматликларни ўзида сақлаб қолувчи нарсалардир, деб ҳисоблаганлар. Масалан: 5 минг сестерций пулни тўлаш, бу мажбуриятни бўлиб-бўлиб тўлаш мумкинлиги бўлинадиган мажбуриятларга киритилса, сервитут ҳуқуқи эса асосан қатъий белгиланган жойдан ҳайвонларни ҳайдаб ўтиш, бу бўлинмайдиган мажбурият бўлиб ҳисобланган. Альтернатив ва факультатив мажбуриятлар бири-бирига ўхшаса-да, лекин Рим фуқаролик ҳуқуқида тузилган шартноманинг бажарилишини шартномада кўрсатилган асосда яъни, қатъий белгиланган товарни, ашёни етказиб беришнинг ўрнига бошқа эквивалентни етказиб беришга ҳам йўл қўйилган. Бу ерда мажбурият предмети битта аммо қарздорга имтиёзлар берилиб, асосий етказиб бериладиган ашё ўрнига бошқа ашёни беришнинг ўзи ўша шартномани бажарганлик деб ҳисобланган ҳамда бу мажбурият факультатив мажбурият деб аталган.

Альтернатив мажбуриятлар факультатив мажбуриятдан биров бўлса-да фарқ қилган. Бу мажбурият шартномада кўрсатилган бир неча ҳаракатнинг бирортасини бажариш деб тушунилган. Масалан: укаларим Олим ва Ҳайдар шу хизматни қилиб беради. Қайси бири томонидан мажбурият бажарилса, у мажбурият лозим даражада бажарилган деб ҳисобланган, хизмат ким томонидан бажарилган бўлса ҳам мажбурият бажарилди деб тушунилган.

3-§. Мажбурият муносабатларининг вужудга келиш асослари

Қадимги Рим давлатининг қонуналарида мажбурият ҳуқуқининг ривожланишига муҳим эътибор қаратилган. Айниқса, товар-пул муносабатларининг янада тараққий этиши натижасида мажбуриятлар ўзининг илгариги расмиятчилигини йўқотиб, бир томонламаликдан икки томонламаликка айланган, унда иштирок этувчи субъектлар ҳам ҳуқуққа ҳам мажбуриятга эга бўлганлар.

Рим фуқаролик ҳуқуқи мажбуриятларнинг вужудга келиш асосларини икки қисмга бўлганлар. Айниқса, юрист Гай мажбуриятларни контрактлар асосида вужудга келишини ҳамда деликтлардан (ҳуқуқни бузишдан) келиб чиқадиган мажбуриятларга бўлган.

Мажбуриятларни келтириб чиқарадиган муҳим юридик асослардан бири контракт (шартнома) бўлиб ҳисобланган. Айниқса шартномалар институтининг ривожланиши, такомиллашишига Рим давлатининг классик (синфий) даври ривожланишида катта эътибор қаратилган. Шартномалар фуқаролик ҳуқуқининг марказий институтларидан бири бўлиб, улар доимо даъволар орқали ҳимоя қилинган, лекин Рим юристлари мажбуриятларни бошқа асослардан келиб чиқишини ҳам исботлаб берганлар. Масалан: **квазиконтракт ва квазиделиктлар** асосида, яъни шартномаларга ўхшаш ҳамда мажбуриятларни бузишга ўхшаш асосда вужудга келганлигини ҳам тушуниб етганлар.

Деликтлар – ҳуқуқни бузишдан, мулкка зарар етказишдан ёки қонун томонидан ман этилган муносабатларни амалга ошириш асосида келиб чиққан. Деликтлар ҳақида қадимги Рим ҳуқуқининг дастлабки ривожланиш давларида ҳам тасаввурга эга бўлиб, улар мажбуриятлар бажарилмаган тақдирда жарималар солиш ва ундириш, умуман фуқаролик ҳуқуқий жавобгарликларнинг мавжуд эканлигини эътироф этиб, ўша нормаларни, қоидаларини мажбурият ҳуқуқий муносабатларига қўлланганлар. Улардан ташқари, шартномалар ва деликтларнинг бири-биридан яна бир фарқини, яъни шартномалар асосида келиб

чиқадиган мажбуриятлар мерос тариқасида меросхўрларга ўтказилиши, деликтлар асосида вужудга келган мажбуриятлар эса бундай ваколатга эга бўлмаганликларини қайд қилганлар.

Рим юристлари мажбурият ҳуқуқий муносабатлари шартномалар ҳамда деликтлар асосида вужудга келишидан ташқари бу муносабатлар шартнома ва деликт бўлмаган тақдирда ҳам вужудга келганликларини тушуниб етганлар. Уларни юридик фактлар, пактлар, ҳаракат ва ҳодисалар натижасида ҳам келиб чиқишини тасаввур қилганлар.

Ҳатто юрист Гай мажбуриятларни вужудга келтирувчи асосларни турларга бўлишдан воз кечган. Лекин Юстиниан Дигестларига биноан Гай мажбуриятларнинг вужудга келишини 4 та асосга бўлган. Улар қуйидагилардан иборат бўлган:

1. **ex contractu** – контрактлар асосида
2. **ex delicto** – деликтлар асосида
3. **quasi ex contractu** – контрактларга ўхшаш асосда
4. **quasi ex delicto** – деликтларга ўхшаш асосда.

Машҳур юрист, Юстиниан кодификациясининг асосчиларидан бири – профессор Теѳил VI асрга келиб, мажбурият ҳуқуқий муносабатларининг тўртта асосда вужудга келишини қатъий равишда исботлаб берди ва бу асослар биринчи маротаба Наполюн фуқаролик кодексида (1804) ўз ифодасини топди, кейинчалик эса барча буржуа давлатларига тарқалиб, ҳозирги вақтга қадар тўлиқ қўлланиб келинмоқда.

4-§. Мажбурият предмети

Қадимги Рим қулдорчилик давлатида мажбуриятнинг мазмунини муайян ҳаракатларни амалга ошириш билан боғлаганлар. Улар кўпчилик ҳолларда мол-мулкни (ашёни) топшириш, ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш, пул тўлаш ва ҳакозолар ёки муайян ҳаракатларни амалга оширишдан ўзини сақлаб туришга тушунилган.

Рим ҳуқуқшунослари кўпчилик ҳолатларда мажбуриятнинг мазмунини ва предметини бир маънода тушунганлар. Лекин мажбурият предмети ўз мазмунидан фарқ қилган. Мажбурият предметини аниқлашда, ашёларнинг, яъни мажбурият объект

тининг жинсий аломатларга эга бўлганлигидан ва индивидуал аниқ бўлган характерли хусусиятга боғлиқлигидан келиб чиққан.

Жинсий аломатларга эга бўлган ашёларга сариеғ, виноғалла, қанд ва бошқа ашёлар киритилиб, уларнинг йўқолиб кетиши мажбуриятни бажаришдан озод этмайди, яъни улар ўз табиатига кўра шартномалар асосида тўлдирилиши ёки ўз ҳолатига келтирилиши мумкин деб ҳисоблаган. Индивидуал аниқ бўлган хусусиятларга эга бўлган ашёларнинг йўқолиши, синиши ёки дастлабки ҳолатини ўзида сақлаб қола олмаганлиги, яъни уларни алмаштириш мумкин бўлмаган, ҳатто янги асосда тузилган шартномаларга биноан ҳам мажбуриятларнинг бажарилиши айнан шартномада кўрсатилган асосда амалга оширилиши мумкин бўлган муносабатлардан келиб чиққан.

Мажбуриятларнинг предметини фақат мажбуриятларни бажариш вақтида аниқлаганлар. Индивидуал хусусиятга эга бўлган мажбуриятларни натурал ҳолатда бажариш мумкин бўлмаган.

Мажбурият ҳуқуқий муносабатларининг предмети сифатида пуллар кўп қўлланилиб, қарздордан кредиторни талаб қилиб олиш ҳуқуқи билан боғлиқ бўлган. Пул мажбурият предмети сифатида кенг қўлланилиб, мажбуриятни бажариш учун алмаштириладиган эквивалент ва зарарларни қоплаш воситаси сифатида қўлланилган. Энг қадимги пул сифатида Римликлар ҳайвонларни тан олишган. Кейинчалик оғирлиги билан ўлчанадиган мис ишлатилган. Ҳатто битимлар тузиш албатта тарозибон ва мис симобчаси (таёқчасини)ни ушлаб турган даллол иштирокида амалга оширилган.

Товарлар, ашёлардан фойдаланганлик учун ҳамда пул қарзини ўз вақтида тўлай олмаганлиги учун фоизлар тўланган. Ҳатто шартномаларни ўз вақтида бажара олмаганлиги ёки бажаришни кечиктирганлиги учун фоизлар тўлатилган. Фоизларни тўлаш табақалар асосида, яъни юқори мансабдор шахс 4 фоиз асосида, савдогар 8 фоиз, денгиз билан боғлиқ бўлган қарзлар бўйича 6 фоиз миқдорида, умуман олинадиган фоиз қўйилган капиталдан ошиб кетмаслиги лозимлиги ва йиллик фоиз 12 фоиздан ошмаслиги кўрсатилган.

Мажбуриятларда «кауза» деганда хилма-хил тушунчаларнинг мавжудлигини эътиборга олиб, мажбурият ҳуқуқий муносабатларига киришиш учун лозим бўлган моддий асосга ҳамда ва унга эришиш учун, яъни мажбуриятни бажаришдан келиб чиқадиган мақсадга тушунилган.

Causa (Кауза) сўзи лотин тилидан олинган бўлиб «сабаб» ёки шунга ўхшаш муносабатнинг келиб чиқишига тушунилган. Мажбуриятларда – «кауза» субъектив мотив бўлиб, мажбуриятнинг мазмунини аниқлайдиган ҳамда мажбуриятга киришишдан қандай, моддий манфаатдорлик келиб чиқиши билан боғлиқ муносабатларга тушунилади. Кауза – қонуний бўлиши лозим, яъни унда бошқа шахсларнинг эркини, ирода ва манфаатини, ҳуқуқларини чегараламаслик лозим.

Мажбуриятларни тузиш учун, энг аввало, тарафларнинг ўзаро розилиги талаб қилинган. Тарафларнинг розилиги славянларда қўлни-қўлга бериш, бошни қимирлатиш, жимлик ризолик аломати сифатида, ҳатто қадимдан қолган анъанавий ҳаракатлар орқали ҳам амалга оширилган. Лекин Рим фуқаролик ҳуқуқий муносабатларининг янада ривожланиши ва такомиллаштирилиши натижасида бирор юридик муносабат ёки юридик ҳужжат орқали бу келишувни расмийлаштириш зарурияти келиб чиққан. Ана шу юридик асос **consensus** (келишув) яъни тарафларнинг ҳуқуқий асосда, ўз эрklarини ифода этган ҳолда расмийлаштириш имконияти юзага келди ва шундай қилиб мажбуриятларнинг янги турлари консенсусуал мажбуриятлар вужудга келди.

5-§. Мажбуриятларнинг вужудга келишида юридик фактлар

Мажбурият ҳуқуқий муносабатларининг вужудга келиш асосларидан муҳим бир қисмини юридик фактлар ташкил этади. Юридик фактлар – ҳаётий ҳолатлар асосида вужудга келиб, у ҳуқуқий муносабатларни вужудга келтирадиган, ўзгартирадиган ва бекор қиладиган ижтимоий муносабатлардан иборат бўлиб, қонунлар томонидан тартибга солинадиган ва давлат органлари томонидан ҳимоя қилинадиган муносабатлардир.

Фуқаролик ҳуқуқий муносабатларини вужудга келтирувчи асос сифатида юридик фактлар юридик ҳодиса ва юридик ҳаракатлардан иборат бўлган.

Рим ҳуқуқшунослари юридик фактни фуқаролик ҳуқуқий муносабатлари ҳамда ҳуқуқий нормаларни бир-бири билан боғлайдиган муносабатдир деб тан олганлар. Юридик фактларсиз ҳеч қандай ҳуқуқий норма келиб чиқмаслигини ҳамда барча юридик фактларнинг ҳаммаси ҳам фуқаролик ҳуқуқий муносабатларини келтириб чиқармаслигини тўғри тушуниб етганлар.

Рим юристлари юридик фактларнинг ҳуқуқий нормаларни вужудга келтиришидан ҳамда уларни ўзгартира олиш лаёқати-га ва бекор қила олиш муносабатларига эга эканлигидан келиб чиққан ҳамда уларни эътироф этган ҳолда бу муносабатлар фуқаролик ҳуқуқий муносабатларни вужудга келтириб чиқарувчи асос деб тушунганлар.

Фуқаролик ҳуқуқий муносабатларини вужудга келтириш учун битта юридик фактнинг намоён бўлиши ҳам етади, яъни олди-сотди шартномасини тузиш учун ўзаро унинг предмети, баҳосини ва бошқа асосий шартлари бўйича тарафларнинг ўзаро келишиши, яъни консенсуснинг амалга оширилишининг ўзи ҳам кифоя. Демак, сотиб олувчи ва сотувчи ўртасида тузилган шартноманинг ўзи юридик факт бўлиб ҳисобланади.

Лекин Рим ҳуқуқшунослари баъзи ҳолларда фуқаролик ҳуқуқий муносабатларини вужудга келтириш учун бир нечта юридик фактлар ёки мураккаб бўлган бир нечта ҳаракатларнинг намоён бўлишининг тақозо этилишини исботлаб берганлар ва ўзлари ҳам шунга амал қилганлар. Уй-жойни ижарага олиш ёки маҳаллий ҳокимиятдан уй-жойга бўлган ордерни олиш унинг билан уй-жойда яшайдиган шахслар ўртасида уй-жойдан фойдаланиш мажбуриятини мураккаб бўлган юридик тизимни ёки юридик фактни вужудга келтирадиган ҳолатни пайдо қилади. Албатта, бу мураккаб бўлган ҳолатдир.

Юқорида қайд этилганидек, Рим юристлари фуқаролик ҳуқуқида юридик фактларнинг вужудга келишини эътиборга олиб, уларни ҳодисаларга ва ҳаракатларга бўлиб ўрганганлар.

Ҳодисалар – инсоннинг онги, эрки ва иродаси билан боғлиқ бўлмайдиган ҳолатлардир. Масалан: табиат ҳодисалари, инсон-

нинг туғилиши, унинг ўлими, ёнғин, ер қимирлаши ва шунга ўхшаш ҳолатлар тушунилган. Лекин Рим юристлари ҳодисалар фақат инсон билан боғлиқ бўлмаган ҳолатда вужудга келади деб тушунмасдан, унинг инсон онгги, эрки орқали ҳам вужудга келишини исботлаб бера олганлар. Масалан: инсон томонидан бирор жойга олов қўйиб юбориш, лоқайдлик асоси, ҳуқуқий бўлмаган ҳаракатларни амалга ошириш оқибатида ҳам келиб чиқишини исботланганлар, лекин инсон томонидан амалга ошириладиган муносабатлар кўпчилиги унинг онгги, иродаси ва эркини изҳор этиши асосида амалга оширишига кўпроқ эътиборни қаратганлар.

Қадимги Рим қулдорчилик давлатида фуқаролик ҳуқуқий муносабатларни вужудга келтирувчи асослардан яна бири бу ҳаракат эканлигини ҳамда ҳаракатнинг ўзи ҳуқуқ йўл қўйган (қонуний ҳаракатга) ҳамда ҳуқуққа хилоф ёки зид бўлган ноқонуний ҳаракатга бўлинишига ўзларининг муҳим эътиборини қаратганлар. Ҳаракатларни Рим ҳуқуқшунослари доимо эрк асосида вужудга келадиган муносабат деб, уни доимо ҳуқуқий муносабатда қатнашувчи субъектлар эрки, иродаси ва манфаати билан боғлиқ ҳолда кўрганлар.

Ноқонуний ҳаракатлар ҳуқуқбузарликлар ҳисобланиб, ҳуқуқга зид, хилоф бўлган, қонунга ёки бошқа норматив ҳужжатларга қарама-қарши асосда амалга оширилган муносабатлар деб аталган. Шунинг учун Рим фуқаролик ҳуқуқи бундай ҳаракатларни қонунга зид, оқилоналик, адолат тамойилларига тўғри келмайдиган муносабатлар деб, бу ҳаракатлар натижасида келтирилган зарарларни янги эраизининг I-IV асрларида тўлиқ Рим фуқаролик ҳуқуқи нормалари асосида, кейинчалик эса ҳатто жинойий жавобгарликка тортиш асосида бузилган ҳуқуқларни дастлабки бузилмаган ҳолатига келтириш учун ҳаракатларни амалга ошириб борди ва бузилган ҳуқуқларни тикладилар.

Қонуний ҳаракатлар деганда қонун ёки бошқа норматив ҳужжатлар асосида йўл қўйилган ихтиёрийлик, ҳуқуқ йўл қўйган ҳаракатларни амалга ошириш деб тан олинган.

6-§. Мажбуриятни бажариш жойи тушунчаси ва унинг аҳамияти

Қадимги Рим қулдорчилиқ давлати томонидан кўп мамлакатларнинг босиб олиниши натижасида ва унинг жаҳон бозорига чиқиши сабабли мажбуриятларнинг бажарилиши жойини белгилаш кўп қийинчилик ва мураккабликни талаб этди. Чунки йўл масофаси, товарларнинг баҳоси ҳар бир мамлакатда ўзгача эканлиги, бозор иқтисодий ва ҳуқуқий қоидаларининг ҳар хил эканлиги натижаси ҳам мажбуриятларни бажариш жойини аниқлашда қийинчиликларни келтириб чиқарди.

Мажбуриятларни бажариш жойи доимо шартномада белгилаб қўйилган бўлиши лозим эди. Аммо бажариш жойини белгилаш мумкин бўлмай қолган пайтларда, уни шу ерда бажариш мумкин деган тахминлар асосида амалга ошириларди.

Рим фуқаролик ҳуқуқида кредитор томонидан мажбуриятни бажариш жойини альтернатив усулда ҳам белгилашда ҳуқуқ берилган. Бундай вақтда мажбуриятни бажариш жойини қарздор ўзи танлаш ҳуқуқига эга бўлган. Мажбуриятни бажариш жойи умуман белгилаб қўйилган бўлмаса, бундай ҳолда кўпчилик ҳолларда қарздор яшаган жойда ёки кўчмас мулк турган жой бажариш жойи деб тушуниларди.

Рим фуқаролик ҳуқуқининг ўзига хос хусусиятларидан бири, мажбуриятни бажариш жойи кўрсатилмаган тақдирда ҳам Рим давлати бу «Бизнинг умумий давлатимиздир» деган маъно асосида мажбуриятларнинг бажарилиши жойи кўрсатиларди ва шундан келиб чиқарди. Мажбуриятни бажариш жойининг аҳамияти шундан иборатки, низоли предметнинг баҳосини аниқлаш билан боғлиқ бўлган. Низоли предметнинг баҳосини аниқлаш, энг аввал, тарафлар ўртасида тузилган шартномада кўрсатилиши ҳамда мажбуриятнинг бажарилиши жойидаги мавжуд бўлган баҳоси билан белгиланган. Аммо тарафлар ўртасида келишувлар мавжуд бўлмаса бундай ҳолатда даъво қўзғатилган жойнинг қонунлари билан белгиланган.

7-§. Мажбуриятни бажариш муддати ва уни кечиктириш

Мажбуриятни бажариш муддати, вақти доимо тарафлар ўртасида тузилган шартнома асосида белгиланган. Мажбурият шартномада кўрсатилган муддатда ёки вақтда лозим даражада бажарилиши қонуний асосда бириктирилган.

Агар мажбуриятни бажариш муддати кўрсатилмаган бўлса ёхуд мажбуриятнинг моҳиятидан англашилса, қарздор эса ижрони тўхтатмасдан ҳар қачон бажариши шарт бўлган, кредитор эса ҳар қачон ижрони бажаришни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлган.

Бажарилиши мумкин бўлган муддатлар, яъни шартнома асосида аниқ тарзда мажбуриятнинг бажарилиш муддати кўрсатилмаслиги ҳам мумкин бўлган. Лекин бу муносабатларда оқилон тарзда, виждонан ҳаракат қилиниши лозим ҳисобланган.

Савдо муносабатларининг тараққий этиши, шартномалар доирасининг кенгайиши шартномалар тўғрисидаги қатъий нормаларни бироз юмшатиш ёки қулайлик туғдириш мақсадида, кўпчилик ҳолларда мажбуриятларни бажариш муддатини кўрсатмасдан ҳам шартномаларнинг тузилишига йўл қўйилди. Ёки Рим юристларининг фикрича, бугун тузилган Римдаги шартномани эртага Египетда бажариш мумкин эмас. Бундай тузилган шартномада жимлик, ризолик асосида шартномани бажариш муддатининг аниқлигини ўрнатиш қийинлигини эътиборга олиб, муддат ўрнатмаганлар. Бундай ҳолатларда одилон тарзда ишни ҳал қилишга кўпроқ эътиборни қаратганлар. Ҳатто шартномани бажариш муддати кўрсатилмаган ҳолларда, судга мурожаат қилганда, судья «одилон эр» сифатида (яъни «суд процессини одилон асосда олиб борувчи шахс» деган маънони англатган) қандай муддат ёки қанча вақт асосида бу шартномани бажариши мумкинлигини аниқлаш пайтида шартномани бажариш учун ўзини қийнамасдан, кечаю кундуз, табиат инжиқлигига қарамасдан, совуқ ва иссиқлардан ўзини аямасдан, йилнинг фаслини, ўзининг ёшини, соғлигини, жинсини ўйламасдан тинмай ҳаракат қилишларга йўл қўймасдан, оддий ҳо-

латда мажбуриятни юқоридаги хусусиятларни эътиборга олиб белгилаган. Ана шу муддатни «оқилона асосда» белгиланган муддат деб тушунилган.

Қадимги Рим қулдорчилик давлатида мажбуриятларни муддатидан илгари бажаришга дастлабки пайтларда йўл қўйилмаган. Лекин савдо муносабатларининг тараққий этиши, бозор иқтисодий муносабатларининг гуркираб ўсиши, Рим давлати ҳудудининг кенгайиши, жаҳон тараққиётидаги тутган ўрни шартномаларнинг кўплаб тузилишларига олиб келди ва уларни муддатидан илгари бажариш иккала тарафнинг ҳам манфаатини кўзлаб, ўз оборотининг тезроқ амалга ошишига имконият яратиб берганлиги учун бунга йўл қўйилди.

Рим давлатида мажбуриятларнинг бажарилишини кечиктириш, ўз вақтида ва лозим даражада бажармаслик оқибатлари шартномада қатнашувчи тарафларнинг интизомсизлигини билдириб, улар билан кейинчалик шартнома тузишда чегараланиш ваколатларини келтириб чиқарган.

Мажбуриятларнинг бажарилишини кечиктириш деганда, даъво талабининг жорий этилиши, яъни даъво аризасининг ёзилиши пайтидан бошланади. Даъво аризасининг ёзилишидан олдин қарздорга мажбуриятни бажариш юзасидан огоҳлантириш юборилиши лозим бўлган ва ундан кейин қарздорнинг устидан даъво аризаси ёзилган.

Қадимги Рим ҳуқуқида мажбуриятларнинг бажарилиш муддати шартномада аниқ кўрсатилмаган бўлса, қарздорнинг яшаш жойига огоҳлантириш юборилган, аммо бажарилиш муддати шартномада кўрсатилган бўлса, ушбунинг ўзи огоҳлантириш ҳам бўлиб ҳисобланган.

Қарздор томонидан ўз қарзини тўлаш ёки мажбуриятни бажариш учун қилинган ҳаракатларини, яъни ашёлар, пулларни ёки эквивалентни кредитор қабул қилмаса, бундай ҳолда қарздор ўз мулкни омонат асосда сақлаб туриш учун депозитга қўйиш йўли билан ҳам мажбуриятни ўз вақтида бажаришга йўл қўйилган.

Рим ҳуқуқининг ўзига хос хусусияти шундан иборат бўлганки, депозитга қўйиш ҳам кредитор ҳисобидан амалга оширилган. Бундай ҳолда мулкнинг тасодифан нобуд бўлиши, ижро-

ни қабул қилишни кечиктирган кредиторга қаратилади ҳамда келтирилган зарарлар ҳам ундан ундирилади.

8-§. Мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш

Мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш деб, қарздор томонидан олинган ва унинг зиммасида бўлган вазифани бажаришга мажбур қиладиган чорага айтилади. Мажбурият бажарилишини таъминлашнинг моҳияти шундан иборатки, қарздор зиммасида бўлган мажбурият белгиланган муддатда бажарилмаса, кредиторда зиёнларни ундиришга қаратилган ҳуқуқ пайдо бўлади.

Мажбуриятларни бажарилиши ҳар хил усуллар билан таъминланади. Рим юристларининг фикрича, мажбуриятнинг бажарилишини таъминлаш закатат, кафолат, гаров ва неустойка усулларидан иборат бўлади.

Закатат. Закатат бериш Рим ҳуқуқида «арра» ёки «аррха» деб аталган ва у қимматли бирор бир нарсани гаровга қолдириш деган маънони билдирган. Кейинчалик закатат ботқа ҳуқуқий муносабатларда жумладан: олди-сотди ва пудрат шартномаларда қўлланила бошлаган. Умумий қоидага кўра илк даврларда мажбурият бажарилмаса закатат қайтариб берилган. Император Юстиниан даврига келиб закатат жарима вазифасини ўтай бошлаган. Агар харидор мажбуриятни бажармаса, у берган закатат сотувчида қолган. Агарда сотувчи мажбуриятни бажармаса, у ҳолда у берган закататни икки баробар қилиб қайтариши лозим бўлган. Аслида закатат тушунчаси Рим давлатига Шарқдан келган бўлиб, бу одатни император Юстиниан 628 йилда қонунлаштирган.

Кафолат. Мажбуриятнинг таъминлаш усулларидан бири кафолат ҳисобланади. Кафолат тушунчасини машҳур юристлардан бири Гай таърифлаб берган.

Агарда қарздор мажбуриятни бажарилмаса ёки олинган қарзни ўз вақтида тўламаса, бошқа бирор шахс ушбу мажбуриятнинг ижросини ўз зиммасига олиши мумкин бўлган. У қарздор учун кафолат берган. Кафолат асосан стипуляцияда кенг қўлланилган. Бундай кафолатни Рим давлатининг бадавлат фуқаро-

ларга нисбатан таъсир ўтказиш, ҳаттоки уларни ўзларига тобе қилишни шаклларида бири бўлган. Мажбурият ўз вақтида ижро этилмагани учун кредитор нафақат қарздорга балки кафолат берган шахсга нисбатан ҳам чора кўришга ҳақли бўлган.

Агар қарздорни ўрнига кафолат берган шахс қарзни тўлаб юборса, кейинчалик у қарздорга нисбатан регресс даъво ҳуқуқига эга бўлган. Қарздор эса кафолат берган шахсга икки баробар қилиб қарзини қайтариши лозим бўлган.

Гаров. Юстиниан дигестларида айтилишига, гаровга нарса қўйган киши ўзини мажбуриятлар билан боғлаб беради. Шунинг учун ҳам гаров Рим давлатида **Pignus**, яъни «Кишан» деб аталган. Гаров тушунчасини кўпроқ шартномага қўшимча мажбурият деб эътироф этишган.

Гаровнинг моҳияти шундан иборатки, мажбурият қарздор томонидан ижро этилмаганида кредитор ўзининг талабини гаровга қўйилган мулк ҳисобидан биринчи навбатда ундириш имкониятига эга бўлади. Рим давлатининг янада ривожланиши натижасида кредиторга гаровни сотиш ҳуқуқи берилган. Баъзи ҳолларда гаровга қўйилган нарса бир неча кредиторга тегишли бўлган. Унда Претор, энг аввало, биринчи кредиторнинг ҳуқуқини ҳимоя қилган.

Рим давлатининг синфий даврига келиб гаровнинг усули сифатида ипотека вужудга келди. Ипотека усули Греklar ва Египет давлатларининг ҳуқуқи таъсирида такомиллашиб борди. Ипотека кўчмас мол-мулкларга қўлланилган.

Ипотека атамаси эраиздан аввалги VI аср бошларида Грецияда пайдо бўлиб, у Афина давлатининг ҳукмдори Солон томонидан муомалага киритилган¹³. Унга кўра қарздорнинг мажбуриятларни бажариш шартларидан бири ерга эгалик қилиш ҳуқуқини гаровга қўйиш билан боғлиқ бўлган. Солон таълимоти амалга киритилгунига қадар бўлган даврда Афинада гаров таъминоти сифатида шахсни ўзи ҳисобга олинган. Агар мажбуриятлар бажарилмаса қарз олувчи қарз берувчи томонидан қулликка олинган.

Солон таълимотига кўра ипотека шартномаси гаровга қўювчи ва гаровга олувчи томонидан тузилган.

¹³ Словарь античности. —М.: 1989.—230 с.

Шартноманинг шартига асосан қарздор ер участкасининг бошига тош устун қўйгаң, устунга тахтакач ўрнатилиб, унга гаровга олувчининг даъво суммаси ёзилган. Мана шундай тош устунларда ер эгасининг барча қарзлари белгиланган ва бу тош устунлар кейинчалик ипотека «тирговуч, таглик» номи билан атала бошланган.

Кейинроқ ипотека учун махсус китоблар ишлатишган ва уни «ипотекага оид» деб номлашган. Қадимги Греция давлатида ернинг ҳуқуқий ҳолати тўғрисида қизиққан ҳар бир шахс учун ҳеч қандай монеликсиз ошкоралик таъминланган. Айниқса бу ипотекага асосан ер эгасига кредит берилаётганда кредиторларга у ҳақида барча ахборотларга эга бўлиш имкониятини берган.

Ипотека атамасини Рим хусусий ҳуқуқи муомалага олиб кирган десак хато бўлмайди. Ипотека институтининг илдам ривожланиши Рим империяси даврига тўғри келади. Бу даврда, яъни эрамизнинг I асрларида ипотека муассасалари катта шаҳарларда тузилиб, улар томонидан кўчмас мулклар гаровга олинган ва хусусий шахсларга кредитлар беришган.

Эрамизнинг II асрида Рим императори Антонин Пий даврида ипотека банклари тўғрисида махсус қонун бўлган. Бу қонунга кўра ипотека банклари бошқа банклар ва кредит муассасалари билан бир қаторда иш юрита бошлаган.

Шу даврларда ҳам фуқароларнинг ипотека кредитлари олишларига давлат томонидан амалий ёрдамлар кўрсатилган. Жумладан, император Троян даврида етимлар ва беваларни қўллаб-қувватлаш учун махсус фондлар ташкил этилган. Ушбу махсус фондлар йилига 5 фоиз устамаси билан кредит берган. Бу кредитлар асосан жангда ҳалок бўлган аскарларнинг оилаларига мўлжалланган.

Ипотека институти мана шу қисқа давр мобайнида фидуция – «*fiducia*» (ишонч асосидаги гаров шартномаси) ривожланишидан пигнус – «*pignus*» (норасмий гаров) ва бугунги кундаги ипотекагача ривожланишга эришди.

Фидуция «*fiducia*» – ишонч асосидаги гаров шартномасига кўра қарздорнинг кўчмас мулки шартнома тузилганидан кейин кредиторнинг мулкига айланган. Кредитор шартнома муддати

тугагандан сўнг тўланиши лозим бўлган суммадан воз кечиши ва мазкур мулкларни сотиб юбориши мумкин бўлган¹⁴.

Пигнус «**pignus**» – норасмий гаровда қарздорнинг мулклари кредит шартномасининг кафолати сифатида кредиторнинг бошқарувига берилган. Бу шартнома муддати тугагач қарздор шартнома шартларини бажармаган тақдирда кредитор гаров предметини ўзига олиб қолиши мумкин бўлмасдан, қарздор шартнома шартларини бажармаганлиги учун бу мулкларни сотиб юбориши ва сотилгандан сўнг ўртадаги фарқни қарздорга бериши ёки етмаган суммани олиши мумкин бўлган.

Гаров қўйидаги ҳолатларда бекор бўлган:

- гаровга қўйилган ашё нобуд бўлганида;
- гаров билан таъминланган мажбуриятнинг бажарилиши

натijasида.

Неустойка. Неустойка деб шартнома билан белгиланган қарздор мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда кредиторга тўлаши шарт бўлган пул суммасига айтилади. Бунда тарафлардан бири шартномага асосан қўйилган шартни бажармаган тақдирда жарима тўлашни ўз зиммасига олади. Кредитор учун бунинг икки томонлама фойдаси бўлган:

биринчидан, бу билан шартноманинг бажарилиши таъминланган;

иккинчидан, унга етказилган зарар қопланган.

Юстиниан дигестларида бу жаримани тўлашга мажбур қилиш мумкин эмаслиги тўғрисида кўрсатмалар берилган. Аммо бу одат мажбуриятни бажармаган қарздорларга нисбатан қўлланаверган.

Мулоҳаза юритиш учун саволлар ва масалалар

1. Мажбурият тушунчасини изоҳланг.
2. Мажбуриятлар қандай турларга бўлинади?
3. Мажбуриятлар қандай асослардан келиб чиқади?
4. Юридик фактлар қандай маънони билдиради?
5. Новация тушунчаси қандай маънони билдиради?

¹⁴ Брагинский М.И., Витрянский В.В. Договорное право. Ч.1. – М.: Статут, 1999. –492 с.

6. Мажбуриятларда «Кауза» деганда қандай муносабатлар тушунилган?

7. Мажбуриятларни бажариш муддати қандай белгиланган?

8. Мажбуриятларнинг бажарилишини таъминловчи қандай усулларни биласиз?

9. Натурал мажбуриятларга таъриф беринг.

10. Альтернатив ва факултатив мажбуриятларнинг фарқи нималардан иборат?

11. Фуқаро **Луций** қаттиқ қўрқув ва зўрлик таъсири остида ўзи учун фойдаси бўлмаган битим тузишга мажбур қилинди ва бунинг натижасида битим тузилди. Ушбу битимни тузишга мажбур қилган айбдор аниқлангандан сўнг унга нисбатан етказилган зарарни тўлаш учун айбдорга тўрт баравар миқдорда жарима солинди. Битим тузилган вақтида ҳақиқий саналганми? Қаттиқ қўрқиш ёки зўрлик деганда нималар назарда тутилмоқда? а) ҳаётдан жудо бўлиш; б) ота-оналарга бўлган ҳурматни йўқотиш; в) қўшнилари олдида беҳурмат бўлиш; г) яқин қариндошларидан жудо бўлиш.

12. Рим давлатидаги кичик шаҳарлардан бирига қочоқ қуллар тўдасининг ҳужум қилиши натижасида маҳаллий меҳмонхонага ўт қўйиб талаб кетилди. Меҳмонхона хўжайини бахтли тасодиф туфайли тирик қолди. Унга нисбатан меҳмонхонада тўхтаган ва мулкларидан айрилган шахслар томонидан етказилган зарарни тўлаб бериш учун даъволар қўзғатилди. Бу даъволар ҳуқуқий асосга эгами? Бу муаммони ҳал қилинг?

IX-БОБ. ШАРТНОМАЛАРНИНГ АЛОҲИДА ТУРЛАРИ

- 1-§. Вербал шартномалар
- 2-§. Литерал шартномалар
- 3-§. Реал шартномалар
- 4-§. Консенсуал шартномалар
- 5-§. Номсиз шартномалар ва пактлар
- 6-§. Шартномаларга ўхшаш ҳаракатлар асосида мажбуриятларнинг келиб чиқиш асослари
- 7-§. Ҳуқуқни бузиш асосида ва ҳуқуқни бузишга ўхшаш асосда келиб чиқадиган мажбуриятлар

1-§. Вербал шартномалар

Вербал шартномалар шартномалар ичида энг қадимий шартномалардан бири ҳисобланади. У одатда оғзаки келишув кўринишида бўлиб, белгиланган сўзларни ифодалаш йўли билан ҳуқуқий кучга эга бўлган. Шартнома тузиш учун стипуляцияни амалга ошириш вербал шартномаларнинг асосий кўринишидир. Агар берилган савол қисман жавобни ифодаловчи мазмун касб этиб, савол билан жавоб ўзаро мутаносиб бўлса, бундай оғзаки шартнома, яъни масалан: «200 сестерций беришга ваъда берасанми?» деган саволга «Ваъда бераман» деган жавоб бўлса, у ҳолда стипуляция амалга оширилди деб ҳисобланган. Агар мабодд «200 сестерций беришга ваъда берасанми?» деган саволга «100 сестерций бераман» ёки «билмайман» деган мавҳум жавоб бўлса, бундай ҳолатда шартнома тузишда стипуляция амалга ошмаган ҳисобланади. Империя даврида стипуляцияни амалга ошириш анча заифлашиб қолди. Савол-жавоб шаклининг қандай кўринишда бўлишидан қатъий назар, стипуляция ҳақиқий деб ҳисобланган. Стипуляция нафақат латин тилида балки бошқа тилларда ҳам амалга оширилган. Республика тугатилаётган даврдан бошлаб, стипуляция ўзининг соф оғзаки шартнома сифатидаги қийматини йўқотиб, ёзма акт сифатида расмийлаштирила бошланган. Шу йўсинда стипуляция ёзма равишдаги шартнома қиёфасини касб этган. Машҳур ҳуқуқшунос Павелнинг эътирофи этишича: «Агар ҳужжатда кимдир ниманидир кимгадир ёзма равишда ваъда қи-

лган бўлса, у ҳолда бу саволга муносиб жавоб бўлиши шарт деб ҳисобланган». Стипуляция мажбурияти бир томонлама бўлган, яъни бир томон фақат ҳуқуққа иккинчи томон эса ваъда қилинган вазифани бажариш мажбуриятига эга бўлган. Ҳакам қарздорнинг ваъдасини мазмунига ўзича ўзгартиришлар кирита олмаган. Мавҳум шартномани амалга ошириш асосида ҳам стипуляция мавжуд бўлган. Бу шуни англатадики, зарурий савол-жавоб ўтказилганда ҳеч ким мажбурият асосини ва келишув мақсадини изламаслиги керак. Стипуляциянинг бундай мавҳум характери ҳар қандай муносабатлар бўйича мажбуриятларни амалга оширганлар учун қулай бўлиб, стипуляциянинг бундай шакли ашё харид қилганда тўловни амалга оширишда ҳамда қарз мажбуриятини олганда ҳам анчагина қўл келган. Мажбуриятлар бажарилмай қолган ҳолда жавобгарни аниқлашда (масалан: «Агар белгиланган муддатга уйни бўшатмасанг 100 сестерций (ҳақини) тўлашни ваъда қиласанми?») ҳам стипуляция қўлланган. Стипуляциядан новацияни амалга оширишда (аввалдан мавжуд мажбуриятларни тугатиб, унинг ўрнига стипуляция йўли билан кейин юзага келган янгиси билан алмаштириш) ҳам фойдаланилган. Стипуляциявий келишув қарздордан мажбуриятларга сўзсиз итоат қилишни талаб қилган. Ҳатто салгина эҳтиётсизлик оқибатида ҳам қарздор жавобгар ҳисобланган. Вербал шартномаларга стипуляциядан ташқари озод этилган қулнинг ўз хўжайинига берган ваъдаси ҳамда янги оила қураётганда келинга сеп бериш мажбуриятлари ҳам кирган. Озод этилган қулнинг ўз хўжайинига берган ваъдаси – озод этилган қулларнинг мажбурияти бўлиб у ўзининг аниқ мажбуриятларини собиқ хўжайини манфаати учун унинг фойдасига бажариши шарт. Одатда бу ваъда озод этилган қул томонидан қасамёд шаклида берилган. Янги оила қураётганда сеп бериш мажбуриятлари келиннинг отаси ёки келиннинг ўзи ё бўлмаса келиннинг қариндошлари томонидан овзаки йўл билан белгиланган.

2-§. Литерал шартномалар

Литерал шартномалар – шартнома тузишда вужудга келган ва вербал шартномалардан фарқли равишда фақат ёзма шаклини талаб қилувчи келишувдир.

Республика тугатилаётган даврда литерал шартноманинг илк шаклларида бири крим-чиқимни журналга қайд этиш вужудга келди. Бу шакл қандайдир янги, илк бора вужудга келган мажбурият эмас эди. Бу мажбурият илгари мавжуд бўлган бошқа асосдаги мажбуриятни мазмунан алмаштираган, масалан харид асосидаги қарздорликни. Агар қарздорга берилган пулнинг миқдори кредиторнинг китобига қайд этилган бўлиб, қарздор ҳам ўз бурчини тан олиб, китобига кредитордан олинган пул миқдорини қайд этган бўлса, бундай ҳолатда юқорида айтилганидек литерал шартнома тузиш ўринлидир. Империя даврида (тахминан III асрларда) мазкур шакл ўз аҳамиятини йўқотди.

Крим-чиқимни китобга қайд этиш ўрнига қарздорлик ҳужжатлари – синграфлар ва хирографлар вужудга келди. **Синграфлар** – ёзма мажбурият кўринишидаги қарздорлик тилхати бўлиб, у фоизга қарз олиш замирида вужудга келди. Синграфлар учинчи шахс томонидан қуйидагича баён қилинган: «Тиций Лейга 100 сестерций¹⁵ қарз». Бундай қарздорлик тилхатлари гувоҳлар иштирокида тузилиб, қарздорлар томонидан имзоланган.

Хирографлар – империя даврида синграфлар ўрнига вужудга келган ёзма равишдаги қарздорлик мажбуриятидир. Хирографлар гувоҳлар имзосини талаб қилмаган ва биринчи шахс томонидан қуйидагича тузилган: «Мең, Тит Лейдан 100 сестерций қарзман».

3-§. Реал шартномалар

Реал шартномалар маҳсулот олди-сотдиси пайтида, бир вақтнинг ўзида вужудга келган. Реал шартномаларга қарз, ссуда, омонат сақлаш ҳамда гаров шартномалари киради.

¹⁵ Сестерций – ўша даврдаги Римдаги пул бирлиги.

Қарз шартномасига мувофиқ бир томон (қарз берувчи) иккинчи томонга пул маблағи ёки белгиланган хусусиятидан келиб чиқиб бошқа маҳсулотни берган, қарз олувчи эса шартномада кўрсатилган муддат тугагач шартномада белгиланган миқдордаги пул маблағи ёки олинган маҳсулотга ўхшаш ўша хилдаги бошқа маҳсулотни ўшанча миқдорда тўлаган.

Қарз шартномасининг характерли жиҳатлари қуйидагилардан иборат бўлган:

биринчидан, қарз – реал шартнома бўлиб, томонларнинг ўзаро келишувидан сўнг маҳсулот айирбошланаётган пайтдан бошлаб ҳуқуқий кучга эга бўлган;

иккинчидан, миқдор, вазн ва ўлчам жиҳатдан бир хил белги хусусиятига эга бўлган маҳсулотлар қарзга берилган;

учинчидан, қарз берувчи маҳсулотни қарз олувчининг шахсий ихтиёрига, кейинчалик ундан эркин фойдаланиши учун берган;

тўртинчидан, шартнома муддати тугагач қарз олувчи ўшанча миқдордаги бир хил хусусиятга эга бўлган маҳсулотни қайтариши зарур бўлган.

Олинган қарзни қайтариш муддати шартномада (шартномадаги муддат аниқ сана билан кўрсатилган ёки қарз берувчининг талабига кўра) белгиланган. Қарзга олинган маблағ учун фоиз белгиланмаган. Бироқ, амалда фоизлар белгиланган алоҳида вербал ёки стипуляцион шартномалар тузилган. Белгиланган фоизлар миқдори турлича бўлган. Фоизнинг энг кўп миқдори мумтоз даврда бир ойда бир фоизни, Юстиниан даврида эса бир йилда олти фоизни ташкил этган. Фоиз устига фоиз қўшиш таъқиқланган. Мазкур шартнома бўйича маҳсулот олди-сотдиси ўтказилгач, маҳсулотнинг ҳолатига жавобгарлик қарз олувчининг зиммасига юкланган. Одатда, қарз олувчи қарзни ундираётганида тилхат ёзиб кредиторга берган, баъзан қарзга олинган маҳсулотини қайтаргунига қадар берган. Кўпинча бу шунга олиб келганки, қарз берувчи шартномада белгиланган маҳсулотни бермаган, бироқ унинг ўрнига маҳсулот ёки пул тўлашни қарз олувчидан талаб қилган. Шу каби далиллар оммавий тус олганда, бундай масъулиятсиз кредиторга қарши қарздор претордан ёрдам олиш ҳуқуқини қўлга киритди. Бундай

жабрдийда қарздор биринчи бўлиб масъулиятсиз кредиторга қарши даъво қўзғатиш ҳуқуқига эга бўлди. Агар кредитор пул бердим деб аслида бермаган пулини қарздордан даъво қилса, жавобгарга инкор этиш (*exceptio doli*) ҳуқуқи берилган, бу эса ўта оғир масъулиятсизликда айблаш деб саналган.

Ссуда шартномасига мувофиқ бир томон (ссуда берувчи) нинг иккинчи томон (ссуда олувчи) га белгиланган ашёдан якка тартибда вақтинча беғараз фойдаланиш мажбуриятини бе-ради, ашёдан фойдаланиб бўлгач иккинчи томон ҳам худди ўша ашёдан фойдаланиши мумкин.

Худди қарз шартномаси каби ссуда шартномаси ҳам реал шартномадир, бу шартноманинг мажбуриятлари ашёни ссуда олувчига берилгандан сўнг амалга оширилган. Агар қарз шартномасида ўзининг маълум хусусиятга эга ашёлар билан олди-берди қилинган бўлса, ссуда шартномасида якка тартибдаги ашёлар билан олди-берди қилинган. Бу ашёларни ссуда олувчи ссуда берувчига албатта қайтариши зарур эди. Агар қарз шартномасида ашё хусусий мулк сифатида берилган бўлса, ссуда шартномасида эса предмет беғараз фойдаланиш учун вақтинча берилган шартномада белгиланган муддат тугагач, ссуда олувчи ашёни бус-бутун ҳолда қайтаришга мажбур бўлган. Агар қарз шартномасида бир томоннинг мажбуриятга эгалиги кўрсатилган бўлса (қарз берувчининг ҳеч қандай мажбурияти бўлмай, фақат талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлган) ссуда шартномасида эса бир томонлама эмас, балки унда ссуда берувчи зиммасидаги у ёки бу мажбурият кўрсатилган. Бу эса ўз навбатида ссуда олувчини олган ашёси орқасидан зиён кўришга масала, ссуда берувчи подани заҳарлаётган касал чорвани ёки даволашга муҳтож бўлган касалманд қулни берган ҳолларда унинг аҳволини яхшилаш учун катта сарф-харажат қилишига олиб келади. Бироқ, агар ссуда шартномасида қинғирликлар мавжуд бўлса-ю ундан ссуда берувчи беҳабар бўлса, бундай ҳолатда у ҳеч қандай жавобгарликка тортилмайди. Ниҳоят, агар қарз шартномасида олинган ашёнинг тасодифан ҳалокатга юз тутишида айбдорликни қарз олувчининг зиммасига юклаган бўлса, ссуда шартномасида эса айбдорликни ссуда берувчи зиммасига юклаган. Айни пайтда ссуда шартномасига кўра

ссуда олувчининг зиммасига ашёни эҳтиёт қилиб сақлашнинг қатъий мажбурияти юкланган. Ашёга ссуда олувчи томонидан ҳатто арзимас даражада шикаст етказилган ҳолда ҳам у етказилган зарар учун товон тўлашга мажбур бўлган. Қонун фойдаланувчининг ашёдан шикаст етказмай, эҳтиёткорлик билан авайлаб фойдаланишини талаб қилган.

Ссуда берувчи етказилган зиён учун ссуда олувчига нисбатан даъво қўзғатиш ҳуқуқига эга бўлган. Ссуда берувчининг даъвоси *ctioп commodati directa*, яъни ссудадан тўғридан-тўғри, асосий даъво деб аталган, ссуда олувчининг даъвоси эса – *actioп commodity contaria* (қарама-қарши юзага келиши мумкин бўлган ва бўлмаган тўқнашув даъвоси) деб аталган.

Омонат сақлаш шартномасига мувофиқ бир шахс (сақловчи, депозитарий) бошқа бир шахс (юк топширувчи, депонент) дан якка тартибда юк қабул қилиб олгунига қадар бу юкни беғараз сақлаб бериш мажбуриятини олади ва сақлаш муддати тугагач, юкни юк топширган шахсга бус-бутун, бешикаст ҳолда қайтаради.

Бу шартноманинг хусусиятлари қуйидагича:

Биринчидан, бу аниқ шартнома бўлиб юк топширилган заҳотиёқ мажбуриятлар юзага келади.

Иккинчидан, шартнома предмети якка тартибда белгиланган ашё бўлиб сақлаш муддати тугагач мазкур ашё ўз эгаси (депонент)га қайтарилиши шарт.

Учинчидан, омонат сақлаш шартномаси – беғараз шартнома бўлиб юкни сақловчи ўзига топширилган ашёни худди ҳақиқий эгасидек авайлаб сақлаши лозим. Агар мабодо эҳтиётсизлик оқибатида юк сақловчи ашёга қўполлик билан шикаст етказган ҳолда унга жавобгар бўлади. Юрист Гайнинг эътирофи этишича, юк сақловчи (депозитарий) қандай одам билан шартнома тузаётганини яъни, ҳалол виждонли инсонми ёки нопок фирибгарми – бунинг яхши тушуниши зарур.

Бу қоида икки ҳолатда истисно қилиниши мумкин.

1. Юк сақловчининг ўзи юкни сақлаш учун ёрдамга муҳтож бўлса (ашёга шикаст етса, йўқолса ёки ҳатто салгина эҳтиётсизлик қилиб уни авайлаб сақламаса бунинг учун жавобгар саналган);

2. Ашё олди-сотдиси фавқулодда ҳолатларда, масалан ёнғин пайтида ўтказилса.

Охириги ҳолат бўйича юк сақловчининг масъулияти янада ортиб, у ашёга етказилган шикаст учун юк топширувчи олдида икки баробар жавобгар саналган. Ульпиан айтганидек, бундай ҳолатда юк топширувчи ўзига депозитарий танлаш имкониятига эга бўлмасдан, таваккал қилишдан ўзга чораси қолмаган.

Тўртинчидан, мазкур шартномага мувофиқ ашёни маълум муддатга ёки зарурат туғилса олингунига қадар топширилиши мумкин бўлган. Ниҳоят, ссуда шартномаси каби омонат сақлаш шартномасида ҳам ҳимоядаги юкни тўғридан-тўғри юк топширувчи **action directa** даъвосига кўра қайтариш талаби қўйилади. Агар юк топширувчи топшираётган ашёсини шикастланганлигини ўзи билмаган ҳолда юк қабул қилувчига топшириб унга зарар етказса, бундай ҳолатда юк қабул қилувчига юк топширувчига нисбатан етказилган зиённи қоплаш учун **action depositi contraria** даъво қилиш ҳуқуқи берилган.

4-§. Консенсуал шартномалар

Консенсуал шартномалар – бу шундай шартномаки улар томонларнинг оддий келишуви, яъни консенсус натижасида юзага келади. Бундай шартномаларга жумласига олди-сотди, пудрат, мулк ижараси, ширкат, топшириқ ва бошқа шартномалар киради.

Олди-сотди шартномаси воситасида бир томон (**сотувчи**) иккинчи томон (**харидор**)га ашёни тақдим этиши, харидор эса ўзи харид қилган мол-мулкни учун маълум пул маблағини тўлаш мажбуриятини олади. Мазкур шартноманинг фарқли томони шундаки, унда товар ва унинг нақд тўлов нархи акс этади.

Олди-сотди шартномасининг предмети яқка ҳолдаги муомаладан олинмаган, имкон қадар жонли нарсалар бўлган. Рим ҳуқуқи табиатда ҳали мавжуд бўлмаган, масалан, эндигина униб чиқаётган ҳосилни ҳам савдога қўйишга рухсат берган. Бундай шартнома маълум муддатга кечиктирилиб ҳосил йиғимидан кейин имзоланган. Жонли бўлмаган маҳсулотлар ҳам олди-сотди шартномасининг предмети ҳисобланган.

Нархлар аниқ белгиланган пул миқдорида ифодаланган бўлиб, у ашёнинг ҳақиқий қийматига мувофиқ бўлиши зарур эди. Мазкур шартномада худди икки томонлама келишувдагидек сотувчининг мажбуриятлари ҳам белгиланган. Сотувчи ашёни харидорнинг мулки сифатида беришга мажбур эди. Бунда ашё яроқли ҳолатда бўлиши зарур эди. Қадимги Рим ҳуқуқи қонунлар тўпламига мувофиқ сотувчи ашёнинг камчилигини билса-ю бу ҳақда айтмаса, у жавобгар саналган. Шунингдек сотувчи харидорга аслида йўқ бўлган (аслида мавжуд бўлмаган ашёнинг сифатига кафил бўлса ҳамда гарчи ашёнинг камчилиги бўлса-да, камчилиги йўқ деб ишонтирса) нарсани ваъда қилса ҳам жавобгарликка тортилган.

Курул эдиктлари киритган қоидага мувофиқ сотувчи харидорга ишга ёллаш учун сотилаётган қулни ёки сотилаётган чорванинг камчилиги тўғрисида хабардор қилишга мажбур эди. Агар ашёнинг камчилиги топилса, сотувчи ашё нархига икки баробар ҳақ тўлашга мажбур бўлар эди. Даъвонинг икки хил тури мавжуд эди:

биринчиси – олти ойлик синов муддати билан – шартномани бекор қилиш тўғрисидаги,

иккинчиси – бир йиллик даъво муддати билан – харид нархини қисқартириш тўғрисидаги.

Вақт ўтиши билан сотувчи ашёнинг олдиндан ўзи билмаган камчиликлари учун жавоб берган.

Сотувчи ашёсини сотаётган пайтда харидорнинг талабига мувофиқ эвикция ҳолатида харид нархининг икки баробари миқдорида тўлашнинг стипуляцион мажбуриятини ўз зиммасига олади. Баъзан шундай бўладики ашёни мулкнинг шахсий эгаси сотмайди. Бундай ҳолатда мулк эгаси ёки унинг вакили харидорга одатдаги мулкий даъвони қўзғашни мумкин. Шунинг учун қонун харидорга сотувчидан эвикция ҳолатида кафолат талаб қилиш ҳуқуқини берган. Агар сотувчи шундай кафолат беришдан бош тортса, у ҳолда харидор бевосита олди-сотди шартномаси бўйича даъво қилиб арз қилиши мумкин.

Агар шартнома тузилаётган пайтда томонлар бошқа қоидаларга риоя қилмаса ашёнинг тасодифий нобуд бўлиши учун жавобгарлик масъулияти харидор зиммасига юкланар эди.

Рим ҳуқуқида ёллаш шартномасининг уч хил тури мавжуд эди: ашёларни ёллаш, хизматга ёллаш ва ишга ёллаш.

Ашёларни ёллаш шартномаси бир томонга (ёлланган), зарур ашёларни иккинчи (ёлловчи) томонга вақтинчалик фойдаланишга бериш, бошқа томонга эса мазкур ашёлардан фойдалангани учун ҳақини тўлаш ва белгиланган муддатда уни қайтариш мажбуриятини белгилайди.

Ёлланган томоннинг мажбуриятлари:

биринчидан, якка тартибда белгиланган ашёни (ҳаракатдаги ёки ҳаракатсиз) вақтинча фойдаланишга ёлловчига бериш;

иккинчидан, ашёни тўла яроқли ҳолда тақдим этиш;

учунчидан, зарур ҳолларда ёлловчига ёрдам кўрсатиш;

тўртинчидан, агар ёлланган томоннинг айби билан ашёда бирор камчилик топилса, ёлловчига етказилган зиён бошқа харажатлар ўрнини қоплаш учун ҳақини тўлаши (бинобарин, ёлланган томон ҳар қандай айб учун жавобгар ҳисобланган);

бешинчидан, топширилган ашёлар учун солиқлар ва бошқа тўловларни тўлаш.

Агар фойдаланиш жараёнида ашё яроқсиз ҳолга келтирилса ва бунда ёлланган томоннинг айби бўлмаса, у ҳолда у ёлловчининг олдида жавобгар саналмаган. Бироқ ёлланган томон ашёнинг яроқсиз ётган вақти учун ёлловчидан ёлланма товон тўлашни талаб қилишга ҳаққи бўлмаган. Шунинг учун бундай ҳолатда бутун масъулият ёлланган томоннинг зиммасида бўлган.

Ёлловчи томоннинг мажбуриятлари:

1) ёллов тўловини тўлаш;

2) ёллаган ашёсига зиён етказмаган ҳолда мўлжаллаган хўжалик юмушида фойдаланиш;

3) шартнома муддати тугагач ашёни эгасига бус-бутун ва яроқли ҳолда қайтариш.

Одатда ёллов тўлови белгиланган пул маблағи билан ифодаланган, аммо ер участкасининг ижара шартномасида эса тўловни натура (буғдой ёки маҳсулот) билан қайтариш ҳам мумкин бўлган. Умумий қоидага мувофиқ ёллов тўлови маълум вақт оралиғида тўланиши мумкин бўлган. Агар бу тўлов олдиндан ёки шу давр мобайнида тўлаб қўйилган

бўлса-ю, ёлловчи ашёдан фойдалана олмаган бўлиб, бунда унинг айби бўлмаса, у ҳолда ёлловчига ёллов тўловини қайтариб олишни талаб қилиш ҳуқуқи берилади. Қишлоқ хўжалик ерларини ижарага олишда қўйидаги қондаларга риоя қилинган:

1. Агар тасодифий табиий офатлар оқибатида ҳосил яқсон бўлса, ёлловчи ёллов тўловини тўламайди;

2. Ҳосил яхши бўлмаган йилларда ерни ижарага берувчи ижара тўловини қисқартириши керак эди, ҳосил яхши бўлмаган йил учун эса кейинги, ҳосил яхши бўлган йилларда ёллов тўловини қоплаш учун ундириб олиш мумкин.

Ёллов шартномасига мувофиқ ёлловчи ёллаган ашёсини бошқа шахсга ёллаб олишга беришга ҳақли (агар шартномада бошқача ҳол назарда тутилмаган бўлса). Бироқ бу асосий шартнома мажбуриятларини бекор қила олмайди.

Шартномани қўйидаги ҳолларда тугатиш мумкин бўлган:

1) шартнома муддати тугагач;

2) ижарага ёлловчи ижара тўловини икки йил ичида тўламаган ҳолатда;

3) ёлловчи ёллаган мулкни суистеъмол қилса (агар уни ишдан чиқарса);

4) агар тақдим этилган ашё фойдаланишга яроқсиз бўлса ёки ундан фойдаланишда бирор жиддий хавф туғдирса;

5) агар ёлланган ашё биринчи томонга зарур бўлиб қолса.

Агар ашё ўз вақтида қайтарилмаса, ёлловчи шартномадан воз кечиши мумкин. Томонлардан бирининг ўлими ҳам ёллов шартномасини тугатишга олиб келган.

Хизматга ёллаш шартномасига кўра бир томон (ёлланган) иккинчи томон (ёлловчи) фойдасига белгиланган хизматни кўрсатиш мажбуриятини бажариши, иккинчи томон (ёлловчи) эса кўрсатилган мазкур хизматлар учун белгиланган тўлов билан рағбатлантириш зарур эди.

Мазкур шартнома маълум ва номаълум муддатга тузилиши мумкин. Ёлловчи ёлланувчига шартлашилган тўловни тўлаши шарт эди. Тўлов вақт ўтиши билан яъни, таъмирлаш тугагач амалга оширилган.

Қуйидаги ҳолатларда ёлланувчини рағбатлантиришдан бош тортилган:

а) ёлланувчининг айби билан хизмат кўрсатилмаса;

б) ёлланувчи касаллиги туфайли хизмат кўрсата олмаса.

Агар ёлловчининг айби билан ёлланувчи хизмат кўрсата олмай қолган бўлса, уни рағбатлантирмай қолиш мумкин эмас эди. Агар ёлловчи вафот этган тақдирда ҳам ёлланувчи ўз меҳнатига яраша рағбатлантирилиши шарт эди.

Пудрат шартномасиги кўра бир томон (**пудратчи**) иккинчи томон (**буюртмачи**) фойдасига белгиланган вазифани бажариш, буюртмачи эса бу меҳнат учун пудратчига белгиланган пул маблағини тўлаб рағбатлантириш мажбуриятини олган эди.

Пудрат шартномаси ёллов шартномасидан фарқли равишда кўрсатилган хизматлар билан эмас, балки бу хизматларнинг натижаси билан боғлиқ эди, яъни, буюртмачи учун ишнинг қай йўсинда бажарилишидан кўра унинг натижаси муҳимроқ эди. Мазкур шартнома олди-сотди шартномасидан нимаси билан фарқ қилган? Бу хусусда ҳуқуқшунослардан бири Сабин қуйидагиларни эътироф этади: «Агар бирор киши заргарга узук ясаб беришни буюрса-ю, тилла бермасдан фақат пулнинг ўзини берса бу олди-сотди ҳисобланади. Бироқ, кимдир ўзига уй қурдириш учун бирор шахсга қурилиш ашёларини тақдим этса бу пудратдир».

Пудратчининг мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:

биринчидан, ишни юқори сифатли қилиб бажариб, белгиланган муддатда топшириш;

иккинчидан, ҳар қандай масаладаги, ҳатто шахсий айбларга ҳам жавобгарлик;

учунчидан, ўзига тегишли бўлган бошқа шахсларнинг ҳам айбига жавобгарлик.

Агар буюртмачи ҳеч бир сабабсиз пудратчидан бажарилган ишни қабул қилиб олишдан бош тортса, у ҳолда буюртмачи пудратчига шартномада белгиланган ҳақни тўлаб рағбатлантириши шарт.

Ширкат шартномаси. Ширкат шартномасига кўра икки ёки ундан ортиқ шахс хўжалик бўйича маълум бир мақсадга эришишни кўзлаб бирлашадилар.

Ширкат моҳиятан қуйидаги мезонларга асосланган: шериклар кўзлаган жамиятга наф келтирувчи, қонун доирасидаги аниқ мақсад, умумий манфаатни ифодаловчи ва мақсадга эришишга қаратилган доимий келишувлар, мулкый ҳамжиҳатлик, фойда ва зиён кўришда шерикларнинг тенг иштироки.

Мулкый ҳамжиҳатлик масаласи эътиборга моликдир. Шериклар барча мулкни ўртада тақсимлашни белгилашлари мумкин, натижада қўшган улушлари ҳамда кейинчалик қўлга киритган мулклари ҳам ўртада тенг тақсимланган. Шериклардан ҳар қайсиси улуш сифатида қўшган мулкига ўзининг якка ҳолдаги эгаллик ҳуқуқини сақлаган ва ўз мулкни ширкат кўзлаган мақсадга эришиш учун умумий фойдаланиш учун қўшган. Бундай ҳолатларда шерикларнинг ширкатдан чиқишида қўшган улуши қайтарилган. Қўшилган улушнинг бир хил миқдорда бўлиши зарур ҳисобланмаган.

Шерикларнинг ҳар қайсиси пул, мулк ёки ўзининг касбий билимини улуш сифатида қўшиши мумкин бўлган. Умумий қоидага кўра қўлга киритилган фойда шерикларнинг ҳар қайсисига тенг тақсимланган, етказилган зиён учун ҳам шерикларнинг ҳар қайсиси тенг жавобгар ҳисобланган. Лекин, тақсимотнинг бошқачароқ шакллари ҳам мавжуд бўлган. Унда шериклардан бири тушган фойдадан кўпроқ улуш олиб, кўрилган зиёнга камроқ ҳисса қўшган шароитларда ҳам шартномалар имзоланган. Бироқ, шериклардан бирига фақат зиён келтириш, бошқасига эса фойда келтириш қатъиян таъқиқланган.

Улуш сифатида умумий мулкка қўшилган ашёнинг тасодифий касодга учраш хавфи шерикларнинг барчасига дахлдор бўлган. Якка ҳолдаги ашёларнинг яратилиш белгисидан келиб чиқиб умумий мулкка қўшилиши шартнома имзоланган пайдан бошлаб кучга кирган. Иш давомида мулкни йўқотиш хавфи барча шериклар зиммасига тушган. Шериклар умумий хўжалик ишини ҳамжиҳатлик билан олиб боришлари зарур эди: умумий ишга ўз ишлари ва мулкларидан ҳам яхшироқ муносабатда бўлишлари керак эди.

Шериклардан ҳар бири у ёки бу ишни бажарганида мустақил ҳаракат қилган, пул маблағи, буюмлар ва ҳ.к.лар олган. Бироқ у

олган бу нарсаларини ўзига ўзлаштирмаган, шериклари билан йўлга қўйган умумий ишига қўшган

Ширкатнинг ҳар бир аъзосига бошқа шерикларига нисбатан даъво ҳуқуқи – **action pro social** берилган. Даъво аъзолардан қай бирига тегишли бўлса бу унинг обрўсини туширган.

Ширкат шартномаси белгиланган муддатга ҳамда муддати кўрсатилмаган ҳолда ҳам тузилиши мумкин. Муддати кўрсатилмаган шартнома шериклардан ҳар бирига ҳеч бир тўсиқларсиз ундан воз кечиш ҳуқуқини берган.

Ширкат шартномаси қуйидаги ҳолларда тугатилган:

биринчидан, шериклардан бирининг шартнома муносабатларида қолишдан бош тортган ҳолда;

иккинчидан, шериклардан бирининг ҳуқуққа эгаликдан маҳрум бўлганида ёки вафот этганида;

учинчидан, ширкат тарқалиб кетган ҳолда;

тўртинчидан, ширкат инқирозга учраганида;

бешинчидан, ширкат тузилганда белгиланган муддат тугаган ҳолда.

Топшириқ бериш шартномаси бир шахснинг (ишонч билдирувчи – манданс) иккинчи шахс (ишонччи оқловчи – мандатарий)га топшириқ беради ва у бу топшириқни беғараз бажариши зарур.

Мазкур шартноманинг ҳақиқийлигини тасдиқлаш учун қуйидагилар талаб қилинган:

- илтимоснинг қонунга зид эмаслиги;
- ишонч билдирувчининг, учинчи шахс ва ҳатто топшириқ олган шахснинг манфаати.

Шартнома предмети сифатида юридик ҳаракатлар (битим тузиш ва ҳ.к.) сингари далилий характерга эга бўлган хизматлар (тузатиш, масалан кийим, пойафзал ва ҳ.к.) кўрсатиш йўлга қўйилган. Шартноманинг эътиборга молик жиҳати унинг беғаразлигидир. Бироқ, айрим ҳолатларда топшириқ баъзи ташвишлар билан боғлиқ бўлса ижрочига гонорар берилиши керак эди.

Топшириқ олган шахснинг мажбуриятлари берилган топшириқни аниқ ва ҳеч бир ўзгартиришларсиз бажаришдан иборат эди. Мандатарий топшириқни бажара олмай қолади-

ган ҳолатларда у топшириқ берувчига бу ҳақда хабар қилиши зарур эди. Акс ҳолда у топшириқ берувчининг олдида етказган зиённи учун жавобгар саналар эди. Топшириқ олган шахс топшириқни бажариш мақсадида жалб этилган учинчи шахс учун ҳам жавобгар бўлган.

Топшириқ олган шахс топшириқни бажариш пайтида етказган зиённи, шу жумладан унинг ҳаракатида йўл қўйилган ҳар қандай айб ва хато учун топшириқ берувчи олдида жавобгар саналган. Топшириқни ижро этиш пайтида топшириқни бажарувчи шахс бажарилган ишнинг барчасини топшириқ берувчи шахсга топшириши зарур эди. Булар жумласига топшириқ берувчининг қаздорларидан ундириб олинган, тасодифан унинг учун келиб тушган мевалар, ҳужжатлар ва бошқалар киреди.

Топшириқ берувчининг топшириқни бажарувчи олдидаги мажбуриятлари топшириқни бажариш пайтида юзага келган тақчиллик ва зиёнлар ўрнини тўлатишдан иборат эди. Шунингдек, топшириқ берувчининг ўз айби билан етказилган зиённинг ўрнини ҳам топшириқни бажарувчи тўлатиши керак бўлган. Бироқ, топшириқ ижроси пайтида юзага келган тасодифий зиён йўл-йўлакай тўлатиб борилган.

Шартнома қўйидаги ҳолатда тугатилиши мумкин:

биришчидан, топшириқ берувчи (топшириқни бажарувчи топшириқни бажариб бўлган бўлса) ижрони қабул қилиш йўли билан ва топшириқни бажарувчи билан ҳисоб-китоб қилиб бўлгач;

иккинчидан, топшириқни бажарувчи томонидан (агар топшириқни бажарувчи топшириқ берувчига) ноқулай бўлган пайтда, бевақт шартнома ижросидан бош тортса;

учинчидан, топшириқни бажарувчи ҳеч бир огоҳлантиришсиз топшириқ берувчини ночор аҳволда қолдириб унга зиён етказса;

тўртинчидан, топшириқни бажарувчи топшириқ берувчига етказган зиённи қоплаганида;

бешинчидан, томонлардан бири вафот этса.

5-§. Номсиз шартномалар ва пактлар

Хўжалик ҳаёти ривожлана бошлаган даврлардан илгари Рим давлатида ҳукм сурган қатъий чекланган шартнома тизими барҳам топа бошлади. Илгари йўлга қўйилган шартномалар тизими доирасидан ташқарида янги шартномалар вужудга келди. Булар ҳеч қандай аталмайдиган шундай шартномалар, яъни номсиз шартномалар эди. Тўғри, уларнинг айримлари ном олишга муваффақ бўлган (бу айирбошлаш шартномаси, баҳолаш шартномаси). Шунга қарамай, улар тўрт гуруҳга оид шартномаларнинг ҳеч бирига мансуб эмас эди.

Юстиниан дигестларида номсиз шартномалар тўрт гуруҳга бўлинган:

1) **Мен сенга ашёга эгалик қилиш ҳуқуқини бераман, бунинг эвазига сен менга бошқа ашёга эгалик қилиш ҳуқуқини берасан;**

2) **Мен сенга ашёга эгалик қилиш ҳуқуқини бераман, бунинг эвазига сен менга бошқа бирор жиддийроқ хизмат кўрсатасан;**

3) **Мен сенга бирор жиддийроқ хизмат кўрсатаман, бунинг эвазига сен менга зарур ашёга эгалик қилиш ҳуқуқини берасан;**

4) **Мен сен учун зарур хизмат кўрсатаман, бунинг эвазига сен мен учун зарур бўлган бошқа бирор жиддийроқ хизмат кўрсатасан;**

Номсиз шартномалар Юстиниан кодификациясига асосан 4 та ҳаракат билан боғлиқ бўлган:

1. **Мен бераман, сен ҳам беришинг керак – до ут дес;**

2. **Мен бераман, сен ҳаракат қилишинг лозим – до ут фациас;**

3. **Мен ҳаракатни амалга ошираман, сен уни беришинг керак – фацио ут дес;**

4. **Мен ҳаракатни содир этаман, сен ҳам ҳаракат қилишинг керак – фацио ут фациас, «Бераман» сўзи мулкни ўтказаман деган маънони, «ҳаракат» сўзи эса «хизмат ва ҳаркатларни» англатади.**

Номсиз шартномаларнинг юридик кучи шундан иборат эдики, унда биринчи томон мажбуриятни бажарса-ю бошқа томон асоссиз равишда ижродан воз кечса, бу ҳолда биринчи томон бошқа томонга нисбатан ижрони қайтариш учун кондикцион даъво қўзғатиш ҳуқуқига эга эди.

Пактлар (pacta) – норасмий келишув бўлиб, унда қоидага биноан ҳимоя даъвоси кучидан фойдаланилмаган. Аввалига претор пактлардан эътироз сифатида фойдаланишга имконият берди. Кейинчалик айрим пактлар даъво ҳимоясига эга бўлди. Икки тоифага бўлинган «яланғоч», яъни ҳимоя даъвоси билан таъминланмаган ҳамда «кийинган», яъни даъво ҳимояси билан таъминланган пактлар тизими юзага келди. Таъминланган даъво пактлари қуйидагиларни ўз ичига олган: императордан олинган ҳимоя даъвоси пактлари.

Қандайдир ўзгартириш киритиш мақсадида шартномага қўшилган пактлар – агар шартномага қандайдир ўзгартишлар киритилса (масалан, ижрони кечиктириш, фоизлар миқдорини камайтириш), ҳимоя даъвосига қўшимча келишув шартномалари саналади. Агар шартнома тузиб бўлингандан сўнг пактлар қўшилса, қарздорнинг аҳволи ёмонлашади, бундай ҳолатда бундай пактлардан ҳимояловчи даъво сифатида фойдаланилмаган. Шундай қилиб, фоизлар миқдорини оширувчи ва бошқа пактлар ҳимоя даъвоси билан таъминланган.

Претордан ҳимоя олган пактлар. Претордан ҳимоя олувчи пактлар қаторига қарзни тасдиқловчи (constitutum debiti) ва рецептум (receptum)лар ҳам кирган. Масъул шахс биринчи пакт ёрдамида тўлов муддатини аниқлаган ёки ўзгалар қарзини тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олган.

Рецептум пактларнинг уч тоифасини қамраган:

а) мурасага келтирувчи ҳакам билан келишув (икки баҳслашаётган шахс ўз тортишувларини кўриб чиқиш учун ҳакам билан шартнома тузганлар);

б) кема хўжайини, меҳмонхона хўжайини, ўткинчилар буюмларини сақловчи нозимхона хўжайини билан келишув (ушбу келишувларга кўра хўжайинлар зиммасига буюмларни сақлашдек жиддий масъулият юкланган);

в) пактни имзолувчи учинчи шахсга банкир контрагенти учун маълум миқдордаги маблағни тўлашда банкир билан келишув (мазкур пакт кучига таяниб, банкир ўз зиммасига мижоз олдида учинчи шахсга қарзни тўлаш мажбуриятини олган; агар маблағ йўқлиги сабабли банкир мижозга ҳақ тўлашдан воз кечса, мижоз унга қарши даъво қўзғатишга ҳақли бўлган).

Сўнги империя даврида императордан ҳимоя даъвосини олган пактлар пайдо бўлди. Кредитор ҳуқуқлари кондичион даъво ёрдамида мазкур пактлар билан ҳимоя қилинган. Мисол тариқасида иккита пактни кўриш мумкин: муросага чақирувчи ҳакамлик суди ёрдамида тортишаётган томонлар муаммосининг ечимини топиш учун муроса келишувни ҳамда ҳада қилиш тўғрисидаги келишув.

Қачонки томонлар ҳуқуқ талаб қилиб тортишиб қолсалар, бундай вазиятда уларнинг муаммосини ҳал этиш учун муросага келтирувчи ҳакамнинг аралашиб уларни келишувга чақиритиши ўринли бўлган. Мазкур келишув бўйича ашё муросага келтирувчи ҳакамга берилган ҳакам эса масала қайси томон фойдасига ҳал бўлган бўлса, ашёни ўша томонга топширган. Ҳакам чиқарган қарорни бажармаган айбдор шахс жаримага тортилган.

Ишонч асосидаги келишувга мувофиқ бир томон (ҳада берувчи) бошқа томон (ҳада олувчи) га буюмни сахийлик рамзи сифатида тақдим этади. Ашёга сервитут белгиланиб, ҳада эканлиги ваъда қилинган ва ҳада олувчи шахс инъом этилган ашёга эгаллик қилиш ҳуқуқини қўлга киритган (тақдим этилган, бажариб берилган ва ҳ.к.).

Мумтоз даврда норасмий ҳада ваъдаси ҳуқуқий кучга эга бўлмаган. Стилицияга риоя қилиш зарур эди. Қариндошларга ҳада қилишдан ташқари, қонун ҳада миқдорининг ҳаддан ташқари кўп миқдорда бўлишини чеклаган. IV асрда ҳадялар миқдорига чеклов бекор қилинди. Юстиниан ҳада ҳужжатлари расмийлаштирилади, агар унинг миқдори 500 тилладан ошса, унга ҳакамлик инсинуациясини жорий қилган (рўйхатга киритиш шарти билан судга арз қилиш). Арзонроқ нархдаги ҳадялар ҳар қандай расмийликдан холи бўлган. Шундай қилиб ҳадага оид келишув даъво ҳимоясига эга бўлган.

6-§. Шартномаларга ўхшаш ҳаракатлар асосида мажбуриятларнинг келиб чиқиш асослари

Шартномаларга ўхшаш ҳаракатлар асосида мажбуриятларнинг келиб чиқиш асослари худди шартномалар асосида келиб чиқадиган мажбуриятларга ўхшаш бўлиб, ўртада шартнома ту-

зилмасдан келиб чиқадиган ҳуқуқий муносабатлардан иборат бўлиб, ўз мазмуни ва характери билан унчалик бир-биридан фарқ қилмайди. У кўпгина шартномасиз, деликтсиз (шартномаларни бузиш, бажармаслик) бир томонлама битимлар ёки бошқа фактлар асосида вужудга келади.

Шартномаларга ўхшаш ҳаракатлар асосида мажбуриятларнинг келиб чиқиш асослари қуйидаги турларга бўлинади:

1. **Негоциориум гестю** – топшириқсиз бошқаларнинг ишини амалга ошириш ёки бошқа шахслар учун ғамхўрлик қилиш;

2. Бир шахснинг иккинчи шахс ҳисобига асоссиз равишда бойиб кетиши натижасида.

Негоциориум гестю – шартномаларга ўхшаш ҳаракатлар натижасида мажбуриятларнинг келиб чиқиш асосларидан бир бўлиб, топшириқсиз бир шахс томонидан гестор иккинчи шахснинг номидан ва иккинчи шахс ҳисобига маълум бир ҳаракатни бажариш ёки уни мулкани бошқаришдан иборатдир.

Бу мажбуриятлар кўпинча бир шахснинг ўз мулкани бошқара олмаслиги ёки унинг узоқ вақт давомида мулк жойлашган ҳудудда бўлмаслиги оқибатларидан келиб чиққан.

Булар асосан қуйидагилар орқали аниқланар эди:

биринчидан, бошқаларнинг ишини бошқариш, яъни бир ёки бир неча ҳаракатни бошқа шахснинг манфаати учун амалга оширишдан келиб чиқарди;

иккинчидан, агар бирор ҳаракатни бажармаса ҳам, фактик ҳолат билан ҳам белгиланиши мумкин эди. Масалан: бирор бир шахснинг қора молини суғориш ёки қулининг қорнини тўйғазиб қўйиш харажатларини амалга ошириш. Бу ҳаракат текинга, топшириқсиз, бошқа шахснинг ҳисобига, шартномасиз амалга оширилган муносабатлар жумласига киради. Бу ҳаракатлар Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик ҳуқуқидаги ваколатномасиз вакиллик институтига ҳам ўхшайди. Чунки, бу қилинган ҳаракатни агар иккинчи томон қўллаб қувватласа, унинг ҳаракати баҳоланиб унга маълум бир ҳақ тўланган.

Асоссиз бойлик орттириш оқибатида келиб чиқадиган мажбуриятлар деганда, қадимги Римликлар, қонунларда, шартнома ёки битимларда белгиланган асослар бўлмасдан туриб, бошқа шахсларнинг ҳисобидан (пулига пул қўшилиши, ашёларига

ашё қўшилиши, талаб қилиб олиниси лозим бўлган ҳуқуқнинг кўпайиши) мулк орттириш ёки бойишни тушинишган. Одатда, мулкнинг кўпайиши, асоссиз бойиш, қарз шартномаси асосида мулкига мулк қўшилиши, олди-сотди шартномалари ёки бирон-бир ҳуқуқий оқибатларнинг келиб чиқиши натижасида вужудга келиши мумкин.

Қадимги Рим ҳуқуқида асоссиз бойлик орттириш натижасида келиб чиқадиган мажбуриятларнинг асосий вазифаси жабрланувчининг мулкий ҳолатларини ўз жойига қайтадан тиклаш, яъни асоссиз бойлик орттириш натижасида қўлга киритилган мулкни ёки тежалган мулкни қайтариб беришдан иборат бўлган. Асоссиз бойиш натижасида вужудга келган мажбуриятларда, мулкни қайтариб олишда кондукцион даъво қўзғатилган.

Рим юристлари даъво предметида қараб асоссиз бойлик орттиришни уч қисмга:

биринчидан, ҳақ тўланиши лозим бўлмаган ҳаракат учун янглишиш, адашиш ёки бошқача тарзда ҳақ тўлашга;

иккинчидан, олдиндан бериб қўйилган нарсани бериб, яъни (бирор ҳаракатни амалга ошириш ёки ҳаракатдан тўхта-тиб туриш учун мўлжалланган) қайтариб бериш мажбуриятига;

учинчидан, бошқа асослар бўйича бойиб кетганлиги натижасида тушган бойиб кетиш предмети ҳам қайтариб беришга бўлганлар.

Бу муносабатларнинг амалга оширилиши учун қуйидаги асослар бўлиши талаб қилинган:

- пул эквивалент, ашё бошқа шахсга ўтказилган бўлиши;
- қарз бўлмаган ҳолат мавжуд бўлиши;
- адашиш, янглишишни тўғри тушуниш мураккаб бўлган ҳолатда;
- мулкий манфаатларнинг бошқа шахсга ўтиши;
- мақсад ва асос амалга оширилмай қолиши ва асоссиз бойликни келтириб чиқарган.

Бу ҳолатлар эса ўз навбатида мажбуриятларни келтириб чиқарган.

7-§. Ҳуқуқни бузиш асосида ва ҳуқуқни бузишга ўхшаш асосда келиб чиқадиган мажбуриятлар

Мажбуриятларнинг вужудга келишида муҳим ўринлардан бирини эгаллайдиган асослардан бири деликтлардир. Деликтлар ҳуқуқни бузиш ёки ноқонуний бўлган ҳаракатларни келтириб чиқарувчи муносабатлардир.

Рим ҳуқуқида деликтлар келиб чиқиш оқибатига қараб оммавий деликтлар (*delikta publica*) ҳамда хусусий деликт (*delikta privata*)ларга бўлинган. Оммавий деликтларга асосан давлат манфаатларига зарар етказувчи ҳуқуқбузарликлар кирган бўлиб, унинг оқибатида зарар етказувчи шахснинг мол-мулки давлат фойдасига мусодара қилиниши – *crimina capitalia* ёки унга нисбатан тан жазоси қўлланиши, ҳатто ўлим жазоси қўлланилиши мумкин бўлган. Ушбу деликтлар алоҳида жиноий ишлари бўйича судлар томонидан махсус тартибда кўрилган. Хусусий деликтлар эса фақат алоҳида шахсларнинг манфаатларига тажовуз ҳисобланиб, унга нисбатан даъволар яқка шахслар томонидан берилган ва у кўпинча мулкӣ низолар бўйича белгиланган тартибда кўриб чиқилган ва жарима билан кифояланган, аммо унда ҳам тан жазолари қўлланиладиган ҳолатлар мавжуд бўлган¹⁶.

Рим ҳуқуқида деликтлар ривожланишнинг тўртта босқичини бошдан кечирган:

Биринчи даври шахсий қасос даври бўлиб, бу даврда зарар кўрган шахс зарар етказган шахсни ўзи жазолаган. Чунки бу даврда эндигина оёққа тураётган давлат зарар етказган шахсга нисбатан чора кўрмай, балки бу ҳуқуқни зарар кўрган шахсга қолдирган;

Иккинчи даври хусусий қасосни зарар ўрнини қоплаш билан алмаштиришга келишиш даври бўлган. Бунга асосий сабаблардан бири ҳукмрон табақани ҳимоя қилиш бўлган. Яъни ҳукмдорлар ҳукмрон табақани ҳимоя қилиш учун қасос ўрнига бошқа бир жазо турини қўллашни жорий қилганлар. Унга кўра тарафлар келишув битими тузганлар. Битимнинг мазму-

¹⁶ Римское частное право: Учебник. /Под ред. проф. И.Б. Новицкого и проф. И.С. Перетерского – М., 1996. – С. 88.

нига асосан зарар етказган тараф зарар ўрнини тўла қоплайди, зарар кўрган тараф эса қасосдан воз кечади. Деликтлар ривожланишининг ушбу иккинчи даври XII жадвал қонунларида ҳам келтирилган. Агар тарафлар мурасага келмасалар (*Si membrum rupsit, ni cum eopacit, talio esto*), унда қасосга рухсат берилган (*membrum ruptum*);

Учинчи даври композиция даври бўлиб, унда давлат томонидан шартли композициялар (жарима) ўрнатилган. Унга кўра зарар етказган шахс белгиланган жаримани тўлаган ҳамда зарар кўрган шахс бунга қониқиши керак бўлган. Композициялар давлат томонидан ёки тарафларнинг келишув битимида кўрсатилган;

Тўртинчи даври деликт тушунчасининг ривожланиш даври бўлган. Бу даврга келиб бир қанча **delicta publicialar delicta privata**га айланган. XII жадвал қонунларининг қабул қилинишидан то империя давригача бўлган оралиқда деликтлар сезиларли ўзгаришларни бошдан кечирган, преторлар ва юристлар томонидан ишлаб чиқилган низомлар ушбу ҳуқуқ соҳасини аста секинлик билан казуистик хусусиятларини юмшатган бўлса-да, лекин ҳар қандай ҳуқуқбузарликдан келиб чиқадиغان мулкий зарарларни қоплашнинг принциплари Рим ҳуқуқида ишлаб чиқилмаган¹⁷.

Оммавий асосдаги деликтлар давлат манфаатларига қарши қаратилган, баданга оғир шикаст етказиш, ўлим жазоси билан боғлиқ ёки давлат фойдасига ундирилиши лозим бўлган муҳим ва катта ҳажмдаги мулкий ҳуқуқбузарликлардан келиб чиққан. Бундай тартибдаги ишлар алоҳида жиноят ишларини ҳал қилувчи судларга тааллуқли ҳисобланиб, улар алоҳида суд ишларини кўрувчи жараён билан тартибга солинган.

Хусусий асосдаги деликтлар эса шахсларнинг манфаати билан боғланган бўлиб, хусусий даъволар орқали амалга оширилган ва даъволарнинг ўзи ҳам хусусий шахсларга қаратилган. Кўпроқ бу муносабатлар мулкий жарималарни ўз ичига олган бўлиб, жабрланувчининг фойдасига ундирилган. Қадимги Рим ҳуқуқининг дастлабки ривожланиш босқичларида ҳатто бадан

¹⁷ Римское частное право: /Под ред. проф. И.Б. Новицкого и проф. И.С. Перетерского М., 1996. – С. 89.

га шикаст етказиш, яъни жиноий ҳаракат ва жиноий жазо билан боғлиқ ҳаракатлар ҳам хусусий деликтлар орқали тартибга солинган. Қадимги Рим жамиятида шахсларга етказилган зарар учун жабрланувчи, унинг ота-оналари, қавм-қариндошлари билан биргаликда зарар етказувчидан ўч олишган.

Рим давлатининг тараққий этиши ҳамда ҳуқуқий муносабатларнинг янада такомиллашиши натижасида олдинги хусусий ўч олиш институти ўзининг самарасини бермай қолди. Унинг ўрнида жабрланувчи ва жавобгар шахсларнинг ўзаро келишиши асосида пул жаримаси ёки жабрланувчига етказган зарарнинг ҳажмига қараб моддий таъминот принципи қўлланила бошланди.

Рим ҳуқуқининг такомиллашиб бориши натижасида хусусий ҳуқуқбузарликларнинг ўзига хос элементлари ёки асосий компонентлари вужудга келди. Энг асосий элементлардан бири, бир шахснинг иккинчи шахсга етказилган зарарнинг объектив мавжудлиги, иккинчи элементи эса шахснинг зарар етказишдаги айбининг очиқ-ойдин ва яққол кўриниб туриши (қасддан қилинган айб ёки эҳтиётсизлик асосида вужудга келган айб), ҳамма объектив томондан ҳаракатнинг ҳуқуқни бузувчи ҳаракат деб тан олинishi киритилган. Хусусий деликтларнинг асосий турларидан бири (*iniuria*) инжуриа деб аталиб, ҳуқуққа, қонунларга зид, қарама-қарши ҳаракатларнинг содир этилиши деб тушуниланган.

XII жадвал қонунларида ҳам шахсий камситиш, хафа қилиш ёки инсоннинг нафсониятига тегиш, айниқса баданга оғир шикаст етказиш (оёқни, қўлни синдириш, кўр қилиб қўйиш) каби хусусий ҳуқуқбузарликлардан келиб чиқадиган мажбурият ҳуқуқий нормалари кўрсатилган.

Энг оғир бўлган ҳуқуқбузарлик – инсоннинг тана аъзоларига зарар етказиш бўлиб ҳисобланган, кўпинча талион принципи «ока за ока, зуб за зуб» (жонга-жон, қонга-қон тушунчасига ўхшаб кетади) қўлланилган.

Қулларга етказилган зарар учун 150 асс¹⁸, озод бўлган шахсларга етказилган зарар учун эса 300 асс тўланган. Преторлар ҳуқуқи жисмоний дахлсизликни бутунлай шахснинг шахсий

¹⁸ Пул бирлиги

ҳуқуқларига, оилавий, ор-номуси, шаъни, қадр-қимматига қаратилишини ҳамда кейинчалик эса уй-жойга зўрлик асосида кириб олиш натижасида келиб чиқадиған мажбуриятлар учун ҳам жавобгарликни кучайтиришга катта эътибор қаратади.

Хусусий деликтларнинг яна бир тури – (*furtum*) фуртум (ўғирлик) деб аталиб, мулк ҳуқуқи субъектининг зркига қарам-қарши ҳаракатни содир этиб, ўзи учун манфаатни пайдо қилишга қаратилған ҳаракатга айтилған. Рим ҳуқуқи ҳатто қулнинг ўз хўжайинидан қочиб кетишини ҳам ўзини-ўзи хўжайинидан ўғирлади, деб «ўғри» сифатида баҳолаганлар.

XII жадвал қонунларига асосан ўғирлик қилған шахс ўғирлаган мулкининг икки баробари асосида жарима тўлашга мажбур бўлған. Ўғри ўғирлик қилаётған пайтда ушланса, унга тан жазоси берилған. Агар у экинларни (буғдой, арпа ва шунга ўхшашларни) поймол қилса ва кечаси қўлга тушса уни ўлдириш мумкин бўлған.

Булардан ташқари алдаш, қўрқитиш, мулкни ўзига ўтказиб олиш, фирибгарлик каби ҳаракатлар ҳам хусусий деликтларни келтириб чиқарған.

Мажбуриятларни бузишга ўхшаш асосда мажбуриятларнинг вужудга келиш асосларидан тўртинчиси бўлиб, мажбуриятларни бузишга ўхшаб кетадиған ҳаракатлар ҳисобланади. Масалан: судьяни фуқаролик процессини ўтказиш учун келмай қолиши натижасида, жабрланувчи қанча зарарга тушиш мумкинлигини ҳисобга олиб, тўлиқ асосда жабрланувчига етказилған зарар бўйича судья жавобгар бўлади.

Бу ҳуқуқлар претор даъволари ҳамда популяр даъволар асосида ҳимоя қилинған.

Мулоҳаза юритиш учун саволлар ва масалалар

1. Вербал шартномаларнинг асосий кўринишларини санаб беринг.
2. Қарз, ссуда ва гаров шартномаларига таъриф беринг.
3. Олди-сотди, ширкат, топшириқ шартномалари бўйича томонлар мажбуриятларини тавсифлаб беринг.
4. Номсиз шартномалар бошқа шартномалардан қандай фарқ қилған?

5. Номсиз шартномаларнинг қайсиларини биласиз?
6. Пактлар нима?
7. Рим ҳуқуқида машҳур бўлган пактларнинг қандай хилларини биласиз?
8. Пудрат шартномасини қандай турларини биласиз?
9. Шартнома қандай ҳолларда бекор қилинган?
10. Реал ва консенсуал шартномаларга таъриф беринг?

11. Кредитор қарздордан гаров сифатида битта сигирни олиб қолди. Аммо бу сигир юқумли касал бўлганлиги сабабли кредиторни барча сигирларига касалликни юқтирди. Кредитор қарздорга нисбатан етказилган зарарни қоплаш учун даъво қўзғатиши мумкинми? **Қарздорни эксцепцияси қабул қилинадими?**

12. Фуқаро Квинт 1000 сестерций пулини сақлаб туриш учун фуқаро Невияга берди. Фуқаро Невия ушбу пулларни ўзини пуллари билан сандиқчага солиб қўйди. Кунлардан бир кунни сандиқча фуқаро Невиядан ўғирлаб кетилди. Фуқаро Невия фуқаро Квинтнинг пулини қайтариб беришга мажбурми. **Бу муаммо қандай ҳал қилинади?**

13. Фуқаро Аквиллий қўшнисига қизининг тўйини ўтказиш вақтида қадимий кумуш идишни берди. Лекин тўйдан сўнг кумуш идиш меҳмонларнинг бири томонидан ўғирлаб кетилганлиги маълум бўлди. Кумуш идишнинг хўжайини унинг нархини ва тўрт баравар жарима тўлашни талаб этди. **Бу талаб қондириладими? Бу муаммо бўйича претор қандай маслаҳат берган?**

14. Олма боғини сотиш бўйича олди-сотди шартномаси тузилгандан сўнг сотувчи боғни топширишдан олдин ҳосилни йиғиб олди. Харидор эса боғни ўзига ўтказиб олиш жараёнида олинган ҳосил ва даромадларни қайтариш лозимлигини талаб қилди. Агар шартномани тузиш жараёнида ҳосил ва даромадлар назарда тутилган бўлмаса бу талаб ўринлими?

Муаммони ҳал этинг?

Х-БОБ ВОРИСЛИК ҲУҚУҚИ

- 1-§. Ворислик ҳуқуқи тушунчаси ва турлари
- 2-§. XII Жадвал қонунлари бўйича ворислик
- 3-§. Преторлар ҳуқуқи бўйича ворислик
- 4-§. Юстиниан қонунлари бўйича ворислик муносабатлари
- 5-§. Легатлар ва фидеикомисслар
- 6-§. Меросни очиш қабул қилиш ва меросхўрларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш

1-§. Ворислик ҳуқуқи тушунчаси ва турлари

Ворислик ҳуқуқий муносабатлари энг мураккаб бўлган институтлардан биридир. Бу муносабат мерос қолдирувчининг ўлимидан кейин вужудга келадиган ҳуқуқий муносабатлардир. Ворислик муносабатлари Рим қулдорчилик давлатининг дастлабки пайтларида ҳам маълум бўлган. Ворислик ҳам худди мулк каби синфларнинг, давлат ва ҳуқуқнинг вужудга келишидан аввал вужудга келган бўлса ҳам том маънодаги ворислик ҳуқуқи жамиятнинг синфларга бўлиниши, давлатнинг вужудга келиши билан иқтисодда ҳукмрон бўлган синфнинг эрки, иродаси ва манфаатини кўзлаган ҳолда пайдо бўлди.

Қадимги Рим қулдорчилик давлатида ворислик деб, вафот этган шахс (марҳум шахс), (мерос қолдирувчи)нинг ўзига тегишли бўлган мол-мулкининг фуқаролик қонунларига ёки одат нормаларига асосланган ҳолда бир ёки бир нечта шахсларга яъни, меросхўрларга ўтказилишига айтилган.

Рим давлатида ҳар бир фуқаро ўзига тегишли бўлган хусусий мулкнинг тақдирини вафот этганидан сўнг ҳал қилувчи фармойишни ўзи тириклигида (дастлабки пайтда оғзаки, кейинчалик эса ёзма асосда) одат нормаларига ва қонунларда белгиланган тартибда расмийлаштирганлар.

Ворислик муносабатлари дастлаб XII жадвал қонунида кўрсатилиб бу қонунларга асосан ворислик муносабатлари икки қисмга бўлинган:

- Қонун бўйича ворислик – *successio legitima*;
- Васият бўйича ворислик – *successio testamentaria*.

Рим қулдорчилиқ давлатидан олдин вужудга келган ворислик ҳуқуқини қабул қилиш муносабатлари васиятномасиз амалга оширилган бўлса, бу муносабатлар қонун бўйича ворислик деб аталиб, унинг ҳуқуқий режими қонун бўйича ворислик асосида ҳамда кўпроқ XII жадвал қонунлари билан тартибга солинган.

XII Жадвал қонунларига асосан, мерос қолдирувчи шахс вафот этишидан олдин васиятнома қолдирмаган бўлса, унинг биринчи мерос олувчиси агнатлар бўлиб, унинг катта ўғли ҳисобланган. Барча мулк мерос массаси ака-укаларга, опа-сингилларга, ўлимидан кейин туғилган фарзандига, умуман агнатлар оиласига ўтказилган.

Қадимги Рим ҳуқуқий муносабатларида ворислик ҳуқуқи ўз характерли хусусиятларига эга бўлган:

1. Меросни қабул қилган ака-укалар ва агнат қавм-қариндошлари ўзларининг қулларига озодлик ҳуқуқларини бериш ваколатларига ҳам эга бўлганлар;

2. Меросни қабул қилувчилар вафот этган шахснинг барча қарзларини ҳам қабул қилганлар ҳамда ўзаро бу мажбуриятларни бажаришни бўлиб олганлар.

Ворислик ҳуқуқий муносабатлари ўз характерли хусусиятларига қараб:

– цивил ворисликка;

– преторлик ҳуқуқлари бўйича ворисликка бўлинган.

Энг кўп қўлланиладиган ворислик фуқаролик ворислигидир. Фуқаролик ворислик деб вафот этаётган шахс томонидан халқ кўп йиғиладиган форумларда, куриат комицияларида (яъни маҳаллий ҳокимият олдида), уруш вақтларида эса қуролланган саф тортиб турган қўшинлар олдида кимга мерос қолдиришни оғзаки равишда васият қилганлар. Бу муносабатни ҳатто V–VI асрларга келиб император Юстиниан ҳам қўллаб-қувватлаган.

Булардан ташқари преторлар ҳамда император олдида қолдирган васиятномалар ҳам бўлган, лекин бу васиятномаларни еттита гувоҳ тасдиқлаши (имзоси қўйилган бўлиши керак эди.) ҳамда претор ёки император ҳам тасдиқлаши лозим бўлган, айниқса кимга мерос қолдирилаётганлигини мерос қолдирувчи ўз қўли билан ёзиши лозим эди. Бу эса қолдирилган, яъни

тузилган васиятноманинг ҳақиқийлигини исботлаб бера олиш лаёқатини келтириб чиқарарди.

Васиятномани тузишда гувоҳлар сифатида хотин-қизлар, вояга етмаган шахслар, Давлат жиноятчиларининг болалари, карлар, кўрлар, жисмоний ва руҳий томондан камчилиги бор шахслар ҳамда васийликда бўлган фуқаролар ҳисобга олинмаган.

Рим ҳуқуқи томонидан ишлаб чиқилган ворислик ҳуқуқий муносабатлари барча давлатлар, халқлар, айниқса, феодализм ва буржуа жамиятлари томонидан тўлиқ қабул қилинди, ҳатто ҳозирги замон қонунчилиги универсал ҳуқуқни қабул қилувчи, яъни барча қолдирилган мерос массаси билан мерос қолдирган шахснинг қарзларини, яъни мажбуриятларини ҳам тўлиқ қабул қилишни ва бажариш масъулиятини олиш орқали мерос қолдирувчининг ҳуқуқларини давом эттирилаётганлигини билдиради.

Рим ҳуқуқи универсал ҳуқуқни қабул қилиш билан биргалликда сингуляр ҳуқуқни қабул қилиш институтини ҳам ишлаб чиқди. Бунга асосан, мерос қолдирувчининг якка илтимосларини, буйруқларини бажариш учун мероснинг маълум қисмини қабул қилиш тушунилган. Бу ҳуқуқни қабул қилиш барча қолдирилган мерос массаси билан боғлиқ эмаслигини ёки унинг қарз ва бошқа мажбуриятларини бажаришни ўз зиммасига олинмаслигини билдирган.

Қадимги Рим қулдорчилик давлатида мерос деганда оламдан ўтмоқчи бўлган шахс ўз мол-мулкни бир ёки бир нечта шахсларга бўлиб бериш учун фармойиш беришига айтилган.

Бунинг маъноси-меросхўр (меросхўрлар) бирор-бир ҳаракат, рухсат ёки ҳужжат (васиятнома) асосида мерос қолдирувчининг бутун мол-мулкига бир неча меросхўр бўлган тақдирда ҳам аввало мол-мулкнинг ҳаммасига эгалик қилиши тушунилган. Демак, меросхўрга барча мулк ўтиши билан марҳумнинг қарзлари ва мажбуриятлари ҳам ўтган. Биз юқорида таъкидлаганимиздек, бу ҳуқуқни қабул қилиш универсал ҳуқуқни қабул қилиш деб аталган.

Меросни тўлиқ асосда қабул қилмаслик ёки меросни қабул қилишдан воз кечиш —легатлар ёки фидеюкомисслар ҳам мавжуд бўлиб, уларни сингуляр асосда ҳуқуқни қабул қилиш деб аталган.

Рим қулдорчилиқ давлатида (*testamentum*) тестаментум мерос қолдириш жуда кўпчилиқ ҳолларда васиятнома орқали амалга оширилган. Рим давлатида васиятнома деб мерос қолдирувчи томонидан ихтиёрий, эркин асосда ўз мулкани бўлиб бериш ҳамда меросхўрнинг тайинланишига айтилган. Синфий ҳуқуқ бўйича бундай тайинланиш орқали амалга оширилган ҳамда дастлабки пайтларда васиятномани тузиш мажбурий бўлган. Васиятномада кўрсатилган мерос олувчи муомалага лаёқатсиз бўлиб ҳисобланса, унга васий тайинланган. Васийликдан ташқари ҳомийлик институти ҳам мавжуд бўлган.

Ҳомийлик деб, руҳий ёки жисмоний томондан камчилиги бор шахсларни ҳамда ўзи томонидан амалга ошириладиган ҳаракатларнинг ҳуқуқий оқибатини тўлиқ тушуна олмайдиган жисмоний шахслар устидан белгиланадиган ёки ҳомийликда бўлган шахснинг барча ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга ошириш учун белгиланган шахсга тушуниланган. Васий ва ҳомийлар фақат ўз васийлигида ёки ҳомийлигида бўлган шахсларнинг манфаатларини ҳимоя қилганлар.

Васиятнома бир томонлама битим бўлиб ҳисобланади, чунки унда мерос қолдирувчининг эрки ифодаланади холос, яъни васият қилувчининг эркига биноан ҳуқуқ ва бурчлар белгиланади. Васиятнома — мерос қолдирувчининг охириги ўз эркини изҳор қилувчи ҳужжатидир. Васиятноманинг бир томонламалигининг характери яна шунда кўринадики, уни васият қолдирувчи истаган вақтда ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳуқуқларига эга бўлган. Ҳатто олдинги тузган васиятнома ўрнига янгисини тузиб, олдингисини кучини йўқотиши мумкин эди.

Васиятномани тузиш учун махсус лаёқат талаб этилган. Васиятномани тузиш лаёқатига муомалага лаёқатсиз шахслар эга эмас эдилар.

Васиятноманинг шакли узоқ вақт давомида аста-секин соддалаштирилиб келинган, лекин шунда ҳам Юстиниан кодексида кўрсатилганидек, барибир бу масалани ҳал қилиш ниҳоятда мураккаб бўлган. Унга кўра, васиятномани тузиш пайтида 7 та гувоҳнинг қатнашиши талаб этилган, лекин дастлабки пайтларда ёзма шакл мажбурий ҳисобланмаган. Хусусий асосда васиятномаларни тузиш билан бир қаторда оилавий асосда васи-

ятномаларни тузишга ҳам рухсат этилган, яъни бунда давлат органлари қатнашган. Суднинг протоколи ёки муниципал магистратнинг протоколига киритиш; (васиятнома қолдирувчининг розилиги билан) ҳамда васиятномани император канцеляриясига сақлашга топшириш орқали ҳам амалга оширилган.

Васият қолдирувчи томонидан аниқ «**Persona certa**» тайинланиши керак бўлган. Айниқса, меросни қабул қилувчи шахсни мерос қолдирувчи ўзи ёзма равишда кўрсатиши лозим бўлган.

Ҳар қандай ҳолатларда ҳам тайинланаётган ворислар, энг аввал, ворис (ёки меросхўр) сифатида тайинланиш лаёқатига эга бўлиши лозим эди.

Император Августнинг «Никоҳсизлик ва боласизликка қарши кураш тўғрисида» ги қонунига кўра 25-60 ёшдаги бўйдоқ эркаклар ва 20-50 ёшдаги турмушга чиқмаган аёллар меросни фақат яқин қариндошлари орқали олишлари мумкин эди. Шунда ҳам агарда улар мерос очилганидан кейин 100 кун ичида турмушга чиққан ёки уйланган бўлсалар меросхўр бўлишлари мумкин бўлган. Меросхўрни тайинлашда бир қанча шартларни белгилашга ҳам йўл қўйилган. Бу шарт суспензив (отлагательный) деб аталган. Шартноманинг шартларига асосан, тарафлар шартнома бўйича маълум юридик оқибатларни вужудга келтиришни маълум шартларга, яъни ўлганимдан кейин ёдгорлик қўйиш ёки мана шу қолдираётган мулким асосида неварам Манилийга уй-жой қуриб бериш ёки доимо менинг туғилган кунимни хотирлаб туриш ва шунга ўхшаш шартлар қўйиларди. Агар мерос қолдирувчи васиятни суспензив шарт билан тузган бўлса, бундай ҳолатда мерос қолдирувчининг ўлими билан эмас, балки шу шартнинг вужудга келиши билан очилган. Меросхўрни тайинлашда **modus** усулида, яъни бажарилиши мумкин бўлган. Шартни ишлатиш лозим бўлган. Масалан: агарда ўғил туғса, унга катта тўй қилиб берасиз, деган шартни қўйиши мумкин бўлмаган. Чунки у ўғил туғмасдан қиз болани туғиши ҳам мумкин. Меросхўрни тайинлашда муддатни суспензив шартнинг вужудга келиши билан ҳам боғлаган. Яъни, меросхўр тайинланган, аммо у меросни қабул қилишдан воз кечса, унинг ўрнига иккинчиси, бўлажак ворис тайинланган. Бунинг мазмуни шундан иборатки, агарда биринчи ўринда тайинлан-

ган меросхўр у ёки бу сабабга кўра меросдан воз кечса, унинг ўрнига албатта қўшимча меросхўр тайинланган. Меросхўрга **modus** юклатилган. Модус бўйича у меросга эгаллик қилишдан олдин, барча қўйилган шартларни бажариши мажбурий бўлган, ҳатто **modus** бажарилмаса, маъмурий тартибда мажбуран жавобгарликка тортилган.

Қадимги Рим қулдорчилиги давлатининг дастлабки пайтларида васият қолдирувчи чекланмаган ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, у ўз мулкини хоҳлаганича ўз хоҳиши бўйича тасарруф этган. Бу қоида «**XII жадвал қонуни**» да ҳам ўз тасдиғини топган. Аммо патриархал тизимнинг инқирозга учраши натижасида биринчи тарафдан одамларнинг ниҳоятда соддалиги ва қатъийлигини йўқотиши, иккинчи томондан васият қолдирувчининг мерос қолдирувчида чекланмаган эркинликларга эга бўлиши натижасида мол-мулк мутлақо бегона шахслар, холисона, тасодифий шахсларга ўтиб кетишига ёки унинг яқин қариндошларига ҳеч нарса тегмаслигига йўл қўйилмаслигини таъминлаш лозим бўлган. Шунинг учун кейинчалик чекланмаган ҳуқуқ ва эркинликлар аста-секин чеклана бошланди. Кейинчалик қонуний ворислик муносабатлари келиб чиқа бошлади.

2-§. XII жадвал қонуни бўйича ворислик

XII жадвал қонунига биноан марҳумнинг фуқаролик ворислари жумласи уч навбат асосида ташкил топган.

Биринчи – навбатдаги ворисларига марҳумнинг болалари, эри ёки хотини, вафот этган болаларидан қолган неваралари, ўғил ёки қиз – фарзанд қилиб олинганлари, агар невараларига, яъни вафот этган фарзандининг барча ўғил ва қизларига, яъни бутун оиласига, марҳум ўлган тақдирда уларнинг отаси ёки онаси тирик бўлганда бошқа ворислар қаторида, тенг асосда олиши лозим бўлган мерос ҳиссаси уларга қолдирилади ва бу ҳиссани барча оила аъзолари бўлиб олиши мумкин бўлган.

Бу муносабатда тақдим этиш ҳуқуқи қўлланилган. Тақдим этиш ҳуқуқи деганда, мерос очилган кунга қадар вафот этган ворис ҳуқуқларининг бошқа шахсларга ўтиши тушунилган.

Иккинчи – навбатдаги ворисларга агар ўзининг болалари, ота-онаси ёки болаларининг болалари, яъни неваралари ва фарзандликка олинган болалари бўлмаган тақдирда агнатлар киритилган, яъни вафот этган шахснинг ака-укалари, опа-сингиллари, онаси ва яқинлари, агар улар ҳам бўлмаса, бундай вақтда узоқроқ бўлган агнат қариндошлари чақирилган.

Учинчи – навбатдаги ворисларга тўлиқ асосда тушунча берилмаган ва тез орада бу навбатдаги ворислик муносабатлари қўлланилмай қолган.

Қонун асосидаги ворислик асосан агнатлар оиласига мўлжалланган бўлганлиги учун преторлар ўз эдиктлари орқали қон-қариндошлик муносабатларини яқинлаштиришни ўз олди-га мақсад қилиб қўйди ва унга эришишга муваффақ бўлиб, тез орада агнатлар қавм-қариндошлари ўрнига қон-қариндошлик билан боғлиқ бўлган когнатлар кириб келди.

3-§. Преторлар ҳуқуқи бўйича ворислик

Преторлар ҳуқуқининг моҳияти шундан иборатки, улар ворислик муносабатларидаги агнатлар қавм-қариндошчилиги ўрнига қон-қариндошлик билан боғлиқ бўлган когнатлар ворислик муносабатларини келтириб чиқарди.

Преторлар ўз эдиктларида ворислик муносабатларини 4 та навбатга бўлиб ўрганганлар. Лекин баъзи адабиётларда преторлик ҳуқуқи бўйича ворисликни 7 та навбатга бўлганлар.¹⁹ Умуман ворислик 7 қисмга бўлинган бўлса ҳам, мазмун жиҳатидан 4 та навбатдаги ворислик билан тенглашади.

Биринчи навбатдаги – ворисларга вафот этган шахснинг тўғри чизик бўйича боғлиқ бўлган болалари ҳамда ўз болаларига тенглаштирилган барча шахслар, эмансипация асосида озод бўлган ва фарзандликка берилган болалари, лекин улар вафот этган шахснинг ўлимига қадар ўз хўжайинидан озод бўлган шахслар бўлиб ҳисобланган. Демак, Рим ҳуқуқида биринчи бўлиб агнатлар қавм-қариндошлари билан когнатлар қавм-қариндошларининг аралашиб кетиши юзага келди.

¹⁹ Дождев Д.В. Римское частное право. Учебник для вузов. Под ред. В.С.Нерсисянца. – М.: Изд. группа ИНФРА М- Норма, 1997. Стр. 575.

Иккинчи навбатдаги – ворислар фуқаролик ворислари (*ius civile*)ни тўлиқ асосда қабул қилиб олган, яъни асосан агнатлар ворислик муносабатларидан ташкил топган.

Учинчи навбатдаги – ворисларга когнатлар етти пушти (еттита авлоди билан боғлиқ бўлган) қон-қариндошлар киритилган.

Тўртинчи навбатдаги – ворисларга асосан патроннинг оиласи, болалари ҳамда кейинги навбатларда патроннинг қавм-қариндошлари ҳам ворислар (мерос олувчилар) бўлиб ҳисобланган.

4-§. Юстиниан қонунлари бўйича ворислик муносабатлари

Император Юстиниан даврига келиб 543 йилда қабул қилган 118 сонли Новелласи ҳамда 548 йилдаги 127 сонли Новелласи билан қонун бўйича ворислик тизимини соддалаштириб, қон-қариндошлик муносабатларига, яъни когнатлар ворислиги тизимига тўлиқ ўтди.

Император Юстиниан тизими бўйича мерос олувчилар навбати ҳам 4 га бўлинган.

Биринчи навбатдаги ворислар тўғри чизиқ бўйича, яъни вафот этган шахснинг болалари ва ўлган болаларининг болалари, яъни марҳумнинг неваралари. Неваралари отасига тааллуқли бўлган ҳиссани олиб, ўзаро бўлиб олишига рухсат этилган.

Иккинчи навбатдаги ворислар гуруҳига биринчи навбатдаги ворислар бўлмаган тақдирда, юқори чизиқ асосидаги ота ва онаси, бува ва бувиси, вафот этган шахснинг ака-ука, опа-сингиллари ва уларнинг болалари, агар уларнинг ота-оналари мерос очилишидан олдин ўлиб кетган бўлсалар, улар Юстиниан қонунлари бўйича ворис бўладилар, улар ўзларининг марҳум ота-оналарига қонун бўйича тегиши лозим бўлган мерос ҳиссасидан баб-баравар мерос олганлар.

Учинчи навбатдаги ворислар деганда, биринчи ва иккинчи навбатдаги ворислар бўлмаган тақдирда улар чақириладилар. Булар асосан бир ота икки ёки бир нечта оналардан ёки бир она ва бир нечта оталардан туғилган фарзандлар ҳамда ўғай

ёки юқорида кўрсатилган шахсларнинг болаларига, улар ўз ота-оналарига тегишли бўлган ҳиссалардан баб-баравар улуш олиш ҳуқуқларига эга бўлганлар.

Тўртинчи навбатдаги ворислар ён томони билан боғлиқ бўлган энг яқинларидан бошланади. Бу шахслар ворис бўлиши учун юқорида кўрсатилган навбатдаги ворислар бўлмаслиги лозим.

Аммо вафот этган шахснинг беваси (хотини) ҳақида Юстиниан новеллаларида ворислик кўрсатилмаган. Лекин бу муносабатлар преторлар ҳуқуқлари билан амалга ошиши мумкин деган тахминлар мавжуд. Аммо ҳеч қандай ўз мулкига эга бўлмаган камбағал бевалар ворисликнинг субъекти бўлиб, бошқа меросхўрлардек қолган мероснинг 1/4 қисми бўйича мерос олиш ҳуқуқига эга бўлганлар, лекин олган мерос массаси (ҳажми) 100 фунт олтиндан ошиб кетмаслиги лозим бўлган.

Агар ҳеч қандай ворислари бўлмаган тақдирда, мулк эгасиз деб топилиб давлат хазинасига, монастир ёки черков муассасаларига ўтказилган.

5-§. Легатлар ва фидеикомисслар

Легатлар ва фидеикомисслар Рим ҳуқуқида кенг қўлланилиб, асосан бу сингуляр асосда ҳуқуқни қабул қилиш билан боғлиқ бўлган, яъни легатлар меросни қабул қилишдан воз кечиш ёки марҳум томонидан қолдирилган мулкдан бошқа шахсга маълум бир суммани бериб қўйиш тўғрисидаги фармойиш ёки васиятнома бўлиб ҳисобланган.

Легатлар умуман XII жадвал қонунлари асосида вужудга келган. Вафот этмоқчи бўлган шахс ўзининг ўлиmidан кейин фарзандларининг яшаш ҳаётини эътиборга олиб, васиятнома асосида бошқа шахсларга мажбурият юклаган.

Мажбуриятда (яъни васиятномада) ўғиллари, қизлари ёки хотинига рўзғорни тебратиш учун марҳум томонидан қолдирилган мулкдан қанча сумма бериш каби муносабатлар кўрсатилган.

Рим ҳуқуқининг дастлабки ривожланиш пайтида легатлар кам қўлланилган аммо ҳуқуқий муносабатларнинг янада тако-

миллашиши натижасида сингуляр асосда ҳуқуқни қабул қилиш кенг қўлланиладиган бўлди, ҳатто легат билан боғлиқ муносабатлар бўйича экстраординар процесс асосида ҳимоя қилиниш ҳуқуқларига ҳам эга бўлди.

Рим ҳуқуқида булардан ташқари Фидеикомисслар ҳам мавжуд бўлиб, вафот этмоқчи бўлаётган шахснинг охирги ёзма ёки оғзаки равишда бирор бир шахсдан бирор нарсани бериб қўйиш ёки талаб қилиб олиб бошқа шахсга бериш каби муносабатларни амалга ошириш каби илтимослари виждонга ва чин сўзга ишонган ҳолда ор-номусга ҳавола қилиниб, уни бажариш учун қилинаётган охирги илтимос бўлиб ҳисобланган. Узоқ вақтлар давомида бу илтимосни бажариш маънавий, ахлоқий вазифа бўлиб ҳисобланган, ҳатто баъзан мажбурий бўлган ҳолатларни келтириб чиқармаган.

Император Август ҳукмронлик қилган пайтга келиб эса, бу мажбурий характерга эга бўлиб, у консулларга, преторларга ёки маъмурий маҳаллий органларга мурожаат қилишни белгилаб унинг бажарилишини мажбурий ҳолатга келтирди.

Император Юстиниан эса 529-531 йилларга келиб уни бажаришни бутунлай мажбурий қилиб қатъийлаштирди, легат ва фидеикомиссларни бирлаштирди ҳамда бу ҳаракатларни албатта бешта гувоҳ олдида амалга ошириш лозимлигини таъкидлади.

6-§. Меросни очиш, қабул қилиш, меросхўрларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш

Қонун ворислик ҳуқуқий муносабатларининг келиб чиқишини унинг очилиши билан боғлайди. Ворислик ҳуқуқи асосида мерос мулкини қабул қилиб олиш мероснинг очилиши муносабати билангина амалга оширилади. Шунинг учун ҳам мероснинг очилиш жойи ва вақти муҳим ва зарур аҳамият касб этади.

Ворислик ҳуқуқининг вужудга келиши муайян бир ҳодисанинг содир бўлиши билан боғлиқ. Бундай ҳодиса биринчидан, фуқаронинг вафот этиши, иккинчидан, фуқаронинг вафот этган деб эълон қилиниши ҳисобланади.

Мероснинг очилиши маълум бир вақтда вужудга келади. Мероснинг очилиши деганда, мерос ва ворислик ҳуқуқининг

пайдо бўлишини белгилаб берувчи юридик фактнинг юзага келиши ва маълум сабабларга кўра мерос қолдирувчига тегишли бўлган мол-мулкнинг меросга айланиб маълум бир шахсларга ўтиш жараёни тушунилади. Рим ҳуқуқи қоидалари мерос очилишини мулкдорнинг ўлими билан боғлаган. Мулкдор тириклигида унинг мулки мерос бўла олмас эди ва на қонуний, на васиятномада кўрсатилган шу мулкка ҳеч қандай даъвогарликлари бўлмаган.

Меросни қабул қилиш нуқтаи назаридан ҳамма меросхўрлар икки гуруҳга бўлинган.

Биринчи гуруҳга кирувчилар претор ва цивил ҳуқуқида **heredes sui** (меросхўрлар) деб аталар эдилар. Шунга ўхшаш вазият Юстиниан дигестларида учрайди. Унга кўра биринчи навбатдаги меросхўрлар мулкдор билан унинг ўлимига қадар яшовчилар мерос шу меросхўрларга ўтар экан у мулк худди шу оилада қолишини тақозо этар эди. Қонунга асосан, васиятда белгиланган шахслар шу меросни қабул қилишлари шарт эди. Шунинг учун уларни (*heredes cessau*) яъни, мажбурий меросхўрлар деб аташар эди.

Иккинчи гуруҳни эса бошқа меросхўрлар ташкил қилар эдилар. Биринчи гуруҳдагилардан фарқли ўлароқ улар «ташқи» ёки «бегона» меросхўрлар (*heredes extranei*) деб номланарди. Чунки улар мулкдор билан бир оилани ташкил қилмас эдилар. Мерос бу гуруҳга кирувчиларга текканда, мулк оиладан ташқарига чиқиб кетганлиги учун қонун бу меросни қабул қилиш мажбуриятини қўймас эди. Яъни, «бегона» меросхўрлар берилаётган меросни рад этишлари мумкин эди. Шунинг учун уларни «ихтиёрий» меросхўрлар (***heredes voluntarii***) деб ҳам аташарди. Ихтиёрий меросхўрлар меросни ҳар хил йўллар билан олиш имконига эга эдилар:

cretio – гувоҳномалар назоратидаги тантанали баёнот ва **prohorede gestio** – конклюдент ҳаракатлар (*concludere* – муҳокама қилиб, хулоса чиқармоқ). Юстиниан дигестларида асосан, меросни қабул қилиш учун шунчаки ихтиёрий билдирадиган магистрантга йўналтирилган ариза бериш лозим эди.

Меросни қабул қилиш вақти «цивил» ҳуқуқида белгиланмас эди. Претор ҳуқуқига эса шу вақтни қариндошлар учун юз

кун ва бир йил деб бошқа меросхўрларга белгилаб қўяр эди. Меросни очилиши ва қабул қилиши ўртасидаги вақтда шу мерос юридик ноаниқ вазиятда қолар эди (**hereditas jacens**). Шунда меросдаги мулкка мулкдорсиз деб қаралар эди. (**Sine domino**) яъни ҳеч кимга тегишли эмас бўларди. У бошқа шахс томонидан эгаллаб олиниши, ўзлаштириб олиниши, бир йил ўтгач мулкни эгаллаб олган киши мулкдор ҳисоблана бошлар эди. Постклассик давр ҳуқуқида (**hereditas iacens**) мулкдорсиз деб белгиланиши рад этди ва шу мулкни талон-тарож қиладиган шахсларга жинной жавобгарлик белгилади. Энди мерос ёки меросхўрлар томонидан қабул қилиши ёки махсус ҳуқуқий вазиятда қолиши мумкин эди.

Меросни қабул қилишнинг ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатлари бор эди. Маънавий жиҳати **sacra** – оламдан ўтган инсонни ва унинг аждодлари руҳини ҳурмат қилиш мажбуриятини юксалтириши меросни қабул қилишнинг моддий натижаси эса мерос қолдирувчининг барча, нафақат моддий, балки шахсий ҳуқуқларини ҳам меросхўрга ўтишдан ҳеч кимга тегишли бўла олмайдиган ва унинг ўлиши билан тўхтатиладиган ҳуқуқлар бу қоидадан мустасно эди. Меросхўр меросни олишга ундурмасдан кўз юмса унинг меросхўр ҳуқуқлари ўзининг меросхўрларига ўтар эди ва бу ўтиш оддий ҳолда бажарилар эди (меросхўр ҳуқуқларга меросхўр бўлиш). Меросхўрга бойликлар билан бирга мерос қолдирувчининг моддий мажбуриятлари (қарзлари) ҳам ўтар эди. Бунда меросхўр ўзи зарар кўрса ҳам марҳумнинг барча қарзларини узишга мажбур эди (жавобгарлик – **ultra vires nereditatis**).

Меросни қабул қилиш натижасида меросхўр ва мерос берувчининг мулки бир-бирига қўшилиб кетар ва кредиторлар томонидан ундириш объекти бўлиб қолар эди. Агар юқоридаги қоидалар ўзгартиришларсиз, изоҳларсиз ҳаётга татбиқ этилса, ё кредитор ё меросхўр зарар кўриши тайин эди.

Агар мерос бир неча одамга аталган бўлса бўлақларга мувофиқ тақсимланар эди. Бўлинмайдиган нарсалар эса хулди шу бўлақлар миқдорида умумий мулк бўлиб қолар эди. Шунингдек бундай тақсимланиш асосида мерос қолдирган инсоннинг қарзлари ҳам тақсимланар эди. Меросхўр тўғридан-тўғри меросдан

воз кечаётганлиги ҳақида хабар берса ёки меросни қабул қилиш муддати тугаган бўлса меросдан воз кечган ҳисобланар эди. Меросдан воз кечиш жараёни ўзи билан бир қатор юридик муаммоларни келтириб чиқарар эди.

Биринчидан, воз кечиш меросни навбатдаги шахсга ўтказишни тақозо қилар эди. Бундай пайтларда навбатдаги шахс шу ондаёқ меросхўрнинг ўрнига турар эди.

Иккинчидан, меросхўрнинг ўрнига турадиган одам бўлма-са ва қонунга ёки васиятга қараганда у меросни бошқа шахслар билан бўлишиши керак бўлса, унинг меросдан воз кечиши бошқа, қолган меросхўрларнинг оладиган мерос миқдори кўпаяр эди.

Учинчидан, Рим ҳуқуқи ривожланиши сари (*sucessio ordinum et graduum*) тизими кенгайиб борди. Юстиниан дигестларида бу тизимни қуйидагича ифодалаш мумкин эди. Биринчи навбатда оиладаги қариндошлари, иккинчи навбатда эса узоқроқ қариндошлари, яъни ака-укаларига меросни бериш эди. Агар биринчи навбатдаги меросхўрлар меросдан воз кечишса, мерос иккинчи навбатдаги меросхўрларга ўтар эди.

Тўртинчидан, бир хил пайтларда мерос қолдирувчи инсон ўзининг меросхўрларини васиятномада айтиб кетар эди. Васиятдаги меросхўрлар бу меросни олишдан бош тортсалар мерос қонунда белгиланган меросхўрларга ўтиб кетар эди.

Бешинчидан, (*sucessio ordinum et graduum*) тизимини киритишдан аввал, агар яқин қариндошлар меросдан воз кечсалар мерос узоқ қариндошларга ўтмас эди. Демак, узоқ қариндошлар меросни талаб қилишга ҳақлари йўқ эди. (*Sucessio ordinum et graduum*) тизими киритилганда шунга ўхшаш вазият ҳам, васиятномадаги ҳам, қонундаги меросхўрлар меросдан воз кечганларида кузатилар эди. Шунда меросдаги мулк вориссиз (*bonum vacans*). Узоқ вақт шундай вориссиз мулклар уларни ўзлаштириб олгунларича ҳеч кимники эмас бўлиб ётар эдилар. Бироқ милоддан аввалги I асрнинг охирида Юлий ва Паеий Пгмейларнинг қонуни: «Вориссиз мерос – мерос қолдирувчи инсоннинг қарзларини узишга йўналтирилиши лозим» деб белгилайди.

Меросхўрнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш цивил ҳуқуқи қоидалари билан ҳимоя қилинганида, ҳимоя цивил даъволари асосида кўрилар эди. Асосий даъвонинг мазмуни меросхўрлар талабидан иборат эди. Претор ҳуқуқи фаолияти давомида меросхўрлар претор интердикти ёрдами билан ҳимоя қилинган. Интердикт асосида меросхўр ўзининг мулкка нисбатан ҳаққини талаб қила олар эди.

Юстиниан дигестларида меросхўрларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳам худди юқорида белгиланган тартиб асосида кўрилган

Мулоҳаза юритиш учун саволлар ва масалалар

1. Ворислик муносабатлари қачон вужудга келган?
2. Ворислик қандай турларга бўлинади?
3. Фуқаролик ворислиги қандай маънони билдиради?
4. Мерос тушунчасини изоҳланг.
5. Универсал ворислик тушунчасига таъриф беринг.
6. Сингуляр ворислик деганда нимани тушунасиш?
7. Васиятнома тузиш учун нималар талаб қилинган?
8. XII жадвал қонуни бўйича ворислар неча навбатга бўлинган?
9. Преторлар ҳуқуқи бўйича тўртинчи навбатдаги ворислар таркибига кимлар киритилган?
10. Легатлар ва фидеюкомиссларни бир-биридан фарқи нималардан иборат?
11. Фуқаро Марк ўзига отаси томонидан қолдирилган мерос тўғрисида хабар топгандан сўнг меросни қабул қилиш учун легиондан 1 ойга таътил олиб Испаниядан Римга келди. Марк Рим шаҳрига келиб ўзига мерос асосида қолдирилган уйни қўшнилари томонидан талаб кетилганлигини шоҳиди бўлди. У даъво кўзғатиб претордан етказилган зарарни қопланишини ва уларга жарима солишни талаб қилди. Марк томонидан кўзғатилган даъво қандай ҳал қилинади?
12. Ота катта ўғлини Иберияликлар билан бўлган урушда ҳалок бўлганлигини эшитиб чуқур қайғуда вафот этди. Ота ўзига тегишли бўлган мол-мулкка нисбатан ҳеч кимга васиятнома қолдирмаганлиги учун унинг кичик ўғли Сабин оиладаги

ягона эркак бўлганлиги сабабли меросга эгаллик қилиш ҳуқуқини қўлга киритди. Лекин урушда ҳалок бўлган катта акасининг вояга етмаган иккита ўғли бўлиб, уларни онаси бундай ҳолга нисбатан эътироз билдирди ва олинган меросни бўлишни таклиф этди.

Уни эътироз билдиришга қонуний асослари бўлганми? Уни ўғиллари меросни қанча қисмига талабгор бўлишлари мумкин?

ТЕСТ ТОПШИРИҚЛАРИ

1. Халқаро ҳуқуқ деганда қайси ҳуқуқ тушунилади?

- A. *ius gentium*
- B. *ius civile*
- C. *ius honorarium*
- D. *ius privatum*
- E. *ius praetorium*

2. Юлиан эдикти сифатида машҳур бўлган сенатус – консулт қандай ном билан аталган?

- A. *Абадий эдикт*
- B. *Умумий эдикт*
- C. *Машҳур эдикт*
- D. *Бир йиллик эдикт*
- E. *Охириги тузилган эдикт*

3. Рим юриспруденцияси нечанчи йилдан бошлаб соф дунёвий характер касб этган?

- A. *Милоддан аввалги 254 йилдан*
- B. *Милоддан аввалги 230 йилдан*
- C. *Милоддан аввалги 244 йилдан*
- D. *Милоддан аввалги 264 йилдан*
- E. *Милоддан аввалги 143 йилдан*

4. Рим ҳуқуқида *digesta* ибораси қандай маънони англатади?

- A. *Системага солинган маъносини*
- B. *Саволлар маъносини*
- C. *Жавоблар маъносини*
- D. *Ҳуқуқий маслаҳатлар маъносини*
- E. *Институция маъносини*

5. Гай институциялари нечта китобга бўлинган?

- A. *4 та китобга*
- B. *3 та китобга*
- C. *8 та китобга*
- D. *10 та китобга*
- E. *50 та китобга*

6. Император томонидан суд ишларида чиқарилган қарорлар нима деб аталган?

- А. Декретлар*
- В. Эдиктлар*
- С. Рескриптлар*
- Д. Мандатлар*
- Е. Конституциялар*

7. Императорнинг ҳуқуқий масалалар бўйича консултаци-
ялар сўраган алоҳида шахсларга ёки магистратларга берган жа-
воблари ёки маслаҳатлари қайси жавобда тўғри келтирилган?

- А. Рескриптлар*
- В. Эдиктлар*
- С. Декретлар*
- Д. Мандатлар*
- Е. Конституциялар*

8. Прокуляялар ҳуқуқ мактабининг асосчиси ким бўлган?

- А. Лабейон*
- В. Прокул*
- С. Капитон*
- Д. Ульпиан*
- Е. Цельза*

9. Рим давлатида 438 йилда амалга оширилган кодификация
қандай ном билан аталган?

- А. Феодосия кодекси*
- В. Грегориан кодекси*
- С. Гермогениан кодекси*
- Д. Юстиниан кодекси*
- Е. Нанолон кодекси*

10. Византия императори Юстинианнинг буйруғи билан
528-534 йилларда ўтказилган кодификация ишларига қайси
юрист раҳбарлик қилган?

- А. Трибониан*
- В. Пампиниан*

- С. Модестин*
- Д. Ульпиан*
- Е. Павел*

11. Дигесталар неча китобдан иборат бўлган?

- А. 50 та*
- В. 15 та*
- С. 10 та*
- Д. 25 та*
- Е. 40 та*

12. Рим ҳуқуқида ўзини-ўзи бошқариш институти деганда ...?

- А. Бузилган ҳуқуқни дастлабки ҳолатига қайтаришига айтилган*
- В. Ўзини ўзи ҳимоя қилиш тушунилган*
- С. Мажбурий куч ишлатилишига айтилган*
- Д. Давлат органлари томонидан ҳимоя қилишига айтилган*
- Е. Жисмоний кучига ёки маънавий ақлига таянган ҳолда ҳуқуқбузарликни тўхтатишига айтилган*

13. Рим ҳуқуқида *ius* (юс) сўзи қандай маънони англатган?

- А. Ҳуқуқни*
- В. Одат нормаларини*
- С. Ваколатни*
- Д. Ҳуқуқ нормаларини*
- Е. Мажбуриятни*

14. *Lus civile* деганда қандай ҳуқуқ тушунилган?

- А. Фуқоролик ҳуқуқи*
- В. Оммавий ҳуқуқ*
- С. Хусусий ҳуқуқ*
- Д. Халқлар ҳуқуқи*
- Е. Преторлар ҳуқуқи*

15. Рим ҳуқуқини ҳуқуқшунослар нима деб атаганлар?

A. Юридик терминлар лабораторияси

B. Юристар мактаби

C. Юристар алифбоси

D. Ёзма ақл

E. Қонулар подшоиси

16. Формуляр процесда ёзма формулалар нечта қисмга бўлинган?

A. 3 та

B. 5 та

C. 7 та

D. 9 та

E. 10 та

17. Кондемпнация сўзи қандай маънони англатади?

A. Ҳукм чиқариш

B. Даъво билдириш

C. Даъвони бутунлай йўқ қилиб юбориш

D. Даъвогарни айбини аниқлаш

E. Ҳуқуқий асосини аниқлаш

18. Экстраординар жараёнларни кимлар амалга оширади?

A. Император амалдорлари

B. Судьялар

C. Юристар

D. Магистратлар

E. Провинция ҳокимлари

19. XII жадвал қонуни оммавий ва хусусий ҳуқуқнинг манбаи деб таърифланган Рим тарихчисининг исми шарифи қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

A. Тит Ливий

B. Жирар

C. Лабзон

D. Квинт Муций

E. Марк Манилий

20. Пандект ибораси қайси тилдан олинган ва қандай маънони билдиради?

- А. Юнон тилидан, уз ичига ҳаммасини олиш*
- В. Грек тилидан, қонунлар тўплами*
- С. Юнон тилидан, тартибга солинган*
- Д. Латин тилидан, мандат ёки эдиктлар*
- Е. Латин тилидан, сабаб*

21. Рим давлатида фуқароларнинг тенглиги ҳақида 212 йилда қайси император фармон чиқарган?

- А. Каракалли*
- В. Юстиниан*
- С. Август*
- Д. Адриан*
- Е. Север*

22. Рим давлатида Сенат неча кишидан иборат бўлган?

- А. 300 кишидан*
- В. 100 кишидан*
- С. 200 кишидан*
- Д. 400 кишидан*
- Е. 250 кишидан*

23. Сенат мажлиси ким томонидан чақирилган?

- А. Бакалаврлар*
- В. Император*
- С. Преторлар*
- Д. Понтификлар*
- Е. Магистрлар*

24. Рим давлатида сайлов йўли билан тайинланадиган амалдорлар қандай ном билан юритилган?

- А. Магистрлар*
- В. Консуллар*
- С. Преторлар*
- Д. Понтификлар*
- Е. Бакалаврлар*

25. Империиум доирасига кирувчи мухтор ҳуқуқлар қайси жавобда тўғри келтирилган?

А. Фармонлар чиқариш ва уларни ижросини назорат қилиш

В. Қўшинларга олий қўмондонлик қилиш ва уларни ташкил этиш, зобитларни тайинлаш, рақиб билан сулҳ тузиш

С. Сенат ва халқ мажлисини чиқариш ҳам уларга ранслик қилиш

Д. Ҳарбий ва фуқаролик юрисдикциясига эга бўлиш, яъни судлов ишларини олиб бориш

Е. Барча жавоблар тўғри.

26. Ушбу «Давлатчилигимизнинг бошланғич давларида халқ аниқ ёзилган қонунларсиз, аниқ қайд этилган ҳуқуқий қоидаларсиз яшаган ва ҳамма нарса рекслар ҳукми билан бошқарилган» деган фикр қайси ҳуқуқшуносга тегишли?

А. Помпоний

В. Ульпиан

С. Модестин

Д. Павел

Е. Гай

27. Рим фуқаролик ҳуқуқлари мажмуасини нималар ташкил қилади?

А. Новеллалар

В. Кодекслар

С. Дигестлар

Д. Институциялар

Е. Барча жавоблар тўғри

28. Қайси қонун бўйича қарзини тўлолмаган қарздорларни қул қилиш ёки ажнабийларга сотиш таъқиқланган?

А. Петелий қонуни

В. Лициний қонуни

С. Аквиллий қонуни

Д. Гортензия қонуни

Е. XII жадвал қонуни

29. Цицерон қайси мансабдор шахслар томонидан чиқарилган қонунларни «бир йиллик» қонунлар деб аталган?

- A. Преторлар*
- B. Консуллар*
- C. Магистрлар*
- D. Цензорлар*
- E. Прокураторлар*

30. Суд мажлислари қаерда ўтказилган?

- A. Форумда*
- B. Сенатда*
- C. Суд залида*
- D. Комицилийда*
- E. Претор хузурида*

31. Рим давлати ҳуқуқ мактабларида юристларни ўқитиш неча йил бўлган?

- A. 2 йил*
- B. 3 йил*
- C. 4 йил*
- D. 5 йил*
- E. 6 йил*

32. Феодосия кодекси ўз ичига қандай қонунларни олган?

- A. Император қонунчилигини*
- B. Сенат қонунчилигини*
- C. Претор қонунчилигини*
- D. Амалдаги қонунчиликни*
- E. Ҳаракатдаги императорлик қонунчилигини*

33. 426-йилдаги қонунларга асосан нечта юристнинг асарлари қонуний кучга эга бўлган?

- A. 4 та*
- B. 5 та*
- C. 6 та*
- D. 7 та*
- E. 8 та*

34. Юстиниан кодекси нечта китобга бўлинган?

- A. 4 та
- B. 10 та
- C. 12 та
- D. 14 та
- E. 16 та

35. Феодосия кодекси нечта китобдан иборат бўлган?

- A. 4 та
- B. 8 та
- C. 10 та
- D. 12 та
- E. 16 та

36. Суд жараёнида судьяни қандай ном билан аташган?

- A. Агерий
- B. Нигидий
- C. Октавий
- D. Гай
- E. Нумерий

37. Фуқароликни йўқотиш асослари қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

- A. Фуқаро уз ихтиёрига кўра латинлар ҳолатига ўтганда
- B. Озодликни йўқотиши, асрга тутиши
- C. Бошиқа давлатларга кул қилиб сотиши
- D. Оғир жиноятларни содир қилганлиги учун муддатсиз сургунга юбориши
- E. Барча жавоблар тўғри

38. Агарда кулдор 10 та кулга эга бўлса шулардан нечасини озод қилиши мумкин?

- A. 5 та кулни
- B. 2 та кулни
- C. 3 та кулни
- D. 10 та кулни
- E. Бирортасини ҳам

39. Сервитут тушунчаси қайси жавобда тўғри берилган?

- A. Безоналарнинг ер майдонидан чекланган тарзда фойдаланиш ҳуқуқи
- B. Давлатга қарашли ер майдонида доимий фойдаланиш ҳуқуқи
- C. Ердан доимий фойдаланиш ҳуқуқи
- D. Бир умрга мерос қилиб бериладиган эгалликдаги ер майдонини масарруф этиш ҳуқуқи
- E. Ҳадя қилинган ердан фойдаланиш ҳуқуқи

40. Рим давлатида фуқаролар неча ёшдан муомала лаёқатига эга бўлган?

- A. 25 ёшдан
- B. 16 ёшдан
- C. 18 ёшдан
- D. 20 ёшдан
- E. 21 ёшдан

41. Черковлар қайси император давридан бошлаб юридик шахс ҳисобланган?

- A. Император Константин
- B. Император Август
- C. Император Каракалли
- D. Император Адриан
- E. Император Юстиниан

42. Қайси император давридан бошлаб хусусий корпорацияларни Сенат рухсатисиз ташкил қилиш таъқиқланган?

- A. Император Август
- B. Император Север
- C. Император Антонина
- D. Император Адриан
- E. Император Анастасий

43. Суд процессида тарафлар бўлиб кимлар иштирок этади?

A. Даъвогарлар, жавобгар ва уларнинг адвокатлари

B. Даъвогар ва жавобгар

C. Даъвогар ва унинг қариндошлари

D. Жавобгар ва унинг қариндошлари

E. Судья, даъвогар ва жавобгар

44. Қул эгаларини ўз мулкларини бир қисмини қулларга топшириш нима деб аталган?

A. Пекулий

B. Интердикт

C. Когницио

D. Литисконтестация

E. Потестас

45. Сервитут ҳуқуқи асосида келиб чиққан низоларни ҳал қилишда қандай даъво қўлланилган?

A. Конфессориа даъво

B. Прогибатор даъво

C. Негатор даъво

D. Виндикацион даъво

E. Публикацион даъво

46. Реституция қандай маънони билдиради?

A. Ҳаммасини ўз ичига олиш

B. Олдинги ҳолатга қайтарини

C. Оғир оқибатлар келтириб чиқарини

D. Далиллар туплаш

E. Даъво билдириши

47. Қулликдан озод қилиш масалалари неча нафар судья иштирокида кўрилган?

A. 10 ёки 100 нафар судья

B. 1 нафар судья

C. 10 нафар судья

D. 10 ёки 20 нафар судья

E. 3 нафар судья

48. Когницион иш юритиш жараени қайси даврга келиб узил-кесил қарор топган?

- A. Доминат*
- B. Принципиаат*
- C. Республика*
- D. Монархия*
- E. Мутлоқ монархия*

49. Кимки фуқаролик ва озодликдан маҳрум этилса ...?

- A. Барча ҳуқуқларини йўқотган*
- D. Меросдан маҳрум бўлган*
- C. Мол-мулкдан маҳрум бўлган*
- D. Ярим ҳуқуқини йўқотган*
- E. Ҳуқуқини энг кам даражада йўқотган*

50. Император Август замонида қандай қулларни қўйиб юбориш тақиқланган?

- A. Тамга босилган қулларни*
- B. Гладиаторларни*
- C. Қора танлиларни*
- D. Ўз ихтиёри билан қул бўлганларни*
- E. Қул бўлиб туғилганларни*

51. Патрицийлар билан Плебейлар ўртасида никоҳ тузиш қайси қонун билан таъқиқланган?

- A. Канулей қонуни билан*
- B. XII жадвал қонуни билан*
- C. Лициний қонуни билан*
- D. Эбуций қонуни билан*
- E. Петелий қонуни билан*

52. Узуфрукт атамаси қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

- A. Бировнинг аиёси ва даромадидан умрбод фойдаланиш ва уни яроқли бўлишини таъминлаш*
- B. Бошқалар еридан сув ўтказиш*
- C. Бошқалар еридан юklar билан ўтиш*
- D. Бошқалар еридан ўтиш*
- E. Бировнинг аиёсидан чекланган миқдорда фойдаланиш*

53. Бошқаларнинг мулкига бўлган ҳуқуқ турлари қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

- A. Гаров ҳуқуқи
- B. Сервитут
- C. Эмфитевзис
- D. Суперфиций
- E. Барча жавоблар тўғри

54. Қишлоқ сервитутлари неча қисмга бўлинган?

- A. 4 қисмга
- B. 2 қисмга
- C. 3 қисмга
- D. 5 қисмга
- E. Қисмларга бўлинмаган

55. Сервитутлар нима деб аталган?

- A. Легал қонунлар ёки нормалар
- B. Чекланган қонунлар
- C. Чекланмаган қонунлар
- D. Қонунлар
- E. Махсус қонунлар ёки актлар

56. Шахсий сервитутлар қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

- A. Узўфрукт, узус, хабитацио
- B. Итер, актус
- C. Аквас, дустус, вия
- D. Актус, узўфрукт
- E. Хабитацио, итер

57. Сервитутга берилган кўчар ашёдан неча йил фойдаланилмаса сервитут тугатилган?

- A. 1 йил
- B. 2 йил
- C. 3 йил
- D. 4 йил
- E. Бундай ҳолат назарда тутилмаган

58. Сервитут берилган кўчмас мулкдан неча йил фойдаланилмаса сервитут бекор қилинган?

- A. Бундай ҳолат назарда тутилмаган
- B. 2 йил
- C. 1 йил
- D. 3 йил
- E. 4 йил

59. Қайси ҳолатларда фуқаро хусусий мулкка эгалик ҳуқуқини йўқотади?

- A. Мулкни ёниб кетиши, бировга берилиши натижасида
- B. Мулкнинг батамом нобуд бўлиши натижасида
- C. Мулк эгасини мулкни ўзидан бегоналаштириши натижасида
- D. Мулк эгасини эрки-иродасидан ташқари ҳолларда
- E. Барча жавоблар тўғри

60. Сервитут қандай даъволар билан ҳимоя қилинган?

- A. Конфессор даъволар
- B. Виндикацион даъволар
- C. Публикацион даъволар
- D. Петитор даъволар
- E. Негатор даъволар

61. Эмфитевзис бўйича ерни ижарага олган шахс қуйидаги ҳуқуқлардан қайси бирига эга бўлган?

- A. Ерни гаровга қўйиш, ўзидан бегоналаштириши ва авлодларга қолдириши
- B. Олинган ердан фойдаланиши
- C. Олинган ерга унинг сифатини насайтирмаслик шарти билан ўзгартиришлар киритиши
- D. Ердан олинадиган ҳосилни йиғиб олиши
- E. Юқоридагиларни барчаси тўғри.

62. Манципация нима?

- A. Мулк ҳуқуқини бошқа шахсга тантана билан ўтказиши
- B. Сохта суд жараёни

- C. Мулкка эгалик қилиш*
- D. Мулкдан фойдаланиш*
- E. Анъана усули*

63. Мажбурият ҳуқуқининг турлари қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

- A. XII жавдвал ва бошқа қонунлар билан тасдиқланган цивил мажбуриятни*
- B. Фуқаролик мажбуриятлари*
- C. Натурал мажбуриятлари*
- D. Претор мажбуриятлари*
- E. Юқоридаги барча мажбуриятлар*

64. Рим юристларининг фикрича қайси жойда мажбурият бўлмайди?

- A. Кредитор ва қарздор йўқ жойда*
- B. Мажбурият белгиланмаган жойда*
- C. Хорижий давлатда*
- D. Форумда*
- E. Уйда*

65. Новация сўзи қандай маънони билдиради?

- A. Мажбуриятнинг янгиланиши*
- B. Мажбуриятнинг вужудга келиши*
- C. Мажбуриятларни бекор бўлиши*
- D. Мажбурият талабини бошқа шахсга ўтказиши*
- E. Мажбурият талабини қондириши*

66. Рим ҳуқуқида «Цессия» қандай маънони билдиради?

- A. Талаб қилиш ҳуқуқини бир кредитордан бошқасига ўтиши*
- B. Мажбуриятни янгиланиши*
- C. Қайтарма мажбурият*
- D. Даъвои ҳимоя қилиш*
- E. Ёлеондан сақланиш*

67. Рим давлатида монархия қайси даврни ўз ичига олади?

A. Эрамиздан олдинги 735-510 йиллар

B. Эрамиздан олдинги 510-527 йиллар

C. Эрамиздан олдинги 27 йилдан, эрамизнинг 284 йилларини

D. Эрамизнинг 285-565 йилларини

E. Тугри жавоб йўқ

68. «Постклассик» давр қайси йилларни ўз ичига олади?

A. Эрамиздан олдинги 753-130 йилларни

B. Эрамиздан олдинги 130 ва эрамизнинг 280 йилларини

C. Эрамизнинг 230-527 йилларини

D. Эрамизнинг 525-565 йилларини

E. Тугри жавоб келтирилмаган

69. Рим ҳуқуқининг тарихий ривожланиши қачон тугаган?

A. Постклассик даврнинг тугаши билан

B. Республиканинг тугатилиши билан

C. Кодексларнинг вужудга келиши билан

D. Гайнинг ўлими билан

E. Юстинианнинг ўлими билан

70. Юстиниан кодекси неча бўлимдан иборат бўлган?

A. 4 бўлимдан

B. 8 бўлимдан

C. 12 бўлимдан

D. 16 бўлимдан

E. Кодексда бўлимлар бўлмаган

71. Сенат аъзоларини Цезар неча сенатордан иборат қилиб белгилаган?

A. 300 сенатор

B. 400 сенатор

C. 600 сенатор

D. 800 сенатор

E. 900 сенатор

72. Эрамиздан олдинги 321 йилдаги Овиний қонуни билан сенат аъзолари неча йилга сайланадиган бўлди?

- A. 1 йилга
- B. 2 йилга
- C. 3 йилга
- D. 4 йилга
- E. 5 йилга

73. Конкубинат бу?

A. Эркаклар ва аёлларнинг расмийлаштирилмаган доимий биргаликдаги янаши

- B. Эр ҳокимиятисиз никоҳ
- C. Зарарни ундириш бўйича мажбурият
- D. Фарзандсизликни жазоловчи қонун
- E. Хизмат бўйича имтиёз

74. Принципиат даврида кимларнинг васиятлари қандайдир расмийчиликлар талаб қилмаган?

- A. Аскарларнинг
- B. Деҳқонларнинг
- C. Ҳунармандларнинг
- D. Бойларнинг
- E. Тўғри жавоб йўқ

75. Классик даврда васиятномаларда нима ўрнатиш кенг тарқалган?

- A. Васиятномадан воз кечиш
- B. Махсус мулк
- C. Магистрлар шитирокида тузиладиган қайдномалар
- D. Қонуний меросхўрлик учун мажбурий ҳиссанинг миқдори камайtirилган
- E. Фақат A ва B жавоб тўғри

76. Қайси даврда экстраординар жараён кенг тарқала бошлаган?

- A. Доминат даврида
- B. Принципиат даврида

- С. Энг қадимги даврида*
- Д. Постклассик даврида*
- Е. Республика даврида*

77. Сенатус-консулт қачон қабул қилинган?

- А. Милоднинг 10-йида*
- В. Милоднинг 5-йида*
- С. Милоднинг 2-йида*
- Д. Милоддан аввалги IV асрда*
- Е. Милоднинг 6-йида*

78. Илк империя даврида имтиёзли шахслар ўз қариндошларини ўлдирган ҳолда ўлим жазоси билан жазоланишлари мумкин эди. Доминат даврида эса?

А. Тўрт ҳолатда: одам ўлдирши, ўт қўйши, сеҳру жоду билан шугулланиш ва жаноби олийларини ҳақорат қилиш ҳолларида ўлимга маҳкум этилган.

В. Уч ҳолатда: ўт қўйши ва сеҳру жоду билан шугулланиши, ўғрилик қилиши ҳолларида ўлимга маҳкум этилган.

С. 31 турдаги жиноятлар учун ўлим жазоси билан жазоланган.

Д. Ҳарбий жиноятлар учун

Е. Уларга жазо қўлланилмаган

79. Васият қилиш ҳуқуқи кимларга берилмаган?

- А. Перегринларга*
- В. Лотинларга*
- С. Плебейларга*
- Д. Патрицийлар*
- Е. Колонларга*

80. Рим ҳуқуқида меросни қабул қилиш муддати неча кун қилиб белгиланган?

- А. 100 кун*
- В. 30 кун*
- С. 50 кун*
- Д. 150 кун*
- Е. 200 кун*

81. Мерос қолдирилган мулкнинг бир қисмини бошқа шахсларга бериш нима деб аталган?

- A. *Легат*
- B. *Интестабел*
- C. *Фидеоконмисс*
- D. *Домницион ҳагат*
- E. *Тўғри жавоб йўқ*

82. «Рим ҳуқуқи» фани бўйича 2000 йилда нашр этилган ўқув қўлланма муаллифи ким?

- A. *Шавкат Уразаев*
- B. *Орол Эрназаров*
- C. *Замира Шомухамедова*
- D. *Рустам Рўзиев*
- E. *Бобоқул Тошев*

83. Ашёддан фойдаланиш ҳуқуқи нима деб аталган?

- A. *Юс утенди*
- B. *Юс прунди*
- C. *Юс абутенди*
- D. *Юс поссиденди*
- E. *Юс виндиканди*

84. Император Юстиниан даврида мулкка эгалик қилишнинг қандай усули кенг тарқалган?

- A. *Анъанавий усул*
- B. *Ҳосила усули*
- C. *Дастлабки усул*
- D. *Мансипасия усули*
- E. *Ин юре чессио усули*

85. Мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишда энг асосий даъво қайси жавобда тўғри берилган?

- A. *Виндикацион даъво*
- B. *Негатор даъво*
- C. *Прогибатор даъво*
- D. *Публикан даъво*
- E. *Конфессор даъво*

86. Гаров ҳуқуқи қачон бекор қилинган?

А. Гаров билан таъминланган мажбуриятнинг бажарилиши натижасида

В. Гаровга қўйилган ашё нобуд бўлганида

С. Гаровга қўйилган ҳуқуқнинг бекор бўлиши натижасида

Д. Гаровга қўйилган мулк битта шахсга тааллуқли бўлиши натижасида

Е. Юқориди келтирилган барча жавоблар тўғри

87. Мажбуриятларни тўртта асосда вужудга келиши биринчи маротаба қайси кодексда ўз ифодасини топди?

А. Наполеон кодексиди

В. Юстиниан кодексиди

С. Грегориан кодексиди

Д. Феодосия кодексиди

Е. Германиан кодексиди

88. Рим давлатида товарлар, ашёлардан фойдаланганлиги учун, бироқ қарзни ўз вақтида тўламаганлиги учун фоизлар тўланган. Бу фоизлар савдогарлар учун қанча қилиб белгиланган?

А. 8 фоиз

В. 4 фоиз

С. 6 фоиз

Д. 10 фоиз

Е. 12 фоиз

89. Васиятнома тузишда кимлар гувоҳ сифатида тан олинмаган?

А. Давлат жиноятчиларининг болалари

В. Хотин-қизлар, васийликда бўлган фуқаролар

С. Вояга етмаган шахслар, кўрлар, карлар

Д. Жисмоний ва руҳий томондан камчилиги бор шахслар

Е. Барча жавоблар тўғри.

90. Император ҳокимияти баъзи бир корпорацияларига ўз низомини ишлаб чиқаришга рухсат берган эди. Бу ибора қайси ҳуқуқшуносга тегишли?

- A. Гай
- B. Модестин
- C. Лабен
- D. Ульпиан
- E. Павел

91. Рим ҳуқуқида биргаликда фаолият нима деб аталади?

- A. *Societas*
- B. *Metus*
- C. *Mandatum*
- D. *Custodia*
- E. *Mutuum*

92. Ижара шартномаси қандай шартномалар жумласига киради?

- A. *Консенсуал шартномалар*
- B. *Литтерал шартномалар*
- C. *Вербал шартномалар*
- D. *Реал шартномалар*
- E. *Номсиз шартномалар*

93. Мулкни ушлаб туриш нима деб аталади?

- A. *Детенцио*
- B. *Корпус*
- C. *Анимус*
- D. *Традицио*
- E. *Манципацио*

94. Римликлар биринчи бўлиб нимани ишлаб чиққанлар?

- A. *Хусусий мулкка асосланган энг мукамал ҳуқуқ формаси-ни*
- B. *Қонунларни*
- C. *Кодексларни*
- D. *Дигестларни*
- E. *Рим юриспруденциясини*

95. Рим давлатида шахсларнинг ҳуқуқ лаёқати нима туфайли ўзгариб борган?

- A. Савдо муносабатларини янада кенгайтиши
- B. Объектларнинг кенгайтиши
- C. Субъектларнинг кўпайиши
- D. Ишлаб чиқаришнинг ўсиши
- E. Қонусларни такомиллаштириши

96. Рим ҳуқуқида мулк ҳуқуқининг мазмунини нечта элемент ташкил этган?

- A. 5 та элемент
- B. 2 та элемент
- C. 3 та элемент
- D. 4 та элемент
- E. 6 та элемент

97. Номсиз шартномалар қандай ҳаракатлар билан амалга оширилган?

- A. Фацио ут фациас
- B. До ут дес
- C. До ут фациас
- D. Фацио ут дес
- E. Юқоридаги барча ҳаракатлар билан

98. Рим ҳуқуқига кирмайдиган ҳуқуқий муносабатни кўрсатинг?

- A. Маъмурий муносабатлар
- B. Мулкий муносабатлар
- C. Оилавий муносабатлар
- D. Ворислик муносабатлари
- E. Мажбурият муносабатлар

99. Агарда ер эгаси бўлмаган фуқаро ердан хазина топиб олса бу хазина кимга тегишли бўлган?

- A. Ер эгаси ва топиб олган шахсга
- B. Топиб олган шахсга
- C. Ер эгасига

D. Давлатга

E. Тониб олган шахсга ва давлатга

100. Секвестр нима.....?

A. Низоли ашёларни сақлаш

B. Мулкни сақлаш

C. Барча ашёларни сақлаш

D. Гаровга қўйилган ашёларни сақлаш

E. Товарларни омборхонада сақлаш

101. Биз фойдаланадиган барча ҳуқуқлар ё шахсларга, ё ашёларга ёки ҳуқуқий ҳаракатларга тегишлидир. Бу фикр қайси ҳуқуқшуносга тегишли?

A. Рим юристи Гайга

B. Рим юристи Сабинга

C. Рим юристи Африканга

D. Гермогеннанга

E. Дорафейга

102. Император Юстиниан даврида икки никоҳлиликка нисбатан қандай жазо қўлланилган?

A. Сургуни қилиши

B. Қалтаклаш

C. Қулликка сотиши

D. Ўлдирishi

E. Жазо қўлланилмаган

103. Нума Помпилий таъсис этган корпорациялардан ташқари барча иттифоқлар ва корпорацияларни фаолияти қайси император томонидан таъқиқланди?

A. Император Каммода

B. Император Север

C. Император Август

D. Император Флавий

E. Император Каракалли

104. Гай институциялари биринчи марта қачон ва ким томонидан чоп этилган?

- A. 1810 йилда Нибур томонидан
- B. 1815 йилда Беккер томонидан
- C. 1820 йилда Гешен томонидан
- D. 1822 йилда Блюме томонидан
- E. 1874 йилда Студемунд томонидан

105. Гаровни тарихий шакли қайси жавобда тўғри берилган?

- A. Пигнус
- B. Фидуция
- C. Ипотека
- D. Кауза
- E. Тўғри жавоб йўқ

106. Жавобгарга берилган тарафларнинг гувоҳлари томонидан имзоланган претор формуласи нима деб аталган?

- A. Интенция
- B. Кондемнация
- C. Эксенция
- D. Литесконтестация
- E. Тўғри жавоб йўқ

107. Рим ҳуқуқида пакт?

- A. Бу – келишув
- B. Бу – сервитут
- C. Бу – даъво билан ҳимоя қилинмаган норасмий келишув
- D. Бу – битим
- E. Бу – кауза

108. Меросдан маҳрум этилганлар қайси судга мурожаат қилганлар?

- A. Центрумвирал судларига
- B. Император судларига
- C. Претор судларига
- D. Магистрат судларига
- E. Хакамлик судларига

ХИИ ЖАДВАЛ ҚОНУНЛАРИ

Профессор С.Л. Утченко таҳрири остида 1962 йилда нашр этилган «Қадимги Рим тарихи хрестоматияси» китобидан олинган

І ЖАДВАЛ

1. Агар кимдир суд сўзлашувига чақирилса, борсин. Келмайдиган бўлса, чақирувчи гувоҳлар олдида буни тасдиқлаши ва куч ишлатиб олиб келсин.

2. Агар чақирилувчи (одам) ҳар хил баҳоналар ўйлаб топадиган, яширинишга ҳаракат қиладиган бўлса, чақирувчи уни ушлаб олсин.

3. Агар унинг касаллиги ёки қариллиги сабаб бўладиган бўлса, чақирувчи одам (извош юборсин). Ҳоҳламаса мажбур эмас.

4. Суд сўзлашуви жараёнида ўз хўжалиги билан яшовчи учун ўз хўжалигига эга бўлган кафил бўлсин. Хўжаликсиз фуқарога ким хоҳласа кафил бўлаверсин.

5. Нимани келишишган бўлса, суд сўзлашувида даъвогар ўша ҳақида сўрасин.

6. Агар тортишувчи тарафлар келиша олишмаса, чоҳгоҳгача форумда ёки комициумда учрашишсин. Тортишувчи тарафлар ўз ҳуқуқларини (галма-галдан) навбат билан ҳимоя қилишсин.

7. Чошгоҳдан сўнг магистрат суд сўзлашувида ҳозир бўлган тарафнинг талабини тасдиқлайди.

8. Агар суд сўзлашувида икки тараф ҳам ҳозир бўлса, қуёш ботиши суд сўзлашувининг ниҳояси бўлсин.

II ЖАДВАЛ

1. (Гай Институциялари, IV.14: 1000 асс ва ундан ортиқ даъволар бўйича понтификлар кассасига 500 ассдан иборат кафиллик суммаси қўйилар эди. 1000 ассдан кам даъволар учун 50

асс, бу XII жадвал қонунлари томонидан ўрнатилган эди. Агар тортишув қандайдир инсоннинг эркинлиги устида бораётган бўлса унинг нархи ниҳоятда баланд бўлса-да, юқоридаги қонунда тортишув атиги 50 ассдан иборат кафиллик суммаси ҳақида бориши кўрсатилганди).

2. Агар оғир касаллик ёки суд кунининг кимнидир хоинликда айбланишга тўғри келиб қолиши судьяга (тўсқинлик қиладиган бўлса) учинчи ҳакам воситачи тортишувчи тарафга судга келишга тўсқинлик қилса, унда суд тортишувлари бошқа кунга қолдирилиши керак

3. Гувоҳлик кўрсатмалари етишмаётган тортишувчи судга келмаган гувоҳнинг эшиги олдига борсин ва ҳамма эшитадиган қилиб уч кун давомида уни инсофга чақирсин.

III ЖАДВАЛ

1. Қарздорга ўз қарзини тан олгандан ёки суд томонидан унга қарши қарор чиққанидан сўнг 30 кун берилсин.

2. Кўрсатилган муҳлат тугаганидан сўнг даъвогар қарздорни ушласин ва қарорни бажариш учун суд сўзлашувига олиб келсин.

3. Агар қарздор суд қарорини бажармаса ва суд сўзлашувиде уни ҳеч ким жавобгарликдан озод қилмаган бўлса, даъвогар уни ўзи билан олиб кетсин ва оғирлиги 15 фунтдан кам бўлмаган, хоҳласа ундан ортиқ кишан билан кишанласин.

4. Қарздор тутқунликда хоҳласа ўз ҳисобига боқилсин. Агар у ўз қарамоғида бўлмаса, уни тутқунликда ушлаб турувчи кунига 1 фунтдан, хоҳласа ундан орттириб ун берсин.

5. (Авл Гелий, Антик кечалар, XX. 1.46: қарздор тутқунликда даъвогар билан ярашиш ҳуқуқига эга эдилар, бироқ яраша олмасалар қарздорлар тутқунликда 60 кун қоладилар. Бу муҳлат ичида уларни бозор кунлари кетма-кет уч марта комициумга, преторнинг олдига олиб келишарди ва уларни қарзлари эълон қилинар эди. Учинчи бозор куниде уларга ўлим жазоси қўлланилар эди ёки чет элга Тибр юртига сотувга йўлланар эди).

IV ЖАДВАЛ

1. (Цицерон, Қонунлар ҳақида, III. 8.19: XII жадвалдаги каби енгиллик билан ҳаддан ташқари бадбашара чақалоқ ҳаётдан маҳрум этилган эди).

2. Агар ота ўз ўғлини уч марта сотса, ўғил ота ҳукмидан озод бўлсин.

3. (Цицерон, Филиппиклар, II. 28.69: XII жадвал қонунидан фойдаланиб, ўз хотинимга ўзига тегишли нарсаларни олишни буюрдим ва калитни олиб қўйиб, ҳайдаб юбордим).

4. (Авл Гелий, Антик кечалар, III. 16.12: Менга аёл эрининг вафотининг 11 ойида туғанида у эрининг вафотидан кейин ҳомиладор бўлган деган иш юзага келгани маълум. Чунки децем-вирлар одам 11 ойда эмас, балки 10 ойда туғилади деб ёзишган).

V ЖАДВАЛ

1. (Гай, Институциялар, I. 144-145: аждодларимиз ҳатто ба-лоғатга етмаган аёллар ҳам уларга хос енгилтаклиги сабабли на-зорат остида бўлишлари керак деб тасдиқлашар эди. Фақатгина қадимги римликлар уларнинг илоҳий мақомига ҳурмат тариқа-сида (бундай қизларни) шундай хизматчи - қизларни мустасно равишда назоратдан озод қилишар эди. XII жадвал қонунида шундай дейилган эди).

2. (Гай, Институциялар, II. 47: XII жадвал қонуни томони-дан агнатлар назорати остидаги аёлга тегишли *res mancipi* аёл-нинг ўзи назоратининг розилиги билан бермаса, берилмаслиги аниқлаштириб қўйилган эди).

3. Кимки ўлимимдан кейин деб, ўз хўжалиги ва қарамоғи остидагиларга нисбатан кўрсатмалар қолдирган бўлса, (бу кўр-сатмалар) таъминланади.

4. Агарда ҳукмронлиги остида ҳеч кими йўқ кимдир вори-слик ҳақидаги кўрсатмаларни қолдирмай (ўладиган бўлса) ўлса, у ҳолда унинг хўжалигини унинг энг яқин агнати ўзига олсин.

5. Агарда марҳумнинг агнатлари бўлмаса, ундан қолган хў-жаликни унинг қариндош-уруғлари олсин.

6. (Гай, Институциялар, I. 155: XII жадвал қонуни ва васиятнома бўйича ҳомийлари тайинланмаган шахслар учун уларнинг агнатлари ҳомий ҳисобланди).

7. А) Агар инсон ақлдан озса, унинг ва мулкининг устидан ҳукмронликни унинг агнатлари ёки туғишганлари олсин.

Б) (Ульпиан, I. 1. рг. D. XXVII. 10: XII жадвал қонунига асосан исрофчига унга тегишли мулкни бошқариш учун рухсат берилмас эди).

8. А) (Ульпиан, Lib. Sing. Regul, XI I: XII жадвал қонуни озодликка чиқарилган Рим фуқаросидан қолган мулкни патронга топширар эди, агарда бу фуқаро ҳукми остида ҳеч кими бўлмаган ҳолда васиятнома қолдирмай вафот этса).

9. А) (Гордиан, I. 6. С. III. 36: XII жадвал қонуни бўйича вафот этганнинг бошқаларга нисбатан қарз талабномаларида акс этган мулк бевосита, яъни ҳеч қандай юридик расмиятчиликларсиз ворислар ўртасида уларнинг ворислик ҳиссаларига мос ҳолда бўлиб олинади).

Б) (Диоклетян, I. 26. С. II. 3.: XII жадвал қонунига асосан вафот этган инсоннинг қарзлари бевосита унинг ворисларига улар олган ҳиссаларга мос равишда тақсимланади).

10. (Гай, I. 1. рг. D.X. 2: Мерос бўлимидаги даъво XII жадвал қонуни қарорларига асосланади).

VI ЖАДВАЛ

1. Агар кимдир ўзини гаровга қўйиш (битимини) нарсани бегоналаштириш битимини 5 гувоҳ ва тарозибон иштирокида тузса, бунда айтилган сўзлар узилмас деб ҳисоблансин.

2. (Цицерон, Мажбуриятлар тўғрисида, III. 16: XII жадвал қонунига асосан битим тузилаётганда айтилган сўзларни келтириш етарли исбот ҳисобланар эди. Ўз сўзларидан тонганлар икки қарра жаримага солинар эди).

3. (Цицерон, Тор. IV. 23: Ер участкасига нисбатан (эгалик муддатининг узоқлиги) икки йил деб бошқа нарсалар учун 1 йил деб ўрнатилган эди).

4. (Гай, Институциялар, I.3 XII жадвал қонуни томонидан эри билан узоқ муддат бирга яшаётганлиги факти остида ўзи-

нинг устидан эрининг ҳокимиятини ўрнатилишини хоҳламаган аёл ҳар йили ўз уйидан уч кечага чиқиб кетиши ва шу тариқа ўзининг устидан йиллик эгаликни узган бўлиши аниқланган эди).

5. а) (Авл Гелий, Антик кечалар, XX. 17. 7.8: Суд сўзлашувида ўз қўли билан ўз нарсасини туриб бериш – бу суд сўзлашувида тортишув бораётган нарсага қўлини текказиши демакдир. Яъни, бошқача айтганда, рақиб билан мусобақада тортишувга сабаб бўлаётган нарсани ушлаб олмоқ ва тантанали иборалар билан унга бўлган ҳаққини талаб қилмоқ. Нарсага қўлини қўйиш маълум жойда, претор ҳузурида, агарда кимдир ўз қўли билан ўз нарсасини суд сўзлашувида талаб қилаётган бўлса, XII жадвал асосида амалга оширилар эди).

5. б) (Павел *Fragm. Vatic.*, 50: XII жадвал қонуни 5 гувоҳ ва тарозибон иштирокида битим йўли билан нарсани бегоналаштиришни ҳамда суд сўзлашувида преторнинг олдида бу нарсага эгалик ҳуқуқидан воз кечиш йўли билан бегоналаштиришни тасдиқлади).

6. (Тит Ливий, III. 44: Аппий Клавдий қонунларига асосан ҳимоячилар (Вергиния ҳимоячилари) қизларга нисбатан фикрлаш эркинлиги берилишини ўзининг дастлабки фармонларида мустаҳкамлаб қўйишган).

7. Эгаси бошқа одам томонидан иморат қуришга ёки ток ўтказишга ишлатилган, ўз хода ва устунларига тегмасин ва тортиб олмасин

8. (Ульпиан, I, I pr. D. XLVII. 3: XII жадвал қонуни қурилишга ёки ток ўтказишга ишлатилгани ўғирланган ҳолда ва устунларни ўз мулки сифатида на талаб қилишга ва на тортиб олишга йўл қўяр эди, лекин материаллар баҳосининг икки ҳиссаси ўлчамида уларни ишлатишда айбланаётганга даъво қилинар эди).

VII ЖАДВАЛ

1. (Фест, *Deverb. Signif.*, 4: Айланиб ўтиш жойи, яъни иморат атрофидаги қурилишсиз жой 2,5 фут кенглигида бўлиши керак).

2. (Гай, 1.13. D. X. 1: Чегара олиш ҳақидаги даъволарда ай-тишларича Афинада Салон томонидан ўтказилган қонун кучга эга бўлган фармойиш мисолидаги қуйидаги XII жадвал қонунни кўрсатмаларига амал қилиш керак: агар қўшни участка бўйлаб ғов қазиладиган бўлса, чегарадан ўтиш мумкин эмас, агар девор олинса қўшни участкадан 1 фут ичкарига олиш керак, агар турар жой бўлса 2 футга, агар чуқур ёки қабр қазилса, қанча чуқур бўлса шунча ташлаб, қудуқ бўлса 6 фут ташлаб, агар зайтун ёки «смоковница» экилса, қўшни участкадан 9 футга, қолган дарахтлар учун эса 5 фут жой ташлаш керак бўлади).

3. (Плиний, Табиий тарих, 19. 4. 50: XII жадвалда «хумор» сўзи умуман ишлатилмас эди. Уни белгилаш учун эса кўпинча hortus – чегаралаб олинган жой сўзидан фойдаланар эдилар. Бунда унга ота мулки маъносида қаралар эди).

4. (Цицерон, Қонунлар тўғрисида, 1.21.55: XII жадвал қадимийлиги бўйича 5 фут кенгликдаги оралиқларни сотиб олишни таъқиқлар эди).

5. (Цицерон, Қонунлар тўғрисида, 1.21.55: XII жадвал қарорига асосан, чегаралар ҳақида тортишувлар юзага келса, биз чегара олишни 3 даллол иштирокида амалга оширишимиз лозим).

6. (Гай, 1. 8. D. VIII. 3: XII жадвал қонунни бўйича тўғри йўлларнинг кенлиги 8 фут, бурилишлар 16 фут қилиб белгиланган эди).

7. Йўл четидаги участкаларнинг эгалари йўлни ўрашсин. Агар тош ётқизишмаса, эгарланадиган ҳайвонларда хоҳлаган ерларда юришлари мумкин.

8. А) Агарда ёмғир суви зарар етказса...

Б. (Павел 1. 5. D. XL, III, 8: Агар жамоат еридан оқиб ўтувчи ирмоқ ёки ариқ хусусий мулкка зарар келтирадиган бўлса, унда мулк эгасига XII жадвал қонунни асосида зарарни қоплаш ҳақида даъво берилар эди).

9. А) (Ульпиан, I. 1. 8. D. XLIII, 27: XII жадвал қонунни, бор сояси қўшни участкаларга зарар етказмаслиги учун 15 футдан баланд дарахтларни кесишни буюрар эди).

Б) (Помпоний, I. 2. D. XLIII. 27: Агар қўшни участкадаги шамолдан сенинг участкангга эгилса, унда сен XII жадвал қо-

нунига асосан уни йиғиштириб олиш учун даъво беришинг мумкин).

10. (Плиний, Табий тарих, XVI. 5.15: XII жадвал қонуни қўшни участкадан тушувчи ёнғоқларни теришга рухсат берарди).

11. (Юстиниан, I. 41. I. II. 1: Сотилган ва бериб юборилган нарсалар сотувчига сотиб олиш нархини тўлаганда ёки унинг талабларини бошқа йўллар билан қондирган тақдирдагина олувчининг хусусий мулки бўлади. Масалан, кафилни кўрсатса ёки гаровга у бу нарса берса. XII жадвал қонунида шундай кўрсатилган эди).

12. (Ульпиан, lib. Sing. Regul. II. 4: Агар васийлик берувчи қуйидаги кўрсатмаларни берган бўлса, қулни менинг ворисимга 10 000 сестерцийни тўлаш шарти билан озод қиламан, унда бу қул ворисдан бегоналаштирилган бўлса-да, у олувчига бу суммани тўлаб озодлик (чиқиш)ни қўлга кирита олади. XII жадвал қонунида шундай қарор қилинган эди).

VIII ЖАДВАЛ

1. а) Кимки аҳмоқона қўшиқ куйласа.

б) (Цицерон, Давлат тўғрисида, IV. 10. 12: XII жадвал жиний ишларнинг бир нечтасига ўлим жазосини ўрнатди ва шу жумладан кимдир бошқа одамни шарманда ва туҳмат қилувчи қўшиқни яратса (айтиб юрса ҳам) ган ҳолда қўллаш зарур деб ҳисобланар эди).

2. Агар зарар келтирса ва жабрланувчи билан ярашиб олмаса, (унга) ўзига ҳам худди шундай зарар етказилсин.

3. Агар қўл ёки таёқ билан озод (соғлом) одамнинг сўягини синдирса, 300 асс штраф, қул бўлса 150 асс штраф тўласин.

4. Агар (хафа қилса) озор етказса штраф 25.

5. Синдирса, ўрнини тикласин.

6. (Ульпиан, I. pr. D. IX. 1: Агар кимдир уй ҳайвонига зарар келтиргани ҳақида арз қилса, унда XII жадвал қонуни жабрланувчига бу ҳайвонни беришни ёки зарарни қоплашни буюради).

7. (Ульпиан, I. 14. 3. D. XIX. 5: Агар ёнғоқлар сенинг дарахтингдан менинг участкамга тушса, ва мен молларимни улар би-

лан боқсам, унда XII жадвал қонунлари бўйича сен на ҳосилни еб қўйди деб, даъво қила оласан, чунки мол сени участкангда боқилмади, на ҳайвон келтирган зарар ҳақида, на ноқонуний ҳаракатлар келтирган зарарлар ҳақида даъво қила оласан).

8. а) Кимки экилган экинларни бузса унга нисбатан жазо қўллансин.

б) Ўзганинг хосилини ўзининг участкасига ўтказиб олмасин.

9. (Плиний, Табий тарих, 18.3.12: XII жадваллар бўйича плуг билан ишлов берилган майдонда кечки пайт ҳосилни йиғиб олиш ёки уни ем қилиш қабиҳ гуноҳ эди. XII жадваллар Церфе худосига йўлиққан ўлим жазосини тайинлар эди. Бундай жиноятда айбдор вояга етмаган бўлса, преторнинг қарори билан калтаклашар эди ёки келтирилган зарарни икки ҳисса қоплашга буюришар эди).

10. (Гай, I. 9. D. XLVII/ 9: XII жадвал қонунлари иморатларни ёки уй яқинига жойлаштирилган нон скирдаларини ёндириб юборгани, агар у буни қасддан қилган бўлса, кишанлашни, калтаклаганидан сўнг ўлимга махкум этишни буюрар эди. Агар ёнғин беҳосдан, яъни эҳтиётсизликдан содир бўлган бўлса, у ҳолда қонун айбдор зарарни қоплаши, агар бунга қодир бўлмаса енгилроқ жазо тайинлашга буюрар эди).

11. (Плиний, Табий тарих, 17. 1. 7: XII жадвалларда қасддан кесилган бегонанинг ҳар бир дарахти учун 25 ассдан тўлаши кўрсатилган эди).

12. Агар кимки вақт ўғрилик қилган жойида ўлдирилса, у ҳолда унинг ўлими қонуний деб ҳисобланади.

13. Кун ёруғида агар қўлида қуроли билан қаршилик кўрсатса халқни чақир.

14. (Авл Гелий, Антик кечалар, XI. 18.8: Децемвирлар ўғриликда ашёвий далиллар билан ушланган озод инсонларга тан жароҳати беришни ва жабрланувчига боши билан жавоб берилишини, қул бўлса қамчи билан жазолашни ва қоядан ташлаб юборишни;

Лекин вояга етмаганларга нисбатан қуйидагилар ўрнатилган эди: преторнинг иродаси билан тан жазоси берилсин ёки зарар ундирилсин).

15. а) (Гай, институциялар, III. 191: XII жадвал қонунини бўйича агар нарса кимнингдир уйдан фортал тинтув пайтида топилса ёки у олиб келса ва унинг уйдан топилса, нарса қийматининг уч баробарида жарима тайинланган эди).

б) (Гай, институциялар, III. 192: XII жадвал қонунини тинтув олиб боровчи тинтув пайтида соңиқли боғичдан бошқа ҳеч қандай кийимда бўлмаслигини ва қўлида това ушлаб туришни буюрган.

16. Агар ўғрилик ҳақида даъво келтирилса ва бунда ўғри жойида далиллар билан ушланган бўлмаса, суд тортишувини нарсанинг икки ҳисса нархини белгилаш билан ҳал қилсин.

17. (Гай, институциялар, II. 45: XII жадвал қонуни бўйича ўғирланган нарсани унинг қадимлигини ҳисобга олиб сотиб олишни таъқиқлади).

18. а) (Тацит, Анналар, VI. 16: XII жадваллар билан биринчи маротаба қарор қилинди: бунгача бойлар хоҳиши бўйича олинган бўлса-да, энди ҳеч ким оёига 1 фоиздан ортиқ олиши мумкин эмас).

б) (Катон, Деҳқончилик ҳақида, кириш I: Аждодларимизнинг хусусиятлари бири ўғриларни ўғирлаган нарсасининг 2 карра қоплашга, судхўрни эса олган фоизларнинг 4 карраси миқдорда ундиришни қонунларга киритишди).

19. (Павел, Libri V Sentiarum, II. 12. 11: XII жадвал қонунини бўйича сақлаш учун топширилган нарса учун унинг қийматининг икки ҳиссаси миқдорда даъво берилади).

20. (Трибониан, I. 1. 55. D. XXVI. 7: ҳомийлар томонидан ҳомийлиги остидагининг мулки талон-тарож қилинганда, бу ҳомийларнинг ҳар бири учун XII жадвалларда ҳомийларга қарши ўрнатилган икки карра ҳажмдан даъвони илгари сурса бўлади, аниқлаш керак).

21. Ўз мижозига зарар келтирган патрон ер ости худоларига топширилсин (яъни бадном қилинсин).

22. Агарда кимдир гувоҳ ёки тарозибон сифатида битимда иштирок этса ва кейинчалик гувоҳлик беришдан бош тортса, у лабзсиз деб тан олинади ва гувоҳ бўлиш ҳуқуқидан маҳрум бўлади.

23. (Авл Гелий, Антик кечалар, XX. 1. 53: XII жадваллар бўйича ёлгон гувоҳликда ушланган Парпей қоясидан ташланган).

24. а) Агарда қўл билан отилган найза белгиланган жойдан узоққа бориб тушса, (қўйни) қурбонлик қилиш лозим.

24. б) (Плиний, Табиий тарих, XVIII. 3. 12. 8-9: XII жадваллар бўйича ҳосилни яширин нобуд қилганлик учун одам ўлдиргандан кўра оғирроқ ўлим жазоси тайинланар эди).

25. (Гай, 1. 236 рг. D. L. 16: Агарда кимдир заҳар тўғрисида гапираётган бўлса, инсоннинг соғлиғи учун унинг фойдали ва зарарли хусусиятларини очиб берсин. Ахир дори ҳам заҳар ҳисобланади).

26. (Порций, Lampo. Decl. Im Catil., 19: XII жадвалда ҳеч ким шаҳарда кечки йиғилишларни ўтказмаслиги кераклиги кўрсатилган).

27. (Гай, I. 4. D. XLVII, 22: XII жадвал қонунини коллегиялар, ҳамжамиятлар аъзоларига ўзаро исталган келишувлар тузиш ҳуқуқини берар эди. Бунда улар жамоат тартибига тегишли бирон бир қарор бузишмаса. Бу қонун кўриниши Салон қонунчилигидан (олинган) ўзлаштирилган).

IX ЖАДВАЛ

1.2. (Цицерон, Қонунлар ҳақида, III. 4. 11. 19. 44: Имтиёзларни, яъни қонундан ўз фойдаси томон четлашишларни сўрашмасин. Рим фуқаросининг ўлим жазоси ҳукми фақатгина центуриат комиссияларда чиқарилсин. XII-жадвал қонунини шонли қонунлари бири алоҳида шахслар фойдаси учун қонундан исталган четга чиқаришни йўқ қилувчи, иккинчиси Рим фуқаросига ўлим жазоси ҳукмини центуриат комиссиядан ташқарида чиқаришни таъқиқлар эди).

3. (Авл Гелий, Антик кечалар, XX, 17: Наҳотки сен суд сўзлашувида ишни кўриб чиқиш учун тайинланган ва бу иш бўйича пора олганда ушланган судья ёки воситачини ўлим жазоси билан жазоловчи қонунни оғир деб ҳисобланг?)

4. (Помпоний, I. 2. 23. D. 1.2.: Ўлим жазосини амалга оширишда иштирок этаётган Квесторлар жиний квесторлар деб

аталар эди. Улар ҳақида ҳатто XII жадвал қонунларида ҳам айтиб ўтилган эди).

5. (Марциан I.3. D. XLVII. 4: XII жадвал қонуни Рим халқи душманини Рим давлатига ҳужум қилишга гиж-гижловчи ёки Рим фуқаросини душманга сотувчини ўлим жазосига маҳкум қилишни буюради).

6. (Сальвиан, Бошқарувчи Худо ҳақида, VIII. 5: XII жадвал қарорлари ҳеч қандай инсонни судсиз ҳаётдан маҳрум қилишни таъқиқлар эди).

Х ЖАДВАЛ

1. Марҳумни шаҳарда кўмиш ва ёқиш мумкин эмас.

2. Марҳумни ёқиш учун тайёрланган гулханга ўтин болта ёрдамида ёрилсин ва керагидан ортиқ тайёрланмасин.

3. (Цицерон, Қонунлар тўғрисида, II. 23.59: XII жадвалдаги қонун [дафн маросимида] харажатларни чеклаш мақсадида учта кафанлик, битта алвон рангли ридо ва ўнта флейтачини [чолғучини] ҳамда марҳумнинг руҳига тиловат қилишни таъқиқлайди).

4. Аёллар дафн маросимида юзларини юлмасинлар ва марҳум руҳига тиловат қилмасинлар.

5. (Цицерон, Қонунлар тўғрисида, II. 23. 59: Дафн этиш учун атайлаб мурданинг суяқларини йиғмасинлар, бундан жанг майдонидо ёки ёт ерларда ўлганлар ҳолати мустасно).

6. а) (Цицерон, Қонунлар тўғрисида, II. 23. 59: Ундан ташқари, қонунларда яна қуйидаги [қоида]лар белгиланган: мўмиёлаш, [ифорли сувлар сепиш], қулларни жазолаш ҳамда жомларда ичимлик ичиш бекор қилинади. «Дабдаба билан ифорли сувлар сепилмай, узун гулчамбарлар осилмай, тутатқилар тутатилмай дафн этилсин»).

б) (Фест, De verb. Signif. 154: XII жадвалда марҳумлар ёнига дуо ўқилган ичимликлар қўйишни бекор қилиш зътироф этилган).

7. Агар кимдир шахсан ўзи ёки отлари ва қуллари (ўйинларда қатнашганлиги учун) ёхуд кўрсатган қаҳрамонлиги учун чамбар билан тақдирланган бўлса, у одам ўлганида гулчамбар

қўйиш таъқиқланмаган. Шунингдек, унинг қариндошларига дафн маросимида чамбарлар тақиб қатнашишга рухсат берилган.

8. Марҳумни дафн этаётганда унга қўшиб олтин кўмилмайди. Агар марҳумнинг тишлари тилла билан қопланган бўлса, у ҳолда жасадни шундайлигича кўмиш ёки куйдириш қораланмаган.

9. (Цицерон, Қонунлар тўғрисида, II. 24. 61: Қонун мулкдорнинг розилигисиз унга тегишли бинодан 60 футдан яқинроқ масофада марҳумга дафн гулханини ёқиш ёки қабрга дафн қилишни таъқиқлайди).

10. (Цицерон, Қонунлар тўғрисида, II. 24. 61: Қонун анча илгаридан дафн учун ёки жасадни куйдириш учун жой ҳозирлаб қўйишни таъқиқлайди).

XI ЖАДВАЛ

1. (Цицерон, Давлат ҳақида, II, 36. 36: Децемвирлар иккинчи чақириғи адолатсиз қонунларнинг 2 жадвалини қўшишди, ваҳоланки энг ғайри инсоний қонун билан плебейлар ва патрицийлар ўртасидаги никоҳнинг ман этилишини қарорлаштириб қўйдилар).

2. (Макробий, Sat., I. 13. 21: Иккита жадвал қўшган децемвирлар халққа тақвимни ўзгартиришни таклиф қилдилар).

XII ЖАДВАЛ

1. (Гай, институциялар, IV. 28: Қонун томонидан қарзни қоплаш учун нарсани эгаси киритилган эди ва XII жадвал қонунига асосан бу қурбон қилиш учун ҳайвон олганлар на бунда пулини тўламаганларга ҳамда ижарага олинган ҳайвон учун ижара ҳақи қурбонлик базмига кўзлаганларга қарши йўлга қўйилган эди).

2 а) Агарда қул ўғирлик қилса ёки зарар етказса жазоланади.

б) (Гай, институциялар, IV. 75. 76: Қарам шахслар ёки қуллар томонидан жиноятлар зийн ҳақидаги даъволарни келтириб чиқарар эди ва булар асосида уй эгаси қул эгасига ёки еткази-

лган зарарни қоплаш ёки айбдорнинг боши билан тўлаш кўрсатилар эди. Бу даъволар қонунлар ёки претор эдиктлари билан ўрнатилган. Даъволарга, масалан XII жадвал қонуни билан тузилган ўғрилиқ ҳақидаги даъвога тегишли).

3. (Фест, *De verb. Signif.* 174: Агар суд сўзлашувига қалбаки нарсани олиб келса ёки суд сўзлашуви фактини ўзини инкор қилса, претор уч воситачини тайинласин ва уларнинг қарори бўйича тортишув нарсаси фойдасининг икки ҳиссаси баробарида зарарни қопласин).

4. (Гай, *З. Д. XLIV, 6*: XII жадвал қонуни томонидан черковларга суд муҳокамасининг предмети бўлиш нарсани қурбонлик қилиш ман этилган; акс ҳолда биз бу нарсанинг 2 ҳиссаси баробарида жаримага тортиламиз. Лекин бу жарима давлатга тўланадими ёки бу нарсага даъвогарга тўланадими, ҳеч қаерда аниқлаштирилмаган).

5. (Ливии, VII. 17. 12: XII жадвалда бундан буён халқ йиғинининг ҳар бир қарори қонун кучига эга бўлиши кераклиги ҳақидаги қонун бор эди).

ГАЙ ИНСТИТУЦИЯСИ

(Парчалар)

Фуқаролик ҳуқуқи ва табиий ҳуқуқ ҳақида

1. Қонун ва аъъаналарни бошқарадиган барча халқлар қисман ўзларининг шахсий ҳуқуқларидан, қисман барча одамлар ҳуқуқларидан фойдаланадилар: шу тарзда ҳар бир халқнинг ўзи учун ўрнатган ҳуқуқи унинг шахсий ҳуқуқи ҳисобланади ва фуқаролик ҳуқуқи, яъни фуқароларнинг ўзларига хос бўлган шахсий ҳуқуқ деб аталади. Барча одамлар ўртасида табиий онг билан ўрнатилган ҳуқуқ эса барча халқларда бир хил қўлланилади, бир хил ҳимоя қилинади ва умумхалқ ҳуқуқи деб аталади, яъни ундан барча халқлар фойдаланадилар. Шундай қилиб Рим халқи ҳам қисман ўзининг шахсий ҳуқуқларидан, қисман барча одамлар учун умумий бўлган ҳуқуқлардан фойдаланади. Ўз ўрнида ҳар бир ҳуқуқни алоҳида-алоҳида хусусиятларига тўхталиб ўтамай.

2. Рим халқининг фуқаролик ҳуқуқи плебейлар қонунлари, қарорлари, сенат қарорлари, императорлар фармонлари, фармойиш чиқариш ҳуқуқига эга бўлган юқори мансабдаги амалдорларнинг олий фармонлари, юристларнинг жавобларидан ташкил топган.

3. Рим халқи қўллаб-қувватлаган ва қарор қабул қилган нарсалар қонуқ, плебейлар қўллаб-қувватлаган ва қарор қабул қилган нарсалар плебей қарорлари деб тушунилади. Плебснинг халқдан фарқи шундаки, барча фуқаролар, шу жумладан патрицийлар халқ деб белгиланади; патрицийлардан бошқа барча фуқаролар эса плебс номи билан белгиланади. Шунинг учун патрицийлар плебейларнинг қарорларини ўзлари учун мажбурий эмас деб тасдиқлаганлар, чунки ушбу қарорлар уларнинг руҳсатисиз ва иштирокисиз тузилган. Бироқ кейинчалик **Гортензий** қонуни чиқарилди ва ушбу қонун билан плебейлар йиғилиши қарорлари бутун халқ учун мажбурий деб белгиланган. Шундай қилиб, плебейлар қарорлари ушбу қонунлар билан тенг қўйилган.

4. Сенат қарорларини сенат буюради ва белгилайди дегани; у низоли бўлса ҳам қонуний кучга эга.

5. Императорлар қарори – император декрет, эдикт ёки рескрипт орқали қарор қабул қилди дегани ва император фармони ушбу қонун кучига эга эканлигига шубҳа бўлмаган, чунки императорнинг ўзи муҳим қонун асосида ҳукмронликка эришади (бу эса император фармойишларига қонуний куч берган).

6. Эдиктлар – қарор ва амрлар чиқариш ҳуқуқига эга бўлган юқори мансабдаги амалдорларнинг ушбу қарор ва амрларининг асл моҳиятидир. Эдиктлар чиқариш ҳуқуқи Рим халқининг мансабдор шахсларига берилади, бироқ бу жиҳатдан энг муҳим аҳамият касб этган ҳисобланади, уларнинг провинцияларидаги юрисдикцияси ўзларининг наместникларига тегишли.

7. Ҳуқуқшунослар жавоблари – бу ҳуқуқни белгиловчи ва амалга ошириш имкониятлари берилган юристлар фикр ва мулоҳазаларидир. Агар ушбу шахсларнинг фикрлари тўғри келса, бу қонун кучини олади. Агар юристлар фикрлари ўзаро тўғри келмаса, судьянинг ўз фикри энг яхши деб ҳисобланган. Адрианнинг шод хотирасига битилган рескриптларда ифодаланувчи фикрга амал қилиш ҳуқуқи берилади.

Ҳуқуқни тақсимлаш ҳақида

1. Биз фойдаланаётган барча ҳуқуқлар шахсларга ёки ашёларга ёки даъволарга тегишли. Дастлаб шахсларнинг, яъни инсонларнинг ҳуқуқий ҳолатини кўриб чиқамиз.

2. Шахслар ҳуқуқида асосий тақсимлаш ҳамма одамларнинг ёки эркин ёки қул эканлигидан иборат.

3. Бундан сўнг, эркин одамлар биринчидан туғма эркин, иккинчидан озод қилинганларга бўлинади.

4. Туғма эркин одамлар – эркин ҳолда туғилганлар, озод қилинганларга эса қонуний қулчиликдан эркинликка озод қилинганлар киради.

5. Бошқа томондан озод қилинганларнинг уч авлоди бор. Улар Рим фуқаролари ёки латинлар (қадимги италиянинг Лациум областида яшаган халқлар) бўйсундирилганлар. Ҳар бир гуруҳни алоҳида кўриб чиқамиз: биринчи қўлида қуроли бўлган бўйсундирилганлар ҳақида сўз юритамиз. Қўлида қуроли бўлган бўйсундирилганлар ёки **Элий Сенций** қонуни ҳақида.

6. Шундай қилиб, **Элий Сенций** қонуни жазолаш учун худо томонидан занжир билан ҳибсга олинган, темир қиздириб тамғаланган, фош қилинган жинояти учун қийноқ билан сўроқ қилинган, шунингдек ёввойи ҳайвонлар билан курашиш учун мўлжалланган ёки цирк аренагарига ва қамоқхоналарга ташланган ва шулардан сўнг ўз хўжайини ёки бошқалар томонидан эркинликка чиқарилган қулларга, Рим халқига таслим бўлган чет элликларга берилган ҳуқуқлардан фойдаланишни белгилаб берган.

Қўлида қурол билан бўйсундирилган чет элликлар ҳақида

1. Қўлида қурол билан Гай институциясига қарши, Рим халқига қарши курашган, кейин эса енгилган ва таслим бўлганлар **Peregrini dediticii** деб аталган.

2. Бундай шармандаликка учраганлар, уларнинг неча ёшда бўлишига қарамай эркинликка чиқарилган қуллар ҳеч қачон Рим ёки лотин фуқаролари деб ҳисобланмайди, зеро улар тўлиқ ушбу халқ тоифасига киради (**no jus Quiritium u gentium**), бироқ уларни доимо Рим халқига итоат этганлар ва таслим бўлганлар тоифасига киритамиз.

3. Агарда қул бундай шармандагарчиликка учрамаган бўлса, у эркинликка чиқгач Рим ёки лотин фуқароси этилган.

4. Қуйидаги уч шартни қаноатлантирган шахс, агар у ўттиз ёшдан ошган бўлса, квинит ҳуқуқи бўйича ва қонуний равишда ёки *vinidikta* орқали (юримдик акт асосида;) ёки цензор рўйхатига киритилган бўлса, бундай шахс Рим фуқароси деб тан олинади. Агар ушбу шартлардан бирортаси етишмаса, у лотин фуқаролигига қабул қилинади.

Эркинликка чиқариш ва эркинликка чиқаришнинг қонуний асоси ҳақида

1. Қулнинг маълум ёшда бўлиш шarti **Элий Сенций** қонуни билан киритилган. Ушбу қонун бўйича ўттиздан паст ёшда ва кенгаш томонидан эркинликка чиқаришнинг қонуний саба-

бини текшириб бўлгандан кейин **vinidikta** орқали эркинликка чиқарилган қуллар тенг ҳуқуқли фуқаролар бўлишлари мумкин.

2. Кенгаш иштирокида бирорта одам ўз ўғли ёки қизини, шогирди ёки тарбиячисини, ё қулни унинг шахсида ишончли шахсни кўриш учун, ё қул аёлини у билан никоҳ тузиш учун эркинликка чиқариб юборилиши қонуний эркинликка чиқаришнинг қонуний сабаби бўлиши мумкин.

Кенгаш йиғилиши ҳақида

1. Кенгаш Рим шаҳрида беш сенатор ёки Римнинг бешта вояга етмаган чавандозларидан, провинцияларда йигирмата рекуператорлар (арбитраж судьялари), Рим фуқароларидан иборат; ушбу йиғилиш суд мажлисларининг сўнгги кунида ўтказилади, Римда қулларни эркинликка чиқариш белгиланган кунларда кенгаш иштирокида амалга оширилади. Ўттиз ёшдан ошган қуллар эркинликка оддий тарзда ҳар қандай вақт йўл-йўлакай, ҳатто масалан претор ёки проконсул ҳаммомга ёки театрга кетаётган вақтда ҳам чиқарилиши мумкин.

2. Бундан ташқари ёши 30 ёш бўлмаган қул агар у эркинликка васият олса ва ўз хўжайинининг ёки ночор қарздорнинг меросхўри этиб тайинланса ва ундан аввал бошқа қулга эркинлик берилиб, у меросхўрликни қўлга олмаган бўлса, Рим фуқароси бўлиши мумкин. Буни ҳам **Элий Сенций** қонуни белгилаб беради. Эркинликка ҳурмат юзасидан ва эркинликсиз хўжайин томонидан тайинланган қулга нисбатан худди шу қарорни **Прокул** ҳам қўллайди. Чунки **Элий Сенций** қонуни бўйича ҳамманинг олдида меросхўр этиб белгиланган қул Рим фуқароси бўлиши мумкин, агар ўз қул аёли эркинликка чиқарса ёки ундан туғилган болаларни меросхўр этиб тайинласа, бу болалар барибир қул бўлиб қолаверадилар, чунки унинг таърифлаши бўйича улардан қайси бири биринчи меросхўр этиб тайинланганлиги ҳақидаги аниқ фикрга келиш мумкин эмас ва бунда бир неча қул туфайли мулкдан зарар кўриш кредиторлар мулкига ҳам зарар келтиради.

3. Ёши 30 ёшдан паст бўлган, агар у мерос эркинлигига эга бўлса **Элий Сенций** қонуни уни ҳали лотин қилмаса ҳам бун-

дай қул **Элий Сенций** қонуни бўйича лотин этиб тан олинади. 30 ёшга кирган қулга преторлик мулки ҳуқуқи асосида қулга эгаллик қилган хўжайин томонидан квирит ҳуқуқи бўйича эркинликка чиқарилган қул лотин деб тан олинади. Шунингдек, эркинлик олишга халақит берувчи бошқа тўсиқлар бўлмаса ва дўстлари ўртасида эркинлик олган худди шу тарзда лотин деб тан олинган. Юқорида қайд этилган шахсларнинг барчаси эркин ҳисобланган, квирит ҳуқуқи бўйича улар қул ҳисобланган бўлса ҳам претор уларнинг эркинлигини ҳимоя қилган. Энди эркинликка чиққан юқорида кўрсатилган ҳолатларда улар аслида ҳам эркин бўлганлар ва *Latin Juniani* латин деб аталади, чунки лотинликлар намунаси бўйича *coloniagi* номидан ҳосил бўлган; юнийлар деб аталганининг сабаби, Юний қонуни асосида эркинликка эришганлар, ваҳоланки улар аввалгидек қулардек туюларди.

4. Бироқ **Юний** қонуни ва уларнинг ўзлари васиятнома тузишга, на васиятнома бўйича сотиб олиш, на васиятнома бўйича васий этиб тайинланишларига имконият бермайди.

5. Агар биз улар васиятнома бўйича сотиб олишлари мумкин эмас, дейдиган бўлсак, буни улар на васият, на рад этишни бевосита олишлари мумкин эмас, деб тушуниш керак. Лекин улар *фидеюкомис* орқали олишлари мумкин.

6. Бўйсундирилганлар деб аталувчилар ҳар қандай чет эллик каби васият бўйича ҳеч нима ололмайдилар; кўпчилик юристларнинг фикрига кўра улар васиятнома ҳам қолдира олмайдилар.

7. Шундай қилиб, бўйсундирилганлар сонига кирганларнинг эркинлиги энг ачинарлидир; ҳеч қандай қонун, ҳеч қандай сенат қарори, ҳеч қандай император фармони уларга Рим фуқаролиги ҳуқуқини бермайди.

8. Римда ва унинг округидан юз миль узоқликда бўлган масофада ҳам қуллик мажбуриятларини бажармаслик ва ҳеч қачон эркинлик олмаслик шартлари билан қулларнинг ўзларини мулклари билан бирга *оммавий* тарзда сотиб юбориш кўрқуви остида, ҳатто Римда ва унинг округидан юз миль узоқликда ҳам қола олмас эдилар. Агар улар эркинликка чиқарилсалар яна Рим халқининг қуллари қилинар эдилар. Бу **Элий Сенций** қонунида ифодаланган.

Лотинлар томонидан Рим фуқаролигини олиш усуллари ҳақида

1. Лотинлар Рим фуқаролигини кўплаб усуллари орқали эгаллайдилар.

2. **Элий Сенций** қонуни бўйича 30 ёшдан паст ёшда эркинликка чиққан ва лотин фуқароси бўлган қуллар Рим аёл фуқароларига ёки колонияларга жойлашган лотин аёлларига, ёки ўзлари билан тенг ҳолатдаги аёлларга уйланганларидан сўнг ва Римнинг камида еттитадан кам бўлмаган вояга етган фуқаролари иштирокида никоҳларига гувоҳлик берганларидан ва бирга туғилган ўғли бир ёшга тўлганидан кейин Рим фуқаролигини оладилар. Қайд этиб ўтилган қонун бўйича бундай лотин преторга, провинцияда эса наместнигига (қишлоқ катталарига) мурожаат этиб, лотин Элий Сенций қонуни бўйича уйланганлигини, бу аёлдан бир ёшга кирган ўғли борлигини исботлаб бериши лозим. Агар претор ёки наместник бу иш исботланганлигини тасдиқласа, лотиннинг ўзи, хотини ёки эри, уларнинг ўғли ҳам ўша ҳолатда бўлса, буйруққа биноан Рим фуқаролари деб тан олинадилар.

3. Сўнгги иборага «ўғли ҳам ўша ҳолатда бўлса» деб қўшганлигимизнинг сабаби, лотиннинг Рим фуқаролигидаги хотини туққан боласи Адрианнинг хотирасини шод этиш учун чиқарилган янги сенат қарорининг кучи билан туғилади.

4. Зеро Рим фуқаролигини олиш ҳуқуқига Элий Сенций қонунига биноан фақат 30 ёшга тўлмасдан эркинликка чиқиб лотин бўлганларгина эга, бироқ Пегас ва Пузион консуллик қилган вақтда чиққан сенат қарорининг кучи билан ишбу ҳуқуқ 30 ёшдан ошиб эркинликка чиқиб лотин бўлганларга ҳам берилди.

5. Агар лотин эрта ўлиб кетган бўлса, бироқ бир ёшдаги бола учун Рим фуқаролигини исботлаб берса, онаси ҳам ўғлининг ишини ҳимоя қила олади ва бундай ҳолда у Рим фуқаролигига эга бўлади, қонуний никоҳда туғилган ўғил **postuma** сифатида отасининг меросхўри бўлиб қолади, яъни отасининг ўлиmidан кейин туғилган ҳисобланади. Рим фуқаролиги билан бирга отасининг меросини ҳам олиш муҳим ҳисобланган ўғил учун агар, унинг ота-онаси ўлган бўлса ва у вояга етгунга қадар унга ва-

сийлик қилган бўлса ва ишни олиб борган бўлса, ҳуқуқларини ўзи талаб қилиши мумкин.

б. а) Бу ерда ўғил ҳақида айтилган фикрлар қиз бола жинсига мансуб бўлган болага нисбатан ҳам кучга эга.

б) Агар қул бир хўжайинининг бонитар мулки ёки бошқасининг квирит мулки бўлиб қолса, улардан бири эркинликка чиқишни бошлаб бериши мумкин, кейингиси эса буни эркинликка иккинчи марта чиқариш орқали қўшимча қилиш мумкин.

с) Бундан ташқари, дон кўринишида ўн минг баравардаги ўлчамда нон сиғадиган денгиз кемаси қуриб берса ёки бошқа кема сотиб олиб бера олишга ҳаракат қилса ёки бирорта чўкиб кетган кема ўрнига Римга олти йил мобайнида нон ташиб бера оладиган кема бера олган лотин квирит ҳуқуқини қўлга киритиши мумкин, бундай қарор Клавдийнинг шод хотираси эдикти асосида қабул қилинади.

7. Бундан ташқари, Нерон эдикти билан лотин 10000 сестерций қийматида отасидан мерос қолган мулкка эга бўлса ва тез орада Римда уй қурса ва унга отасидан қолган мулкининг ярим қийматини сарфласа, унга квирит ҳуқуқи берилади.

8. Троян лотинга, агар у Римда уч йил давомида тегирмонга эга бўлса ва у ҳар куни 100 ўлчамдаги нон чиқариб турса, квирит ҳуқуқини бериш ҳақидаги қарор қабул қилди.

9. Агар қул лотин эркинлигини фақат преторлик ҳуқуқи бўйича тегишли бўлган хўжайинидан олса, у квирит ҳуқуқи бўйича тегишли бўлган ўша хўжайини томонидан рухсат олиши керак. Зеро, агар қул ҳам преторлик, ҳам квирит ҳуқуқи бўйича биргина хўжайинга тегишли бўлса, уни эркинликка ўша хўжайини томонидан чиқарилади, хоҳ лотин, хоҳ квирит ҳуқуқини қўлга киритиши мумкин.

10. Ҳамма ҳам қулни эркинликка чиқаравермайди.

11. Қулни эркинликка чиқариш кредиторларга ёки патронга зарар келтириши аҳамиятга эга эмас, чунки Элий Сенций қонунни эркинликни йўқ қилади.

12. Йигирма ёшга кирмаган хўжайин қулни озодликка чиқаришини, фақат суд орқали ва эркинликка чиқариш кенгаш олдидан қонуний асосга эга бўлса, худди шундай ўша қонунга биноан амалга оширилади.

13. Эркинликка чиқаришнинг қонуний асоси масала, отаси ёки онаси, тарбиячиси ёки онадош ака-укасини эркинликка чиқариш ҳисобланади. Аммо 30 ёшга кирмаган қулни эркинликка чиқаришда биз юқорида айтиб ўтган сабабларни ҳам ушбу ҳолатга киритиш мумкин. Бошқа томондан, 20 ёшдан кичик бўлган хўжайинга нисбатан баён этилган асослар, 30 ёшдан кичик бўлмаган қулга ҳам тегишлидир.

14. Чунки **Элий Сенций** қонуни билан 20 ёшдан кичик бўлган хўжайинлар учун маълум чегаралар белгиланган ва эркинликка чиқаришда чегаралашларни васият ҳам ташкил этиш мумкин, унда ўзига меросхўр этиб тайинлаш ва рад этишларни белгилаш мумкин, бироқ 20 ёшга кирмаган қулга эркинлик бериш мумкин.

15. Агар 20 ёшдан кичик хўжайин қулни лотин қилишни хоҳласа, у бунга қарамай кенгаш розилигини сўраши ва сўнгра қулни дўстлари орасида эркинликка чиқариш мумкин.

16. Бундан ташқари **Фуфий Каниний** қонуни қулларни васият эълонлари орқали эркинликка чиқаришнинг маълум чегараларини белгилаб берди.

17. Иккитадан ортиқ ва ўндан ортиқ қули бўлганларга уларнинг ярмини, 10 та ёки ўттизтадан ортиқ қуллари борларга уларнинг учдан бир қисмини эркинликка чиқаришга рухсат этилади. 30 тадан 100 тагача қулга эга бўлганлар ўз хоҳишига кўра қулларнинг тўртдан бир қисмини, 100 тадан 500 тагача қуллари борлар уларнинг бешдан бир қисмини эркинликка чиқариши мумкин. Катта миқдордагилари ҳисобга олинмайди, бироқ қонун юзтадан ортиқ бўлмаган миқдорда эркинликка чиқариш ҳуқуқига эга эмаслигини белгилаб берди, агар кимдир бир ёки иккита қулга эга бўлса, қонун уларга нисбатан ҳеч нима белгиламайди ва бунинг натижасида ўз хоҳишига кўра эркинлик бериш имконияти берилади.

18. Қайд этиб ўтилган қонун қулларни васият эълонлари бўйича эркинликка чиқарувчиларга кирмайди. Шунинг учун қулларни суд орқали ёки цензор рўйхатига киритиш ёки дўстлари иштирокида ўзининг барча қулларини озодликка чиқариш мумкин, агар бунга бошқа сабаблар тўсқинлик қилмаса.

19. Васият бўйича чиқариладиган қуллар сони ҳақида айтилганларни, қулларнинг умумий сонидан озод этиш мумкин

бўлган ярим қисмини, учдан бир қисми, тўртдан бир қисми ёки бешдан бир қисми миқдорида озод этиш аввалги сонига нисбатан қанча рухсат этилса, шунчасини озод этиш тушуниш лозим. Бу қонун билан ҳам кўзда тутилган зеро 10 та қулдан 5 тасини озод этиш нотўғри бўлар эди, чунки хўжайинга ушбу соннинг ярмигача бўлган миқдорда чиқариш рухсат этилган, 12 та қулга эга бўлган хўжайин уларнинг 4 тасини озод этиши мумкин. 10 ва 30 тадан ортиқ қули бўлганлар ҳам 10 та қули борларникидай, 5 та қулни озодликка чиқаришлари мумкин.

20. Агар васиятномада номаълум тартиб билан санаб ўтилган қулларга озодлик берилса, ҳеч ким озод бўлмайди, чунки озодликка чиқаришнинг аниқ навбати мавжуд эмас, ҳатто Фуфий Каниний қонуни ҳам унинг ўзи учун зарарли бўлган барча нарсаларни бекор қилди ва умуман йўқ қилиб ташлади. Ушбу қонунга хилоф қилиш учун ўйлаб топилган барча нарсалар, ҳатто сенатларнинг муҳим қарорлари ҳам мавжуд.

21. Умуман **Элий Сенций** қонуни асосида ишонувчилар учун зарарли бўлган ва уларни алдаш учун чиқариладиган қуллар, эркинлик ололмайдилар, худди шу нарсалар чет элликларга ҳам тегишли, чунки император Адриан буйруғи бўйича сенат шундай қарор қабул қилди. Ушбу қонуннинг қолган тарифлари чет элларга тегишли эмас.

22. Шахслар ҳуқуқида бошқача (айтиш) ажратиш келади. Айнан бир шахслар ҳукмрон, бошқалари бошқа ҳуқуққа бўйсунадилар.

23. Бўйсунганлардан бири отасининг, бошқалари эрларининг ҳукмронлиги остида бўлади, учинчилари қабила туфайли бошқаларга қарам бўлиб қолади.

24. Биринчи бошқаларнинг ҳуқуқларига бўйсунадиганларни кўриб чиқсак, чунки бу шахсларнинг ким эканликларини билиб олсак, шу билан бирга қайси шахслар ҳукмронликка мойил эканликларини билиб оламиз.

25. Биринчидан, бошқа одам қўл остида бўлганларни муҳокама қилиб оламиз.

26. Шундай қилиб, қуллар ўз хўжайинлари ҳукмронлигида бўладилар, бу қуллар устидан ҳукмронлик умумхалқ ҳуқуқ институтидир. Биз ҳамма халқларда хўжайинлар қулларининг

ҳаёт ва ўлимларини ҳал қилиш ҳуқуқига эга эканликларини ва қул нимага эга бўлса, бу хўжайинники эканлигини пайқашимиз мумкин.

27. Аммо ҳозирги кунда ҳеч қайси Рим халқига ўзининг қулига нисбатан ноқонуний равишда ўта бешафқат муносабатда бўлиш тақиқланган. Айнан император Антонин қарорига биноан ўзининг қулини сабабсиз ўлдирган хўжайин бегона қулни ўлдирган одамдан кўра кўпроқ жавобгарликга тортилади. Антонин қишлоқларнинг маҳаллий одамларидан черков ёки император ҳайкаллари остидан ўзларига бошпана қидираётган қулларни нима қилиш ҳақида маслаҳат сўраганда қуйидаги қарорга келди: агар хўжайин қулини чидаб бўлмайдиган даражада қийнаса, ўша хўжайинни қулларини бошқа одамга сотишга мажбурлаш керак. Бу иккаласи ҳам адолатлидир, чунки биз берилган ҳуқуқни суистеъмол қилмаслигимиз керак. Шунга асосан, ўз мансаби ва ҳуқуқларини суистеъмол қиладиган шахсларга ўз мулкларини бошқариши қатъиян таъқиқланган.

28. Рим фуқаролари икки хил мулкга эга бўлганликлари учун (претор ёки квинтит ҳуқуқи бўйича қул ҳар бир одамни мулкидир) қул хўжайинга претор ҳуқуқи бўйича тегишли бўлсагина уни ҳукмронлигида бўлади, агар квинтит ҳуқуқи бўйича тегишли бўлса, унда хўжайин қулни тўлиқ хўжайини ҳисобланмайди.

29. Бизнинг қонуний никоҳдан туғилган фарзандларимиз бизнинг ҳукмронлигимиз остидадир. Ҳуқуқ Рим фуқароларини асосий хусусиятидир. Император Адриан ўзини эдиктида «Ҳеч қайси халқ биздек ўз болаларини устидан ҳукмрон эмас ва мен болалар ота-оналарини ҳукмронлигида эканликларига **Галатов** халқи ишонинини биламан», деб таъкидлаган.

30. Рим фуқаролари фақатгина рим, лотин ва чет эллик *jus connubii* (яъни, барча юридик томонлари ҳисобга олиниб, римликлар билан никоҳда бўла оладиган шахс) аёллари билан қонуний никоҳдан туғилган болалари устидангина ҳукмронлик қилиш ҳуқуқига эгалар; *connubium* болага отасини меросхўри бўлишга ҳуқуқ беради, шунда улар фақат Рим фуқароси бўлибгина қолмай, балки оталари ҳукмронлигида бўладилар.

31. Император уруш қатнашчиларига фақат ҳарбий хизматдан кетганларидан кейингина лотин ва чет эл аёлларига уйла-

нишга ҳуқуқ берди ва улардан туғилган болалар Рим фуқароси ҳисобланиб, оталари ҳукмронлигида бўлишади.

32. Қулларга келсак, улар билан ҳеч қачон ҳақиқий никоҳ қуриб бўлмайди.

33. Бошқа томондан, биз ҳар қандай эркин аёлга уйлана олмаимиз ва айрим аёллар билан никоҳдан ўзимизни тийишимиз керак.

34. Ҳақиқатан ҳам, агар эр-хотин қариндош бўлса, *jus connubi*га эга бўлмаса никоҳ ҳақиқий ҳисобланмайди, масалан ота ва қиз, ўғил ва она, бобо ва набира орасидаги никоҳ жиний ва қондош ҳисобланади. Бу нарса қаттиқ назорат қилинади, ҳатто ота қизидан. Она ўғлидан воз кечиб турмуш қуриш ҳам таъқиқланган.

35. Шунга ўхшаш нарсалар кўп бўлмаса-да, ён қариндошлар орасида учраб туради.

36. Ҳақиқатдан ҳам ака-сингил ўртасидаги никоҳ шартсиз равишда тақиқланган, битта она ёки битта отадан ёки уларни бирортасидан туғилганлигидан қатъий назар. Агар бирор бир аёл менга опа сифатида асраб олинса ҳам, мен ва у никоҳ қура олмаимиз. Лекин қачонки, ота томонидан асраб олиш тўхта-тилса, мен унга уйланишим мумкин ёки мен отамнинг ҳукмронлигидан озод бўлсам ҳам никоҳ қонуний ҳисобланади.

37. Ука акасининг қизига уйланиши мумкин, бу нарса хотираси шод Клавдий акасининг қизи Агрипинига уйлангандан сўнг урф бўлган. Аммо опа ёки сингилнинг қизига уйланиш мумкин эмас: бу император қароридир. Худди шунингдек, амма ёки холага уйланиш тақиқланган.

38. Ундан ташқари қайнона, келин, ўғай қиз, ўғай онага уйланиш мумкин эмас, яъни бир аёл икки кишини никоҳида бўла олмайди ва эркаклар ҳам бир вақтда иккита аёл билан никоҳда бўла олмайди.

39. Шундай қилиб, кимда ким бундай ноқонуний ва қондош никоҳ қурса, уни хотини ҳам, болалари ҳам бўлмайди; шунинг учун бу алоқалардан туғилган болаларни фақат онаси бўлиб, отаси ноаниқ ҳисобланади. Шунинг учун бунақа болаларни оддий қилиб *spurii*, яъни грек тилида отасиз болалар дейишади.

40. Баъзида туғилган пайтидаёқ катталар ҳукмронлигида бўлмаган болалар кейинчалик ота ҳукмронлигига ўтиши ҳам учраб туради.

41. Агар лотин фуқароси Элий Сенций қонуни бўйича лотин ўғли бир лотин аёлга уйланса, ёки Рим фуқаросидан ўғли бўлган Рим аёлига уйланса-да, оталик ҳуқуқига эга бўлмайди; аммо кейинчалик лотин фуқароси сабабини исботлаб квирит ҳуқуқини олса, ўшандагина бола ота ҳукмронлигига ўтади.

42. Худди шунингдек, агар Рим фуқароси билмасдан ёки рим фуқароси деб ўйлаб лотин ёки чет эл аёлига уйланса, у бу никоҳдан туғилган бола устидан ҳукмронлик ҳуқуқига эга бўлмайди, яъни Рим фуқароси эмас, чет эллик ёки лотин фуқароси бўлиб, бу ҳолатда бола онани мулки ҳисобланади, чунки ота-она орасида *connubium* тузилгандagina бола отасини меросхўри ҳисобланиши мумкин. Аммо сенат қарорига биноан суд орқали хатони топиб, исботлаб она ва болага Рим фуқароси ҳуқуқи берилса шу вақтдан бошлаб бола отани ҳукмронлигида бўлади.

43. Шунингдек агар Рим фуқароси римлик деб ўйлаб чет эл фуқаросига турмушга чиқса, кейинчалик унга суд тартиблари билан танишиб хатосини исботлаб, тузатишга ҳуқуқ берилди, шунда эри ва фарзанди Рим фуқаролигини олади, шу билан бирга ўғил ота ҳукмронлигига ўтади. Худди шу қонун Рим фуқароси лотин деб, чет эл фуқаросига Элий Сенций қонуни бўйича турмушга чиққанда, ушбу хатони исботлашга ёрдам беради. Фақат бу ҳолатда махсус сенат қарорига биноан юқоридаги айтиб ўтилган никоҳдан туғилган бола Рим фуқароси ҳисобланса-да, отаси ҳукмронлигида бўлмайди.

44. Худди шунингдек агар лотин аёли чет эл фуқаросини лотин деб ўйлаб Элий Сенций қонуни бўйича турмушга чиқса, сенат қарори бўйича бола туғилгандан сўнг хатони исботласа оиласидаги ҳамма Рим фуқароси ҳуқуқини олади ва бола ота ҳукмронлигига ўтади.

45. Агар лотин фуқароси билмасдан лотин ёки Рим фуқароси деб ўйлаб чет эллик аёл билан Элий Сенций қонунига асосланиб турмуш қуришса юқоридаги қонун бу ҳолатда ҳам ўринлидир.

46. Бундан ташқари агар Рим фуқароси ўзини лотин фуқароси деб ўйлаб лотин аёлига Элий Сенций қонуни асосида уйланса,

унга ҳам ўғли туғилганидан сўнг, суд орқали хатони исботлашга рухсат берилади. Худди шунингдек Рим фуқароси ўзини чет эл фуқароси деб ўйлаб, чет эллик аёлга уйланса. У ҳам сенат қарорига биноан хатони исботлаб тузатиши мумкин, шундан сўнг хотини рим фуқаролигини олади, ўғли эса фақатгина Рим фуқаролигини олибгина қолмай, балки ота ҳукмронлигига ўтади.

47. Барча ўғил фарзанд хусусида айтиб ўтилганлар қиз фарзандга ҳам тегишлидир.

48. Хато сабабини исботлаётганда қиз ва ўғил фарзандларни ёши аҳамият касб этмайди, чунки сенат қарорига бу ҳақида ҳеч нарса дейилмаган, аммо Элий Сенций қонуни бўйича хато сабабини исботлаш ва тузатиш учун бола ёши бир ёшдан ошган бўлиши керак. Мен яхши биламанки, хотираси шод Адрианни қайсидир рескриптида хатоларни исботлаб тузатиш учун бола ҳеч бўлмаганда бир ёшга тўлган бўлиши керак, деб ёзилган эди.

49. Бошқа томондан чет эллик фуқаро Элий Сенций қонунига асосан Рим фуқаросига уйланиб, (аммо хотини уни латин деб уйлаган) фарзанди туғилгандан сўнг Рим фуқаролигини олган. Бунга ҳам император рескрипти асосида рухсат берилган. Кейинчалик у ўз хатоси сабабини исботлай олармикан деган саволга император Антонин; чет эллик ўзини хатосини шундай исботлайдики, худди у чет элликлигича қоладигандек деб жавоб берган, шундан хулоса қилиб, чет эллик фуқаро ҳам ўз хатоси сабабини исботлай олади, дея оламиз.

50. Айтиб ўтилганлардан маълумки Рим фуқароси чет эл фуқаросига ёки чет эл фуқароси Рим фуқаросига уйланишдан олдин яхшилаб ўйлаб кўради, чунки уларнинг ўғли чет эл фуқароси ҳисобланади. Аммо бу никоҳ хато сабабли тузилган бўлса, бу хатони ҳам сенат қарори асосида тузатиш мумкин, агар ҳеч қанақа хато бўлмаган бўлса, эр-хотинлар бир-бирларини яхши билиб никоҳ қуришган бўлса, ушбу никоҳ етишмовчиликларини умуман тузатиб бўлмайди.

51. *Jus connubii* тузилган чет эллик аёл билан Рим фуқароси ўртасидаги никоҳ қонунийдир ва улар орасида туғилган фарзанд Рим фуқароси ҳисобланиб, ота ҳукмронлигига ўтади.

52. Худди шунингдек *jus connubii* шахсли чет эл фуқаросига рим аёли турмушга чиқса улардан туғилган бола чет эл фуқаро-

си ва отасининг қонуний ўғли ҳисобланади. Ҳозирги вақтда сенат қарорига биноан ҳатто Рим аёли ва чет эл фуқароси орасида *jus connubii* бўлмаса, улардан туғилган бола отасини қонуний фарзанди ҳисобланади.

53. Биз юқорида айтиб ўтганимиздек Рим аёли ва чет фуқароси орасида *jus connubii* бўлмасада, уларнинг фарзандлари чет эл фуқароси ҳисобланади. Бу ҳолат олдиндан Миниций қонуни билан тасдиқланган. Биринчи ҳолатда Миниций қонуни жуда муҳим, акс ҳолда *jus connubii* мавжуд бўлмаган эр-хотинларнинг фарзандлари умумхалқ ҳуқуқи бўйича отасини эмас, онасини меросхўри ҳисобланади.

54. Бу анча илгари тасдиқланган, ҳатто Рим фуқароси ва лотин аёли орасидаги никоҳдан туғилган болалар оналарини йўриғидан юришга мажбурдирлар. Аммо бу ҳолатга Миниций қонуни фақатгина чет эл фуқароларига эмас балки лотин фуқароларига ҳам тегишли қонундир.

55. Аксинча, худди шуларга асосланиб, лотин фуқароси ва Рим аёли ўртасида Элий Сенций қонуни бўйича турмуш қуришса бўладими деган савол туғилади. Айримлар бу никоҳ Элий Сенций ва Юния қонуни бўйича *connubii* асосида тузилганлиги учун улардан туғилган бола лотин фуқароси ҳисобланади. *Connubii*да эса бола доимо отасини меросхўри бўлиб қолади, лекин биз сенатни хотираси шод Адрианга атаб чиқарган қароридан фойдаланамиз, яъни лотин фуқароси ва Рим аёли ўртасида туғилган фарзанд Рим фуқаросидир.

56. Сенатнинг хотираси шод Адрианга атаб чиқарган қарорига кўра лотин ва чет эл фуқаролари никоҳидан туғилган фарзандлар доимо онасини меросхўри ҳисобланади.

57. Шунга асосан, қул ва аёл эркин шахсдан умумхалқ ҳуқуқига кўра қул фарзанд ва аксинча эркин аёл ва қул эркакининг фарзанди эркин фуқаро ҳисобланади.

58. Аммо биз шуни билишимиз керакки, ҳеч бир қонун ва ҳеч бир қарор умумхалқ ҳуқуқи тартибларини ўзгартира олмайди.

59. Шундай қилиб, бегона қул билан хўжайинини рухсатсиз жинсий алоқада бўлган эркин Рим фуқароси Клавдия, ҳомиладор бўлиб қолган, қулни хўжайини билан ўзи эркин

шахслигича қолишига, аммо туғилажак фарзанди қул ҳисобланишига келишиши юқорида айтиб ўтилган сенат қарори-га асосан қонуний ҳисобланган. Аммо кейинчалик император Адриан бу ҳолатни адолатсизлик деб топиб, эркин аёлдан эркин фарзанд туғилади, деган умумхалқ ҳуқуқ тартибини тиклади.

60. Худди шунингдек, лотин қонунига биноан қул аёл ва эркин фуқарони фарзанди эркин шахс деб тан олинган ва яна шу қонунга мувофиқ кимда ким эркин шахс деб ўйлаб, бегона одамнинг қули билан жинсий алоқада бўлган бўлса, улардан туғилган ўғил фарзандлар эркин фуқаро, қиз фарзандлар эса онаси кимни қули бўлса, ўша одамнинг қули ҳисобланган. Аммо бу ҳолатда ҳам хотираси шод Веспасиан юқоридаги қонунни ахлоқсизлик деб топиб, икки жуфтлик орасида туғилган фарзандлар, ҳатто ўғил бола бўлса ҳам уларнинг онаси кимни қули бўлса, фарзандлар ҳам шу одамни қули ҳисобланади деган умумхалқ қонунини чиқарди.

61. Фақатгина ўша қонунни эркин аёл ва қул эркакдан қул фарзанд туғилиши ҳақидаги қисми ўз кучида қолган. Шундай қилиб, ушбу қонун умумхалқ қонуни буйича онани меросхўри бўлган ва шу учун эркин шахс ҳисобланган фуқароларда қўлланилмайди.

62. Шубҳа йўқки, худди ўша ҳолатларда, яъни бола отасини эмас, онанинг меросхўри ҳисобланади ва отаси Рим фуқароси бўлса-да ота ҳукмронлигида бўлмайди, шунинг учун биз юқорида айтиб ўтганимиздек, айрим ҳолатларда яъни, никоҳ хато ва ноқонуний тузилганда, сенат ёрдамга келиб, турмуш нуқсонларини тузатади ва кўп ҳолларда бола ота ҳукмронлигига ўтади.

63. Аммо қул аёл Рим фуқаросидан болани дунёга келтирса-да, бола ота ҳукмронлигига ўтмайди, чунки у ноқонуний туғилган ва ҳатто сенатни ҳам бу алоқаларни қонуний деб кўрсатган қарори йўқ.

64. Аммо табиий талабларга биноан ҳал қилинди яъни, агар қул аёл Рим фуқаросидан ҳомиладор бўлиб туғса, бола эркин шахс ҳисобланади, чунки ноқонуний туғилган болалар туғилган пайтдаги ҳолатини олади. Шунинг учун аёл қул пай-

тида эркин аммо номаълум шахсдан ҳомиладор бўлиб туғса, туғилган фарзанд эркин шахс ҳисобланади.

65. Шунингдек, агар бирон-бир ҳомиладор Рим фуқароси ўз ватанидан ҳайдаб юборилган бўлса, у аёл чет эл фуқаросига айланади, агар бола қонуний никоҳдан туғилган бўлса Рим фуқароси ноқонуний туғилган бўлса чет эл фуқароси деб тан олинади.

66. Худди шунингдек бирон-бир Рим фуқароси ҳомиладор бўлса, сенат қарорига биноан хўжайинининг қаршилигига қармасдан бегона қул билан алоқада бўлган Клавдияга ўхшаб ҳукм чиқарилади. Яъни бола қонуний никоҳдан туғилса Рим фуқароси, агар ноқонуний алоқалардан туғилган бўлса онаси кимнинг қули бўлса, бола ҳам шу одамнинг қули ҳисобланади.

67. Худди шунингдек агар чет эл аёли ноқонуний алоқалардан ҳомиладор бўлиб, кейин Рим фуқаролигини олиб туғса, унда Рим фуқароси туғилади. Агар у чет эл фуқароси билан барча чет эл қонун ва урф-одатларига риоя қилиб фарзанд кўрса, унда сенатнинг Адрианга атаб чиқарган қарорига биноан боланинг отаси Рим фуқароси ҳуқуқини олгандан сўнггина улардан рим фуқароси дунёга келади.

68. Агар бегона одам ва болалари Рим фуқаролиги ҳуқуқини олса, болалар отасининг ҳукмронлигига император болалар учун фойдали томонларини ўрганиб чиққандан кейингина ўтишади. Император айниқса, ҳали туғилмаган ва ёш болалар масаласини виждонан ва чуқурроқ ўрганиб чиқади. Буларнинг барчаси хотираси шод Адрианни эдикти асосида тасдиқланган.

69. Худди шунингдек агар кимдир ҳомиладор хотини билан бирга Рим фуқаролигини олса, улардан туғилган бола юқорида айтиб ўтганимиздек, Рим фуқароси ҳисобланса-да, лекин барибир бола ота ҳукмронлигига ўтмайди ва бу хотираси шод Адриан рескрипти асосида тасдиқланган. Шунинг учун хотинининг ҳомиладорлигини билган эр императордан ўзи ва хотини учун Рим фуқаролигини сўраётганда бирданига бўлажак фарзандини ўз ҳукмронлигига олиш учун ҳуқуқ ҳам талаб қилиши керак.

70. Лотин ҳуқуқи бўйича болалари билан Рим фуқаролигини олган шахсларда бошқача ҳолат, яъни уларни болалари ҳам ота ҳукмронлигида бўлади.

71. Ушбу ҳуқуқ айрим кўп ҳажмда лотин ҳуқуқидан фойдаланиладиган ўзга ер фуқаролари учун тақдим этилган, чунки лотин ҳуқуқи орасида катта ва кичик ўлчамда фарқлар бор. Биринчи шакли *juris Latii*, қачонки юқори мансабдаги шахслар, уларнинг ота-оналари, болалари ва хотини Рим фуқаролиги ҳуқуқини олгандагина содир бўлади. Иккинчи ўринда эса рим фуқаролигини олган умумхалқ ёки юқори мансабдаги шахслар туради ва бу ҳам кўпгина императорлар рескрипти асосида тасдиқланган.

72. Юқоридаги айтганларимиздан кўриниб турибдики, фақатгина ҳақиқий фарзандлар эмас, балки асраб олинган болалар ҳам бизнинг ҳукмронлигимизда бўлишади.

73. Асраб олиш далолатномаси икки усулда ёки халқ ҳукми билан ёки юқори сановник, масала, претор буйруғи билан амалга оширилади.

74. Халқ ҳукми билан фақатгина эркин фуқарони асраб олиш мумкин; бу асраб олиш турига *arrogatio* деб аталади, шунинг учун асраб олаётган одамдан, қонуний ўғил қилиб асраб олишни хоҳлайсанми деб, асраб олинаётган шахсдан розимисан ва халқдан ушбу жараёни тасдиқлайсизларми, деб сўралади. Сановник ҳукми билан эса давлат ҳукмронлигида бўлган шахсни қиз, ўғил кейинчалик набира, абира сифатида асраб олиш мумкин.

75. Асраб олишни биринчи шакли, яъни халқ ёрдамида асраб олиш фақатгина Римда бўлиши мумкин, иккинчи шакли эса қишлоқларда наместник (қишлоқ катталари) иштирокида бўлиб ўтиши мумкин.

76. Аёлларни халқ ҳукми билан асраб олиб бўлмайди. Римда преторлар иштирокида ва қишлоқларда легатлар иштирокида аёлларни асраб олиш мумкин.

77. Худди шунингдек, айрим ҳолатларда халқ ҳукми билан ёш болаларни асраб олиш таъқиқланган, бошқа ҳолатларда мумкин. Ҳозирги вақтда император Антонинни понтификлар номига атаб чиқарган рескрипти асосида, аниқ шароитларда, фақатгина асраб олиш сабаби қонуний бўлса, асраб олишга рухсат берилади. Аммо претор иштирокида, қишлоқларда легатлар иштирокида хоҳлаган ёшдаги одамни асраб олиши мумкин.

78. Асраб олишни иккала хили ҳам умумий, яъни фарзанд кўра олмайдиган шахслар ҳам бола асраб олишлари мумкин.

79. Қарамоғида ҳақиқий боласи бўлмаган аёлларга бола асраб олиш тақиқланган.

80. Худди шунингдек агар кимдир халқ ҳукми, претор ёки қишлоқ катталари иштирокида бола асраб олса, кейинчалик бошқа одамга асраб олиш учун берса бўлади.

81. Таниқли савол; ёши кичик, катта ёшдаги одамни асраб олиши мумкинми? Ушбу савол асраб олишни иккала хилига ҳам тегишлидир.

82. Халқ ҳукми билан асраб олишнинг хусусияти шундаки, агар кимда-ким ҳукмронлигида болалари бўлиб туриб, ўзини бошқа одамга асраб олишга топширса, унда фақат ўзи эмас, балки қарамоғидаги болалари ҳам асраб олаётган шахсни ҳукмронлигига ўтади.

ГЛОССАРИЙ

- actio mixtae** – жавобгарни жазоловчи ва етказилган зарарни қоплайдиган даъво
- actio negatoria** – негатор даъво
- actio prohibitoria** – прогибатор даъво
- actio publiciana** – публициан даъво
- actio** – даъво
- actiones arbitrarie** – арбитраж даъволар
- actiones poenales** – жаримали даъволар
- actiones populares** – барча фуқароларга қўлланиладиган даъволар
- actiones rei persecutorie** – мулкый муносабатларни тиклаш учун даъво
- actions in personam** – шахсий даъволар
- addictio** – мажбур қлиш
- adoptio** – фарзандликка олиш
- adversores** - қасамёд этганлар
- adversaries** – рақиб томон
- advocatus** – оқловчи, адвокат
- aequitas** – адолат
- aestimatio** – баҳолаш
- ager** – ер майдони
- ager publicus** – давлат ер фонди
- agnati proximi** – иккинчи навбат ворислар
- apprehensio** – эгаллаш
- arbitrium** - қарор, ечим, ҳал қилувчи қарор
- ars** – маҳорат, усталик
- articulus** – ёзма буйруқ
- asylum** – бошпана
- auctoritas** – кафилик
- auxillum** – ёрдам, кўмак
- bona fides** – ҳалоллик, инсофлик
- bonus pater familias** – ҳалол ота
- carcer** – зиндон, қамоқхона
- castigatio** – тан жазоси
- causa** – сабаб
- centuria** – юзлик
- civitas** – жамоа
- clients** – тобе, қарам кишилар
- codex** – 12 та китобдан иборат бўлиб Император Андриандан бошлаб император Юстинианга қадар бўлган императорлар фармонлари тўплами
- codex Gregorianus** – Грегорин кодекс
- codex Hermogenianus** – Гермогениан кодекс
- codex Theodosianus** – Феодосия кодекс

- compensatio** – ҳисобга ўтказиш
compromissum – икки томоннинг келишуви
condictiones – шахсий даъволар
conditio – шарт, шароит
conditio sine qua non – зарурий шарт
constitutions – принципат даврида Рим императорларининг фармон-
 лари
contractus aestimatorius – баҳолаш шартномаси
corpus iuris civilis – (фуқаролик қонунлари тўплами)нинг қадимги қў-
 лёзмалари
crimen – жиноят
culpa – эҳтиётсизлик
cura – ҳомий
curator – вакил
damnum – бузиш, яроқсиз ҳолга келтириш
de facto – дарҳақиқат
de iure – ҳуқуқ қондаларига мувофиқ
deminutio – ҳуқуқ лаёқатини камситиш
denegatio actionis – даъвони рад этиш
depositum – омонат сақлаш шартномаси
digesta (Pandectae) – дигестлар
divortium – никоҳдан ажралиш
dolus – атайлаб, қасддан
domicilium – турар жой, маскан
dominium – мулк
dominium ex iure quiritium – квинитлар мулки
edictum perpetuum – абадий эдикт
edictum provinciale – ҳудудий эдиктлар
falsus – сохта
familia – оила
forum – бозор майдон
gentiles – учинчи навбат ворислар
gratis – текин
in corpore – тўлиқ тартибда, тўлиқ ҳайъатда
in flagranti – жиноят устида
in iure, in iudicio – претор, судья олдида
inspectio – кўздан кечириш
institutiones – институциялар
interdictio – тақиқ
interpretatio – талқин, шарҳ
interregnum – подшолик оралири
ipso iure – ҳуқуққа биноан
ius civile – фуқаролик ҳуқуқи

- ius gentium** – халқлар ҳуқуқи
ius naturale – табиий ҳуқуқ
ius praetorium – преторлар ҳуқуқи
ius respondendi – маслаҳат бериш
jus – ҳуқуқ
jussu – буйруқ билан
laesio enormis – баҳоларнинг қўшилиши
legatum – васиятнома мажбурияти
leges regiae – Рим подшоларининг қонунлари
legimus – қонуний
lex – қонун
liberalitas – саховат
locatio-conductio operarum – хизмат кўрсатиш шартномаси
locatio-conductio operis – пудрат шартномаси
locatio-conductio rerum – мулк ижараси шартномаси
magistratus – магистрат, амалдор шахс
mancipatio – тарозибон иштирокида ашёни алмаштириш
mandatum – топшириқ шартномаси
memoria – хотира, ёд
merces – тўлов
ministerium – очиқ-ойдин
modus – ўлчов, чора, тадбир
mora – муддатнинг ўтиб кетиши
mores majorum – ҳуқуқий одат
mutuum – қарз
novellae (leges) – 168 новеллалар, (янги қонунлар), Юстиниан кодексининг 2-чи марта қайтадан ишлаб, янги таҳриридан кейинги қабул қилинган қонунлар
optimo iure – тўлиқ ҳуқуқ билан
oratio principis in senatu habita – сенатдаги император нутқи
ordo equester – чавандозлар, суворийлар табақаси
ordo iudiciorum – суд муҳокамаси
ordo sanatorium – сенаторлар табақаси
pacta legitima – император пактлари
pacta praetoria – претор битимлари
pactum donationis – ҳада бўйича формал бўлмаган келишув
pactum dotis – келиннинг сепи бўйича формал бўлмаган келишув
pactum iurisiurandi – ўз хоҳиши билан келишув
paganus – бутпараст
pater familias – оила бошлиғи
patria potestas – ота ҳукмронлиги
per aes et libram – мис ва тароз воситаси ила битишув
periculum – таваккалчилик

periculum in mora – кечиктириш хавфи
permutatio – алмаштириш
persona – шахс
populus – халқ мажлиси
possessio civilis – фуқаролик эгаллаш
pretium – баҳо
primus inter pares – тенглараро биринчи
receptum arbitrii – ҳакамлик судьяси келишуви
receptum argentariorum – банкир билан келишув
receptur nautarum – кема ҳўжайини билан келишув
regnum – подшоҳлик
regula – қоида, тартиб
rei vindicatio – виндикацион даъво
res extra commercium – фуқаролик муомаласидан чиқарилган ашёлар
res in commercio – фуқаролик муомаласидаги ашёлар
res publicae – провинциал мулк
restitutio in integrum – претор буйруғи ила қайта тиклаш
rex – подшо
rigor iurus – қонун қатъийлиги
rogatio legis – қонуннинг ёзма лойиҳаси
sanctus – муқаддас
satis – етарли
satisfaction – қониқиш
senatus – сенат
senatus consulta – сенат қарори
servitus – қуллик
servitutes personarum – шахсий сервитутлар
servitutes praediorum – ер сервитутлари
servus – қул
sessio – мажлис
societas – ширкат шартномаси
specificatio – ишлаш
sui heredes – биринчи навбат ворислар
testamentum – васиятнома
testis – гувоҳ
traditio – анъана
tutela – васий

МАВЗУНИ ЎРГАНИШДА ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР

Президент асарлари:

1. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. –Т., «Шарқ» 1998. – 167 б.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. –Т., «Маънавият» 2008 – 173 б.

Норматив ҳуқуқий ҳужжатлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Т.: «Ўзбекистон», 2012.
2. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик кодекси. –Т.: «Ўзбекистон», 2003.

Махсус адабиётлар:

1. Косарев А.И. Римское право –М., 1986.
2. Бартошек Милан. Римское право. Понятия, термины, определения. –М., 1989.
3. Новицкий И.Б. Претерский И.С. Римское частное право. Учебник. –М., «Юрист» 1996.
4. Черниловский З.М. Римское частное право –М., «Проспект» 2001.
5. Муҳамедов Ҳ. Хорижий мамлакатлар давлати ва ҳуқуқи тарихи. –Т., «Адолат» 1999.
6. Дождев Д.В. Римское частное право. Учебник. –М., «Юрист» 1996.
7. Уразаев Ш.З. Римское право –Т., «Академия» 2000.
8. Памятники Римского права: Законы XII таблиц, институция Гая, Дигесты Юстиниана. –М., «Юрист» 1997.
9. Эрназаров О.Э., Топилдиев В.Р. Рим фуқаролик ҳуқуқи, Ўқув қўлланма. –Т., «Университет» 2002.
10. Шомухаммедова З. Рим хусусий ҳуқуқи. –Т., «ТДЮИ» 2002.
11. Р.Ўзиев, В.Топилдиев Рим фуқаролик ҳуқуқи. –Т., 2005.
12. В.Р.Топилдиев. Рим ҳуқуқи. –Т., «Университет» 2006.
13. Эрназаров О. Рим ҳуқуқи. «Наманган» 2005.
14. Гарридо Мануэль. Римское частное право: казусы, иски, институты. –М., Статут, 2005.
15. Гай. Институции/Пер. с лат. Ф.Дальского под ред. В.А.Савельева, Л.Л.Кофанова. –М., Юрист, 1997.
16. Покровский И.А. История римского права. –Минск, 2002.
17. Франчози Дж. Институционный курс римского права. –М., Статут, 2004.
18. Л.В.Кружалова. Римское право Санкт-Петербург. –Питер, 2006.
19. <http://FFlawfac.bip.ru/index.html>
20. <http://FFwww.abdn.ac.uk/~law113/FrlFrl.htm>
21. <http://FFwww.fordham.edu/Fhalsall/Fsook-law.html>

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
I-БОБ. РИМ ҲУҚУҚИ ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ	6
1-§. Рим ҳуқуқи тушунчаси ва унинг предмети.....	6
2-§. Рим ҳуқуқининг тарихий даврларга бўлиниши.....	10
3-§. Рим ҳуқуқининг эксплуатацияга асосланган давлатлар ҳуқуқи ривожланишидаги роли.....	11
4-§. Рим ҳуқуқини ўрганишнинг юристлар учун аҳамияти.....	20
II-БОБ. РИМ ҲУҚУҚИНИНГ МАНБАЛАРИ	26
1-§. Рим ҳуқуқининг манбалари тушунчаси.....	26
2-§. Рим юристларининг фаолияти.....	28
3-§. Юстиниан кодификацияси.....	34
III-БОБ. СУД ТИЗИМИ ВА ДАЪВОЛАР ҲАҚИДА ТАЪЛИМОТ	43
1-§. Ҳуқуқни ҳимоя қилиш ва ўзини-ўзи ҳимоя қилиш тушунчаси.....	43
2-§. Ҳуқуқни давлат томонидан ҳимоя қилиниши.....	45
3-§. Легисакцион процесс.....	46
4-§. Формуляр процесс.....	49
5-§. Экстраординар процесс.....	50
6-§. Интердикт ишларни олиб бориш.....	52
7-§. Суд жараёнида суд нотифлиги.....	53
8-§. Ҳуқуқни ҳимоя қилиш ва амалга оширишда вақтнинг таъсири.....	56
9-§. Даъво муддати тушунчаси ва турларга бўлиниши.....	56
IV-БОБ. РИМ ҲУҚУҚИДА ШАХСЛАР	59
1-§. Шахслар тушунчаси.....	59
2-§. Рим фуқароларининг ҳуқуқий ҳолати.....	64
3-§. Лотинлар ва перегринларнинг ҳуқуқий ҳолати.....	66
4-§. Қулларнинг ҳуқуқий ҳолати.....	68
5-§. Озодликка қўйиб юборилган шахсларнинг ҳуқуқий ҳолати.....	72
6-§. Колонларнинг ҳуқуқий ҳолати.....	73
7-§. Юридик шахслар.....	74
8-§. Муассасалар юридик шахс сифатида.....	78
V-БОБ. РИМ ҲУҚУҚИДА ОИЛАВИЙ ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАР	85
1-§. Рим оиласи тушунчаси.....	85
2-§. Никоҳ тушунчаси.....	87
3-§. Эр-хотиннинг шахсий ва мулкый ҳуқуқ ва мажбуриятлари.....	92
4-§. Ота ҳукмронлиги институти.....	94
5-§. Васийлик ва ҳомийлик.....	99
VI-БОБ. РИМ ҲУҚУҚИДА АШЁВИЙ ВА МУЛКИЙ ҲУҚУҚЛАР	102
1-§. Ашёлар тушунчаси ва турлари.....	102
2-§. Эгаллаш тушунчаси ва турлари.....	108
3-§. Эгалик қилиш ва унинг тугатилиши.....	112
4-§. Мулк ҳуқуқи тушунчаси.....	114

5-§. Мулк ҳуқуқининг турлари.....	117
6-§. Ҳусусий мулк ҳуқуқи тушунчаси мазмуни.....	119
7-§. Умумий мулк ҳуқуқи.....	121
8-§. Шартномалар бўйича мулк ҳуқуқининг вужудга келиши.....	123
9-§. Мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш.....	126
VII-БОБ. БОШҚАЛАРНИНГ МУЛКИГА БЎЛГАН ҲУҚУҚ.....	131
1-§. Бошқаларнинг мулкига бўлган ҳуқуқ тушунчаси ва турлари.....	131
2-§. Сервитутлар тушунчаси ва турлари.....	132
3-§. Эмфитевзис тушунчаси.....	135
4-§. Суперфиций тушунчаси.....	136
5-§. Гаров ҳуқуқи.....	137
VIII-БОБ. МАЖБУРИЯТ ҲУҚУҚИ.....	141
1-§. Мажбурият тушунчаси.....	141
2-§. Мажбуриятларнинг турлари.....	143
3-§. Мажбурият муносабатларининг вужудга келиш асослари.....	146
4-§. Мажбурият предмети.....	147
5-§. Мажбуриятларнинг вужудга келишида юридик фактлар.....	149
6-§. Мажбуриятни бажариш жойи тушунчаси ва унинг аҳамияти.....	152
7-§. Мажбуриятни бажариш муддати ва уни кечиктириш.....	153
8-§. Мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш.....	155
IX-БОБ. ШАРТНОМАЛАРНИНГ АЛОҲИДА ТУРЛАРИ.....	160
1-§. Вербал шартномалар.....	160
2-§. Литерал шартномалар.....	162
3-§. Реал шартномалар.....	162
4-§. Консенсуал шартномалар.....	166
5-§. Номсиз шартномалар ва пактлар.....	174
6-§. Шартномаларга ўхшаш ҳаракатлар асосида мажбуриятларнинг келиб чиқиш асослари.....	176
7-§. ҳуқуқни бузиш асосида ва ҳуқуқни бузишга ўхшаш асосда келиб чиқадиган мажбуриятлар.....	179
X-БОБ. ВОРИСЛИК ҲУҚУҚИ.....	184
1-§. Ворислик ҳуқуқи тушунчаси ва турлари.....	184
2-§. XII жадвал қонуни бўйича ворислик.....	189
3-§. Преторлар ҳуқуқи бўйича ворислик.....	190
4-§. Юстиниан қонунлари бўйича ворислик муносабатлари.....	191
5-§. Легатлар ва фидеикомисслар.....	192
6-§. Меросни очиш, қабул қилиш, меросхўрларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш.....	193
ТЕСТ ТОПШИРИҚЛАРИ.....	199
XII ЖАДВАЛ ҚОНУНЛАРИ.....	222
ГАЙ ИНСТИТУЦИЯСИ (Парчалар).....	235
ГЛОССАРИЙ.....	253
МАВЗУНИ ЎРГАНИШДА ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР.....	257

Илмий-услубий нашр

ВОҲИДЖОН ТОПИЛДИЕВ

РИМ ҲУҚУҚИ

Муҳаррир
Нилуфар ЖАББОРОВА

Бадий муҳаррир
Уйғун СОЛИҲОВ

Мусаҳҳиҳ
Дилдора ЖЎРАБЕКОВА

Техник муҳаррир
Сурайё АҲМЕДОВА

Компьютерда саҳифаловчи
Феруза БОТИРОВА

Босишга 27.05.2013 й да рухсат этилди. Бичими 84x108 1/32.

Босма тобоғи 8,125. Шартли босма тобоғи 13,65.

Гарнитура «Times Uzb95». Офсет қоғоз.

Адади 500 нусха. Буюртма № 166.

Баҳоси келишилган нарҳда.

«Янги аср авлоди» НММда тайёрланди.

Лицензия рақами: А1 № 198, 2011 йил 28.08 да берилган.

«Ёшлар матбуоти» босмаҳонасида босилди.

100113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.

Мурожат учун телефонлар:

Нашр бўлими – 278-36-89; Маркетинг бўлими – 128-78-43

факс – 273-00-14; e-mail: yangiasravlod@mail.ru